

# **ИСЛОМИЙ НАФСИЯ АСОСЛАРИ**

**ҲИЗБУТ ТАҲРИР  
НАШРЛАРИДАН**

**1427ҳ - 2006м**

## **Оят таржимасининг маъноси**

Шу нарсa эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида курсив қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷻ - саллаллоҳу алайҳи ва саллам

ﷺ - разияллоҳу анҳу /анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

### Исломий нафсия асослари

Тузатилган ва ўзгартириш киритилган  
ўзбек тилидаги иккинчи нашри

1427 ҳижрий - 2006 милодий йил

## بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

﴿قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ﴿۱﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خٰشِعُونَ ﴿۲﴾ وَالَّذِينَ هُمْ  
عَنِ اللّٰغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿۳﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكٰوةِ فَعِلُونَ ﴿۴﴾ وَالَّذِينَ هُمْ  
لِفُرُوْجِهِمْ حٰفِظُونَ ﴿۵﴾ اِلَّا عَلَىٰ اَزْوَاجِهِمْ اَوْ مَا مَلَكَتْ اَيْمٰنُهُمْ فَاِنَّهُمْ غَيْرُ  
مُلٰوِمِيْنَ ﴿۶﴾ فَمَنْ اَبْتَغٰى وَّرَآءَ ذٰلِكَ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْعٰدُونَ ﴿۷﴾ وَالَّذِينَ هُمْ  
لِآمٰنَتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رٰعُونَ ﴿۸﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلٰوةِهِمْ سٰحٰفِظُونَ ﴿۹﴾  
اُولٰٓئِكَ هُمُ الْوَارِثُونَ ﴿۱۰﴾ الَّذِينَ يَرِثُوْنَ الْاَلْفِرْدَوْسَ هُمْ فِيْهَا خٰلِدُونَ ﴿۱۱﴾﴾

– „Дарҳақиқат мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (қўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир. Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўгирувчи кишилардир. Улар закотни (адо) қилгувчи кишилардир. Улар авратларини (ҳаромдан-зинодан) сақлагувчи кишилардир. Магар ўз жуфти ҳалолларидан ва қўлларидаги чўриларидангина (сақланмайдилар). Бас, улар маломат қилинмаслар. Энди ким шундан ўзгани (яъни, зино ва шу каби Шариати Исломиёда ҳаром қилинган бошқа нарсаларни) истаса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошгувчилардир. Улар (яъни, мўминлар) ўзларига (ишонилган) омонатларга ва (ўзгаларга) берган аҳду паймонларига риоя қилгувчи кишилардир. Улар (барча) намозларини (вақтида адо этиб, қазо бўлишдан) сақлагувчи кишилардир. Ана ўшалар Фирдавс (жаннатига) меросхўр бўлгувчи ворислардир. Улар ўша жойда мангу қолурлар“.

[23:1-11]

## Мундарижа

Кириш оятлари .....	3
Мундарижа .....	4
Муқаддима .....	5
Шариатни ушлашга шошилиш .....	9
Қуръони Карим билан ошно бўлиш .....	19
Аллоҳ ва Расулини яхши куриш .....	25
Худо учун яхши кўриш ва Худо учун ёмон кўриш .....	35
Аллоҳдан ҳам яширин, ҳам ошкора қўрқиш .....	56
Аллоҳдан қўрқиб ва Аллоҳни эслаб йиғлаш .....	67
Аллоҳдан умидвор бўлиш ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик .....	72
Бало келганда сабр қилиш ва қазога рози бўлиш .....	78
Дуо, зикр ва истиғфор .....	91
Аллоҳ Субҳонаҳуга таваккул ва ихлос қилиш .....	100
Ҳақ устида маҳкам туриш .....	107
Мўминларга эгилиш, кофирларга кеккайиш .....	129
<b>Жаннатга шавқ ва яхши амаллар қилишга шошилиш .....</b>	<b>140</b>
Гўзал хулқ эгалари .....	173
1) Гўзал ҳисобланадиган хулқлар .....	175
2) Мазаммат қилинган (қайтарилган) хулқлар .....	200
<b>Сузлашиш одоби .....</b>	<b>258</b>
1) Дарс бериш одоби .....	258
2) Хутба ўқиш одоби .....	266
3) Мунозара одоби .....	268
<b>Одамларнинг бузганини ўнглайдиган ғарибларга жаннат бўлсин .....</b>	<b>276</b>

## Муқаддима

Ҳар бир инсондаги шахсия ақлия ва нафсиядан таркиб топади. Унинг шакли, жисми ва қоматининг бунга алоқаси йўқ бўлиб, пўстлоқдан бошқа нарса эмас. Уларни шахсиянинг омилларидан бири ёки шахсияга таъсир кўрсатади, деб ўйлаш ўта саёзликдир.

Нарса ва ҳодисаларни англаш, бошқачароқ қилиб айтганда, инсоннинг ўзи ишонч ҳосил қилиб, қалби таскин топган бир қоида асосида нарса ва ҳодисалар устидан ҳукм чиқариши ақлиядир. Агар шу қоида Исломиё ақида бўлса, унинг ақлияти ҳам Исломиё бўлади. Исломиё ақида бўлмаса, ақлияти ҳам Исломиё бўлмайди.

Инсоннинг ўзи ишонч ҳосил қилиб, қалби таскин топган бир қоида асосида ўз ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини қондириши нафсиядир. Агар шу қоида Исломиё ақида бўлса, унинг нафсияти ҳам Исломиё бўлади. Агар у бошқа нарса бўлса, нафсияти ҳам бошқача бўлади.

Қайси бир одамда ақлия ва нафсиянинг қойдаси битта бўлса, унинг шахсияти мумтоз ва тартибли бўлади. Агар ундаги ақлия ва нафсиянинг асоси Исломиё ақида бўлса, унинг шахсияти исломиё бўлади. Агар асос бошқа нарса бўлса, шахсияти ҳам бошқача бўлади.

Шунга кўра, ақлиянинг ўзигина Исломиё бўлиб, кишининг шарият ҳукмлари асосида нарса ва ҳодисалар устидан ҳукм чиқариши, ҳалол ва ҳаромни ажратиши, онги ва тафаккури пишиб етилиши, балоғат ва фасоҳат билан гапириши, ҳодисаларни тўғри таҳлил этиши каби ишларнинг ўзи нафсиянинг Исломиё бўлишига кифоя қилмайди. Бунинг учун айни пайтда нафсия ҳам Исломиё бўлиб, шахс ўз ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини Исломиё асосида қондириши, намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериши, ҳаж қилиши, ҳалолни қилиб, ҳаромдан тийилиши, Аллоҳ яхши кўрадиган одамга айланиши, унинг фарзларини адо этиши, Парвардигорига янада яқин бўлиш учун нафл амалларга ҳам ҳарис бўлиши, ҳодисалар қаршисида одил ва холис туриб, яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариши, Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ёмон кўриши, одамларга гўзал хулқ билан муомала қилиши каби вазифаларни адо этиши ҳам лозим бўлади.

Шунингдек, нафсия Исломиё бўлиб, ақлия Исломиё бўлмаса, шахсия Исломиё бўлолмайд. Аллоҳга билмай ибодат қилиш кишини тўғри йўлдан оздириши ҳам мумкин. Дейлик, у ҳаром қилинган кунда рўза тутиши, макруҳ вақтларда намоз ўқиши, жиноятдан қайтариш ўрнига олқишлаши, судхўрлик билан топган пулини Худо йўлида садақа қилиши ва бу билан гуноҳга ботиши, яъни яхши иш қилдим, деб ўйлаб, ёмон ишни қилиши, хуллас, ўз фаризалари ва узвий эҳтиёжларини Аллоҳ ва Пайғамбари буюргандан бошқача тарзда қондириши мумкин.

Алалхусус, кишининг ақлияти исломиё бўлиб, шаръий ҳукмлардан етарли даражада хабардор бўлса ва айни пайтда нафсияти ҳам исломиё бўлиб, билимларини Яратувчиси билан, ўзи билан, бошқалар билан бўлган муносабатларига Аллоҳ яхши кўрадиган ва рози бўладиган тарзда татбиқ этса, унинг шахсияти исломиё бўлиб, тиқилинч оломон ўртасидан ўзининг эзгулик йўлини топа олади ва Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмайди.

Исломиё шахсияга эга бўлиш - камчиликдан холи бўлиш, деган маънони англатмайди. Чунки инсон фаришта эмас. У гуноҳ қилади, орқасидан истиғфор айтиб, тавба қилади. Савоб қилади-да, орқасидан Аллоҳга фазлу марҳамати, ҳидояти учун ҳамд айтади. Аммо бу жузъий камчиликлар шахсияга таъсир этмайди.

Мусулмон киши исломиё маърифатини ошириш билан ўз ақлиятини ривожлантиргани сари ва итоат этишларни кўпайтириш билан ўз нафсиятини кучайтиргани сари бир чўққидан иккинчи чўққи томон юксалиб бораверади. Ана шунда у, ҳам дунёни ва ҳам охиратни қўлга киритади. Бир вақтнинг ўзида у ҳам меҳроб ошноси ва ҳам жиҳод паҳлавонига айланади. Унинг энг буюк сифати Аллоҳ Таолонинг, Яратувчисининг, Бор қилувчисининг бандаси эканидир.

Биз бу китобда умуман, мусулмонлар, хусусан даъватчилар учун исломиё нафсиянинг бир қанча омилларини тақдим этамиз. Токи, **ХАЛИФАЛИК**ни тиклаш учун фаолият кўрсатаётган даъватчининг тили Аллоҳни эслаш билан нам бўлиб, қалби Аллоҳдан тақво қилиш билан обод бўлиб, бошқа аъзолари эзгу ишларни қилишга ошуфта бўлиб турсин, ўзи эса Қуръон ўқиб, унга амал қилсин,

Аллоҳ ва Пайғамбарини яхши кўрсин, Худо учун яхши кўрадиган ва Худо учун ёмон кўрадиган одамга айлансин, Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, азобидан қўрқсин, сабрли, холис, талабчан, Аллоҳга таваккал қиладиган бўлсин, ҳақ устида барқарор бўлсин, мўминларга мулоим, кофирларга қаттиққўл бўлсин, Худонинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасин, хулқи гўзал, тили ширин, ҳужжати бақувват бўлсин, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарсин, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги еру осмонларга тенг бўлган жаннатга кўз тиккани ҳолда дунёдаги амалини бардавом қилсин.

**ХАЛИФАЛИК** давлатини тиклаш билан Исломни ҳаётга қайтариш учун фаолият кўрсатаётган даъватчиларга уларни қамраб олган Аллоҳ ва Пайғамбарининг душманларидан ташкил топган тўдаларни кўрсатиб ўтишни ҳам эътиборимиздан қочирмадик. Ахир улар кеча-кундуз Аллоҳ билан бирга бўлмасалар, қандай қилиб бу оломон орасидан йўл топа оладилар? Қандай қилиб орзу-умидларига эришадилар? Қандай қилиб бир чўққидан иккинчи чўққи сари юксала оладилар? Қандай қилиб? Қандай қилиб?

Ва ниҳоят, даъватчилар мақсадга олиб борувчи йўлни ёритиб берадиган мана бу икки ҳадис хусусида тафаккур қилсинлар:

**Биринчи ҳадис:**

«أَوَّلُ دِينِكُمْ نُبُوَّةٌ وَرَحْمَةٌ ثُمَّ خِلَافَةٌ عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبِيُّ... ثُمَّ تَعُودُ خِلَافَةٌ عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبِيُّ»

«Динингларнинг аввали Пайғамбарлик ва раҳматдир. Кейин эса Пайғамбарлик йўли асосидаги Халифаликдир... Кейин яна Пайғамбарлик йўли асосидаги Халифалик қайтиб келади». Бу ҳадисда Аллоҳнинг изни билан Халифаликнинг қайтиши, Халифалик бўлганда ҳам ўша Пайғамбар ﷺнинг саҳобалари бўлмиш Хулафои Рошидинларнинг халифалигидек қайтиб келиши хусусида суюнчли хабар бор. Ким унинг қайтишига ҳарис, уни кўришга муштоқ бўлса, Пайғамбар ﷺнинг саҳобаларидек ишонч билан ҳаракатини қилиб қолсин.

**Иккинчи ҳадис:**

«إِنَّ اللَّهَ سُبْحَانَهُ قَالَ: مَنْ أَهَانَ لِي وَلِيًّا فَقَدْ بَارَزَنِي فِي الْعِدَاوَةِ, ابْنِ آدَمَ لَنْ تُدْرِكَ مَا عِنْدِي إِلَّا بِأَدَاءِ مَا افْتَرَضْتُهُ عَلَيْكَ, وَلَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالتَّوَافُلِ حَتَّى أُحِبَّهُ, فَأَكُونَ قَلْبُهُ الَّذِي يَعْجَلُ بِهِ, وَلِسَانُهُ الَّذِي يَنْطِقُ بِهِ, وَبَصَرُهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ, فَإِذَا دَعَانِي أُجِبْتُهُ, وَإِذَا سَأَلَنِي أُعْطِيتُهُ, وَإِذَا اسْتَنْصَرَنِي نَصَرْتُهُ, وَأَحَبُّ عِبَادَةِ عَبْدِي إِلَيَّ النَّصِيحَةُ»

«Аллоҳ Субҳонаҳу айтади: «Ким Менинг бир дўстимни хор қилса, Мен билан яккама-якка курашга чиқибди. Эй Одам боласи, сенга фарз қилган вазифаларимни адо қилмагунингча Мендаги нарсага эришолмайсан. Агар бандам нафл амаллар билан Менга қараб яқинлашиб келаверса, бориб-бориб Мен уни яхши кўриб қоламан. Ана шунда Мен унинг англайдиган қалбига, гапирадиган тилига, кўрадиган кўзига айланаман. Менга дуо қилса, ижобат қиламан, сўраса бераман, Мендан нусрат талаб қилса, нусрат бераман. Бандам ибодатининг Мен учун энг севимлиги **насиҳатдир**». Бу ҳадисни Табароний «Кабир»да келтиради.

Мана бу ҳадисда Аллоҳнинг нусрати, ёрдами, мададига олиб борувчи йўл кўрсатиб бериляпти. У ҳам бўлса, Унинг Ўзигагина яқинлашавериш ва Унинг Ўзидангина мадад сўрайверишдир. Ҳақиқий Кучли ва Азиз зот Унинг Ўзидир. У кимни голиб этса, мағлуб бўлмас, мағлуб этса, голиб бўлмас. У бандасига жуда ҳам яқин, дуо қилса, ижобат қилади. У бандалари устидан ҳукмрон, айни пайтда ўта лутфли ва ҳар ишдан хабардордир.

Шундай экан, эй биродарлар, Аллоҳнинг розилигига, мағфиратига, жаннатига, нусратига ва икки дунё муваффақиятига шошилиңлар!

﴿وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَافِسُونَ﴾

– „Бас, баҳслашгувчи - мусобақа қилгувчи кишилар (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) баҳслашсинлар - мусобақа қилсинлар“.

[83:26]

21 зулҳижжа 1424х  
12 феврал 2004м



## Шариатни ушлашга шошилиш

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ﴾

– „Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз! У (жаннат) тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир“ [3:133]

Яна айтади:

﴿إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ أَنْ يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٥٢﴾ وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَخْشَ اللَّهَ

وَيَتَّقِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَائِزُونَ﴾

– „Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи «Эшитдик ва бўйинсундик», демоқдир. Ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига бўйинсунса ва Аллоҳдан қўрқиб, тақво қилса, бас, ана ўшаларгина (бахт-саодатга) эришгувчилардир“. [24:51,52]

Яна айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

– „Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-бужурган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўзлари хоҳлаган ишларини ихтиёр қилишлари жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди“. [33:36]

Яна айтади:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

– „Йўқ, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан

келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.

[4:65]

Яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَائِكَةٌ غُلَاظٌ شِدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ﴾

– „Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни дўзахдан сақлангизки, унинг ўтини одамлар ва тошлардир, у (дўзах)нинг устида қаттиқдил ва қаттиққўл, Аллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, (фақат) ўзларига буюрилган нарсани қиладиган фаришталар турур“.

[66:6]

Яна айтади:

﴿فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنْ اتَّبَعَ هُدَايَ فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿٦٧﴾ وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿٦٨﴾ قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَى وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا ﴿٦٩﴾ قَالَ كَذَلِكَ أَتَتْكَ آيَاتُنَا فَنَسِيتَهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ تُنْسَى﴾

– „Бас, сизларга Мен тарафдан Тўғри Йўл келганида ким Менинг Тўғри Йўлимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг Эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни Қиёмат Кунда кўр ҳолда тирилтирурмиз. У: «Парвардигорим, нега мени кўр қилиб тирилтирдинг, ахир мен кўрар эдим-ку?!» деган эди, (Аллоҳ) айтди: «Шундай. Сенга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз келганида уларни («кўрмадинг»)–унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай «унутилурсан»“.

[20:123-126]

Пайғамбар ﷺ дедилар:

﴿بَادِرُوا بِالْأَعْمَالِ فِتْنًا كَقَطْعِ اللَّيْلِ الْمُظْلَمِ يُصْبِحُ الرَّجُلُ مُؤْمِنًا وَيُمْسِي كَافِرًا، وَيُمْسِي مُؤْمِنًا وَيُصْبِحُ كَافِرًا يَبِيعُ دِينَهُ بَعْرَضٍ مِنَ الدُّنْيَا﴾

«Зулматли тун қоронғуси каби фитналар келишидан олдин амалларга шопилинглар. Бу фитнада киши мўмин ҳолда тонг оттириб, кечга бориб кофир бўлади,

**мўмин ҳолда кеч киритиб, тонгга бориб кофир бўлади, динини арзимас дунё молига сотиб юборади».** Бу ҳадисни Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган.

Мағфират, жаннат ва солиҳ амалларга шошилганлар Пайғамбар ﷺ замонида ҳам, кейинги асрларда ҳам кўп бўлган. Умнат ҳамон Раббиларига лаббай деб, Унинг розилиги йўлида жонларини нисор этишга ошиқадиган чин мўминларни етиштириб бермоқда. Улардан айримларини айтиб ўтамыз.

• Жобирнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди келади:

«**قَالَ رَجُلٌ لِلنَّبِيِّ ﷺ يَوْمَ أُحُدٍ: أَرَأَيْتَ إِنْ قُتِلْتُ فَأَيْنَ أَنَا؟ قَالَ: فِي الْجَنَّةِ فَأَلْفَى تَمَرَاتٍ فِي يَدِهِ ثُمَّ قَاتَلَ حَتَّى قُتِلَ**»

«Уҳуд жангида бир киши Пайғамбар ﷺ дан: «Мен ўлдирилсам қаерда бўламан?», деб сўради. У киши: «Жаннатда», деб жавоб бердилар. Ҳалиги киши қўлидаги хурмоларни отиб юбориб, то ўлдирилгунига қадар жанг қилди».

• Муслимда Анасининг ҳадиси келади:

«**فَانْطَلَقَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَأَصْحَابُهُ حَتَّى سَبَقُوا الْمُشْرِكِينَ إِلَى بَدْرٍ وَجَاءَ الْمُشْرِكُونَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: قَوْمُوا إِلَى جَنَّةِ عَرْضِهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ، قَالَ يَقُولُ عَمِيرُ بْنُ الْحُمَامِ الْأَنْصَارِيُّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ جَنَّةٌ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ بَخٍ بَخٍ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا يَحْمِلُكَ عَلَى قَوْلِكَ بَخٍ بَخٍ؟ قَالَ: لَا وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِلَّا رَجَاءَ أَنْ أَكُونَ مِنْ أَهْلِهَا، قَالَ فَإِنَّكَ مِنْ أَهْلِهَا، فَأَخْرَجَ تَمَرَاتٍ مِنْ قَرْنِهِ فَجَعَلَ يَأْكُلُ مِنْهُنَّ، ثُمَّ قَالَ: لَنْ أَنَا حَيِّتُ حَتَّى أَكُلَ تَمَرَاتِي هَذِهِ إِنَّهَا لَحَيَاةٌ طَوِيلَةٌ، قَالَ: فَرَمَى بِمَا كَانَ مَعَهُ مِنَ التَّمْرِ، ثُمَّ قَاتَلَهُمْ حَتَّى قُتِلَ**»

«Бадрга аввал Пайғамбар ﷺ ва саҳобалари, кейин мушриклар келишди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Кенглиги еру осмонларча бўлган жаннатга туринглар», дедилар. Бунни эшитган Умайр ибн Ҳаммом Ансорий: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, кенглиги еру осмонларча

жаннат дедингизми?», деб сўради. Расул ﷺ: «Ҳа», дедилар. У «Оҳ, оҳ», деб юборди. Пайгамбар ﷺ: «Нимага оҳ, оҳ, деяпсан?», дедилар. У: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам уша жаннат аҳлидан бўлиш умидида шундай деяпман», деди. Расул ﷺ: «Албатта сен унинг аҳлидансан», дедилар. Бу гапни эшитган Умайр дарҳол қўйнидан хурмоларни чиқариб, улардан ея бошладиди: «Агар мен шу хурмоларни еб бўлгунимга қадар яшайдиган бўлсам, бу ҳаёт менга анча узунлик қилади» деб, хурмоларни отиб юбориб, то ўлдирилгунига қадар жанг қилди».

• Анасининг мутгафақун алайҳ ҳадисида келади:

«غَابَ عَمِّي أَنَسُ بْنُ النَّضْرِ عَنْ قِتَالِ بَدْرٍ، فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ غَبْتُ عَنْ أَوَّلِ قِتَالٍ قَاتَلْتَ الْمُشْرِكِينَ، لِنِ الْوَالِدِ أَشْهَدَنِي قِتَالَ الْمُشْرِكِينَ، لَيْرَيْنَ اللَّهُ مَا أَصْنَعُ، فَلَمَّا كَانَ يَوْمَ أُحُدٍ، وَانْكَشَفَ الْمُسْلِمُونَ، قَالَ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعْتَدُ إِلَيْكَ مِمَّا صَنَعَ هَؤُلَاءِ يَعْنِي الصَّحَابَةَ وَأَبْرَأُ إِلَيْكَ مِمَّا صَنَعَ هَؤُلَاءِ يَعْنِي الْمُشْرِكِينَ، ثُمَّ تَقَدَّمَ فَاسْتَقْبَلَهُ سَعْدُ بْنُ مُعَاذٍ، فَقَالَ: يَا سَعْدُ بْنُ مُعَاذِ الْجَنَّةِ وَرَبِّ النَّضْرِ إِنِّي أَجِدُ رِيحَهَا مِنْ دُونِ أُحُدٍ، قَالَ سَعْدٌ فَمَا اسْتَطَعْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا صَنَعَ، قَالَ أَنَسٌ: فَوَجَدْنَا بِهِ بَصْعًا وَثَمَانِينَ ضَرْبَةً بِالسَّيْفِ أَوْ طَعْنَةً بِرُمْحٍ أَوْ رَمِيَّةً بِسَهْمٍ، وَوَجَدْنَاهُ قَدْ قُتِلَ، وَقَدْ مَثَلَ بِهِ الْمُشْرِكُونَ، فَمَا عَرَفَهُ أَحَدٌ إِلَّا أَخْتَهُ بِنَانَهُ»

«Амаким Анас ибн Назр Бадр жангида қатнаша олмади ва: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, сизнинг мушриклар билан қилган биринчи жангингизда бўлмадим. Агар Аллоҳ менга мушриклар билан жанг қилишни насиб этса, нималар қила олишимни Аллоҳим бир кўрсатиб қўярди», деди. Уҳуд кунида мусулмонлар чекингач, у: «Эй Аллоҳим, мен мана буларнинг (саҳобаларнинг) қилаётган ишидан Сендан узр сўрайман, анавиларнинг (мушрикларнинг) ишидан ўзимни пок тутаман», деди-да, олдинга қараб юрди. Унга Саъд ибн Муоз рўбарў келди. У: «Эй Саъд ибн Муоз, Назрнинг Раббисига қасамки, мен Уҳуд

тарафидан жаннатнинг буйларини искаётирман», деди. Кейинчалик Саъд айтади: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, мен у қилган ишни қилолмадим». Ровийнинг айтишича, унинг баданида саксондан кўп қилич, найза, камон ўқи зарбалари топилган. Уни ўлдирилган ҳолда топдик, мушриклар уни мусла қилган эдилар. Уни фақат синглиси бармоқларидан таниди». Ровий: «Мана бу оят у ва унга ўхшаганлар хусусида нозил бўлган бўлса керак, деб ўйлардик», дейди:

﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ﴾

– „Мўминлар орасида ўзларни Аллоҳга берган (У зотнинг Йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир“. [33:23]

• Бухорий Абу Суруъадан ривоят қилади:

«صَلَّيْتُ وَرَاءَ النَّبِيِّ ﷺ بِالْمَدِينَةِ الْعَصْرَ فَسَلَّمْتُ، ثُمَّ قَامَ مُسْرِعًا، فَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ إِلَى بَعْضِ حُجَرِ نِسَائِهِ، فَفَزِعَ النَّاسُ مِنْ سُرْعَتِهِ، فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ، فَرَأَى أَنَّهُمْ عَجِبُوا مِنْ سُرْعَتِهِ فَقَالَ: ذَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تَبَرٍّ عِنْدَنَا، فَكَرِهْتُ أَنْ يَحْسِبَنِي، فَأَمَرْتُ بِقِسْمَتِهِ»

«Мадинада аср намозини Пайгамбар ﷺнинг орқаларида ўқиган эдим. У киши салом бердилар-да, шошиб туриб, одамларнинг елкаларидан хатлаб ўтиб, аёлларидан бирининг ҳужрасига кириб кетдилар. Одамлар у кичининг шошганларидан чўчиб кетдилар. Қайтиб чиқиб, одамларнинг ўзларининг шошганларидан ажабланиб турганларини кўриб: «Уйимиздаги бир бўлак олтин эсимга тушиб кетди, уни ушлаб туришни маъқул кўрмай, тақсимлаб юборишларини буюриб чиқдим», дедилар». Бухорийнинг яна бир ривоятида:

«كُنْتُ خَلَفْتُ فِي الْبَيْتِ تَبْرًا مِنَ الصَّدَقَةِ، فَكَرِهْتُ أَنْ أَبِيئَهُ»

«Уйда садақадан бир бўлак олтинни қолдирган эдим, унинг тун бўйи уйда қолишини кареҳ кўрдим», дедилар. Бу нарса мусулмонларни Аллоҳ буюрган ишларни шошилиб, ошиқиб қилишга ундайди.

- Бухорий Бароъдан ривоят қилади:

«لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ صَلَّى نَحْوَ بَيْتِ الْمَقْدِسِ سِتَّةَ عَشَرَ أَوْ سَبْعَةَ عَشَرَ شَهْرًا وَكَانَ يُحِبُّ أَنْ يُوجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى ﴿قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا﴾ فَوَجَّهَ نَحْوَ الْكَعْبَةِ وَصَلَّى مَعَهُ رَجُلٌ الْعَصْرَ ثُمَّ خَرَجَ فَمَرَّ عَلَى قَوْمٍ مِنَ الْأَنْصَارِ فَقَالَ هُوَ يَشْهَدُ أَنَّهُ صَلَّى مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَّهُ قَدْ وَجَّهَ إِلَى الْكَعْبَةِ فَأُحْرَفُوا وَهُمْ رُكُوعٌ فِي صَلَاةِ الْعَصْرِ»

«Пайгамбар ﷺ Мадинага келгач, ун олти ёки ун етти ой мобайнида Байтул Мақдисга қараб намоз ўқидилар. Ўзлари Каъба тарафига юзланишни хоҳлардилар. Кейин Аллоҳ Таоло: *«Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз»* [2:144] оятини нозил қилди. У киши аср намозида туриб, Каъба тарафига юзландилар. Бир одам Пайгамбар ﷺ билан бирга намоз ўқиди. Ўша одам ансорларнинг бир қавми ёнидан утаётиб, Пайгамбар ﷺнинг намозда туриб, Каъбага юзланганлари ва у ҳам аср намозидаги рукуъда туриб бурилгани хусусида гувоҳлик бериб гапирди».

- Бухорий ибн Абу Авфодан ривоят қилади:

«أَصَابَتْنَا مَجَاعَةٌ لِيَالِي خَيْبَرَ فَلَمَّا كَانَ يَوْمَ خَيْبَرَ وَقَعْنَا فِي الْحُمْرِ الْأَهْلِيَّةِ فَانْتَحَرْنَاهَا فَلَمَّا غَلَّتِ الْقُدُورُ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْفَمُوا الْقُدُورَ فَلَا تَطْعَمُوا مِنْ لُحُومِ الْحُمْرِ شَيْئًا قَالَ عَبْدُ اللَّهِ فَقُلْنَا إِنَّمَا نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَنَّهَا لَمْ تُخَمَّسْ قَالَ وَقَالَ آخَرُونَ حَرَّمَهَا أَلْبَتَّةَ وَسَأَلْتُ سَعِيدَ بْنَ جُبَيْرٍ فَقَالَ حَرَّمَهَا أَلْبَتَّةَ»

«Хайбар кечаларида очликка учрадик. Хайбар куни келгач, уй эшакларига дуч келиб, уларни сўйдик. Қозонлар қайнагач, Пайгамбар ﷺнинг жарчиси келиб, қозонлардан тийилинглар, эшак гўштларидан тановул қилманглар, деб жар солди. Абдуллоҳ айтади: «Биз

Пайгамбар ﷺ беш булакка бўлинмагани учун қайтардилар», дедик. Бошқалар эса: «Аниқ ҳаром қилдилар», дейишди. Саъид ибн Жубайрдан сўраган эдик: «Аниқ ҳаром қилдилар», деди».

• Бухорий Анас ибн Моликдан ривоят қилади:

«كُنْتُ أَسْقِي أَبَا طَلْحَةَ الْأَنْصَارِيَّ وَأَبَا عُبَيْدَةَ بْنَ الْجَرَّاحِ وَأَبِيَّ بْنَ كَعْبٍ شَرَابًا مِنْ فُضِيخٍ وَهُوَ تَمْرٌ فَجَاءَهُمْ آتٌ فَقَالَ إِنَّ الْخَمْرَ قَدْ حُرِّمَتْ فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ يَا أَنَسُ قُمْ إِلَى هَذِهِ الْجَرَارِ فَاسْكِرْهَا قَالَ أَنَسُ فَقُمْتُ إِلَى مَهْرَاسٍ لَنَا فَضَرَبْتَهَا بِأَسْفَلِهِ حَتَّى انْكَسَرَتْ»

«Мен Абу Талҳа Ансорий, Абу Убайда ибн Жарроҳ ва Убай ибн Каъбга хурмо шаробидан қуйиб бериб турган эдим. Бир киши келиб, ароқ ҳаром қилинди дейиши билан Абу Талҳа: «Эй Анас, тур, анави кўзани синдир», деди. Мен туриб, ўзимизнинг бир ҳовончамизнинг остига урган эдим, у синди».

• Бухорий Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилади:

«وَبَلَّغْنَا أَنَّهُ لَمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يَرُدُّوا إِلَى الْمُشْرِكِينَ مَا أَنْفَقُوا عَلَى مَنْ هَاجَرَ مِنْ أَرْوَاجِهِمْ وَحَكَمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ أَنْ لَا يَمَسُّكُوا بَعْضَ الْكُوفَرِ أَنْ عَمَرَ طَلَّقَ امْرَأَتَيْنِ»

«Аллоҳ Таоло мушрикларнинг ҳижрат қилган завжаларига сарфлаган молларини қайтариб бериш хусусидаги оятини нозил қилиб, мусулмонларга кофирларнинг билакларини ушламасликни ҳукм қилгач, Умарнинг икки хотинини талоқ қилгани хусусидаги хабар бизга етиб келди».

• Бухорий Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилади:

«يَرَحِمُ اللَّهُ نِسَاءَ الْمُهَاجِرَاتِ الْأُولَى، لَمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ ﴿وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَى جُيُوبِهِنَّ﴾ شَقَقْنَ مُرُوطَهُنَّ فَاخْتَمَرْنَ بِهَا»

«Дастлабки муҳожир аёлларни Аллоҳ раҳматига олсин, улар Аллоҳ Таолонинг «Кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар», [24:31] ояти нозил бўлиши билан чопонларини қирқиб, рўмол қилиб олдилар».

• Абу Довуд Шайбанинг қизи Сафийядан, у Оиша ﷺ дан ривоят қилади:

«أَنَّهَا ذَكَرَتْ نِسَاءَ الْأَنْصَارِ فَأَثْنَتْ عَلَيْهِنَّ وَقَالَتْ لَهُنَّ مَعْرُوفًا، وَقَالَتْ لَمَّا نَزَلَتْ سُورَةُ الثَّوْرِ عَمِدَنَ إِلَى حُجُوزٍ فَشَقَّقْنَهُنَّ فَاتَّخَذْنَهُ خُمْرًا»

«Оиша ﷺ ансор аёлларини эсга олиб, уларни мақтаб, улар ҳақида илиқ гаплар айтиб: «**«Нур»** сураси нозил бўлганида этакларини қирқиб, румол қилиб олгандилар», дедилар».

• Ибн Исҳоқ айтади: «Ашъас ибн Қайс Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига Кинда вакиллари орасида келди. Зухрийнинг айтишича, у Кинда қабиласидан 80та отлиқ билан келиб, масжидга - Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига кириб келдилар. Улар сочларини силлиқ қилиб тараб олган, сурмалар суртган бўлишиб, эгниларида йўл-йўл чопонлар ва уларга ипакдан ёқа тикилган эди. Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига киришгач, у зот уларга:

«أَلَمْ تُسَلِّمُوا؟»

«**Мусулмон бўлмадингларми?**», деган эдилар, улар «Бўлдик», деб жавоб беришди. Шунда Расул ﷺ:

«فَمَا بَالُ هَذَا الْحَرِيرِ فِي أَعْنَاقِكُمْ؟»

«**Унда бўйинларингиздаги бу ипакка бало борми?**», деган эдилар, дарҳол уни қирқиб олиб, улоқтирдилар».

• Ибн Жарир Абу Бурайдадан, у эса отасидан ривоят қилади: «Биз уч, тўрт киши бўлиб қумлоқда бир кўзадаги ароқни ичиб ўтирган эдик. Мен туриб Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига бориб, салом беришимни биламан, ароқни ҳаром қилувчи оят:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾ إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَعَنِ الصَّلَاةِ فَهَلْ أَنْتُمْ مُنْتَهُونَ»

– „Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), тиклаб қўйилган бутлар (яъни, уларга



сигиниш) ва чўплар (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, уларнинг ҳар бирдан узоқ бўлингиз, шояд нажот топсангиз! Ароқ, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар!“, [5:90,91] нозил бўлди. Дарҳол дўстларимнинг олдига келиб, ҳар иккала оятни ўқиб бердим. Айримларининг қўлида шароби бўлиб, ярмини ичган, ярми эса идишда, идишлар худди туя тишламаслиги учун унинг оғзига солиб қўйиладиган нарсасидек тепа лаби остида эди. Кейин улар кўзаларидаги шаробларни тўкиб юбордилар-да: «Тўхтадик, Раббимиз, тўхтадик», дейишди».

• Ҳанзала ибн Абу Омир (бу зотни фаришталар гусл қилдирганди) Уҳуд жангига чорловчи чақириқни эшитиб, шошиб чиқиб кетди-да, Уҳуд кунда шаҳид бўлди. Ибн Исҳоқнинг айтишича, Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ صَاحِبَكُمْ لَتُغَسِّلَهُ الْمَلَائِكَةُ فَاَسْأَلُوا أَهْلَهُ مَا شَأْنُهُ؟»

«Мана бу дўстингларни фаришталар гусл қилдирыпти, оиласидан сўрангларчи, нима гап экан?», дедилар. Аёлидан сўрашган эди, унинг ўша кеча куёв бўлганлиги маълум бўлди. Чақириқни эшитгач, жунуб ҳолда чиқиб кетган экан. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«كَذَلِكَ غَسَلَتْهُ الْمَلَائِكَةُ»

«Шунинг учун ҳам уни фаришталар гусл қилдирган эканлар-да», деб қўйдилар.

• Имом Аҳмад Рофеъ ибн Хадиждан ривоят қилади:

«كُنَّا نَحَاقِلُ بِالْأَرْضِ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتُكْرِمُهَا بِالثَّلْثِ وَالرُّبْعِ وَالطَّعَامِ الْمُسَمَّى فَبَجَاءَنَا ذَاتَ يَوْمٍ رَجُلٌ مِنْ عُمُومَتِي فَقَالَ نَهَانَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ أَمْرٍ كَانَ لَنَا نَافِعًا وَطَاعَةَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ أَنْفَعُ لَنَا نَهَانًا أَنْ نَحَاقِلَ بِالْأَرْضِ فَتُكْرِمُهَا عَلَى الثَّلْثِ وَالرُّبْعِ وَالطَّعَامِ الْمُسَمَّى وَأَمَرَ رَبَّ الْأَرْضِ أَنْ يَزْرِعَهَا أَوْ يُزْرِعَهَا وَكَرِهَ كِرَاءَهَا وَمَا سَوَى ذَلِكَ»

«Биз Пайғамбар ﷺнинг даврларида ғаллани ўриб олинмаган ҳолда, кўклигича сотардик, ерни учдан бир,

тўртдан бир ва муайян озуқа эвазига ижарага берардик. Бир кун амакиваччаларимдан бири келиб: «Пайгамбар ﷺ бизни биз учун фойдали бўлган бир ишдан қайтардилар, Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоат этиш биз учун фойдалироқдир, бизни ғаллани ўриб олинмаган ҳолда, куклигича сотишдан, ерни учдан бир, тўртдан бир ва муайян озуқа эвазига ижарага беришдан қайтариб, ер эгасини экин экиш ёки эктиришга буюрдилар», деди».

## Қуръони Карим билан ошно бўлиш

Қуръони Карим Аллоҳ Субҳонаҳунинг каломидир. Уни Жаброил عليه السلام ваҳий орқали Муҳаммад صلى الله عليه وسلمга Аллоҳ тарафидан олиб келган. Унинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳникидир. Унинг тиловати билан ибодат қилинади. У мўъжиза, бизга тавотур йўли билан нақл қилингандир.

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَتْرِيلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

– „Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни, Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду сано Эгаси томонидан нозил қилингандир“.

[41:42]

У Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоятидадир:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

– „Албатта бу Эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз“.[15:9]  
У билан жонлар озуқаланади, диллар таскин топади, одамлар зулматлардан нурга - Раббиларининг изни билан Азиз ва Ҳамийд зотнинг йўлига ўтиб оладилар, у билан сўзлаган рост сўзлар, у билан ҳукм қилган адолат қилар, унга амал қилган муваффақият қозонар, унга даъват қилган тўғри йўлга бошловчидир.

У - мусулмоннинг ҳамроҳи, даъватчининг қуроли. У билан қалблар обод, билаклар бақувват. Уни кўтариб юрган киши тоғдек мустаҳкам бўлиб, унинг наздида дунё арзимас нарса бўлиб қолади, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақ гапни гапириб, Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмайди. Енгиллигидан андак шамолга ҳам учиб юрган нарса у билан Аллоҳнинг наздида Уҳуд тоғидан ҳам оғирроқ бўлиб қолади. Чунки у Қуръонни тиловат қилади, тили Қуръон билан намдир, бармоқлари унга гувоҳдир. Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг саҳобалари ана шундай эдилар. Улар гўё тирик Қуръон эдилар. Уни маромига етказиб тиловат қилардилар, оятлари хусусида фикр юритардилар, унга ўзлари амал қилардилар, бошқаларни даъват этардилар, азоб оятларидан титраб-қақшар, раҳмат оятларидан диллари яйрарди, унинг

ҳукмларию ҳикматига таслим бўлиб, буюклигию мўъжизавийлигидан хушӯ билан кўзлари ёшга тўларди. Пайғамбар ﷺ дан қабул қилиб олганлари заҳоти унинг оятлари дилларнинг туб-тубидан жой оларди. Шунинг учун ҳам улар азизу мукаррам, бахтиёру музаффар бўлдилар. Пайғамбар ﷺ дан ажралиб қолганларидан кейин ҳам у кишининг васиятларига амал қилиб, Қуръон билан дўстлашишда давом этдилар. Ҳофизи Қуръонлар амри маъруф ва наҳий мункарда, ҳар бир эзгу ишда энг олдинги сафда бўлиб, Аллоҳ йўлидаги машаққатларга биринчи бўлиб дуч келардилар.

Умуман мусулмонлар, хусусан, даъватчилар учун Қуръон доимий ҳамроҳга, дилларнинг қувончига айлансин. Уларни ҳар бир эзгуликка бошлаб, юксак-юксакларга олиб чиқсин. Тиловат қилибми, ёд олибми, амал қилибми, ишқилиб, уни кечаю кундуз ёнларидан узоқлаштирмасинлар. Ана шунда улар ҳақли тарзда энг яхши ажоднинг энг яхши авлодига айланадилар.

Қуйида биз сизларга Қуръоннинг нозил бўлиши, уни ёд олиш, у билан ҳидоятланиш, тиловатининг фазли ва ундаги кўп фойдалар хусусидаги ояти карималар ва ҳадиси шарифларни келтирамыз:

﴿نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴿۱۹۹﴾ عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), сиз (охират азобидан) огоҳлантирувчи бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни, Қуръонни) Руҳул-Амин (Жаброил) нозил қилди“, [26:193,194]

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

– „Албатта бу Эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз“, [15:9]

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَرْجُلٌ مِنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

– „Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни, Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду сано Эгаси томонидан нозил қилингандир“, [41:42]

﴿إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا﴾

– „Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қиладиган мўминларга катта ажр-мукофот борлигини(нг) хушхабар(ини) берур“, [17:9]

﴿قَدْ جَاءَكُمْ رَسُولُنَا يُبَيِّنُ لَكُمْ كَثِيرًا مِّمَّا كُنْتُمْ تُخْفُونَ مِنَ الْكِتَابِ وَيَعْفُو عَنْ كَثِيرٍ قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُبِينٌ ﴿١٠﴾ يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ سُبُلَ السَّلَامِ وَيُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِهِ وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

– „Эй аҳли Китоб, мана, элчимиз (Муҳаммад алайҳис-салом) сизлар Китобингиз (Таврот, Инжил) орасидан яшириб келган (у зотнинг Пайғамбар бўлишлари ва яна бошқа зарур масалалар хусусидаги) кўп нарсаларни сизларга баён этган ҳолда (фақат сизларнинг сирларингизни очиб, шарманда қилиш учунгина ишлайдиган) кўп нарсаларни эса (баён қилмасдан) тарк этган ҳолда келди. Сизларга Аллоҳ тарафидан Нур ва Очиқ Китоб келдики, Аллоҳ у сабабли Ўзининг ризолигига эргашган зотларни нажот - омонлик йўлларига ҳидоят қилур ва Ўзи изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур“, [5:15,16]

﴿كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ إِلَى صِرَاطٍ الْعَزِيزِ الْحَمِيدِ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, бу Қуръон) сиз одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга - қудрат ва ҳамду сано Эгаси бўлган Зотнинг Йўлига - олиб чиқишингиз учун Биз сизга нозил қилган Китобдир“, [14:1]

﴿أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ﴾

– „... қалблари Аллоҳни зикр қилиш-эслаш билан ором олади...“, [13:28]

﴿أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا﴾

– „Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?!  
Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда  
кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?!“ [4:82]

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ»

«Сизларнинг энг яхшиинглар Қуръонни урганиб,  
ўргатганинглари». Бу ҳадисни Бухорий Усмон ибн  
Аффондан ривоят қилган.

«مَنْ قَرَأَ حَرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا لَا أَقُولُ الْم  
حَرْفٌ، وَلَكِنْ أَلِفٌ حَرْفٌ، وَلَا مٌ حَرْفٌ، وَمِمْ حَرْفٌ»

«Кимки Аллоҳнинг Китобидан бир ҳарф уқиса, унга  
бир яхшилик бўлур ва бу яхшилик ўзининг ўн баробар  
миқдорича бўлур. Мен Алиф Лом Мим бир ҳарф  
деяётганим йўқ, алиф бир ҳарф, лом бир ҳарф, мим  
бир ҳарф, деяпман». Бу ҳадисни Термизий Абдуллоҳ ибн  
Масъуддан ривоят қилган ва у саҳиҳ ҳадисдир.

«الْمَاهِرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَّةِ، وَالَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ وَيَسْتَعْمِعُ فِيهِ وَهُوَ  
عَلَيْهِ شَاقٌّ لَهُ أَجْرَانِ»

«Қуръон соҳасида моҳир киши улғ, итоатли  
мирзолар билан бирга бўлур. Қуръон уқишда  
қийналганидан тутилиб қоладиган киши учун икки  
ажр бордир». Бу ҳадисни Муслим Оиша ﷺдан ривоят  
қилган.

«إِنَّ الَّذِي لَيْسَ فِي جَوْفِهِ شَيْءٌ مِنَ الْقُرْآنِ كَأَلْبَيْتِ الْحَرَبِ»

«Қорнида Қуръондан ҳеч нарса бўлмаган кимса  
харобага айланган уй кабидир». Бу ҳадисни Термизий  
ривоят қилган ва саҳиҳ деган.

«افْرءُوا الْقُرْآنَ فَإِنَّهُ يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ شَفِيعًا لَصَاحِبِهِ»

«Қуръон уқинглар. Чунки у Қиёмат кунида эгасига  
шафоатгўй бўлиб келади». Бу ҳадисни Муслим Абу  
Умома Боҳилий ﷺдан ривоят қилган.

«الْقُرْآنُ شَافِعٌ مُشَفِّعٌ، وَمَا حِلٌّ مُصَدِّقٌ، مَنْ جَعَلَهُ أَمَامَهُ قَادَهُ إِلَى الْجَنَّةِ وَمَنْ جَعَلَهُ خَلْفَهُ سَاقَهُ إِلَى النَّارِ»

«Қуръон шафоат қилувчи ҳомий ва тасдиқланган қўриқчидир. Ким уни ўзидан олдинга ўтказса, уни жаннатга бошлаб боради, ким уни ўзидан ортда қолдирса, уни дўзахга ҳайдаб боради». Бу ҳадисни ибн Ҳиббон Жобир ибн Абдуллоҳдан, Байҳақий эса ҳам Жобир, ҳам ибн Масъуддан ривоят қилган ва у саҳиҳ ҳадисдир.

«إِنَّ اللَّهَ يَرَفَعُ بِهَذَا الْكِتَابِ أَقْوَامًا وَيَضَعُ بِهِ الْآخَرِينَ»

«Албатта Аллоҳ бу Китоб билан бир қанча қавмларни юксалтиради, бошқаларни эса пастлатади». Муслим ривояти.

«يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ أَقْرَأُ وَارْتَقَى وَرَتَّلَ كَمَا كُنْتَ تُرْتَلُ فِي الدُّنْيَا، فَإِنَّ مَنْزِلَتَكَ عِنْدَ آخِرِ آيَةٍ تَقْرَأُهَا»

«Қуръон соҳибига: «Дунёда ўқиганингдек Қуръонни қироат билан ўқи ва юксал, чунки сенинг мақоминг охирги ўқиган оятинг даражасида бўлади», дейилади». Бу ҳадисни Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

«اقْرَأُوا الْقُرْآنَ وَاعْمَلُوا بِهِ وَلَا تَجْفُوا عَنْهُ وَلَا تَغْلُوا فِيهِ وَلَا تَأْكُلُوا وَلَا تَسْتَكْبِرُوا»

«به»

«Қуръон ўқинглар, унга амал қилинглар, ундан бегоналашманглар, унинг борасида ҳаддан ошманглар, у билан тирикчилик ўтказманглар ва бойиманглар». Бу ҳадисни Аҳмад, Табароний ва бошқалар Абдурраҳмон ибн Шиблдан ривоят қилган ва у саҳиҳ ҳадисдир.

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الْأَثْرَجَةِ طَعْمُهَا طَيِّبٌ وَرِيحُهَا طَيِّبٌ، وَمَثَلُ الْمُؤْمِنِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ التَّمْرَةِ طَعْمُهَا طَيِّبٌ وَلَا رِيحَ لَهَا، وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي يَقْرَأُ الْقُرْآنَ مَثَلُ الرَّيْحَانَةِ رِيحُهَا طَيِّبٌ وَطَعْمُهَا مُرٌّ، وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ الَّذِي لَا يَقْرَأُ الْقُرْآنَ كَمَثَلِ الْحَنْظَلَةِ طَعْمُهَا مُرٌّ وَلَا رِيحَ لَهَا»

«Қуръон ўқийдиган мўмин, таъми ҳам, бўйи ҳам ширин утружжа мевасига ўхшайди. Қуръон

**ўқимайдиган мўмин, таъми ширину, ҳиди йўқ хурмога ўхшайди. Қуръон ўқийдиган мунофиқ, бўйи ширину, таъми аччиқ райҳонга ўхшайди. Қуръон ўқимайдиган мунофиқ, таъми ҳам аччиқ, ҳиди ҳам аччиқ ҳанзалага ўхшайди».** Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоят қилганлар.

«تَعَاهَدُوا الْقُرْآنَ فَوَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَهُوَ أَشَدُّ تَفَلُّتًا مِنَ الْإِبِلِ فِي عُقْلِهَا»

**«Қуръонни ўзингларга ўргатиб олинглар. Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида булган зотга қасамки, у боғланган туядан ҳам қочоқроқ бўлади».** Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Абу Мусо ал-Ашъарийдан ривоят қилганлар.

Хулоса шуки, айтиб ўтилган ояти карима ва ҳадиси шарифлар Қуръони Каримнинг буюк мартабасини, уни кўтариб юрган кишининг юксак мақомини кўрсатиб бераётир. Кишики, Қуръонни чанг бостириб, токчага ташлаб ёки зийнат, чирой учун китоб жавонига териб қўйгани йўқ. Уни ўқияпти, унга амал қиляпти, оятлари хусусида фикр юритяпти, кечаю кундуз унга ошно бўляпти. Натижада Қуръон унинг эзгулик йўлидаги туганмас тоқатига айланяпти. Шундай экан, азиз биродарлар, Қуръони Карим билан ошно бўлинглар, унинг тиловатига шошилинглар, оятлари хусусида фикр юритинглар, унга амал қилинглар, уни маҳкам ушланглар. Токи таъминглар ҳам, бўйинглар ҳам хуш бўлсин. Токи дунёдаги даъватни ёйишда ҳам, охиратдаги жаннатда ҳам олдинги сафларда бўлинглар. Токи сизларга ўқи ва юксал, дейилсин. Шу билан буюк ғалабага, улкан муваффақиятга, Аллоҳнинг ризосига лойиқ, деб топиласизлар.

﴿وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), иймонли кишиларга (жаннат) хушxabарини етказинг!*“ [2:223]



### Аллоҳ ва Расулини яхши кўриш

Азҳарий: «Банданинг Аллоҳ ва Расулини яхши кўриши уларга итоат этиши ва буйруқларини бажариши демақдир», дейди. Байзовий: «Муҳаббат итоат этишни хоҳламоқдир», дейди. Ибн Арафа: «Арабларда муҳаббат бир нарсани қасд билан ирода қилмоқдир», дейди. Зажжож: «Инсоннинг Аллоҳ ва Расулини яхши кўриши уларга итоат этиши, Аллоҳ буюрган ва Расули олиб келган ишларга рози бўлишидир», дейди.

Аллоҳнинг бандани яхши кўриши мағфират этиши, рози бўлиши ва савоб беришидир. Байзовий «Аллоҳ ҳам сизларни яхши кўради, мағфират қилади» оятини «Сизлардан рози бўлади», деб тафсир қилган. Азҳарий Аллоҳнинг бандаларни яхши кўришини уларга мағфиратни инъом этиши деб таърифлаб:

﴿فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْكَافِرِينَ﴾

– „... бас, албатта Аллоҳ кофирларни севмас“, [3:32] оятини яъни, уларни кечирмайди, деб тафсир қилади. Суфён ибн Уяйна: «Аллоҳ сизларни яхши кўради, дегани Ўзига яқин олади деганидир, чунки муҳаббат ўзига яқин олишдир. Аллоҳнинг кофирларни ёмон кўриши уларни Ўзига яқин олмаслигидир», дейди. Бағавий: «Аллоҳнинг мўминларни яхши кўриши уларни мақташи, уларга савоб бериши ва уларни афв этишидир», дейди. Зажжож: «Аллоҳнинг Ўз халқини яхши кўриши уларни афв этиши, уларга раҳмат ва мағфиратини инъом этиши ва уларни мақташидир», дейди.

Бу мақоламизда биз учун эътиборлиги банданинг Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббати. Бу муҳаббат мазкур маънода фарздир. Чунки у инсон нафсиятини шакллантирувчи майллардан биридир. Аслида майллар ҳар хил бўлади. Ҳеч қандай тушунчага боғланмаган, табиий бўлиши ҳам мумкин. Эгадор бўлишга моиллик, ҳаётни, адолатни, оила ва фарзандни яхши кўриш каби тушунчаларга боғланган бўлиши ҳам мумкин. Унда майлнинг навини ана шу тушунчалар белгилаб беради. Масалан, қизил танлилар европалик муҳожирларни яхши кўрмадилар, мадиналик ансорлар эса маккалик муҳожирларни яхши кўрдилар.

Аллоҳ ва Расулини яхши кўришни Аллоҳ Субҳонаҳу шаръий тушунчага боғлаб, уни фарз қилди. Бунга Қуръондан далиллар:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ﴾

– „Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир.“ [2:165]

Яъни, мўминларнинг Аллоҳни яхши кўришлари мушрикларнинг ўз худоларини яхши кўришидан қаттиқроқдир.

﴿قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِنُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), айтинг: «Агар оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг Йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ Ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар. (Зеро), Аллоҳ бундай итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас».* [9:24]

Суннатдан далиллар:

﴿أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ عَنِ السَّاعَةِ، فَقَالَ: مَتَى السَّاعَةُ؟ قَالَ: وَمَاذَا أَعْدَدْتَ لَهَا؟ قَالَ: لَا شَيْءَ، إِلَّا أَنِّي أَحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، فَقَالَ أَنْتَ مَعَ مَنْ أَحْبَبْتَ. قَالَ أَنَسٌ فَمَا فَرِحْنَا بِشَيْءٍ فَرِحْنَا بِقَوْلِ النَّبِيِّ ﷺ أَنْتَ مَعَ مَنْ أَحْبَبْتَ. قَالَ أَنَسٌ فَأَنَا أَحِبُّ النَّبِيَّ ﷺ وَأَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ مَعَهُمْ بِحَبِيئِ إِيَّاهُمْ، وَإِنْ لَمْ أَعْمَلْ بِمِثْلِ أَعْمَالِهِمْ﴾

• «Бир киши Пайғамбар ﷺ дан: «Қиёмат қачон?», деб сўради. Пайғамбар ﷺ: «Унинг учун қандай тайёргарлик қилдинг?», дедилар. У: «Ҳеч қандай, мен фақат Аллоҳ ва Расулини яхши кўраман, холос», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Сен кимни яхши кўрсанг, уша билан бирга бўласан», дедилар». Ровий айтади: «Пайғамбар ﷺ нинг шу гапларидан хурсанд бўлганимизчалик ҳеч нарсадан хурсанд бўлмагандик. Мен Пайғамбар ﷺ ни, Абу Бакр ва Умарни яхши кўрадим. Уларчалик амал қилолмасам ҳам уларга бўлган муҳаббатим орқали улар билан бирга бўлишни хоҳлардим». Бу муттафақун алайҳ ҳадисни Анас ﷺ ривоят қилган.

«ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ، وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ: مَنْ كَانَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا، وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ، وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَذَّفَ فِي النَّارِ»

• «Уч иш борки, ким уларни ўзида жамласа иймон ҳаловатини топади. Улар Аллоҳ ва Расулининг унинг наздида бошқалардан кўра севимлироқ бўлиши, бировни фақат Худо учун яхши кўриши, куфрга қайтишдан оловга ташланаётгандек ҳайиқишидир». Бу муттафақун алайҳ ҳадисни ҳам Анас ﷺ ривоят қилган.

«لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ أَهْلِهِ وَمَالِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

• «Банда то мен у учун оиласидан, мол-давлатидан ва ҳамма одамлардан севимлироқ бўлмагунимча мўмин бўлмайди». Бу ҳадисни Анас ﷺ ривоят қилган.

Пайғамбар ﷺ нинг саҳобалари бу фарзни адо этишга ҳарис бўлиб, Аллоҳ ва Расулининг суюклиги бўлиш шарафига етиш учун мусобиқа қилар эдилар.

«لَمَّا كَانَ يَوْمُ أُحُدٍ، انْهَزَمَ النَّاسُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ، وَأَبُو طَلْحَةَ بَيْنَ يَدَيْ النَّبِيِّ ﷺ مُجَوَّبٌ بِهِ عَلَيْهِ بِحَجَفَةٍ لَهُ، وَكَانَ أَبُو طَلْحَةَ رَجُلًا رَامِيًا شَدِيدَ الْقَدِّ، يَكْسِرُ يَوْمَئِذٍ قَوْسَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، وَكَانَ الرَّجُلُ يَمُرُّ، مَعَهُ الْجَعْبَةُ مِنَ التَّبَلِّ، فَيَقُولُ انْشُرْهَا لِأَبِي

طَلْحَةَ. فَأَشْرَفَ النَّبِيُّ ﷺ يَنْظُرُ إِلَى الْقَوْمِ، فَيَقُولُ أَبُو طَلْحَةَ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ بَابِي أَنْتَ وَأُمِّي، لَا تَشْرِفْ بِصِيْبِكَ سَهْمٌ مِنْ سِهَامِ الْقَوْمِ، نَحْرِي دُونَ نَحْرِكَ...»

• «Уҳуд кунида Пайғамбар ﷺнинг олдиларидаги одамлар ҳам чекиндилар. Абу Талҳа ёнларида қолиб, қалқони билан у кишини тўсарди. У бақувват камонбоз бўлиб, уша куннинг ўзида икки ёки уч камонни синдирган эди. Ёнидан ўқдон кўтарган киши ўтиб қолса: «Абу Талҳага ташлаб кет», дерди. Пайғамбар ﷺ одамларни кузатмоқчи бўлсалар: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, ота-онам сизга фидо бўлсин, кузатманг, яна бирон ўқ келиб сизга тегмасин, жоним жонингизга фидо бўлсин», дерди». Бу муттафақун алайҳ ҳадисни ҳам Анас ﷺ ривоят қилган.

• Қайс айтади:

«رَأَيْتُ يَدَ طَلْحَةَ سَلَاءَ وَفِي بَيْتِ النَّبِيِّ ﷺ يَوْمَ أُحُدٍ»

«Уҳуд кунида Пайғамбар ﷺни қўриқлайман, деб Талҳанинг қўли шол бўлиб қолганини кўрдим». (Бухорий).

• Табук жангидан қолган уч кишининг бири Каъб ибн Молик айтади:

«... حَتَّى إِذَا طَالَ عَلَيَّ ذَلِكَ مِنْ جَفْوَةِ النَّاسِ، مَشَيْتُ حَتَّى تَسَوَّرْتُ جِدَارَ حَائِطِ أَبِي قَتَادَةَ، وَهُوَ ابْنُ عَمِّي، وَأَحَبُّ النَّاسِ إِلَيَّ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَوَاللَّهِ مَا رَدَّ عَلَيَّ السَّلَامَ، فَقُلْتُ: يَا أَبَا قَتَادَةَ، أُنْشِدْكَ بِاللَّهِ، هَلْ تَعْلَمُنِي أَحَبُّ اللَّهِ وَرَسُولُهُ؟ فَسَكَتَ فَعُدْتُ لَهُ فَنَشِدْتُهُ، فَسَكَتَ، فَعُدْتُ لَهُ فَنَشِدْتُهُ، فَقَالَ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَفَاضَتْ عَيْنَايَ، وَتَوَلَّيْتُ حَتَّى تَسَوَّرْتُ الْجِدَارَ»

«Одамларнинг мендан ўзларини тортишлари чузилиб кетгач, тентираб юриб, Абу Қатоданинг деворидан ошиб ўтдим. У амакимнинг ўғли бўлиб, менинг энг сеvimли одамим эди. Унга салом бердим. Аллоҳга қасамки, саломимга алик олмади. Мен Аллоҳга қасам ичиб туриб: «Эй Абу Қатода, менинг Аллоҳ ва Расулини яхши куришлигимни биласан-ку!», дедим. У

индамади. Иккинчи бор қайта қасам ичдим. У яна индамади. Учинчи бор қайта қасам ичган эдим, у: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деди. Шунда кўзларимдан ёшлар қайнаб чиқди. Ўгирилиб, яна девордан ошиб, қайтиб кетдим» (муттафақун алайҳ).

«حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِي حَازِمٍ قَالَ أَخْبَرَنِي سَهْلُ بْنُ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَوْمَ خَيْبَرَ لِأَعْطَيْنَ هَذِهِ الرَّأْيَةَ غَدًا رَجُلًا يَفْتَحُ اللَّهُ عَلَى يَدَيْهِ يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ قَالَ فَبَاتَ النَّاسُ يَدُوكُونَ لَيْلَتَهُمْ أَيُّهُمْ يُعْطَاهَا فَلَمَّا أَصْبَحَ النَّاسُ غَدَوْا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلُّهُمْ يَرْجُو أَنْ يُعْطَاهَا فَقَالَ أَيْنَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ فَقِيلَ هُوَ يَا رَسُولَ اللَّهِ يَشْتَكِي عَيْنَيْهِ قَالَ فَأَرْسَلُوا إِلَيْهِ فَاتَى بِهِ فَبَصَقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي عَيْنَيْهِ وَدَعَا لَهُ فَبَرَأَ حَتَّى كَانَتْ لَمْ يَكُنْ بِهِ وَجَعٌ فَأَعْطَاهُ الرَّأْيَةَ فَقَالَ عَلِيُّ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَقَاتَلُهُمْ حَتَّى يَكُونُوا مِثْلَنَا فَقَالَ أَنْفَذَ عَلِيُّ رِسْلَكَ حَتَّى تَنْزَلَ بِسَاحَتِهِمْ ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ وَأَخْبِرْهُمْ بِمَا يَجِبُ عَلَيْهِمْ مِنْ حَقِّ اللَّهِ فِيهِ فَوَاللَّهِ لَأَنْ يَهْدِيَ اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرٌ لَكَ مِنْ أَنْ يَكُونَ لَكَ حُمْرُ النَّعَمِ»

«Қутайба ибн Саъид Яъқуб ибн Абдурраҳмондан, у Абу Хозимдан, у эса Саҳл ибн Саъддан ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ Хайбар қунида: «Эртага бу байроқни шундай кишига бераманки, Аллоҳ унинг қўли билан ғалаба беради, у Аллоҳ ва Расулини яхши кўради, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўради», дедилар. Одамлар қайси биримизга берилар экан, деб шовқин-сурон билан кечани ўтказдилар. Тонг отгач, ҳамма Пайгамбар ﷺнинг олдиларига жам бўлди. Ҳар бири байроқ менга берилсайди, деб турарди. Пайгамбар ﷺ: «Али ибн Абу Толиб қаерда?», дедилар. «У кишининг кўзи оғриётган эди», дейилди. Одам юборилиб, олиб келинди. Пайгамбар ﷺ кўзига туфлаб, дуо қилган эдилар, уша заҳоти тузалди, гуё аввал оғримагандек бўлиб қолди. Унга байроқни бердилар. Шунда Али: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, улар ҳам биздек бўлгунларига

қадар улар билан жанг қиламан», деди. Пайгамбар ﷺ: «Шопмасдан уларнинг жойларига кириб бор, кейин уларни Исломга даъват эт, устларида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини баён қил, Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг сен туфайли биргина одамни ҳидоят қилиши сен учун қизил туяларнинг сеники бўлишидан ҳам яхшироқдир», дедилар» (муттафақун алайҳ).

• Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилади: «... Урва ибн Масъуд дўстларининг олдига келиб, эй қавм, Аллоҳга қасамки, мен подшоҳларнинг, Кисроларнинг, Қайсарларнинг, Нажжошийнинг олдига вакил бўлиб борганман, аммо Муҳаммад каби асҳоби улуғлайдиган подшоҳни кўрмадим, Аллоҳга қасамки, агар балғам ташласа, улардан бирининг кафтига тушар экан, уни юзи ёки баданига суртиб оларкан, бир ишга буюрса, ошиқиб бажарар эканлар, таҳорат қилса, таҳоратидан ортан сувни талашиб, уришиб кетарканлар, гап бошласа, овозларини пасайтирарканлар, уни улуғлаб унга тик қарамас эканлар, деди».

• Муҳаммад ибн Сири айтиди:

«تَذَاكِرَ رَجَالٍ عَلَى عَهْدِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمُ فَصَلُّوا عُمَرَ عَلَى أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، فَبَلَغَ ذَلِكَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَقَالَ: وَاللَّهِ لِلَّيْلَةِ مِنْ أَبِي بَكْرٍ خَيْرٌ مِنْ آلِ عُمَرَ، لَقَدْ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِيَنْطَلِقَ إِلَى الْغَارِ، وَمَعَهُ أَبُو بَكْرٍ، فَجَعَلَ يَمْشِي سَاعَةً بَيْنَ يَدَيْهِ، وَسَاعَةً خَلْفَهُ، حَتَّى فُطِنَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: يَا أَبَا بَكْرٍ مَا لَكَ تَمْشِي سَاعَةً بَيْنَ يَدَيَّ وَسَاعَةً خَلْفِي؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَذْكَرُ الطَّلَبَ فَأَمْشِي خَلْفَكَ، ثُمَّ أَذْكَرُ الرَّصَدَ فَأَمْشِي بَيْنَ يَدَيْكَ، فَقَالَ: يَا أَبَا بَكْرٍ لَوْ كَانَ شَيْءٌ أَحَبَّتُ أَنْ يَكُونَ بَكَ دُونِي؟ قَالَ: نَعَمْ، وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ، مَا كَانَتْ لَتَكُونَ مِنْ مُلَمَّةٍ إِلَّا أَحَبَّتُ أَنْ تَكُونَ لِي دُونَكَ، فَلَمَّا انْتَهَيْتَ إِلَى الْغَارِ، قَالَ أَبُو بَكْرٍ: مَكَانَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، حَتَّى اسْتَبْرَأَ لَكَ الْغَارَ، فَدَخَلَ وَاسْتَبْرَأَهُ، حَتَّى إِذَا كَانَ فِي أَعْلَاهُ ذَكَرَ أَنَّهُ لَمْ يَسْتَبْرَأِ الْجُحْرَ، فَقَالَ: مَكَانَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، حَتَّى اسْتَبْرَأَ الْجُحْرَ، فَدَخَلَ وَاسْتَبْرَأَهُ، ثُمَّ قَالَ: انزِلْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَنَزَلَ، فَقَالَ عُمَرُ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتِلْكَ اللَّيْلَةُ خَيْرٌ مِنْ آلِ عُمَرَ»

«Умар رضي الله عنهнинг замонида бир неча кишилар тортишиб қолиб, Умарни Абу Бакрдан афзал кўргандек бўлиб қолдилар. Бу хабар Умарга етиб келганида: «Аллоҳга қасамки, Абу Бакрнинг бир кечаси Умар сулоласидан ҳам яхшироқ», деди. Пайғамбар صلى الله عليه وسلم горга чиқиб бораётганларида Абу Бакр у киши билан бирга эдилар. Бир соат Расул صلى الله عليه وسلمнинг олдиларида юрсалар, бир соат орқаларида юрардилар. Буни сезган Пайғамбар صلى الله عليه وسلم: «Нега бир соат олдимда, яна бир соат орқамда юрибсан?», дедилар. Шунда Абу Бакр: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, уларнинг қидириб келаётганларини эслаганимда ортингизда, пистирма борлигини эслаганимда олдингизда юрдим», дедилар. Пайғамбар صلى الله عليه وسلم: «Эй Абу Бакр, менсиз фақат ўзингга бирон нарса бўлишини хоҳлайсанми?», дедилар. Абу Бакр: «Ҳа, сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, қандай мусибат бўлмасин, унинг сизсиз фақат ўзимга бўлишини хоҳлайман», дедилар. Горга етишгач, Абу Бакр: «Эй Расулуллоҳ тўхтаб туринг, горни сиз учун тозалаб чиқай», деб кириб, тозалаб чиқдилар. Энг юқорисига боришгач, бир уяни тозаламаганликлари эсларига тушиб: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, тўхтаб туринг, шу уяни ҳам тозалаб чиқай», деб кириб, тозалаб чиқдилар. Кейин: «Марҳамат қилинг, эй Расулуллоҳ» дедилар ва Пайғамбар صلى الله عليه وسلم марҳамат қилдилар». Умар айтади: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, уша кеча Умар сулоласидан ҳам яхшироқдир». Бу мақбул мурсал ҳадисдир.

• Анас ибн Молик айтади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أُفْرِدَ يَوْمَ أُحُدٍ فِي سَبْعَةِ مِنَ الْأَنْصَارِ، وَرَجُلَيْنِ مِنْ قُرَيْشٍ، فَلَمَّا رَهَقُوهُ قَالَ: مَنْ يَرُدُّهُمْ عَلَيَّ وَأَلَةَ الْجَنَّةِ، أَوْ هُوَ رَفِيقِي فِي الْجَنَّةِ، فَتَقَدَّمَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَقَاتَلَ حَتَّى قُتِلَ، ثُمَّ رَهَقُوهُ أَيْضًا، فَقَالَ: مَنْ يَرُدُّهُمْ عَلَيَّ وَأَلَةَ الْجَنَّةِ، أَوْ هُوَ رَفِيقِي فِي الْجَنَّةِ، فَتَقَدَّمَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَقَاتَلَ حَتَّى قُتِلَ، فَلَمْ يَزَلْ كَذَلِكَ حَتَّى قُتِلَ السَّبْعَةُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِصَاحِبِيهِ: مَا أَنْصَفْنَا أَصْحَابَنَا»

«Уҳуд кунида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم етти нафар ансорий ва икки нафар қурайший саҳобалари билан яккаланиб

қолдилар. Душман қувиб келарди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Ким душманни қайтарса, унга жаннат ёки у жаннатдаги ҳамроҳим бўлади», дедилар. Ансорлардан бири олдинга чиқиб, то ўлдирилгунга қадар жанг қилди. Душман яна қувиб келарди. Пайгамбар ﷺ яна ўша гапни такрорладилар. Ансорлардан яна бири олдинга чиқиб, то ўлдирилгунга қадар жанг қилди. Шу тахлит етти киши ўлдирилди. Шунда Пайгамбар ﷺ қолган икки саҳобаларига: «Дўстларимизга инсоф қилмадик», дедилар». (Муслим).

• Абдуллоҳ ибн Ҳишом айтади:

«كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ، وَهُوَ آخِذٌ بِيَدِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَأَنْتَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِلَّا مِنْ نَفْسِي، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: لَا، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْكَ مِنْ نَفْسِكَ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: فَإِنَّهُ الْآنَ، وَاللَّهِ لَأَنْتَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: الْآنَ يَا عُمَرُ»

«Пайгамбар ﷺ билан бирга эдик. У киши Умар ибн Хаттобнинг қўлини ушлаб олгандилар. Умар у кишига: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, сиз менга ҳамма нарсадан маҳбуброқсиз, фақат ўзимдан эмас», деди. Пайгамбар ﷺ: «Йўқ, жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, то сенга ўзингдан ҳам маҳбуброқ бўлмагунимча бўлмайди», дедилар. Шунда Умар: «Мана энди, ҳозир, Аллоҳга қасамки, сиз менга ўзимдан ҳам маҳбуброқсиз», деди. Пайгамбар ﷺ: «Ана энди бўлди, эй Умар», дедилар». (Бухорий).

• Муслимнинг шарҳида Нававий Пайгамбар ﷺ ни яхши кўришнинг маъноси ҳақида Абу Сулаймон Ҳитобийдан нақл қилади: «... То менга итоат қилишда жонингни бермагунингча ва гарчи сени ҳалокатга олиб борса ҳам ўз хоҳишингдан кўра менинг розилигимни афзал кўрмагунингча, менга бўлган муҳаббатинг тасдиқланмайди».

• Ибн Сирин ривоят қилади: «Мен Убайдага:

«عِنْدَنَا مِنْ شَعْرِ النَّبِيِّ ﷺ، أَصَبْنَاهُ مِنْ قَبْلِ أَنْسٍ أَوْ مِنْ قَبْلِ أَهْلِ أَنْسٍ، فَقَالَ لَأَنْ تَكُونَ عِنْدِي شَعْرَةٌ مِنْهُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا»



«Бизда Пайгамбар ﷺнинг сочларидан бор, уни Анас ёки Анаснинг оиласидан олганмиз», дедим. Шунда у: «Мен учун ўшандан бир тола бўлишлиги дунёю, ундаги нарсалардан маҳбуброқдир», деди». (Бухорий).

• Оиша ﷺ ривоят қилади:

«... فَتَكَلَّمَ أَبُو بَكْرٍ فَقَالَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لِقَرَابَةِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَحَبُّ إِلَيَّ أَنْ أَصِلَ مِنْ قَرَابَتِي»

«... Абу Бакр гапириб туриб: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, менга Пайгамбар ﷺнинг яқинлиги мен учун ўз қариндошларимнинг борди-келдисидан ҳам маҳбуброқдир», деди» (Бухорий).

• Оиша ﷺ ривоят қилади:

«جَاءَتْ هِنْدُ بِنْتُ عُتْبَةَ قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا كَانَ عَلَى ظَهْرِ الْأَرْضِ مِنْ أَهْلِ خِبَاءٍ أَحَبُّ إِلَيَّ أَنْ يَذُلُّوا مِنْ أَهْلِ خِبَائِكَ، ثُمَّ مَا أَصْبَحَ الْيَوْمَ عَلَى ظَهْرِ الْأَرْضِ أَهْلُ خِبَاءٍ أَحَبَّ إِلَيَّ أَنْ يَعْزُرُوا مِنْ أَهْلِ خِبَائِكَ...»

«Утбанинг қизи Ҳинд келиб: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, мен учун ер юзида сенинг чодиринг аҳлини хор бўлишидан кўра маҳбуброқ нарса йўқ эди, бугунга келиб, мен учун ер юзида сенинг чодиринг аҳлини азиз бўлишидан кўра маҳбуброқ нарса йўқ ...», деди» (муттафақун алайҳ).

• Торик ибн Шихоб ибн Масъуднинг шундай деганини эшитдим, дейди:

«شَهِدْتُ مَعَ الْمُقَدَّادِ بْنِ الْأَسْوَدِ مَشْهَدًا، لِأَنَّ أَكُونَ صَاحِبَهُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا عُدِلَ بِهِ، أَمَى النَّبِيِّ ﷺ، وَهُوَ يَدْعُو عَلَى الْمُشْرِكِينَ، فَقَالَ: لَا تَقُولُ كَمَا قَالَ قَوْمُ مُوسَى ﴿اذْهَبْ أَنْتَ وَرَبُّكَ فَقَاتِلَا﴾، وَلَكِنَّا نُقَاتِلُ عَنْ يَمِينِكَ، وَعَنْ شِمَالِكَ، وَبَيْنَ يَدَيْكَ، وَخَلْفِكَ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ أَشْرَقَ وَجْهُهُ وَسَرَّةٌ، يَعْنِي قَوْلَهُ»

«Мен Миқдод ибн Асвад шундай ишига гувоҳ бўлдимки, у ишнинг эгаси бўлиш мен учун ўша билан тенг келадиган ишдан ҳам маҳбуброқдир. У Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келганида, у киши мушрикларни дуои бад қилаётган эдилар. Шунда у: «Биз Мусонинг қавмига

ўхшаб, «Сен Раббинг билан бориб урушавер», [5:24] демаймиз. Аксинча, сизнинг ўнг томонингизда ҳам, чап томонингизда ҳам, ортингизда ҳам, олдингизда ҳам туриб, жанг қиламиз», деди. Бу гапдан Пайгамбар ﷺнинг хурсанд бўлиб, юзлари ёришиб кетганини кўрдим» (Бухорий).

• Оиша رضي الله عنها ривоят қилишича, Саъд رضي الله عنه шундай деди:

«اللَّهُمَّ إِنَّكَ تَعْلَمُ أَنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ أَحَبَّ إِلَيَّ أَنْ أُجَاهِدَهُمْ فِيكَ مِنْ قَوْمٍ كَذَبُوا رَسُولَكَ ﷺ وَأَخْرَجُوهُ...»

«Эй Аллоҳим, бошқа қавмлардан кўра Пайгамбарингни ёлгончига чиқариб ҳайдаган қавмга қарши Сенинг йулингда жиҳод қилишни купроқ ёқтиришимни Ўзинг яхши биласан...» (муттафақун алайх).

• Абу Хурайрадан ривоят қилинишича, Самома ибн Асол шундай деди:

«يَا مُحَمَّدُ، وَاللَّهِ، مَا كَانَ عَلَى الْأَرْضِ وَجْهٌ أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ وَجْهِكَ، فَقَدْ أَصْبَحَ وَجْهَكَ أَحَبَّ الْوُجُوهِ إِلَيَّ، وَاللَّهِ، مَا كَانَ مِنْ دِينٍ أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ دِينِكَ، فَأَصْبَحَ دِينِكَ أَحَبَّ الدِّينِ إِلَيَّ، وَاللَّهِ، مَا كَانَ مِنْ بَلَدٍ أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ بَلَدِكَ، فَأَصْبَحَ بَلَدُكَ أَحَبَّ الْبِلَادِ إِلَيَّ...»

«Эй Муҳаммад, Аллоҳга қасамки, мен учун ер юзида сизнинг юзингиздан кўра ёқимсизроқ юз йўқ эди, мана энди у менга энг ёқимли юзга айланди, Аллоҳга қасамки, мен учун сизнинг динингиздан кўра ёқимсизроқ дин йўқ эди, мана энди у менга энг ёқимли динга айланди. Аллоҳга қасамки, мен учун сизнинг юртингиздан кўра ёқимсизроқ юрт йўқ эди, мана энди у менга энг ёқимли юртга айланди...» (муттафақун алайх).

## Худо учун яхши кўриш ва Худо учун ёмон кўриш

Аллоҳ йўлида яхши кўриш кишини мўминлиги ва итоатгўйлиги учун яхши кўришдир. Аллоҳ йўлида ёмон кўриш эса бировни кофирлиги ва гуноҳи учун ёмон кўришдир. Аллоҳ йўлида дегани Аллоҳ учун деганидир. «Йўлида» сўзи «сабаб»ни англатади.

﴿فَذَلِكُنَّ الَّذِي لُمْتُنَّنِي فِيهِ﴾

– „Мана шу (йигит) ҳақида сизлар мени маломат қилган эдингиз“.

[12:32]

﴿لَمَسَّكُمْ فِي مَا أَفْتَضْتُمُ﴾

– „Албатта сизларни тинмай сўзлаган нарсалар бўхтонларингиз сабабли... ушлаган бўлур эди“,

[24:14]

ояти ва

﴿دَخَلَتْ امْرَأَةٌ النَّارَ فِي هَرَّةٍ﴾

«Бир аёл бир мушук сабабли дўзахга кирди» ҳадиси бунга далилдир.

Итоатгўй мўминларни яхши кўришнинг савоби улуг. Унга далиллар:

• Абу Ҳурайра Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ بِالْمَسَاجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ، اجْتَمَعَا عَلَيْهِ، وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ، فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا، حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهَا مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا، فَفَاصَتْ عَيْنَاهُ»

«Етти хил тоифа кишилар борки, соя йўқ кунда уларни Аллоҳ Ўзининг соясига олади: 1. Одил раҳбар. 2. Аллоҳ Азза ва Жаллага ибодат қилиш билан вояга етган ўсмир. 3. Қалби масжидларга боғланган киши. 4. Худо учун бир-бирини яхши кўрганларки, Худо учун бирлашиб (йигилиб), Худо учун ажрашадилар (тарқаладилар). 5. Мансабли ва чиройли аёл

чақирганида: «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши. 6. Унг қўли қилган садақани чап қўли билмайдиган даражада махфий киши. 7. Ёлғиз ҳолида Аллоҳни эслаб, кўзи ёшга тўлган киши» (муттафақун алайҳ).

• Муслимда келишича, Абу Ҳурайра Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أَيْنَ الْمُتَحَابُّونَ بِجَلَالِي الْيَوْمِ أَظْلَهُمْ فِي ظِلِّي يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلِّي؟»

«Қиёмат кунда Аллоҳ Таоло: «Менинг улуғлигим ҳаққи бир-бирларини яхши кўрганлар қани, Менинг соямдан ўзга соя йўқ бўлган мана шу кунда Мен уларни ўз соямга оламан», дейди».

• Муслимда келишича, Абу Ҳурайра Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا، أَوْ لَا أَدُلُّكُمْ عَلَى شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ، أَفَشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ»

«Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, то мўмин бўлмагунигизча жаннатга кирмайсизлар, то бир-бирингларни яхши кўрмагунигларча мўмин бўлмайсизлар. Сизларга бир йўлни курсатайми? Ундан борсангизлар бир-бирларингни яхши кўриб қоласизлар. Узаро саломлашишни кенг ёйинглар». Пайғамбар ﷺ нинг: «Бир-бирларингни яхши кўрмагунигларча мўмин бўлмайсизлар» деган гаплари Аллоҳ учун яхши кўришнинг савоби улуғлигига далилдир.

• Бухорийда келишича, Анас ﷺ Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«لَا يَجِدُ أَحَدًا حَلَاوَةً الْإِيمَانِ حَتَّى يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يَحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ...»

«Киши бировни фақат Худо учун яхши кўрмагунича... иймон ҳаловатини топмайди».

• Термизийда келишича, Муоз ﷺ Пайғамбар ﷺ нинг шундай деганларини эшитгандим, дейди: Муоз Росулulloҳнинг шундай деганларини эшитдим деди:

«قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: الْمُتَحَابُّونَ فِي جَلَالِي، لَهُمْ مَنَابِرٌ مِنْ نُورٍ، يَغْبِطُهُمُ النَّبِيُّونَ وَالشُّهَدَاءُ»

«Аллоҳ Азза ва Жалла: «Менинг улуглигим ҳаққи бир-бирларини яхши кўрувчилар учун нурдан бўлган минбарлар бўлиб, уларга пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳам хавас қиладилар», дейди». Пайғамбарлар ва шаҳидларнинг хавас қилиши, уларнинг аҳволлари яхшилигига бир ишора, холос. Аслида уларнинг даражалари юқори.

• Аҳмад саҳиҳ санад билан Анас رضي الله عنه дан ривоят қилади:  
«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ الرَّجُلُ يُحِبُّ الرَّجُلَ، وَلَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يَعْمَلَ كَعَمَلِهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ. فَقَالَ أَنَسٌ فَمَا رَأَيْتُ أَصْحَابَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَرَحُوا بِشَيْءٍ قَطُّ، إِلَّا أَنْ يَكُونَ الْإِسْلَامَ، مَا فَرِحُوا بِهَذَا مِنْ قَوْلِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ أَنَسٌ: فَتَنَحْنُ نَحْبُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَلَا نَسْتَطِيعُ أَنْ نَعْمَلَ بِعَمَلِهِ، فَإِذَا كُنَّا مَعَهُ فَحَسِبْنَا»

«Бир киши Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, бир киши яна бир кишини яхши кўрадию, аммо у каби амал қилолмайди», деди. Пайғамбар ﷺ: «Киши ўзи яхши кўрган одам билан бирга бўлади», дедилар. Анас: «Саҳобалар мусулмон бўлганларини айтмаганда, ҳеч нарсадан бу қадар хурсанд бўлмаган эдилар, биз Аллоҳнинг Пайғамбарини яхши кўрамиз, аммо у кишидек амал қилолмаймиз, у зот билан бирга бўлсак, бизга шунинг ўзи етади», дейди».

• Аҳмад, Абу Довуд, ибн Ҳиббонда Абу Зарр ривоят қилади:  
«قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، الرَّجُلُ يُحِبُّ الْقَوْمَ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يَعْمَلَ بِأَعْمَالِهِمْ، قَالَ: أَنْتَ يَا أَبَا ذَرٍّ مَعَ مَنْ أَحَبَّتَ. قَالَ: قُلْتُ فَإِنِّي أَحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُعِيدُهَا مَرَّةً أَوْ مَرَّتَيْنِ»

«Мен: «Эй Расулуллоҳ, киши бир қавмни яхши кўради-ю, аммо улар каби амал қилолмайди», дедим.

Шунда Пайгамбар ﷺ: «Эй Абу Зарр, сен кимни яхши кўрсанг, уша билан бирга бўласан», дедилар. Мен Аллоҳ ва Унинг пайгамбарини яхши кўраман, деб бир ёки икки марта айтдим».

• Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилади:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَقُولُ فِي رَجُلٍ أَحَبَّ قَوْمًا وَلَمْ يَلْحَقْ بِهِمْ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: الْمَرْءُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ»

«Бир киши Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Расулллоҳ, бир қавмни яхши кўриб туриб, улар билан бирга бўлолмаган одам ҳақида нима дейсиз?», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Киши ўзи яхши кўрганлар билан бирга бўлади», дедилар» (муттафақун алайҳ).

• Ҳокимнинг «Мустадрак»ида Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, лекин бу ҳадисни икки шайх чиқармаган, дейди: «Пайгамбар ﷺ менга:

«يَا عَبْدَ اللَّهِ بْنَ مَسْعُودٍ، فَقُلْتُ: لَيْتَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، ثَلَاثَ مَرَارٍ، قَالَ: هَلْ تَدْرِي أَيُّ عُرَى الْإِيمَانِ أَوْثَقُ؟ قُلْتُ: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: أَوْثَقُ الْإِيمَانِ الْوَلَايَةُ فِي اللَّهِ، بِالْحُبِّ فِيهِ، وَالْبَعْضُ فِيهِ...»

«Эй Абдуллоҳ ибн Масъуд», дедилар. Мен уч бора «Лаббай, эй Аллоҳнинг Пайгамбари», дедим. У киши: «Иймоннинг қайси дастаси мустаҳкамроқлигини биласанми?», дедилар. Мен: «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», дедим. У киши: «Иймоннинг энг мустаҳкам дастаси Худо учун дўст бўлиш, Худо учун яхши кўриш ва Худо учун ёмон кўришдир...», дедилар».

• Ибн Абдул-Бирнинг «Тамҳид»ида Умар ибн Хаттоб ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ айтадилар:

«لِلَّهِ عِبَادٌ لَا بِأَنْبِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ يَعْطُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ وَالشُّهَدَاءُ بِمَكَانِهِمْ مِنَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ هُمْ؟ وَمَا أَعْمَالُهُمْ؟ لَعَلَّنَا نُحِبُّهُمْ، قَالَ: قَوْمٌ تَحَابُّوا بِرُوحِ اللَّهِ، لَا أَرْحَامَ بَيْنَهُمْ، وَلَا أَمْوَالَ يَتَعَاطَوْنَهَا، وَاللَّهُ إِنْ وُجُوهُهُمْ نُورٌ، وَإِنَّهُمْ

لَعَلَىٰ مَنَابِرٍ مِّنْ نُورٍ، لَا يَخَافُونَ إِذَا خَافَ النَّاسُ، وَلَا يَحْزَنُونَ إِذَا حَزَنَ النَّاسُ، ثُمَّ قَرَأَ هَذِهِ الْآيَةَ ﴿أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

«Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар пайгамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам эмаслар, аммо уларнинг Аллоҳ Азза ва Жалланинг олдидаги мақомига пайгамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам ҳавас қиладилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, уларнинг кимлигини, қандай ишлар қилганларини айтсангиз. Шоядки уларни яхши кўриб қолсак», дейишди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Улар ораларида ҳеч қандай қариндошчилик ва олди-берди қилинадиган мол-давлат бўлмаса ҳам Аллоҳнинг ҳаққи бир-бирларини яхши кўрган кишилардир, ўзлари нурдан бўлган минбарларда турарлар, одамлар қўрққанда ҳам улар қўрқмаслар, одамлар хафа бўлганда ҳам улар хафа бўлмаслар» деб: «Огоҳ бўлингларки, Аллоҳнинг дўстларига ҳеч қандай хавф йўқдир, улар хафа ҳам бўлмаслар», [10:62] оятини ўқидилар».

• Муоз ибн Анас Жуҳанийнинг ривоятида Пайгамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَعْطَىٰ لِلَّهِ، وَمَمَعَ لِلَّهِ، وَأَحَبَّ لِلَّهِ، وَأَبْعَضَ لِلَّهِ، وَأَنْكَحَ لِلَّهِ، فَقَدْ اسْتَكْمَلَ

إِيمَانَهُ»

«Кимки Аллоҳ учун эҳсон қилса, Аллоҳ учун эҳсон қилишдан тийилса, Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ёмон кўрса, Аллоҳ учун уйланса, унинг иймони комил бўлибди». Абу Исо бу ҳасан ҳадис, деган. Уни Ҳоким «Мустадрак»да чиқарган ва исноди саҳиҳ, деган. Икки шайх уни чиқармаган. Абу Довуд уни Абу Умома ҳадисидан чиқарган. Унда «Аллоҳ учун уйланса», деган гап айтилмаган.

Кимки бировни Худо учун яхши кўрса, унга ўзининг яхши кўришлигини билдириб қўйиши суннатдир. Абу Довуд ва Термизийнинг Миқдод ибн Маъдийкараба ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«إِذَا أَحَبَّ الرَّجُلُ أَخَاهُ فَلْيُخْبِرْهُ أَنَّهُ يُحِبُّهُ»

«Агар киши биродарини яхши кўрса, унга ўзининг яхши кўришини билдириб қўйсин», деганлар. Термизий бу ҳасан ҳадис деган. Абу Довуд саҳиҳ санад билан Анасдан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا كَانَ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ، فَمَرَّ بِهِ رَجُلٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي لِأَحِبُّ هَذَا، فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ أَعَلِمْتَهُ؟ قَالَ: لَا، قَالَ أَعَلِمَهُ، فَلَحِقَهُ، فَقَالَ: إِنِّي أَحِبُّكَ فِي اللَّهِ، فَقَالَ: أَحَبُّكَ الَّذِي أَحَبَّنِي لَهُ»

«Бир киши Пайғамбар ﷺнинг ҳузурларида эди. Шунда бир киши ўтиб қолди. Шунда ҳалиги одам: «Эй Расулulloҳ, мен шу одамни яхши кўраман», деди. Пайғамбар ﷺ: «Ўзига айтиб билдириб қўйганмисан?», дедилар. У «Йуқ», деб жавоб берди. Пайғамбар ﷺ: «Билдириб қўй», дедилар. Ҳалиги киши дарҳол ўтиб кетган одамга етиб олиб: «Мен сени Худо учун яхши кўраман», деди. Бу гапни эшитган киши: «Мен ҳам сени сен мени қандай яхши кўрсанг, ўшандай яхши кўраман», деди». Баззор ҳасан иснод билан Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ أَحَبَّ رَجُلًا لِلَّهِ، فَقَالَ إِنِّي أَحِبُّكَ لِلَّهِ، فَدَخَلَ الْجَنَّةَ فَكَانَ الَّذِي أَحَبَّ أَرْفَعَ مَنزِلَةً مِنَ الْآخِرِ، أَلْحَقَ بِالَّذِي أَحَبَّ لِلَّهِ»

«Ким бировни Худо учун яхши кўриб, унга сени Худо учун яхши кўраман, деса ва иккаласи ҳам жаннатга кирса, яхши кўрганнинг мартабаси баландроқ бўлади. Худо учун яхши кўрувчи билан бирга бўлади».

Бир-бирини яхши кўрадиган икки дўстнинг қайси бири кўпроқ яхши кўрса, фазл ўшаникидир. Ибн Абдул Барр «Тамҳид»да, Ҳоким «Мустадрак»да, Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Анасдан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا تَحَابَّ رَجُلَانِ فِي اللَّهِ قَطُّ، إِلَّا كَانَ أَحَدُهُمَا أَشَدَّهُمَا حُبًّا لِصَاحِبِهِ»

«Икки киши Худо учун бир-бирини яхши кўрса, улардан қайси бири шеригини кўпроқ яхши кўрса, афзали ўшадир».



Яхши кўрган одамнинг ҳаққига ғойибона дуо қилиш ҳам суннат. Муслимда келишича, Умму Дардо хожам Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ دَعَا لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ، قَالَ الْمَلِكُ الْمُوَكَّلُ بِهِ: آمِينَ، وَلَكَ بِمِثْلِ»

**«Кимки биродарининг ҳаққига ғойибона дуо қилса, унга бир фаришта вакил қилиниб: «Омин, сенга ҳам шундай бўлсин», деб туради»,** деганларини эшитган эканлар, деб ривоят қилади. Бу ерда ровий эри Абу Дардони ҳурмат қилиб, хожам сўзини қўллаяпти. Бу ҳадисни Аҳмад саҳиҳ иснод билан Умму Дардодан ривоят қилган. Уни Муслим ҳам мана бундай ривоят қилган: Сафвон ибн Абдуллоҳ ибн Сафвондан ривоят қилинади: «Шомга келиб, Абу Дардонинг уйига борган эдим, ўзи йўқ экану, хотини бор экан. У мендан: «Бу йил ҳаж қилмоқчимисан?», деб сўради. Мен «Ҳа», деб жавоб бердим. Шунда у: «Бизнинг ҳаққимизга ҳам дуои хайр қилгин, чунки Пайғамбар ﷺ:

«دَعْوَةُ الْمَرْءِ الْمُسْلِمِ لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ مُسْتَجَابَةٌ، عِنْدَ رَأْسِهِ مَلَكٌ مُوَكَّلٌ، كُلَّمَا

دَعَا لِأَخِيهِ بِخَيْرٍ، قَالَ الْمَلِكُ الْمُوَكَّلُ بِهِ: آمِينَ، وَلَكَ بِمِثْلِ»

**«Мусулмон кишининг ўз биродари ҳаққига ғойибона қилган дуоси мустажабдир, унинг бошида бир вакил қилинган фаришта бўлиб, ҳар дуо қилганида: «Омин, сенга ҳам шундай бўлсин», деб туради»,** деганлар», деди. Бозорга бориб, Абу Дардони учратиб қолган эдим, у ҳам менга худди шу гапни айтди».

Биродаридан дуо сўраш ҳам суннат. Абу Довуд ва Термизий саҳиҳ иснод билан Умар ибн Хаттобдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺдан умра қилишга рухсат сўраган эдим, рухсат бера туриб:

«لَا تَنْسَنَا يَا أُخَيَّ مِنْ دُعَائِكَ»

**«Эй биродар, дуойингда бизни унутиб қўймагин»,** дедилар. Шу сўзнинг эвазига менга бутун дунё берилганда ҳам хурсанд бўлмасдим. Бутун дунё меники бўлганда ҳам мени шу сўзчалик хурсанд қила олмасди». Яна бир ривоятда:

«أَشْرَكْنَا يَا أُخَيَّ فِي دُعَائِكَ»

**«Эй биродар, дуойингда бизни ҳам қўшиб қўйгин»,** дейилган.

Яхши кўрган биродарини зиёрат қилиш, у билан ҳамсухбат бўлиш, борди-келди қилиш, совға-салом қилиш ҳам суннатдир. Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«أَنْ رَجُلًا زَارَ أَخًا لَهُ فِي قَرْيَةٍ أُخْرَى، فَأَرْصَدَ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ مَلَكًا، فَلَمَّا أَتَى عَلَيْهِ قَالَ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ أُرِيدُ أَخًا لِي فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ، قَالَ هَلْ لَكَ عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تَرُبُّهَا عَلَيْهِ؟ قَالَ: لَا، غَيْرَ أَنِّي أَحْبَبْتُهُ فِي اللَّهِ تَعَالَى، قَالَ: فَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ، بَأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَبَّكَ كَمَا أَحْبَبْتَهُ فِيهِ»

«Бир киши бошқа бир қишлоқдаги биродарининг зиёратига борса, Аллоҳ унинг учун бир фариштани пойлоқчи қилиб қўяркан. Ҳалиги киши пойлаб турган фариштанинг ёнига келгач, фаришта ундан: «Қаерга бормоқчисан?», деб сўраркан. У «Шу қишлоқдаги бир биродаримникига», деб жавоб бераркан. Фаришта: «Сенинг унда кўпайтирадиган маблағинг борми?», деб сўраркан. Ҳалиги одам: «Йўқ, лекин мен уни Худо учун яхши кўраман», дер экан. Шунда фаришта: «Мен Аллоҳнинг сенга юборган элчисиман, сен уни Худо учун яхши кўрганингдек, Худо ҳам сени яхши кўради», дер экан». Убода ибн Сомит Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ Таоло айтади:

«حَقَّتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَحَابِّينَ فِيَّ، وَحَقَّتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَزَاوِرِينَ فِيَّ، وَحَقَّتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَبَادِلِينَ فِيَّ، وَحَقَّتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَوَاصِلِينَ فِيَّ»

«Мен учун бир-бирини яхши кўрувчилар Менинг муҳаббатимга сазовордир. Мен учун бир-бирини зиёрат қилувчилар Менинг муҳаббатимга сазовордир. Мен учун бир-бирига саховатли бўлувчилар Менинг муҳаббатимга сазовордир. Мен учун бир-бири билан борди-келди қилувчилар Менинг муҳаббатимга сазовордир». Бу ҳадисни ҳасан иснод билан Аҳмад чиқарган. Уни Ҳоким ҳам чиқариб, саҳиҳ, деган. Моликнинг «Муватто»сида саҳиҳ иснод билан келишича, Муоз ﷺ: «Пайғамбар ﷺ нинг шундай деганларини эшитдим», дейди:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَجَبَتْ مَحَبَّتِي لِلْمُتَحَابِّينَ فِيَّ، وَالْمُتَجَالِسِينَ فِيَّ، وَالْمُتَزَاوِرِينَ فِيَّ، وَالْمُتَبَادِلِينَ فِيَّ»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Мен учун бир-бирини яхши кўрувчилар, Мен учун бир-бири билан суҳбат қурувчилар, Мен учун бир-бирини зиёрат қилувчилар, Мен учун бир-бирига саховатли бўлувчилар Менинг муҳаббатимга сазовордирлар». Бухорий Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилади: «Эсимни танибманки, ота-онам диндор эдилар. Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг эрталаб ҳам, кечқурун ҳам бизникига келмаган бирон куни бўлмаган» (ҳадис).

Пайғамбар صلى الله عليه وسلم ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрган ва дунёвий ишда ҳам, ухровий ишда ҳам қўлидан келганча унга яхшилиқ қилишга иштиёқманд бўлган мўминнинг савоби улуғ бўлишини баён қиладилар. Анас رضي الله عنه ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай дейдилар:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ»

«Ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича, киши мўмин бўлмайди». Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадисида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«خَيْرُ الْأَصْحَابِ عِنْدَ اللَّهِ خَيْرُهُمْ لِصَاحِبِهِ، خَيْرُ الْجِيرَانِ عِنْدَ اللَّهِ خَيْرُهُمْ لِجَارِهِ»

«Аллоҳнинг наздида дўстларнинг энг яхшиси дўсти учун яхшироқ бўлгандир. Аллоҳнинг наздида қўшнилarning энг яхшиси қўшниси учун яхшироқ бўлгандир». Бу ҳадисни ибн Ҳузайма ўзининг «Саҳиҳ»ида, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Ҳоким «Мустадрак»да чиқарган ва ҳар икки шайх шартига кўра ҳам саҳиҳ, деган. Кучи етганича дўстининг ҳожатини чиқаришга уриниш, қўлидан келганича биродарининг хафалигини тарқатиб юборишга ҳаракат қилиш ҳам шу ишлар жумласидандир. Ибн Умарнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يُسْلِمُهُ، مَنْ كَانَ فِي حَاجَةٍ أَخِيهِ كَانَ اللَّهُ فِي حَاجَتِهِ، وَمَنْ فَرَّجَ عَنْ مُسْلِمٍ كُرْبَةً فَرَّجَ اللَّهُ عَنْهُ بِهَا كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

**«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, уни ташлаб ҳам қўймайди. Кимки биродарининг ҳожатини чиқариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш йўлида бўлади, кимки бир мусулмоннинг хафалигини тарқатиб юборса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги бир хафалигини тарқатиб юборади, кимки бир мусулмоннинг айбини ёпса, Аллоҳ қиёмат кунида унинг бир айбини ёпади».** Бу ҳадиснинг исноди ҳасан, одамлари ишончли. Табароний чиқарган Зайд ибн Собитнинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا يَزَالُ اللَّهُ فِي حَاجَةِ الْعَبْدِ مَا دَامَ فِي حَاجَةِ أَخِيهِ»

**«Модомики банда биродарининг ҳожатини чиқариш пайида бўлар экан, Аллоҳ унинг ҳожатини чиқариш пайида бўлаверади».**

Дўстини хурсанд қилиш учун унга яхши кўрадиган нарсаси билан рўбарў бўлмоқ мандубдир. Табароний «Ас-Сағир»да ҳасан иснод билан ривоят қилган. Анаснинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ لَقِيَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ بِمَا يُحِبُّ لَيْسَرَهُ بِذَلِكَ، سَرَّهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

**«Кимки мусулмон биродарини хурсанд қилиш учун унга яхши кўрадиган нарсаси билан рўбарў келса, қиёмат кунида Аллоҳ Азза ва Жалла уни хурсанд қилади».**

Биродарига очиқ юз билан рўбарў келиш ҳам мандубдир. Муслим Абу Заррдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَلَوْ أَنْ تَلْقَى أَحَاكَ بِوَجْهِ طَلِقٍ»

**«Андак яхшилиқни ҳам менсимай қўймагин, агарчи у биродарингга очиқ юз билан рўбарў келиш бўлса ҳам».** Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«كُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ، وَإِنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ أَنْ تَلْقَى أَخَاكَ بِوَجْهِ طَلْقٍ، وَأَنْ تُفْرِغَ مِنْ دَلُوكُ فِي إِنَاءِ أَحِيكَ»

«Ҳар бир яхшилик садақадир. Биродарингга очиқ юз билан рўбарў келишинг ҳам, унинг идишига челагингдан сув қуйиб беришинг ҳам яхшилик ҳисобланур». Бу ҳадисни Аҳмад ва Термизий ривоят қилган ва ҳасан саҳиҳ, деган. Аҳмад, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва ибн Ҳиббонлар ривоят қилган ҳадисда Абу Журайй ал-Ҳужаймий айтади: «Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бориб: «Эй Расулulloҳ, биз саҳройи халқмиз, бизга бирор нарсани ўргатингки, Аллоҳ уни биз учун фойдали қилсин», дедим. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«لَا تَحْفَرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَلَوْ أَنْ تُفْرِغَ مِنْ دَلُوكُ فِي إِنَاءِ الْمُسْتَسْقِي، وَلَوْ أَنْ تُكَلِّمَ أَخَاكَ وَوَجْهَكَ إِلَيْهِ مُنْبَسِطٌ، وَإِيَّاكَ وَإِسْبَالَ الْإِزَارِ فَإِنَّهُ مِنَ الْمَخِيلَةِ، وَلَا يُحِبُّهَا اللَّهُ، وَإِنْ أَمْرٌ شَتَمَكَ بِمَا يَعْلَمُهُ فِيكَ فَلَا تَشْتَمُهُ بِمَا تَعْلَمُ فِيهِ، فَإِنَّ أَجْرَهُ لَكَ وَوَبَّالَهُ عَلَى مَنْ قَالَهُ»

«Озгина яхшиликни ҳам ҳақир санамагин, агарчи у челагингдан сув сўровчининг идишига сув қуйиб бериш бўлса ҳам, агарчи у биродарингга очиқ чеҳралик билан гапиришинг бўлса ҳам. Изорни тушириб, осилтириб юришдан сақлангин, чунки у кибрдандир. Аллоҳ уни яхши кўрмайди. Агар бир киши сен хусусингда билган нарсалари билан сени ҳақорат қилса, сен у хусусида билган нарсаларинг билан уни ҳақорат қилмагин, чунки унинг савоби сенга бўлиб, гуноҳи гапирганнинг ўзига бўлади», дедилар».

Биродарига ҳадялар бериш ҳам мандубдир. Абу Ҳурайранинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«تَهَادَوْا تَحَابُّوا»

«Бир-бирингларга ҳадялар бериб турунглр, шунда бир-бирингларни яхши кўриб қоласизлар», деганлар. Бу ҳадисни Бу ҳадисни Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да, Абу Яъло ўзининг «Муснад»ида, Насоий «Куна»да, ибн Абдул Барр «Тамҳид»да чиқарган. Ироқий, санади ишончли деган.

Ибн Ҳажар «ат-Талхис ал-хабир»да санади ҳасан, деган. Ҳадяни қабул қилиш, ҳадяга ҳадя билан жавоб бериш ҳам мандубдир. Бухорийда Оиша رضي الله عنها ривоят қилиб, шундай дейди:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَقْبَلُ الْهَدِيَّةَ وَيُثِيبُ عَلَيْهَا»

«Пайғамбар ﷺ ҳадяни қабул қилардилар ва ҳадяга ҳадя билан жавоб берардилар». Аҳмад, Абу Довуд ва Насоий чиқарган ибн Умарнинг ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ اسْتَعَادَ بِاللَّهِ فَأَعِيدُوهُ، وَمَنْ سَأَلَكَم بِاللَّهِ فَأَعْطُوهُ، وَمَنْ اسْتَجَارَ بِاللَّهِ فَأَجِرُوهُ، وَمَنْ آتَى إِلَيْكُمْ مَعْرُوفًا فَكَافِنُوهُ، فَإِنْ لَمْ تَجِدُوا، فَادْعُوا لَهُ حَتَّى تَعْلَمُوا أَنْ قَدْ كَفَأْتُمُوهُ»

«Кимки Худони уртага қўйиб бошпана сўраса, бошпана беринглар. Кимки Худони уртага қўйиб бирор нарса сўраса, беринглар. Кимки Худони уртага қўйиб ҳимоя тиласа, ҳимоя қилинглар. Кимки сизларга бир яхшилик қилса, яхшилигига яхшилик қайтаринглар. Тополмасанглар, унинг ҳаққига дуо қилинглар, токи ўзингларни яхшилигига яраша жавоб қайтардик, деб билинглар». Биз биродарлар ўртасида бўладиган ҳадялар хусусида гапирмоқдамиз. Фуқаронинг ҳокимларга қиладиган ҳадяси бунга кирмайди. Чунки у пора каби ҳаромдир. Аллоҳ сизни мукофотласин, дейиш ҳам, яхшиликка яхшилик қилиш жумласидандир. Термизий Усома ибн Зайддан ривоят қилган ва саҳиҳ ҳасан, деган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ صُنِعَ إِلَيْهِ مَعْرُوفٌ فَقَالَ لِفَاعِلِهِ جَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا فَقَدْ أَبْلَغَ فِي الشَّاءِ»

«Кимга бир яхшилик қилинса ва у яхшилик қилган одамга: «Аллоҳ сизга яхши мукофот берсин» деса, у ўз миннатдорчилигини етарли даражада билдирибди». Яхшиликка яраша яхшилик қайтара олмайдиган киши учун ташаккур айтишнинг ўзи кифоя қилади. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Жобирдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أُولِي مَعْرُوفًا فَلَمْ يَجِدْ لَهُ خَيْرًا إِلَّا الشَّاءَ، فَقَدْ شَكَرَهُ، وَمَنْ كَتَمَهُ فَقَدْ كَفَرَهُ،  
وَمَنْ تَحَلَّى بِبَاطِلٍ فَهُوَ كَلَابِسِ ثَوْبِي زُورٍ»

«Кимга бир яхшилик қилинса ва у яхшиликка яраша яхшилик тополмасдан, фақат миннатдорчилик билдирса, шукр қилибди. Ким уни яширса, нонкурлик қилибди. Ким ноҳақлик билан безанса, қатма-қат бўхтон кийимини кийгандек бўлибди». Термизий ҳасан иснод билан Жобирдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَعْطَى عَطَاءً فَوَجَدَ فَلْيَجْزِ بِهِ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ فَلْيُشِنْ، فَإِنْ مَنَّا أَنْتَى فَقَدْ شَكَرَ،  
وَمَنْ كَتَمَ فَقَدْ كَفَرَ، وَمَنْ تَحَلَّى بِمَا لَمْ يُعْطَ، كَانَ كَلَابِسِ ثَوْبِي زُورٍ»

«Кимга бир эҳсон қилинса ва у ушанга яраша нарса топса, қайтарсин, тополмаса миннатдорчилик билдирсин. Зеро кимки миннатдорчилик билдирса, шукр қилибди, яширса, нонкурлик қилибди. Кимки ўзига берилмаган нарса билан безанса, устма-уст бўхтон кийимини кийгандек бўлибди». Абу Довуд ва Насоий Анас رضي الله عنه дан саҳиҳ иснод билан ривоят қиладилар:

«قَالَ الْمُهَاجِرُونَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، ذَهَبَ الْأَنْصَارُ بِالْأَجْرِ كُلِّهِ، مَا رَأَيْنَا قَوْمًا أَحْسَنَ  
بَدَلًا لِكَثِيرٍ، وَلَا أَحْسَنَ مَوَاسَاةً فِي قَلِيلٍ مِنْهُمْ، وَلَقَدْ كَفَوْنَا الْمَتُونَةَ، قَالَ: أَلَيْسَ  
تُشْتَوْنَ عَلَيْهِمْ بِهِ وَتَدْعُونَ لَهُمْ؟ قَالُوا بَلَى، قَالَ: فَذَاكَ بِذَاكَ»

«Муҳожирлар: «Эй Расулуллоҳ, ансорлар ҳамма савобни олиб кетишди, биз бойлари бу қадар саховатли бўлган, камбағаллари бу қадар ҳамдард бўлган қавмни кўрмаганмиз, улар бизни бекаму-кўст қилиб таъминладилар», дейишди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Сизлар уларга миннатдорчилик билдириб, уларнинг ҳақларига дуо қилдингларми?», дедилар. Улар: «Ҳа, қилдик», дейишди. Пайғамбар ﷺ: «Шу қилганинглар уларнинг қилгани билан баб-баробар», дедилар». Кўпга қандай шукр қилса, озга ҳам шундай шукр қилиш керак. Яхшилик қилган одамлардан миннатдор бўлиш ҳам лозим. Абдуллоҳ ибн Аҳмад ўзининг «Завоид»ида ҳасан иснод

билан Нўъмон ибн Баширдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ لَمْ يَشْكُرْ الْقَلِيلَ لَمْ يَشْكُرْ الْكَثِيرَ، وَمَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ،  
وَالْتَّحَدَّثُ بِنِعْمَةِ اللَّهِ شُكْرًا وَتَرَكُهَا كُفْرًا، وَالْجَمَاعَةُ رَحْمَةٌ وَالْفِرْقَةُ عَذَابٌ»

**«Озга шукр қилмаган одам кўпга ҳам шукр қилмайди. Одамлардан миннатдор бўлмаган одам Худодан ҳам миннатдор бўлмайди. Аллоҳнинг неъматини гапириш шукр, гапирмаслик куфрдир. Жамоат бўлиш раҳмат, фирқаланиш азобдир».**

Биродарининг ҳожатини чиқариш ёки мушкулени осон қилиш учун уни ҳимоя қилиш ҳам суннатдир. Бухорийнинг Абу Мусодан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ ёнларига тиланчи келганида:

«اشْفَعُوا فَلْتَوْجَرُوا وَيَقْضِ اللَّهُ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّهِ مَا شَاءَ»

**«Ҳимоя қилинглар, ажр оласизлар ва Аллоҳ Пайғамбарининг тили билан хоҳлаганича ҳукм қилади»**, дер эканлар. Муслим ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ كَانَ وَصْلَةً لِأَخِيهِ الْمُسْلِمِ إِلَى ذِي سُلْطَانٍ لِمَنْفَعَةٍ بَرٍّ أَوْ تَيْسِيرٍ عَسِيرٍ أُعِينَ  
عَلَى إِجَارَةِ الصَّرَاطِ يَوْمَ دَحْضِ الْأَقْدَامِ»

**«Кимки мусулмон биродарининг ҳожатини чиқариш ёки мушкулени осон қилиш учун салтанат эгасининг олдига алоқачи бўлиб борса, қадамлар тойиладиган кунда унинг кўприкдан ўтиб олишига ёрдам берилади».**

Биродарининг обрўсини ғойибона ҳимоя қилиш ҳам мандубдир. Термизий Абу Дардодан ривоят қилган ва ҳасан ҳадис, деган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ رَدَّ عَنْ عَرَضِ أَخِيهِ رَدَّ اللَّهُ عَنْ وَجْهِهِ النَّارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

**«Кимки биродарининг обрўсини ҳимоя қилса, қиёмат кунда Аллоҳ унинг юзидан ўтни қайтаради».** Абу Дардонинг бу ҳадисини Аҳмад ҳам чиқарган ва исноди ҳасан, деган. Ҳайсамий ҳам шундай деган. Исҳоқ ибн



Роҳавайҳ Язиднинг қизи Асмодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар:

«مَنْ ذَبَّ عَنْ عَرَضِ أَحِيهِ بَطَّهَرِ الْغَيْبِ كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يُعْتَقَهُ مِنَ النَّارِ»

**«Кимки биродарининг обрусини ғойибона ҳимоя қилса, уни дўзахдан озод қилиш Аллоҳнинг бурчи бўлиб қолади».** Қузойй Шихобнинг «Муснад»ида Анасдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ نَصَرَ أَخَاهُ بَطَّهَرِ الْغَيْبِ نَصَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ»

**«Ким биродарини ғойибона қўлласса, Аллоҳ уни дунё ва охиратда қўллайди»**, деганлар. Худди шу ҳадиснинг Имрон ибн Ҳусайн ривоятида:

«وَهُوَ يَسْتَطِيعُ نَصْرَهُ»

**«уни қўллашга қодир ҳолатида»**, деган жумла ҳам бор. Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да ва Абу Довуд Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْمُؤْمِنُ مِرَّةً الْمُؤْمِنِ, وَالْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ, مِنْ حَيْثُ لَقِيَهُ, يَكْفُ عَلَيْهِ ضِيَعَتُهُ وَيَحُوطُهُ مِنْ وَرَائِهِ»

**«Мумин муминнинг ойнасидир. Мумин муминнинг биродаридир. Йўлиққан пайтида уни ҳалоқатдан қайтаради, орқаворатдан эса уни ҳимоя қилади».** Зайн Ироқий, бу ҳадиснинг исноди ҳасан, деган.

Аллоҳ Субҳонаҳу мусулмонга биродарининг узрини қабул қилиш, сирини сақлаш ва унга насиҳат қилишни вожиб қилган.

**Узрни қабул қилиш** хусусида Мунзирийнинг айтишича, ибн Можа икки ишончли санад билан Жувдондан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ اعْتَدَرَ إِلَى أَحِيهِ بِمَعْدِرَةٍ فَلَمْ يَقْبَلْهَا, كَانَ عَلَيْهِ مِثْلُ خَطِيئَةِ صَاحِبِ مَكْسٍ»

**«Узр сўраб турган биродарининг узрини қабул қилмаган кимсанинг устида ўлпон йигувчининг гуноҳидек гуноҳ бўлади».**

**Сирни сақлаш** ҳақида Абу Довуд ва Термизий ҳасан иснод билан Жобирдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا حَدَّثَ رَجُلٌ رَجُلًا بِحَدِيثٍ ثُمَّ نَفَتَ فَهُوَ أَمَانَةٌ»

«**Бир киши иккинчи бир кишига гапираётиб, у ёқ бу ёққа қараса, у гап омонатдир**». Гапираётганда у ёқ бу ёққа қарашнинг ўзи гапнинг омонатлигига далолат қилиб турса, бу гапим сизга омонат, деб айтилса нима бўлиши ўз-ўзидан равшан. Омонатни сақлаш вожиб, сақламаслик эса хиёнатдир. Аммо агар гапирилган гапда Аллоҳнинг ҳақларидан бири борасида мусулмонлар оммасига етадиган озор бўлса, унга насиҳат қилмоқ, уни қайтармоқ, керак бўлса, гувоҳликка чақирилишдан аввал гувоҳ бўлмоқ суҳбатдошининг бурчидир. Ҳадисда келади:

«أَلَا أُتْبِكُمْ بِخَيْرِ الشُّهُودِ، الَّذِي يَشْهَدُ قَبْلَ أَنْ يُسْتَشْهَدَ»

«**Энг яхши гувоҳнинг кимлигини айтайми? Гувоҳликка жалб қилинишдан аввал гувоҳ бўлган кишидир**». Бу ҳадисни Муслим чиқарган.

**Насиҳат қилиш** хусусида Жарир ибн Абдуллоҳнинг муттафақун алайҳ ҳадисида келади:

«بَايَعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى إِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِتْيَانِ الزَّكَاةِ وَالتَّنْصِيحِ لِكُلِّ مُسْلِمٍ»

«**Мен Расулуллоҳ ﷺ билан намоз уқиш, закот бериш ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилишга байъат қилдим**». Муслимда Тамим ибн Авс Дорийнинг ҳадиси келади: «Пайғамбар ﷺ:

«الدِّينُ النَّصِيحَةُ، قُلْنَا لِمَنْ؟ قَالَ لِلَّهِ وَلِكِتَابِهِ وَلِرَسُولِهِ وَلِأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ»

«**Дин насиҳатдир**», дедилар. Биз: «**Кимлар учун?**», деб сўрадик. У киши: «**Аллоҳ, Унинг Китоби, Пайғамбари, раҳбарлар ва умум мусулмонлар учун**», деб жавоб бердилар». Ҳитобий: «Ҳадис - диннинг устунитаянчи насиҳатдир, деган мазмундадир. Худди ҳаж арафадир, деган ҳадисда ҳажнинг устун, асосий қисми эътибор қилингани кабидир», дейди. Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳаққи хусусида Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ سِتٌّ، قِيلَ: مَا هُنَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: إِذَا لَقَيْتَهُ فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، وَإِذَا دَعَاكَ فَأَجِبْهُ، وَإِذَا اسْتَنْصَحَكَ فَانصَحْ لَهُ، وَإِذَا عَطَسَ فَحَمِدَ اللَّهَ فَشَمِّتْهُ، وَإِذَا مَرِضَ فَعُدَّهُ، وَإِذَا مَاتَ فَاتَّبِعْهُ»

**«Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳаққи олтитадир. «Улар қайсилар, эй Расулуллоҳ?», дейилди. У киши: «Йўлиққанингда салом бер, чақирса бор, насихат сўраса насихат қил, аксириб Аллоҳга ҳамд айтса, унга соғлик тила, касал бўлса, бориб кўр, ўлса, (қабргача) кузатиб қўй».**

Энди, Худо учун ёмон кўришга келсак, Аллоҳ Субҳонаҳу очиқ кофир, мунофиқ ва фосиқларни яхши кўришдан қайтарган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ تُلْقُونَ إِلَيْهِم بِالْمَوَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ يُخْرِجُونَ الرَّسُولَ وَإِيَّاكُمْ أَنْ تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ رَبِّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ خَرَجْتُمْ جِهَادًا فِي سَبِيلِي وَابْتِغَاءَ مَرْضَاتِي تُسِرُّونَ إِلَيْهِم بِالْمَوَدَّةِ وَأَنَا أَعْلَمُ بِمَا أَخْفَيْتُمْ وَمَا أَعْلَنْتُمْ وَمَنْ يَفْعَلْهُ مِنْكُمْ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ

السَّبِيلِ﴾

– „Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки, улар сизларга келган Ҳақ (Дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар! Улар пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам Парвардигорларингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирганларингиз сабабли (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар Менинг Йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангизлар, (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки, Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши Билгувчидирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у Тўғри Йўлдан озбди!“

[60:1]

Яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُؤَا مَا عَيْتُمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمْ الْآيَاتِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٣١٩﴾ هَآأَنْتُمْ أَوْلَاءُ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا لَقُوكُمْ قَالُوا آمَنَّا وَإِذَا خَلَوْا عَضُّوا عَلَيْكُمْ الْأُنَامِلَ مِنَ الْغَيْظِ قُلْ مُؤْتُوا بِغَيْظِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ﴾

– „Эй мўминлар, ўзларингдан бршқаларни (яъни, файридинларни) сирдош - дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва сизларни қийинчилик-машаққатларга дуч келшингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги (адоватлари) эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар, сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик. Ҳой (мўминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни суймайдилар. Сизлар (ҳамма) Китобга иймон келтирасизлар-у, (улар сизларнинг Китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йўлиққанларида: «Иймон келтирдик», дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. (Эй Мухаммад алайҳис-салом, уларга): «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!», - деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни Билгувчидир“.

[3:118,119]

Табароний Алий رضي الله عنهдан ишончли санад билан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ثَلَاثٌ هُنَّ حَقٌّ: لَا يَجْعَلُ اللَّهُ مِنْ لَهٗ سَهْمًا فِي الْإِسْلَامِ كَمَنْ لَا سَهْمَ لَهٗ، وَلَا يَتَوَلَّى اللَّهُ عَبْدًا فَيُؤَلِّيهٖ غَيْرَهٗ، وَلَا يُحِبُّ رَجُلٌ قَوْمًا إِلَّا حُسْرًا مَعَهُمْ»

«Уч нарса ҳақдир, бўлиши аниқдир: Аллоҳ Исломдан улуши бор одамни улуши йўқ одамга ўхшатиб қўймайди, Аллоҳни ҳожам деб билган кишига бошқа биров ҳожалик қилолмайди, қайси бир киши қайси бир қавмни яхши кўрса, қайта тирилишда ўшалар билан бирга бўлади». Бу ҳадисда қайта тирилишда ёмонлар билан бирга бўлиб қолишдан эҳтиёт

бўлишга чақирилиб, уларни яхши кўришдан қатъий қайтариляпти.

Термизий Муоз ибн Анас Жуҳанийдан ривоят қилган ва бу ҳасан ҳадис, деган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ أَعْطَى لِلَّهِ، وَمَنَعَ لِلَّهِ، وَأَحَبَّ لِلَّهِ، وَأَبْغَضَ لِلَّهِ، وَأَنْكَحَ لِلَّهِ، فَقَدْ اسْتَكْمَلَ

إِيمَانَهُ»

**«Кимки Худо учун эҳсон қилса, Худо учун эҳсон қилишдан тийилса, Худо учун яхши кўрса, Худо учун ёмон кўрса, Худо учун уйланса, унинг иймони комил бўлибди».**

Шунингдек, Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«...» وَإِذَا أَبْغَضَ اللَّهُ عَبْدًا دَعَا جَبْرِيْلَ فَيَقُولُ إِنِّي أَبْغَضُ فَلَانًا فَأَبْغَضُهُ، قَالَ

فَيَبْغِضُهُ جَبْرِيْلُ ثُمَّ يُنَادِي فِي أَهْلِ السَّمَاءِ إِنَّ اللَّهَ يُبْغِضُ فَلَانًا فَأَبْغِضُوهُ، قَالَ

فَيَبْغِضُونَهُ ثُمَّ تَوَضَّعَ لَهُ الْبُغْضَاءُ فِي الْأَرْضِ...»

**«...Агар Аллоҳ бир бандани ёмон кўрса, Жаброилни чақириб: «Мен фалончини ёмон кўраман, сен ҳам ёмон кўр», дейди. Жаброил ҳам ёмон кўриб само аҳлига: «Аллоҳ фалончини ёмон кўради, сизлар ҳам уни ёмон кўринглар», деб жар солади. Улар ҳам ёмон кўрадилар. Кейин унга ер юзида ёмон кўрилиш битилур...». Ҳадисдаги «Кейин унга ер юзида ёмон кўрилиш битилур», жумласи талаб ирода қилинган хабардир. Гўё эй ер аҳли, Аллоҳ ёмон кўрган кимсани сизлар ҳам ёмон кўринглар, дейиляпти. Ҳадиснинг мазмуни шуни тақозо қилиб турибди. Қолаверса, ҳадис Аллоҳ ёмон кўрган кимсани ёмон кўриш вожиблигига ҳам далолат қилади. Ашаддий душманни ёмон кўриш ҳам шунинг жумласидандир. Оиша ﷺнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:**

«إِنَّ أَبْغَضَ الرَّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَلَدُ الْخَصِمُ»

**«Худо учун энг ёмон одам қаттиқ хусумат қиладиган одамдир».** Ансорларни ёмон кўрган кимсани ёмон кўриш

вожиблиги хусусида ҳам ҳадис келган. Баро Пайгамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитдим, дейди:

«الْأَنْصَارُ لَا يُحِبُّهُمْ إِلَّا مُؤْمِنِينَ، وَلَا يُبْغِضُهُمْ إِلَّا مُنَافِقِينَ، فَمَنْ أَحَبَّهُمْ أَحَبَّهُ اللَّهُ، وَمَنْ أَبْغَضَهُمْ أَبْغَضَهُ اللَّهُ»

**«Ансорларни фақат мўмин яхши кўради. Уларни фақат мунофиқ ёмон кўради. Ким уларни яхши кўрса, уни Аллоҳ яхши кўради»** (муттафақун алайҳ). Ҳақни гапириб, гапирган гапи ҳалқумидан нарига ўтмаган кимсаларни ёмон кўриш вожиблиги хусусида ҳам ҳадис ворид бўлган. Муслимдаги Алининг ривоятида шундай дейилади:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَصَفَ نَاسًا - إِنِّي لَأَعْرِفُ صِفَتَهُمْ فِي هَؤُلَاءِ - يَقُولُونَ الْحَقَّ بِأَلْسِنَتِهِمْ، لَا يَجُوزُ هَذَا مِنْهُمْ، وَأَشَارَ إِلَى حَلْقِهِ، مِنْ أَبْغَضِ خَلْقِ اللَّهِ إِلَيْهِ»

**«Пайгамбар ﷺ айрим одамларни сифатлаб - «Мен улардаги сифатларни биламан - Тиллари билан ҳақни гапирадилару, гапирган гаплари мана бу ерларидан нарига ўтмайди», деб ҳалқумга ишора қилдилар. «Улар Аллоҳнинг энг ёмон кўрган махлуқларидир», дедилар.** Беҳаё ахлоқсиз кимсани ёмон кўриш вожиблиги хусусида Термизий Абу Дардодан ривоят қилган ва бу ҳасан ҳадис, деган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«... وَإِنَّ اللَّهَ لَيُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَدِيءَ»

**«... Албатта Аллоҳ беҳаё ахлоқсиз кимсани ёмон кўради».**

Саҳобаларнинг кофирларни ёмон кўришлари хусусида ҳам асарлар ворид бўлган. Муслим Салама ибн Акваъдан ривоят қилишича, у шундай дейди:

«... فَلَمَّا اصْطَلَحْنَا نَحْنُ وَأَهْلُ مَكَّةَ، وَاخْتَلَطَ بَعْضُنَا بِبَعْضٍ، أَتَيْتُ شَجْرَةَ فَكَسَحْتُ شَوْكَهَا، فَاصْطَجَعْتُ فِي أَصْلِهَا، قَالَ: فَاتَانِي أَرْبَعَةٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ، مِنْ أَهْلِ مَكَّةَ، فَجَعَلُوا يَقْعُونَ فِي رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَأَبْغَضْتُهُمْ، فَتَحَوَّلْتُ إِلَى شَجْرَةِ أُخْرَى...»

«... Маккаликлар билан сулҳлашганимиздан кейин бир-биримизга аралашиб кетдик. Бир дарахтга бориб, тиканларини сидириб ташлаб, шохида ётган эдим, тўртта маккалик мушрик келиб, Пайгамбар ﷺ хусусида бўлар-булмас гапларни гапира бошладилар. Улардан нафратланиб, бошқа дарахтга ўтиб кетдим...». Аҳмад Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Равоҳа Хайбар яҳудийларига қарата шундай деган:

«يَا مَعْشَرَ الْيَهُودِ، أَنْتُمْ أَبْغَضُ الْخَلْقِ إِلَيَّ، قَاتَلْتُمْ أَنْبِيَاءَ اللَّهِ عَزًّا وَّجَلًّا، وَكَذَبْتُمْ عَلَيَّ اللَّهُ، وَلَيْسَ بِخَمَلْنِي بُغْضِي إِيَّاكُمْ عَلَيَّ أَنْ أَحِيفَ عَلَيْكُمْ...»

«Эй яҳудийлар жамоаси, сизлар мен энг ёмон кўрадиган халқсизлар. Аллоҳ Азза ва Жалланинг пайгамбарларини улдирдинглар, Аллоҳга қарши ёлғонлар уюштирддинглар. Аммо сизларга бўлган нафратим мени сизларга нисбатан адолатсизлик қилишга мажбур қилолмайди».

Очиқчасига ёмонлик қилиш хусусида Аҳмад ва Абдурраззоқ Абу Фарросдан ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб ؓ бир хутбасида жумладан шундай деган: «Сизлардан қайси бирингиз очиқчасига ёмонлик қилса, биз уни ёмонлик деб билиб, шу иши туфайли уни ёмон кўраимиз». Бу ҳадисни Абу Яъло ҳасан иснод билан, Ҳоким «Мустадрак»да келтирган ва Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган.

Алалхусус, Худо учун яхши кўриш ва Худо учун ёмон кўриш Аллоҳнинг розилиги, раҳмати, нусрати ва жаннатини умид қилган мусулмон сифатланиши керак бўлган улуғ ишлардандир.

## Аллоҳдан ҳам яширин, ҳам ошкора қўрқиш

Аллоҳдан қўрқиш фарздор. Бунга Қуръонда ҳам, суннатда ҳам далиллар кўп. Қуръондан далиллар:

﴿وَأَيَّيَ فَاتَّقُونِي﴾

– „... ва Мендангина эҳтиёт бўлинглар!“ [2:41]

﴿وَأَيَّيَ فَارْهَبُونِي﴾

– „Ва Мендангина қўрқинглар!“ [2:40]

﴿إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ يُخَوِّفُ أَوْلِيَاءَهُ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَخَافُونِي إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

– „Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) қўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!“ [3:175]

﴿وَيُحَذِّرُكُمُ اللَّهُ نَفْسَهُ﴾

– „Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур“, [3:28]

﴿فَلَا تَخْشَوُا النَّاسَ وَارْهَبُوا اللَّهَ﴾

– „Бас, одамлардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз“, [5:44]

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ﴾

– „Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз!“ [4:1]

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ﴾

– „Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига қўрқинч тушадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар“, [8:2]

﴿وَكَذَلِكَ أَخَذَ رَبُّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَىٰ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخَذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ ﴿٨﴾ إِنَّ

فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّمَن خَافَ عَذَابَ الْآخِرَةِ ذَلِكَ يَوْمٌ مَّجْمُوعٌ لَّهُ النَّاسُ وَذَلِكَ يَوْمٌ

مَشْهُودٌ ﴿٩﴾ وَمَا تُؤَخِّرُهُ إِلَّا لِأَجَلٍ مُّعَدَّدٍ ﴿١٠﴾ يَوْمَ يَأْتِ لَا تَكَلَّمُ نَفْسٌ إِلَّا بِإِذْنِهِ

فَمِنْهُمْ شَقِيٌّ وَسَعِيدٌ ﴿١١﴾ فَأَمَّا الَّذِينَ شَفَعُوا فِي النَّارِ لَهُمْ فِيهَا زَفِيرٌ وَشَهِيقٌ ﴿١٢﴾

– „Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир. Албатта бу (қиссаларда) охират азобидан қўрққан кишилар учун оят-ибратлар бордир. У кун барча одамлар тўпланадиган ва ҳозир бўлинадиган Кундир.



Биз уни фақат саноқли муддатгача таъхир қилиб-кечиктириб турамыз, холос. У кун келганида, бирон жон гапирмас, магар (Аллоҳнинг) изни билангина гапирур. Бас, у (Кунга ҳозир бўлган)лар орасида бахтсизи ҳам бўлур, бахтлиси ҳам бўлур. Сўнг бадбахт кимсалар дўзахда бўлиб, у жойда оҳу фарёд қилурлар“; [11:102-106]

﴿وَالَّذِينَ يَصِلُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ وَيَخَافُونَ سُوءَ الْحِسَابِ﴾

– „Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар. Парвардигорларидан қўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан қўрқиб, (доним чиройли амаллар қилишга интиладилар)“; [13:21]

﴿ذَلِكَ لِمَنْ خَافَ مَقَامِي وَخَافَ وَعِيدِ﴾

– „Бу (ваъда Қиёмат Күнида) Менинг ҳузуримда (сўроқ-савол бериб) туришдан қўрқувчи ва Менинг (кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги) ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир“; [14:14]

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ ﴿١﴾ يَوْمَ تَرَوُنَّهَا تُذْهِلُ كُلُّ مَرْضِعَةٍ عَمَّا أَرْضَعَتْ وَتَضَعُ كُلُّ ذَاتِ حَمَلٍ حَمْلَهَا وَتَرَى النَّاسَ سُكَارَىٰ وَمَا هُمْ بِسُكَارَىٰ وَلَٰكِنَّ عَذَابَ اللَّهِ شَدِيدٌ﴾

– „Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро (Қиёмат) соати (олдидаги) зилзила улуғ-даҳшатли нарсадир. Уни кўрар кунингизда эмизаётган (оналар) эмизиб турган (боласини) унутар ва барча ҳомиладор (аёллар) ўз ҳомиласини ташлаб юборар; одамларни маст-аласт ҳолда кўрурсиз, ҳолбуки, улар ўзлари маст эмаслар, лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир“; [22:1,2]

﴿وَلِمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَّاتٌ﴾

– „Парвардигори (ҳузуриди) туришдан қўрққан киши учун икки жаннат бордир“; [55:46]

﴿مَا لَكُمْ لَا تَرْجُونَ لِلَّهِ وَقَارًا﴾

– „Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни (яъни Унга ибодат қилишни) ўйламайсизлар?“; [71:13]

﴿يَوْمَ يَفِرُّ الْمَرْءُ مِنْ أَخِيهِ ﴿۸۰﴾ وَأُمِّهِ وَأَبِيهِ ﴿۸۱﴾ وَصَاحِبَتِهِ وَبَنِيهِ ﴿۸۲﴾ لِكُلِّ امْرِئٍ مِنْهُمْ يَوْمَئِذٍ شَأْنٌ يُغْنِيهِ﴾

– „У Кунда киши ўз оға-иннисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур!“  
[80:34-37]

Суннат ва асарлардан айримлари бевосита, айримлари эса билвосита, яъни ўзидан келиб чиқадиган мазмун эътибори билан Аллоҳдан қўрқишнинг фарзлигига далолат қилади. Улардан айримларини келтирамиз:

• Абу Ҳурайра, Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитган эдим, деб ривоят қилади:

«سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ بِالْمَسَاجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ، فَقَالَ إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهَا مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا، فَفَاصَتْ عَيْنَاهُ»

«Етти хил тоифа одамларни соя йўқ кунда Аллоҳ ўз соясига олади: 1. Одил раҳбар; 2. Аллоҳ Азза ва Жаллага ибодат қилиб вояга етган ўсмир; 3. Қалби масжидларга боғланган киши; 4. Худо учун бир-бирини яхши кўрган кишилар. Улар Худо учун бирлашадилар, Худо учун ажрашадилар; 5. Мансабли ва чиройли аёл чақирганида: «Мен Аллоҳдан қўрқаман», деган киши; 6. Ўнг қўли берган садақани чап қўли билмайдиган даражада яширган киши; 7. Ёлғиз ҳолида Аллоҳдан қўрқиб, кўзлари ёшга тўлган киши» (муттафақун алайҳ).

• Анас ؓ, Пайғамбар ﷺ бир хутба ўқидилар, унга ўхшаганини ҳечам эшитмаган эдим, у киши:

«لَوْ تَعْلَمُونَ مَا أَغْلَمَ لَصَحِحْتُمْ قَلِيلًا وَلَبَكَيْتُمْ كَثِيرًا»

«Агар мен билган нарсани билганингларда, оз кулиб, кўп йиғлардинглар», дедилар. Шунда саҳобалар юзларини ёпиб олиб, пиқиллардилар, деб ривоят қилади (муттафақун алайҳ).

• Адий ибн Хотам ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا سَيَكَلِمُهُ اللَّهُ، لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ تَرْجُمَانٌ، فَيَنْظُرُ أَيْمَنَ مِنْهُ فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ أَشْأَمَ مِنْهُ فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ بَيْنَ يَدَيْهِ فَلَا يَرَى إِلَّا النَّارَ تَلْقَاءَ وَجْهِهِ فَاتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ»

«Сизларнинг ҳар бирингиз билан Аллоҳ ўртада таржимонсиз гаплашади. Шунда у унғ тарафига қараб, қилган амалидан бошқа нарсани кўрмайди, чап тарафига ҳам қараб, яна қилган амалидан бошқа нарсани кўрмайди, олди тарафига қараб, юзининг рупарасида дўзахни кўради. Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар» (муттафақун алайҳ).

• Оиша ﷺ дан, у киши мен Пайғамбар ﷺнинг:

«يُحْشَرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حُفَاءَ عُرَاءَ غُرُلًا، قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ الرَّجَالُ وَالنِّسَاءُ جَمِيعًا يَنْظُرُ بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ؟ قَالَ يَا عَائِشَةُ الْأَمْرُ أَشَدُّ مِنْ أَنْ يُهْمَهُمْ ذَلِكَ»

«Қиёмат кунида одамлар қип-яланғоч ҳолда қайта тириладилар», деганларини эшитиб: «Эй Расулуллоҳ, эркак-аёл бир булиб, бир-бирларига қарайверадиларми?», деб сўрадим. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Эй Оиша, у кундаги ҳолат бу нарсаларга эътибор беришдан кўра қаттиқроқ бўлади», деганларини эшитдим деди. (муттафақун алайҳ).

• Нўъмон ибн Башир, Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитдим, дейди:

«إِنَّ أَهْوَنَ أَهْلِ النَّارِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَرَجُلٌ تَوَضَّعَ فِي أَحْمَصِ قَدَمَيْهِ جَمْرَتَانِ يَغْلِي مِنْهُمَا دِمَاغُهُ»

«Қиёмат кунида дўзах аҳлининг энг енгил азобланадигани бир кишидирки, унинг оёғи остига икки чўғ қўйилади, улардан мияси қайнайди» (муттафақун алайҳ).

• Ибн Умар ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَقُومُ النَّاسُ لِرَبِّ الْعَالَمِينَ، حَتَّى يَغِيبَ أَحَدُهُمْ فِي رَشْحِهِ إِلَى أَنْصَافِ أُذُنَيْهِ»

**«Одамлар Парвардигори оламнинг қошида турганларида улардан бири икки қулогининг ярмигача ўз баданидан чиққан терга кўмилиб қолади» (муттафақун алайх).**

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَعْرِقُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يَذْهَبَ عَرَقُهُمْ فِي الْأَرْضِ سَبْعِينَ ذِرَاعًا وَيُلْجِمُهُمْ حَتَّى يَبْلُغَ آذَانَهُمْ»

**«Қиёмат кунда одамлар шу қадар терлайдиларки, уларнинг терлари ерда етмиш газгача бориб, уларни қулоқларигача кўмади» (муттафақун алайх).**

• Яна Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَقُولُ اللَّهُ إِذَا أَرَادَ عَبْدِي أَنْ يَعْمَلَ سَيِّئَةً فَلَا تَكْتُبُهَا عَلَيْهِ حَتَّى يَعْمَلَهَا، فَإِنْ عَمَلَهَا فَاتَّكْتُبُهَا بِمِثْلِهَا، وَإِنْ تَرَكَهَا مِنْ أَجْلِي فَاتَّكْتُبُهَا لَهُ حَسَنَةً، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَعْمَلَ حَسَنَةً فَلَمْ يَعْمَلَهَا فَاتَّكْتُبُهَا لَهُ حَسَنَةً، فَإِنْ عَمَلَهَا فَاتَّكْتُبُهَا لَهُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضَعْفٍ»

**«Аллоҳ Таоло: «Агар бандам бир ёмонлик қилмоқчи бўлса, то қилгунига қадар ёзманглар, қилса, уша қилганичалик ёзинглар. Мени деб қилишдан тийилса, унга бир яхшилиқ ёзинглар, агар бир яхшилиқ қилмоқчи бўлса, қилмаса ҳам унга бир яхшилиқ ёзинглар. Қилса, уша қилганига ўн баробардан етти юз баробаргача кўп қилиб ёзинглар», дейди» (муттафақун алайх).**

• Яна Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَوْ يَعْلَمُ الْمُؤْمِنُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الْعُقُوبَةِ مَا طَمِعَ بِجَنَّتِهِ أَحَدٌ، وَلَوْ يَعْلَمُ الْكَافِرُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الرَّحْمَةِ مَا قَنَطَ مِنْ رَحْمَتِهِ أَحَدٌ»

**«Агар мўмин Аллоҳнинг азоби нима эканини билса, Унинг жаннатидан ҳеч ким умидвор бўлмай қолади. Агар кофир Аллоҳнинг раҳмати нима эканини билса, Унинг раҳматидан ҳеч ким ноумид бўлмай қолади» (Муслим).**

• Ибн Умар: «Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитдим», дейди:

«كَانَ الْكِفْلُ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا يَتَوَرَّعُ مِنْ ذَنْبِ عَمَلِهِ، فَأَتَتْهُ امْرَأَةٌ فَأَعْطَاهَا سَتِينَ دِينَارًا عَلَى أَنْ يَطَّأَهَا فَلَمَّا أَرَادَهَا عَنْ نَفْسِهَا ارْتَعَدَتْ وَبَكَتْ، فَقَالَ مَا يُبْكِيكَ، قَالَتْ: لِأَنَّ هَذَا عَمَلٌ مَا عَمَلْتُهُ قَطُّ، وَمَا حَمَلَنِي عَلَيْهِ إِلَّا الْحَاجَةُ، فَقَالَ: تَفْعَلِينَ أَنْتَ هَذَا مِنْ مَخَافَةِ اللَّهِ! فَأَنَا أَحْرَى، اذْهَبِي فَلَكَ مَا أَعْطَيْتُكَ، وَوَاللَّهِ مَا أَعْصِيهِ بَعْدَهَا أَبَدًا، فَمَاتَ مِنْ لَيْلَتِهِ، فَأَصْبَحَ مَكْتُوبًا عَلَى بَابِهِ: إِنَّ اللَّهَ قَدْ غَفَرَ لِلْكَفْلِ فَعَجَبَ النَّاسُ مِنْ ذَلِكَ»

«Бану Исроилдан Кифл исмли бир киши гуноҳ ишдан тақво қилмасди. Олдига бир аёл келган эди, у билан зино қилиш учун унга олтмиш динар берди. Энди қушилмоқчи бўлиб турганида ҳалиги аёл қалтираб, йиглаб юборди. «Нега йиғлаяпсан?», деб сўраган эди: «Чунки мен бундай ишни аввал ҳеч қилмаганман, муҳтожлик мени шунга мажбур қилди», деб жавоб берди. Шунда у Аллоҳдан қўрқиб: «Шундай қиляпсанми, аслида қўрқишга мен лойиқроқман. Боравер, берган нарсам сеники, Аллоҳга қасамки, минбаъд Худога гуноҳ қилмайман» деб, ўша кечаси ўлиб қолди. Эрталаб унинг дарвозасида: «Аллоҳ Кифлни мағфират қилди», деган ёзувни куриб, одамлар ажабландилар». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, ҳасан, деган, Ҳоқим ривоят қилиб, саҳиҳ, деган, Заҳабий уни маъқуллаган. Уни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ва Байҳақий «аш-Шаъб»да ривоят қилган.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه Пайғамбар ﷺдан, у киши Парвардигорлари Азза ва Жалладан ривоят қилган ҳадиси қудсийда айтилади:

«وَعَزَّتِي لَا أَجْمَعُ عَلَى عَبْدِ خَوْفَيْنِ وَأَمْتَيْنِ إِذَا خَافَنِي فِي الدُّنْيَا أَمْتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَإِذَا أَمَنِي فِي الدُّنْيَا أَحَفَّتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Иззатим ҳаққи, бандамда икки хавфни ҳам, икки хотиржамликни ҳам бирлаштирмайман. Агар бандам бу дунёда Мендан хавфда булса, қиёмат кунда унга хотиржамликни бераман, агар бандам бу дунёда Мендан

хотиржам бўлса, қиёмат кунда уни хавфу хатарга соламан». Бу ҳадисни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган.

• Ибн Аббос ривоят қилади:

«لَمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَى نَبِيِّهِ ﷺ هَذِهِ الْآيَةَ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوا أَنْفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ﴾ تَلَاهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ذَاتَ عَلَيٍّ أَصْحَابِهِ فَخَرَّ قَتِي مَعْشِيًّا عَلَيْهِ، فَوَضَعَ النَّبِيُّ ﷺ يَدَهُ عَلَى فُؤَادِهِ فَإِذَا هُوَ يَتَحَرَّكُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَا قَتِي قُلْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فَقَالَهَا فَبَشَّرَهُ بِالْجَنَّةِ، فَقَالَ أَصْحَابُهُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَمِنَ بَيْنَنَا؟ أَوْ مَا سَمِعْتُمْ قَوْلَهُ تَعَالَى: ﴿ذَلِكَ لِمَنْ خَافَ مَقَامِي وَخَافَ وَعِيدٌ﴾»

**«Аллоҳ Пайгамбари ﷺ га: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли оилаларингизни ўтини одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақланглар» [66:6], оятини нозил қилгач, Расул ﷺ уни бир куни саҳобаларига тиловат қилдилар. Шунда бир йигит ҳушидан кетиб йиқилди. Набий ﷺ кўксига қўлларини қўйсалар, юраги ураётган экан: «Эй йигит, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, дегин», дедилар. Йигит айтди. Шунда Пайгамбар ﷺ уни, жаннати, деб башорат қилдилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, у орамиздагилардан биримиди?», деб сўрашган эди, «Аллоҳ Таолонинг: «Бу (ваъда Қиёмат Кунда) Менинг ҳузуримда (сўроқ-салов бериб) туришдан қўрқувчи ва Менинг (кофирларни дўзахга гирифтор қилиш хусусидаги) ваъдамдан хавф қилгувчи кишилар учундир» [14:14], деган оятини эшитмаганмисизлар?», деб жавоб бердилар». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган.**

• Оиша ﷺ ривоят қилади:

«قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَوْلَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ ﴿وَالَّذِينَ يُؤْتُونَ مَا آتَوْا وَقُلُوبُهُمْ وَجَلَةٌ أَنَّهُمْ إِلَى رَبِّهِمْ رَاجِعُونَ﴾ أَهْوَى الَّذِي يَزْنِي وَيَشْرَبُ الْخَمْرَ - وَفِي رِوَايَةِ ابْنِ سَابِقٍ - أَهْوَى الرَّجُلُ الَّذِي يَزْنِي وَيَسْرِقُ وَيَشْرَبُ الْخَمْرَ، وَهُوَ مَعَ ذَلِكَ يَخَافُ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ؟ قَالَ لَا، وَفِي رِوَايَةٍ وَكَيْعٍ لَا يَا بِنْتُ أَبِي بَكْرٍ أَوْ بِنْتُ الصِّدِّيقِ، وَلَكِنَّهُ الرَّجُلُ يَصُومُ وَيُصَلِّي وَيَتَصَدَّقُ وَهُوَ يَخَافُ أَنْ لَا يُقْبَلَ مِنْهُ»

«Мен: «Эй Аллоҳнинг Пайгамбари, Аллоҳ Таолонинг: «(Қиёмат Кунда ҳисоб-китоб учун) Парвардигорларига қайтгувчи эканликларидан диллари қўрқиб турган ҳолда (камбағал-бечораларга) садақалар берадиган кишилар» [23:60], деган ояти зино қилиб, ароқ ичиб, ўғирлик қилиб туриб, Аллоҳдан қўрққан одам хусусидами?», деб сўраган эдим, у киши: «Йўқ, эй Абу Бакрнинг қизи, у намоз ўқиб, рўза тутиб, закот бериб туриб, қабул бўлмай қолишидан қўрққан киши ҳақида», деб жавоб бердилар». Бу ҳадисни Байҳақий «аш-Шаҳб»да ривоят қилган. Уни Ҳоким ҳам «Мустадрак»да ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган.

• Савбон ﷺ ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ: «لَا عَلَمَ أَقْوَامًا مِنْ أُمَّتِي يَأْتُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِحَسَنَاتٍ أَمْثَالِ جِبَالِ تِهَامَةَ بِيضًا، فَيَجْعَلُهَا اللَّهُ هَبَاءً مَنْثُورًا، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ صِفْهُمْ لَنَا، جَلَّهْمُ لَنَا أَنْ لَا نَكُونَ مِنْهُمْ وَتَحْنُ لَا نَعْلَمُ، قَالَ: أَمَّا إِنَّهُمْ مِنْ إِخْوَانِكُمْ، مِنْ جَلَدَتِكُمْ، وَيَأْخُذُونَ مِنَ اللَّيْلِ كَمَا تَأْخُذُونَ، وَلَكِنَّهُمْ أَقْوَامٌ إِذَا خَلَوْا بِمَحَارِمِ اللَّهِ انْتَهَكُوهَا»

«Умматимдан шундай қавмларни биламанки, улар қиёмат кунда опшоқ Туҳома тоғидек яхшиликларни олиб келадилар-у, аммо Аллоҳ уларни тўзиб юрган ғуборга айлантириб юборади», дедилар. Мен: «Эй Расулulloҳ, уларни бизга сифатлаб, тушунтириб беринг, токи билмаган ҳолимизда улардан бўлиб қолмайлик», дедим. У киши: «Улар сизларнинг биродарларингиз, таналари сизларнинг таналарингиздек, худди сизлар каби кечадан ўз улушини оладилар. Лекин улар ёлғиз қолганларида Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан тийилмайдилар», деб жавоб бердилар». (Ибн Можа). «Мисбаҳ уз-зужажа» муаллифи бу саҳиҳ иснод ва унинг одамлари ишончли, деган.

• Абдуллоҳ ибн Масъуд икки ҳадис айтиб берди. Бири Пайғамбар ﷺдан, иккинчиси ўзидан:

«إِنَّ الْمُؤْمِنَ يَرَى ذُنُوبَهُ كَأَنَّهُ قَاعِدٌ تَحْتَ جَبَلٍ يَخَافُ أَنْ يَقَعَ عَلَيْهِ، وَإِنَّ الْفَاجِرَ يَرَى ذُنُوبَهُ كَذُبَابٍ مَرَّ عَلَى أُنْفِهِ فَقَالَ بِهِ هَكَذَا قَالَ أَبُو شَهَابٍ بِيَدِهِ فَوْقَ أُنْفِهِ

«...»

«Мўмин гуноҳларини уйлаганида ўзини тоғ остида ўтиргандек ва тоғ унинг устига қулаётгандек ҳис қилади. Фосиқ гуноҳларини бурнининг ёнидан ўтган пашшадек кўради...». (Бухорий).

• Саъд رضي الله عنه Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг шундай деганларини эшитдим дейди:

«إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعَبْدَ التَّقِيَّ الْغَنِيَّ الْخَفِيَّ»

«Албатта, Аллоҳ тақводор, (руҳан) бой, (ўзи қилган яхшилиқни) яширадиган бандани яхши кўради». (Муслим).

• Усома ибн Шарик ривоятида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай дейдилар:

«مَا كَرِهَ اللَّهُ مِنْكَ شَيْئًا فَلَا تَفْعَلْهُ إِذَا خَلَوْتَ»

«Қайси бир ишни Аллоҳ сендан содир бўлишини ёмон кўрса, уни ёлғиз қолганингда ҳам қилмагин». (Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида).

• Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилади:

«قِيلَ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَيُّ النَّاسِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: كُلُّ مَخْمُومِ الْقَلْبِ صَدُوقِ اللِّسَانِ، قَالُوا صَدُوقِ اللِّسَانِ نَعْرِفُهُ فَمَا مَخْمُومِ الْقَلْبِ؟ قَالَ هُوَ التَّقِيُّ النَّقِيُّ لَا إِمَّ فِيهِ وَلَا بَغْيٍ وَلَا غِلٍّ وَلَا حَسَدٍ»

«Пайғамбар صلى الله عليه وسلمга қайси одам фазилатлироқ, дейилган эди, у киши: «Дили беғубор, тили ростгўй одам», дедилар. «Тили ростгўйни биламиз, дили беғубор қандай одам?», деб сўраган эдилар: «У киши тақводор, озода инсондирки, унда жиноят ҳам, зўравонлик ҳам, оғир олиш ҳам, ҳасад ҳам йўқдир», деб жавоб бердилар». Киноний бу саҳиҳ иснод, дейди. Уни Байҳақий ҳам ўзининг «Сунан»ида мана шу йўлдан ривоят қилган.

• Абу Умома ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ أَعْبَطَ أَوْلِيَائِي عِنْدِي لِمُؤْمِنٍ خَفِيفُ الْحَاذِ ذُو حَظٍّ مِنَ الصَّلَاةِ، أَحْسَنَ عِبَادَةِ رَبِّهِ، وَأَطَاعَهُ فِي السَّرِّ، وَكَانَ غَامِضًا فِي النَّاسِ لَا يَشَارُ إِلَيْهِ بِالْأَصَابِعِ، وَكَانَ رِزْقُهُ كِفَافًا فَصَبَرَ عَلَى ذَلِكَ، ثُمَّ نَفَضَ بِيَدِهِ فَقَالَ عَجَلْتُ مَنِيَّتَهُ قَلْتُ بَوَاكِيهِ قَلْتُ ثَرَاتُهُ»



«Мен учун дўстларимнинг ҳавас қилинадиганроғи камбагал, кўп намоз ўқийдиган, Парвардигорига пухта ибодат қиладиган, яширин ҳолда ҳам Унга итоат этадиган, одамларнинг айбларидан кўз юмадиган, бармоқ билан ишора қилинадиган даражада машҳур бўлмаган, ризқи етарли бўлиб, ўшанга сабр қилган, қолганидан қўл силтаган, ўлими тез келиб, орқасидан йиғлаб қолувчилари ва мероси оз бўлган кишидир». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.

• Баҳз ибн Ҳаким ривоят қилади: «Бану Қашир масжидида бизга Зурора ибн Авфо имомлик қилиб, «Муддассир» сурасини ўқиди:

﴿إِذَا تُقَرَفِي النَّافِرِ﴾

– „Чунки қачон (Қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) бурғу чалинганида“, [74:8] оятига етгач жони чиқиб, ерга йиқилди». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилган ва исноди саҳиҳ, деган.

• Ибн Аббос ривоят қилади: «Бадр кунида Пайғамбар ﷺ: «مَنْ لَقِيَ مِنْكُمْ الْعَبَّاسَ فَلْيَكْفِفْ عَنْهُ، فَإِنَّهُ خَرَجَ مُسْتَكْرَهًا، فَقَالَ أَبُو حُدَيْفَةَ بْنُ عُتَيْبَةَ: أَتَقْتُلُ آبَاءَنَا وَإِخْوَانَنَا وَعَشَائِرَنَا، وَتَدَعُ الْعَبَّاسَ وَاللَّهِ لِأَضْرِبَنَّهُ بِالصَّيْفِ، فَبَلَغَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ: يَا أَبَا حَفْصٍ – قَالَ عُمَرُ ﷺ: إِنَّهُ لِأَوَّلُ يَوْمٍ كَتَانِي فِيهِ بِأَبِي حَفْصٍ – يُضْرَبُ وَجْهُ عَمَّ رَسُولَ اللَّهِ بِالصَّيْفِ؟ فَقَالَ عُمَرُ: دَعْنِي فَلْأَضْرِبْ عُنُقَهُ فَإِنَّهُ قَدْ نَافَقَ، فَكَانَ أَبُو حُدَيْفَةَ يَقُولُ: مَا أَنَا بِأَمِنٍ مِنْ تِلْكَ الْكَلِمَةِ الَّتِي قُلْتُ، وَلَا أَرَأَى خَائِفًا حَتَّى يُكْفِرَهَا اللَّهُ عَنِّي بِالشَّهَادَةِ. قَالَ: فَفَقْتَلُ يَوْمَ الْيَمَامَةِ شَهِيدًا»

«Ким Аббосга йўлиқиб қолса, ундан тийилсин, чунки у мажбур бўлиб чиққан», дедилар. Шунда Абу Ҳузайфа ибн Утба: «Оталаримиз, ака-укаларимиз, қариндошларимизни ўлдирамиз-у, Аббосни қолдирар эканмизми? Аллоҳга қасамки, унга қилич ураман», деди. Бу гап Пайғамбар ﷺга етиб келгач, Умар ибн Хаттобга: «Эй Абу Ҳафс (Умарнинг айтишича, Пайғамбар ﷺ унга Абу Ҳафс куниясини биринчи марта шу ерда берганлар), Расулulloҳ амакисининг юзига

қилич уриларканми?», дедилар. Шунда Умар: «Уни менга қўйиб беринг, калласини оламан, чунки у мунофиқлик қилди», деди. Абу Ҳузайфа: «Шу айтган гапимдан ҳеч хотиржам бўлмадим, то Аллоҳ менга шаҳидликни ато этиб, уни каффорат қилмагунча хавфсирайвераман», деб юрарди. Ровийнинг айтишича, у Ямома қунида шаҳид бўлди», дедилар. Бу ҳадисни Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган ва Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган.

## Аллоҳдан қўрқиб ва Аллоҳни эслаб йиғлаш

Аллоҳ Таолодан қўрқиб йиғлаш мандубдир. Бунга Қуръон ва суннатдан далиллар бор.

Қуръондан далиллар:

﴿أَفَمِنْ هَذَا الْحَدِيثِ تَعْجَبُونَ ۖ وَتَضْحَكُونَ وَلَا تَبْكُونَ﴾

– „(Эй мушриклар), ҳали сизлар мана шу Сўздан (Қуръондан) ажабланурсизларми?! Йиғламасдан, кулурсизларми?!“ [53:59,60]

﴿وَيَخِرُّونَ لِلْأَذْقَانِ يَبْكُونَ وَيَزِيدُهُمْ خُشُوعًا﴾

– „Улар йиғлаган ҳолларида юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг ҳокисорлигини зиёда қилур“, [17:109]

﴿إِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُ الرَّحْمَٰنِ خَرُّوا سُجَّدًا وَبُكِيًّا﴾

– „Қачон уларга Раҳмон оятлари тиловат қилинса сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар“. [19:58]

Суннатдан далиллар:

• Ибн Масъуд ривоят қилади:

«أَفْرَأَ عَلَيَّ الْقُرْآنَ، قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَفْرَأَ عَلَيْكَ وَعَلَيْكَ أَنْزَلَ؟ قَالَ إِنِّي أَحَبُّ أَنْ أَسْمَعَهُ مِنْ غَيْرِي، فَقَرَأْتُ عَلَيْهِ سُورَةَ النَّسَاءِ حَتَّى جِئْتُ إِلَى هَذِهِ الْآيَةِ: ﴿كَيْفَ إِذَا جِئْنَا مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ بِشَهِيدٍ وَجِئْنَا بِكَ عَلَى هَؤُلَاءِ شَهِيدًا﴾ قَالَ حَسْبُكَ الْآنَ، فَالْتَفَتْتُ إِلَيْهِ فَإِذَا عَيْنَاهُ تَذَرَفَانِ»

«Пайгамбар ﷺ: «Менга Қуръон уқиб бер», дедилар. Мен: «Қуръон ўзи сизга нозил бўлган-у, мен сизга уқиб бераманми, эй Расулуллоҳ?», дедим. У киши: «Мен уни бошқадан эшитишни яхши кўраман», дедилар. Мен «Нисо» сурасини уқиб бердим: «(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), Биз ҳар бир умматдан (ўша умматнинг пайгамбарини) гувоҳ келтирганимизда ва сизни ана ўшаларнинг (барчалари) устида гувоҳ қилганимизда (инсонларнинг ҳоли) қандоқ бўлур?!» [4:41], оятига келганимда: «Бўлди, бас қил», дедилар. Қарасам, кўзларидан ёш оқаётган экан» (муттафақун алайҳ).

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар صلى الله عليه وسلم бир хутба ўқидилар, ҳечам унақасини эшитмаган эдим. Унда: «لَوْ تَعْلَمُونَ مَا آغَلَمُ لَصَحَحْتُمْ قَلِيلًا وَلَبَكَيْتُمْ كَثِيرًا، فَغَطَىٰ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم وَجُوهَهُمْ لَهُمْ خَيْرٌ»

«Агар мен билган нарсани билганингларда, оз кулиб, кўп йиглаган бўлардинглар», дедилар. Буни эшитган саҳобалар юзларини ёпиб олиб, пиқиллардилар» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«سَعَةٌ يُظِلُّهُمْ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ ... وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ»

«Етти хил тоифа одамни Аллоҳ соя йуқ кунда ўз соясига олади... Ёлғиз ҳолида Аллоҳни эслаб, кўзлари ёшга тўлган киши» (муттафақун алайҳ).

• Ибн Умар ривоят қилади: «Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг касаллари оғирлашган пайтда намоз ҳақида гапирилди. У киши:

«مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فَلْيَصِلْ بِالنَّاسِ، قَالَتْ عَائِشَةُ إِنَّ أَبَا بَكْرٍ رَجُلٌ رَقِيقٌ إِذَا قَرَأَ غَلَبَهُ الْبُكَاءُ ...»

«Абу Бакрга айтинглар, одамларга (имом бўлиб) намоз ўқиб берсин», дедилар. Шунда Оиша رضي الله عنها: «Абу Бакр нозик таъб одам, қироат қилганда уни йиғи эгаллаб олади», деди». Бу Бухорий ривояти. Муслим ривоятида эса:

«قَالَتْ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أَبَا بَكْرٍ رَجُلٌ رَقِيقٌ، إِذَا قَرَأَ الْقُرْآنَ لَا يَمْلِكُ دَمْعُهُ ...»

«Эй Расулаллоҳ, Абу Бакр нозик таъб одам, Қуръон ўқиганида кўз ёшини тўхтата олмайди», дейилган (муттафақун алайҳ).

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ أَمَرَنِي أَنْ أَقْرَأَ عَلَيْكَ ﴿لَمْ يَكُنِ الَّذِينَ كَفَرُوا﴾ قَالَ وَسَمَانِي؟  
قَالَ نَعَمْ قَالَ فَكَيْ أَبِي»

«Пайғамбар ﷺ Убай ибн Каъбга: «Улуғ Аллоҳ сенга «Баййина» сурасини: «Кофир кимсалар... бўлмадилар» [98:1] уқиб беришимни менга буюрди», дедилар. У: «Менинг номимни айтдимми?», деди. Пайғамбар ﷺ: «Ҳа», дедилар. Шунда Убай йиглаб юборди» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا يَلِجُ النَّارَ رَجُلٌ بَكَى مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ حَتَّى يُعَوِّدَ اللَّيْلَ فِي الضَّرْعِ, وَلَا يَجْتَمِعُ غَبَارٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَذُخَانٌ جَهَنَّمَ»

«Аллоҳдан қўрқиб йиглаган киши то сут кукракка қайтмагунча дўзахга кирмайди. Аллоҳнинг йўлидаги ғубор билан дўзахнинг тутуни бирлашмайди». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ ҳасан, деган.

• Абдуллоҳ Шахир ривоят қилади:

«أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ يُصَلِّي وَلِحَوفِهِ أَرِيْزٌ كَأَرِيْزِ الْمَرْجَلِ مِنَ الْبَكَاءِ»

«Пайғамбар ﷺнинг намоз уқийётганлари устига бориб қолдим. Шу қадар йиглардиларки, ичларидан қозон овозига ўхшаш овоз чиқарди». Нававий айтадики, бу ҳадисни Абу Довуд ва Термизий «Шамойил»да саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.

• Абдурраҳмон ибн Авфнинг ўғли Иброҳим ривоят қилади: «Абдурраҳмон ибн Авф рўза тутган эди, ифторликка таом келтирилди. Шунда у:

«قُتِلَ مُصْعَبُ بْنُ عُمَيْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَهُوَ خَيْرٌ مِنِّي, كُفِنَ فِي بُرْدَةٍ, إِنْ غُطِّيَ رَأْسُهُ بَدَتِ رِجْلَاهُ, وَإِنْ غُطِّيَ رِجْلَاهُ بَدَأَ رَأْسُهُ, وَأَرَاهُ قَالَ وَقُتِلَ حَمْرَةَ وَهُوَ خَيْرٌ مِنِّي, ثُمَّ بَسَطَ لَنَا مِنَ الدُّنْيَا مَا بَسَطَ, أَوْ قَالَ أُعْطِينَا مِنَ الدُّنْيَا مَا أُعْطِينَا, وَقَدْ خَشِينَا أَنْ تَكُونَ حَسَنَاتُنَا عَجَلَتْ لَنَا, ثُمَّ جَعَلَ يَبْكِي حَتَّى تَرَكَ الطَّعَامَ»

«Мусъаб ибн Умайр ﷺ ўлдирилди. Ҳолбуки у мендан яхшироқ эди. Чопонига кафанланди, бошини ёпсалар,

оёғи очилиб қоларди, оёғини ёпсалар, боши очилиб қоларди. Ҳамза ҳам қатл этилди, у ҳам мендан яхшироқ эди. Кейин эса бизга дунё оққанича оқиб келди, бойганимизча бойидик, яхшиликларимизнинг мукофоти шу дунёнинг узида берилаётган булмасайди, деб қўрқаман», деб йиғлаб юборди, таомни ҳам емади».

• Ирбоз ибн Сория айтади:

«وَعَظَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مَوْعِظَةً وَجَلَّتْ مِنْهَا الْقُلُوبُ وَذَرَفَتْ مِنْهَا الْعُيُونُ...»

«Пайғамбар ﷺ бизга шундай ваъз айтдиларки, ундан қалблар титради, кўзлар ёшланди...». Бу ҳадисни Абу Довуд, Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ ҳасан, деган.

• Анас ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ ذَكَرَ اللَّهَ فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ، حَتَّى يُصِيبَ الْأَرْضَ مِنْ دُمُوعِهِ، لَمْ يُعَذَّبْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Ким Аллоҳни эслаб, Аллоҳдан қўрққанидан кўзлари ёшга тулиб, кўз ёшлари ерга оқиб тушса, қиёмат кунида азобланмайди». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ деган ва Заҳабий маъқуллаган.

• Абу Райҳона ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ билан бирга газотга чиққанимизда у кишининг:

«حُرِّمَتِ النَّارُ عَلَى عَيْنِ دَمَعَةٍ مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ، حُرِّمَتِ النَّارُ عَلَى عَيْنِ سَهْرَتٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَنَسِيتُ الثَّالِثَةَ وَسَمِعْتُ بَعْدَ أَنَّهُ قَالَ حُرِّمَتِ النَّارُ عَلَى عَيْنِ غَضَّتْ عَنْ مَحَارِمِ اللَّهِ»

«Аллоҳдан қўрқиб ёш тўккан кўзга дўзах ҳаром қилинди, Аллоҳнинг йулида бедор булган кўзга дўзах ҳаром қилинди», деганларини эшитдим. Учинчисини унутиб қўйибман, кейинроқ эшитсам, «Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан юмилган кўзга дўзах ҳаром қилинди», деган эканлар». Аҳмад ривояти. Уни ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Уни Насоий ҳам ривоят қилган ва матн уники.

• Ибн Абу Малика ривоят қилади: «Ҳужрада Абдуллоҳ ибн Амр билан ўтирган эдик, у:

«ابْكُوا فَإِنْ لَمْ تَجِدُوا بُكَاءً فَتَبَاكُوا، لَوْ تَعْلَمُونَ الْعِلْمَ لَصَلَّى أَحَدُكُمْ حَتَّى يَنْكَسِرَ ظَهْرُهُ، وَلَبَكِي حَتَّى يَنْقَطِعَ صَوْتُهُ»

«Йиғланглар, йиғи тополмасанглар, ўзларингни йиғлаганга солинглар, агар моҳиятини билганингларда, белингиз синиб кетгунига қадар намоз ўқиган, овозингиз чиқмай қолгунига қадар йиғлаган бўлур эдинглар», деди». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган.

• Али ﷺ айтади:

«مَا كَانَ فِيْنَا فَارِسٌ يَوْمَ بَدْرٍ غَيْرُ الْمَقْدَادِ، وَلَقَدْ رَأَيْتَنَا وَمَا فِيْنَا قَائِمٌ إِلَّا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ تَحْتَ شَجَرَةٍ يُصَلِّي وَيَبْكِي حَتَّى أَصْبَحَ»

«Бадр кунида орамизда Миқдоддан бошқа отлиқ одам йуқ эди. Мен (тунда) Расулulloҳ ﷺдан бошқа бирон намоз ўқиган кишини кўрмадим. У киши тонг отгунча бир дарахт остида намоз ўқиб йиғладилар». Бу ҳадисни ибн Ҳузайма ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган.

• Савбон ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«طُوبَى لِمَنْ مَلَكَ نَفْسَهُ، وَوَسَعَهُ يَتُّهُ، وَبَكَى عَلَى خَطِيئَتِهِ»

«Ўзини ушлаб олган, уйи сиғдирган (яъни, уйида хотиржам бўлган), хатосига йиғлаган одамга жаннат бўлсин». Бу ҳадисни Табароний ривоят қилиб, исноди ҳасан, деган.

## Аллоҳдан умидвор бўлиш ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслик

Умидвор бўлиш Аллоҳ Субҳонаҳу ҳақида яхши гумонда бўлиш демакдир. Яратувчиси хусусида яхши гумонда бўлган одам Унинг раҳматидан, таскинидан, мағфиратидан, нусратидан умидвор бўлади. Аллоҳ Субҳонаҳу Ўзидан қўрққан одамни олқишлагани каби, Ўзидан умидвор бўлган кишини ҳам олқишлайди. Хавфни, қўрқишни вожиб қилганидек, ражони (умидвор бўлишни) ҳам вожиб қилди. Демак, банда ҳар доим хавфу ражода бўлмоғи лозим. Хавф хусусидаги далилларни айтиб ўтдик. Энди ражо хусусидаги далилларни келтирамиз.

Қуръондан далиллар:

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَالَّذِينَ هَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ يَرْجُونَ رَحْمَةَ اللَّهِ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

– „Албатта иймон келтирган, (ватанларидан) ҳижрат қилган, Аллоҳ Йўлида курашган зотлар - ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ Мағфират ва Раҳмлидир“, [2:218]

﴿وَادْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ رَحْمَةَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ﴾

– „Сизлар У Зотга (азобидан) қўрқиб, (раҳматидан) умидвор бўлган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! Зеро, Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилгувчиларга яқиндир“, [7:56]

﴿وَإِنَّ رَبَّكَ لَذُو مَغْفِرَةٍ لِلنَّاسِ عَلَىٰ ظُلْمِهِمْ وَإِنَّ رَبَّكَ لَشَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

– „Албатта, Парвардигорингиз одамлар ўзларига зулм қилгувчи бўлган ҳолларида ҳам мағфират Эгасидир. Албатта, Парвардигорингиз азоби қаттиқ Зотдир“, [13:6]

﴿أُولَٰئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا﴾

– „Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор



бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Дарҳақиқат,  
Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир“, [17:57]

﴿وَيَدْعُونَآ رَغَبًا وَرَهَبًا وَكَانُوا لَنَا خَاشِعِينَ﴾

– „... улар яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар“, [21:90]

﴿أَمَّنْ هُوَ قَانَتْ آنَاءَ اللَّيْلِ سَاجِدًا وَقَانَمَا يَحْدُرُ الْآخِرَةَ وَيَرْجُو رَحْمَةَ رَبِّهِ قُلْ

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

– „Ёки кечалари сажда қилган ва қиёмда-тик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, Охиратдан қўрқадиган ва Парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан куфру исёнга ғарқ бўлган кимса баробар бўлурми?!). Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар“. [39:9]

Суннатдан далиллар:

• Восила ибн Асқабъ: «... Хурсанд бўлавер, чунки мен Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитганман», дейди:

﴿قَالَ اللَّهُ جَلَّ وَعَلَا: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي، إِنَّ ظَنَّ خَيْرًا فَلَهُ، وَإِنْ ظَنَّ شَرًّا فَلَهُ﴾

«Улуғ ва Олий Аллоҳ: «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман. Яхши гумон қилса ҳам ўзига, ёмон гумон қилса ҳам ўзига», дейди». Бу ҳадисни Аҳмад ҳасан иснод билан ва ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган. «Ёмон гумон қилса ҳам ўзига» деган жумла умидвор бўлиш ва яхши гумонга буюрувчи оят ва ҳадисларнинг вожибликни ифодалашига қаринадир.

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

﴿يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي، وَأَنَا مَعَهُ حِينَ يَذْكُرُنِي...﴾

«Улуғ ва Буюк Аллоҳ: «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман, Мени эслаган вақтида Мен у билан биргаман», дейди» (муттафақун алайҳ).

• Жобир رضي الله عنه Пайғамбар ﷺдан вафотларидан уч кун аввал ушбу ҳадисни эшитганини ривоят қилади:

«لَا يَمُوتَنَّ أَحَدُكُمْ إِلَّا وَهُوَ يُحْسِنُ الظَّنَّ بِاللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«Биронтангиз Улуг ва Буюк Аллоҳ ҳақида яхши гумон қилмай туриб, ҳаётдан кўз юммасин». (Муслим).

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар صلى الله عليه وسلم ўлим ҳолатидаги бир йигитнинг ёнига кириб:

«كَيْفَ تَجِدُكَ؟ قَالَ: أَرْجُو اللَّهَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَإِنِّي أَخَافُ ذُنُوبِي، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَا يَجْتَمِعَانِ فِي قَلْبِ عَبْدٍ فِي مِثْلِ هَذَا الْمَوْطِنِ إِلَّا أَعْطَاهُ اللَّهُ مَا يَرْجُو وَآمَنَهُ مِمَّا يَخَافُ»

«Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?», дедилар. У: «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳдан умидвор бўляпман ва гуноҳларимдан қўрқяпман», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Бу икки нарса мана шундай ҳолатдаги банданинг қалбида жамланар экан, Аллоҳнинг унга умид қилган нарсасини бериши, хавфсираган нарсасидан хотиржам қилиши муқаррардир», дедилар». Термизий ва ибн Можа ривояти. Ҳафиз Мунзирий унинг исноди ҳасан, деган.

• Анас رضي الله عنه Пайғамбар ﷺдан мана бу ҳадиси қудсийни эшитганини ривоят қилади:

«يقول: قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِي وَرَجَوْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ عَلَى مَا كَانَ فِيكَ وَلَا أَبَالِي، يَا ابْنَ آدَمَ لَوْ بَلَغَتْ ذُنُوبُكَ عَنَانَ السَّمَاءِ ثُمَّ اسْتَغْفَرْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ، يَا ابْنَ آدَمَ لَوْ أَتَيْتَنِي بِقُرَابِ الْأَرْضِ خَطَايَا ثُمَّ لَقَيْتَنِي لَا تَشْرُكَ بِي شَيْئًا لِأَتَيْتَكَ بِقُرَابِهَا مَغْفِرَةً»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Эй Одам боласи, агар Менга дуо қилиб, Мендан умидвор бўлсанг, сени ўтган гуноҳларингни кечираман ва парво қилмайман. Эй Одам боласи, гуноҳларинг осмон булутларига етган тақдирда ҳам Мендан мағфират сўрасанг, сени мағфират қиламан. Эй Одам боласи, Менинг ёнимга ернинг гилофича гуноҳлар билан келсанг ҳам, Менга ҳеч кимни шерик қилмасдан йўлиқсанг, сенга ўша гилофчалик мағфират билан пешвоз чиқаман»». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, деган.

Ноумид бўлиш эса умидворликнинг аксидир. Аллоҳнинг раҳмати ва мададидан ноумид бўлиш ҳаромдир. Бунга далиллар бор.

Қуръондан далиллар:

﴿يَابَنِيَّ اذْهَبُوا فَتَحَسَّسُوا مِنْ يُوسُفَ وَآخِيهِ وَلَا تَيْسَبُوا مِنْ رَوْحِ اللّٰهِ اِنَّهُ لَا يَيْئَسُ مِنْ رَوْحِ اللّٰهِ اِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ﴾

– „Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур“, [12:87]

﴿قَالُوا بَشِّرْنَاكَ بِالْحَقِّ فَلَا تَكُنْ مِنَ الْقَانِطِينَ﴾ ﴿قَالَ وَمَنْ يَقْنَطُ مِنْ رَحْمَةِ رَبِّهِ اِلَّا الضَّالُّونَ﴾

– „Улар айтдилар: «Биз сенга ростдан ҳам (фарзанд кўришинг) хушхабарини келтирдик. Бас, сен ноумид кимсалардан бўлмагин!» У деди: «Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар», [15:55,56]

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا بِآيَاتِ اللّٰهِ وَلِقَاتِهِ اُولٰٓئِكَ يَسُّوْا مِنْ رَحْمَتِيْ وَاُولٰٓئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ اَلِيْمٌ﴾

– „Аллоҳнинг оятларини ва Унга рўбарў бўлишни инкор қилган кимсалар - улар Менинг раҳматимдан ноумид (маҳрум) бўлган кимсалардир ва улар учун аламли азоб бордир“, [29:23]

﴿قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ اَسْرَفُوا عَلٰٓى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا مِنْ رَحْمَةِ اللّٰهِ اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ جَمِيْعًا اِنَّهُ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, Меҳрибондир». [39:53]

Суннатдан далиллар:

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَوْ يَعْلَمُ الْمُؤْمِنُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الْعُقُوبَةِ مَا طَمِعَ بِجَنَّتِهِ أَحَدٌ، وَلَوْ يَعْلَمُ الْكَافِرُ مَا عِنْدَ اللَّهِ مِنَ الرَّحْمَةِ مَا قَنَطَ مِنْ جَنَّتِهِ أَحَدٌ»

«Агар мўмин Аллоҳнинг азоби нима эканини билганида, ҳеч ким Унинг жаннатидан умидвор бўлмай қоларди. Агар кофир Аллоҳнинг раҳмати нима эканини билганида, ҳеч ким Унинг жаннатидан ноумид бўлмай қоларди» (муттафақун алайҳ).

• Фузола ибн Абид ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«وَتَلَاثَةٌ لَا تَسْأَلُ عَنْهُمْ: رَجُلٌ نَارَعَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ وَجَلَّ رِذَاءَهُ فَإِنَّ رِذَاءَهُ الْكَبِيرِيَاءُ وَإِرَارَهُ الْعِزَّةُ، وَرَجُلٌ شَكََّ فِي أَمْرِ اللَّهِ، وَالْقَنُوطُ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ»

«Уч тоифа одамлар борки, улар ҳақида сўрама (ёки масъул эмассан). Улуғ ва Буюк Аллоҳнинг ридосини талашган одам хусусида, чунки У зотнинг ридоси кибрилиқ, ич кийими эса азизликдир. Аллоҳнинг иши хусусида гумонга борган киши, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлган киши». Аҳмад, Табароний, Баззор ривояти. Ҳайсамий унинг одамлари ишончли, деган. Бухорий уни «ал-Адаб ал-муфрад»да, ибн Ҳиббон эса ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган.

• Холиднинг икки ўғли Ҳибба ва Саво ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺнинг олдларига кирсак, бир нарсани тузатаётган эканлар, ёрдам бериб юбордик. Шунда у киши:

«لَا تَيْسَأُ مِنَ الرَّزْقِ مَا تَهَزَّرَتْ رُءُوسُكُمْ، فَإِنَّ الْإِنْسَانَ تَلِدُهُ أُمُّهُ أَحْمَرَ لَيْسَ عَلَيْهِ قِشْرٌ، ثُمَّ يَبْرُؤُهُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ»

«Модомики бошинглар қимирлаб турар экан, ризқдан ноумид бўлманглар. Чунки инсонни онаси ҳеч бир терисиз қип-қизил гушт ҳолида туғади, кейин унга Улуғ ва Буюк Аллоҳ ризқ беради», дедилар». Аҳмад ва ибн Можа ривояти. Уни ибн Ҳиббон ҳам ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган.

• Ибн Аббос ривоят қилади: «Бир киши Пайғамбар ﷺдан: «Эй Расулуллоҳ, катта гуноҳлар қайсилар?», деб сўраган эди:

«الشَّرْكَ بِاللَّهِ، وَالْإِيَّاسُ مِنْ رَوْحِ اللَّهِ، وَالْقَنُوطُ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ»

**«Аллоҳга ширк келтирмоқ, Аллоҳнинг енгиллик беришидан умидсизланмоқ, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмоқ», деб жавоб бердилар.** Ҳайсамий айтадики, бу ҳадисни Баззор ва Табароний ривоят қилган, унинг одамлари ишончли, уни Суютий ва Ироқий ҳасан, деган.

Пайғамбарлар саллоллоҳу алайҳи ва салламлар Аллоҳнинг нусратидан, енгиллик беришидан ноумид бўлмадилар. Улар фақат қавмларининг иймонга келишидан умидсизландилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿حَتَّىٰ إِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَظَنُّوا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِّبُوا جَاءَهُمْ نَصْرُنَا فَنُجِّيَ مَنْ نَشَاءُ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُنَا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ﴾

– „Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндик - пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аmmo) жиноятчи бўлган қавмдан Бизнинг азобимиз қайтарилмас!“ [12:110]

Бухорий Оиша رضي الله عنهاдан ташдидли ﴿كُذِّبُوا﴾ ўқилганини ривоят қилган. Яъни Пайғамбарларни уларнинг қавмлари ёлғончи дейишган. Чунки улар маъсум яъни гуноҳдан покдурлар.

## Бало келганда сабр қилиш ва қазога рози бўлиш

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُدْخِلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسْتَهْتُمُ الْبِأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَرَزِلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصُرَ اللَّهُ أَلَا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ﴾

– „Ёки (эй мўминлар) сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли - ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» дейишган эди. Шунда (уларга бундай жавоб бўлган эди): «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир»“ [2:214]

﴿وَلِتَبْلُوكُمْ بِشَيْءٍ مِنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ ﴿٢١٥﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿٢١٦﴾ أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِنْ رَبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ﴾

– „Албатта Биз сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. (Эй Муҳаммад алайҳис-салом), бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган сабирли кишиларга хушxabар беринг! Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар Ҳақ Йўлни топгувчилардир“ [2:155-157]

﴿لِتَبْلُوكُمْ فِي أَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَلِتَسْمَعَنَّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا أَذًى كَثِيرًا وَإِنْ تَصَبَّرُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ﴾

– „(Эй мўминлар), албатта молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар (яъни, Аллоҳ Таоло мол ва жонларингизга хилма-хил офату балолар юбориб, сизларнинг иймонингизни текшириб кўрар) ва албатта сизлардан илгари китоб берилган кимсалар томонидан ва мушриклар томонидан кўп азият ва маломатлар эшитажаксизлар. Агар (озорларига)

сабр-тоқат қилсангизлар ва Аллоҳдан қўрқсангизлар (нажот топурсиз). Чунки бу иш (яъни, сабр-тоқатли бўлиб, Аллоҳдан қўрқиш) ишларнинг мақсадга мувофиғидир“.[3:186]

﴿وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ﴾

– „... сабирли кишиларга хушхабар беринг“, [2:155]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا﴾

– „Эй мўминлар, сабр қилингиз...“. [3:200]

﴿إِنَّمَا يُوفِي الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

– „Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур“. [39:10]

﴿وَلَمَن صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَلِكَ لَمِنَ عَزْمِ الْأُمُورِ﴾

– „Албатта ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (интиқом олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу (иш) ишларнинг мақсадга мувофиғидир“, [42:43]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

– „Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир“. [2:153]



Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ إِذَا أَحَبَّ قَوْمًا ابْتَلَاهُمْ فَمَنْ صَبَرَ فَلَهُ الصَّبْرُ وَمَنْ جَزِعَ فَلَهُ الْجَزَعُ﴾

«Агар Улуғ ва Буюк Аллоҳ бир қавмни яхши кўрса, уларга бало юборади. Ким сабр қилса, сабрга эга бўлади. Ким бетоқат бўлса, бетоқатликка йўлиқади». Бу ҳадисни Аҳмад Маҳмуд ибн Лабид йўлидан чиқарган.

• Аҳмад чиқарган ҳадисда Мусъаб ибн Саъд отасидан ривоят қилади: «Мен: «Эй Расулulloҳ, қайси одамларга бало қаттиқроқ бўлади», деб сўраган эдим, у киши:

«الأنبياءُ ثمَّ الصَّالحونَ ثمَّ الأمثلُ فالأمثلُ مِنَ النَّاسِ يُبْتَلَى الرَّجُلُ عَلَى حَسَبِ دِينِهِ فَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ صَلَابةٌ زِيدَ فِي بَلَاءِهِ وَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ رِقَّةٌ خُفِّفَ عَنْهُ وَمَا يَزَالُ الْبَلَاءُ بِالْعَبْدِ حَتَّى يَمْشِيَ عَلَى ظَهْرِ الْأَرْضِ لَيْسَ عَلَيْهِ خَطِيئَةٌ»

«Пайғамбарларга, кейин солихларга, кейин уларга ўхшашларга ва ўхшашларнинг ўхшашларига ва ҳоказо. Киши динига қараб балога учрайди, агар динида салобат бўлса, балоланиши ҳам ортади, агар динида бушлик бўлса, балоланиши ҳам енгил бўлади. Банда то ер юзида ҳеч бир хатосиз юрадиган бўлгунига қадар балоланиб бораверади», деб жавоб бердилар».

• Абу Молик رضي الله عنه Ашъарийдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... وَالصَّيْرُ ضِيَاءٌ...»

«... Сабр зиёдир...», деганлар. (Муслим).

• Абу Саъид ал-Худрий رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«... وَمَنْ يَتَصَبَّرْ يُصَبِّرْهُ اللَّهُ، وَمَا أُعْطِيَ أَحَدٌ عَطَاءً خَيْرًا وَأَوْسَعَ مِنَ الصَّبْرِ»

«... Ким сабрли бўлишга интилса, Аллоҳ уни сабрли қилиб қўяди. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва мўлроқ неъмат берилмаган» (муттафақун алайҳ).

• Абу Яҳё Суҳайб ибн Синон رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ жумладан шундай деганлар:

«... وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ»

«... Агар унга бирор мусибат етса, сабр қилади ва бу ҳам унинг учун бир яхшилик бўлади». (Муслим).

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«مَرَّ النَّبِيُّ ﷺ بِامْرَأَةٍ تَبْكِي عِنْدَ قَبْرِ، فَقَالَ: اتَّقِي اللَّهَ وَاصْبِرِي، فَقَالَتْ إِنَّكَ عَنِّي، فَإِنَّكَ لَمْ تُصَبِّ بِمُصِيبَتِي، وَلَمْ تَعْرِفْهُ، فَقِيلَ لَهَا إِنَّهُ النَّبِيُّ ﷺ، فَأَنْتَ بَابَ النَّبِيِّ ﷺ فَلَمْ تَجِدِ عِنْدَهُ بَوَائِبِنِ، فَقَالَتْ لَمْ أَعْرِفْكَ فَقَالَ: إِنَّمَا الصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدَمَةِ الْأُولَى»

«Пайғамбар ﷺ бир қабр олдида йиғлаётган бир аёл ёнидан ўтаётди: «Аллоҳдан тақво қил ва сабр қил», дедилар. У танимасдан: «Қоч ёнимдан, сен менга



ухшаб мусибатланмагансан-да», деди. Кейинроқ унга бу одам Пайғамбар ﷺ эканлиги айтилганда, у кишининг эшиклари ёнига келиб, ҳеч қандай дарбонларни учратмай, тўғри ёнларига бориб: «Сизни танимабман», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Биринчи тўқнашувдаги сабр сабрдир», дедилар» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: مَا لِعَبْدِي الْمُؤْمِنِ عِنْدِي جَزَاءٌ إِذَا قَبَضْتُ صَفِيَّهُ مِنْ أَهْلِ الدُّنْيَا ثُمَّ أَحْتَسِبُهُ إِلَّا الْجَنَّةَ»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Қайси бир мўмин бандамдан дунё аҳлидан энг хуш кўрган нарсасини (ёки кишисини) олиб қўйсам, кейин у сабр-қаноат қилса, унга берадиган мукофотим фақат жаннатдир»». (Бухорий).

• Оиша رضي الله عنها ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺдан вабо ҳақида сўраган эдим:

«أَنَّهُ كَانَ عَذَابًا يَعْذَبُهُ اللَّهُ عَلَى مَنْ يَشَاءُ، فَجَعَلَهُ اللَّهُ تَعَالَى رَحْمَةً لِلْمُؤْمِنِينَ، فَلَيْسَ مِنْ عَبْدٍ يَقَعُ فِي الطَّاعُونَ، فِيمَكَتُ فِي بَلَدِهِ صَابِرًا مُحْتَسِبًا يَعْلَمُ أَنَّهُ لَا يُصِيبُهُ إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ، إِلَّا كَانَ لَهُ مِثْلُ أُجْرِ الشَّهِيدِ»

«Аллоҳ Таоло уни ўзи хоҳлаган одамига юбориб, мўминларга раҳмат қилиб беради, қайси бир банда вабога йўлиқиб, сабр-қаноат билан, Аллоҳнинг ёзганидан бошқаси бўлмайди, деган эътиқод билан ўз шаҳридан кетмасдан турса, унга шаҳиднинг савобидек савоб бўлади», дедилар» (Бухорий).

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ: إِذَا ابْتَلَيْتُ عَبْدِي بِحَبِيبَتِيهِ فَصَبِرَ، عَوَّضْتُهُ مِنْهُمَا الْجَنَّةَ»

Аллоҳ Азза ва Жалла айтади: «Агар бандамни икки маҳбубини олиб қўйиш билан синасам ва у сабр қилса, шу икки маҳбуб эвазига унга жаннатни бераман»». Икки маҳбубдан икки кўз ирода қилинган. (Бухорий).

• Ато ибн Абу Рабоҳ ривоят қилади: «Менга ибн Аббос: «Сенга жаннати бир аёлни кўрсатайми?», деди. Мен: «Ҳа», дедим. У:

«هَذِهِ الْمَرْأَةُ السَّوْدَاءُ، أَتَتْ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَتْ: إِنِّي أُصْرَعُ، وَإِنِّي أَتَكْشَفُ، فَادْعُ اللَّهَ تَعَالَى لِي، قَالَ: إِنْ شِئْتَ صَبِرْتُ وَلَكَ الْجَنَّةُ، وَإِنْ شِئْتَ دَعَوْتُ اللَّهَ تَعَالَى أَنْ يُعَافِيكَ، فَقَالَتْ أَصْبِرُ، فَقَالَتْ إِنِّي أَتَكْشَفُ، فَادْعُ اللَّهَ أَنْ لَا أَتَكْشَفَ فَدَعَا لَهَا»

«Мана бу қора танли аёл, у Пайғамбар ﷺнинг ёнларига келиб, менинг тутқаноқ касалим бор, тутиб қолганда очилиб кетиб қоламан, менинг ҳаққимга Аллоҳ Таолога дуо қилинг», деди. Пайғамбар ﷺ: «Хоҳласанг сабр қил, жаннат сеники бўлади, хоҳласанг сенга шифо беришини сўраб, Аллоҳ Таолога дуо қиламан» деган эдилар, у: «Сабр қиламан, фақат очилиб кетиб қолмаслигимни сўраб дуо қилинг», деди ва Пайғамбар ﷺ шундай дуо қилдилар», деб ҳикоя қилди» (муттафақун алайҳ).

• Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ﷺ ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، فِي بَعْضِ أَيَّامِهِ الَّتِي لَقِيَ فِيهَا الْعَدُوَّ، انْتظَرَ حَتَّى إِذَا مَالَتِ الشَّمْسُ قَامَ فِيهِمْ، فَقَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ لَا تَتَمَنَّوْا لِقَاءَ الْعَدُوِّ، وَاسْأَلُوا اللَّهَ الْعَافِيَةَ، فَإِذَا لَقَيْتُمُوهُمْ فَاصْبِرُوا، وَاعْلَمُوا أَنَّ الْجَنَّةَ تَحْتَ ظِلَالِ السُّيُوفِ، ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ مُنْزِلَ الْكِتَابِ، وَمُجْرِيَ السَّحَابِ، وَهَازِمَ الْأَحْزَابِ، اهْزِمْهُمْ وَأَنْصِرْنَا عَلَيْهِمْ»

«Пайғамбар ﷺ душман билан рўбарў бўлган айрим кунларида кутиб турардилар. Қуёш ботгач, ўринларидан туриб: «Эй одамлар, душман билан йўлиқишни орзу қилманглар, Аллоҳдан офият сўранглар, йўлиқиб қолганингларда эса сабрли бўлинглар. Билингларки, жаннат қиличлар сояси остидадир», дердилар. Кейин: «Қуръонни нозил қилган, булутни юргизадиган, душманларни маҳв этадиган Аллоҳим, уларни мағлуб қилиб, бизларга улар устидан галаба бер», деб дуо қилардилар» (муттафақун алайҳ).

Юқоридагилар балоланган пайтда сабр қилиш хусусидаги гаплар эди. Энди қазога рози бўлиш хусусида ҳам тўхталиб ўтсак.

«وَأَسْأَلُكَ الرَّضَا بَعْدَ الْقَضَاءِ»

«Сендан қазодан кейинги розиликни сўрайман» ҳадисини ибн Абу Осим, Бухорий, Ҳокимлар ривоят қилганлар. Бухорий уни «ал-Адаб ал-муфрад»да ривоят қилган. Ҳоким уни ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Аллоҳ банданинг таслим бўлишини олқишлаган. Унда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَلَا أَعْلَمُكَ أَوْ أَذُوكَ عَلَى كَلِمَةٍ مِنْ تَحْتِ الْعَرْشِ مِنْ كَنْزِ الْجَنَّةِ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، يَقُولُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ أَسْلَمَ عَبْدِي وَاسْتَسَلَمَ»

«Сенга Аршнинг остидан чиққан, жаннат конидан олинган бир сўзни ургатиб, билдириб қуяйми? У - «Аллоҳга боғланмаган ҳеч бир куч-қудрат йўқдир», (иборасидир). (Уни айтсанг) Улуғ ва Буюк Аллоҳ «Бандам мусулмон бўлди ва таслим бўлди», дейди». Уни Ҳоким ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, иллати йўқ, деган. Аммо уни икки шайх чиқармаган. Ибн Ҳажар, уни Ҳоким кучли санад билан чиқарган, деган.

Қазодан норози бўлиш ҳаром. Қирофий мужтаҳидларнинг шунга ижмо қилганларини назарда тутиб, «Қазодан норози бўлиш ижмоан ҳаромдир», дейди. Кейин қазо билан қазо қилинган ишнинг фарқини изоҳлаб, шундай дейди: «Агар инсон бир касалга чалиниб, ўзининг инсонлик табиатидан келиб чиқиб аламланса, бу қазодан норозилик эмас, балки қазо қилинган ишдан норозилиқдир. Агар, қайси қилган гуноҳим учун менга бу мусибат етди, мен бунга лойиқ эмас эдим деса, қазо қилинган нарсадан эмас, қазонинг ўзидан норози бўлган бўлади». Маҳмуд ибн Лабид ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ إِذَا أَحَبَّ قَوْمًا ابْتَلَاهُمْ، فَمَنْ رَضِيَ فَلَهُ الرِّضَى، وَمَنْ سَخِطَ فَلَهُ السُّخْطُ»

**«Аллоҳ бир қавмни яхши кўрса, уларга бало юбориб синайди. Ким рози бўлса, розилик савоби уникидир. Ким норози бўлса, норозилик гуноҳи уникидир».** Аҳмад, Термизий ривоятчи. Ибн Муфлиҳ, унинг исноди ишончли, деган. Бу ҳадис ҳам қазодан норози бўлишнинг ҳаромлигига далилдир.

Рози бўлиш ва норози бўлиш инсоннинг ишидир. Шунинг учун ҳам рози бўлганига савоб олиб, норози бўлгани учун жазоланади. Қазонинг ўзи эса инсоннинг иши эмас. Шунинг учун ҳам у қазодан эмас, унга рози ёки норози бўлишдан масъулдир.

﴿وَأَنْ لَّيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَى﴾

– „Ва инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур“.  
[53:39]

Қазо эса унинг гуноҳларига каффорат бўлиб, хатоларининг ўчирилишига сабаб бўлади. Бунга далиллар кўп. Абдуллоҳнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ жумладан шундай дейдилар:

«... مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أَدَى شَوْكَةٍ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا سَيِّئَاتِهِ كَمَا تَحْتُ الشَّجَرَةَ وَرَقَّهَا»

**«... Қайси бир мусулмонга бир тиканчалик ёки ундан каттароқ озор етса, дарахтнинг барги тўкилганидек, Аллоҳ унинг гуноҳларига каффорат қилади».** Оиша رضي الله عنهاнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«لَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ شَوْكَةٌ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا قَصَّ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطِيئَتِهِ»

**«Қайси бир мўминга бир тиканчалик ёки ундан каттароқ мусибат етса, Аллоҳ у билан бир гуноҳини қирқади».** Яна бир ривоятда **«камайтиради»** дейилган. Абу Ҳурайра ва Абу Саиднинг муттафақун алайҳ ҳадисларида Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«مَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ مِنْ وَصَبٍ وَلَا نَصَبٍ وَلَا هَمٍّ وَلَا حَزَنٍ وَلَا أَذَى وَلَا غَمٍّ، حَتَّى الشَّوْكَةِ يُشَاكَّهَا، إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ»

**«Қайси бир мўминга кулфат, касаллик, гам, қайғу, хафалик етса, ҳатто бир тикон кирса ҳам, Аллоҳ уларни гуноҳларига каффорат қилади».** Саъд, Муовия, ибн Аббос, Жобир, Уммул-Ало, Абу Бакр, Абдурраҳмон ибн Азҳар, Ҳасан, Анас, Шаддод, Абу Убайда رضي الله عنهمларнинг ҳаммаси ё саҳиҳ, ё ҳасан санадлар билан Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг, **«Бало туфайли гуноҳлар тўкилади»**, деган ҳадисларини ривоят қилишган.

Оиша رضي الله عنهاнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُشَاكُ شَوْكَةً فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً, وَحَطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ»

**«Қайси бир мусулмонга бир тикан кирса ёки ундан каттароқ мусибат етса, Аллоҳ шу билан уни бир даража кўтарди ва бир гуноҳини тўкади».** Яна бир ривоятда:

«إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا حَسَنَةً»

**«унга бир яхшилиқни ёзади»**, дейилган. Бу ишда савоб қазога рози бўлиш, сабр қилиш, шукр қилиш, Аллоҳдан бошқасига шикоят қилмасликдир. Бу хусусда ҳам кўп ҳадислар ворид бўлган. Муслим Суҳайбдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ لَهُ خَيْرٌ, إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ, وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَّاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ, وَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ»

**«Мўминнинг иши ажойиб. Унинг ҳамма иши яхшилиқдир. Агар унга бир хурсандлик етса, шукр қилади ва бу унга бир яхшилиқ бўлади. Агар унга бир хафалик етса, сабр қилади ва бу ҳам унга бир яхшилиқ бўлади. Бу нарса мўминдан бошқасига бўлмайди».** Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган ҳадисда Абу Дардо: «Абул Қосим رضي الله عنهнинг шундай деганларини эшитдим», дейди:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ: يَا عَيْسَى ابْنِ مَرْيَمَ بَاعْتَ مِنَ بَعْدِكَ أُمَّةً، إِنَّ أَصَابَهُمْ مَا يُحِبُّونَ حَمْدُوا اللَّهَ، وَإِنْ أَصَابَهُمْ مَا يَكْرَهُونَ احْتَسِبُوا وَصَبَرُوا وَلَا حِلْمَ وَلَا عِلْمَ، فَقَالَ يَا رَبِّ كَيْفَ يَكُونُ هَذَا؟ قَالَ أُعْطِيهِمْ مِنْ حِلْمِي وَعِلْمِي»

«Улуғ ва Буюк Аллоҳ айтади: «Эй Ийсо, Мен сендан кейин бир умматни юбораман. Улар ўзлари яхши кўрадиган нарсаларига эришсалар, Аллоҳга ҳамд айтадилар. Ўзлари ёмон кўрадиган нарсаларига йўлиқиб қолсалар, олим ва доно бўлмасалар ҳам сабр-қаноат қиладилар». Шунда Ийсо: «Эй Раббим, бу қандай бўлади?», деб сўраган эди, Аллоҳ: «Уларга Ўз донолигим ва олимлигимдан бераман», деди». Табароний бўлаверадиган санад билан Ибн Аббос رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«مَنْ أُصِيبَ بِمُصِيبَةٍ بِمَالِهِ أَوْ فِي نَفْسِهِ فَكَنَمَهَا وَلَمْ يَشْكُهَا إِلَى النَّاسِ، كَانَ حَقًّا عَلَى اللَّهِ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ»

«Кимники моли ёки ўзига бир мусибат етса, уни яшириб, одамларга шикоят қилмаса, уни мағфират қилмоқ Аллоҳнинг бурчи бўлиб қолади». Бухорий Анас رضي الله عنه дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай дейдилар:

«إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ قَالَ: إِذَا ابْتَلَيْتُ عَبْدِي بِحَبِيبَتِي فَصَبَرَ عَوَضْتُهُ مِنْهُمَا الْجَنَّةَ»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Агар бандамни икки маҳбубини олиб қўйиш билан синасам ва у сабр қилса, шу икки маҳбуб эвазига унга жаннатни бераман»». Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да Абу Ҳурайрандан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай дейдилар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُشَاكُ شَوْكَةً فِي الدُّنْيَا يَحْتَسِبُهَا إِلَّا قُضِيَ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Қайси бир мусулмонга шу дунёда бир тикан кирса ва у сабр-қаноат қилса, шу туфайли қиёмат кунида унинг гуноҳларидан олиб ташланади».

Шу ерда айрим мусулмонлардаги тушунмовчиликларни бартараф этиш учун сабр хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтмоғимиз лозим бўлади.

Айрим одамлар кишининг ўзи билан ўзи овора бўлиб, одамлардан четга чиқиб, бошқаларнинг ҳаром амалларни қилаётганларини, Аллоҳнинг ҳадларига тажовуз этаётганларини, жиҳодни бир четга суриб қўяётганларини кўриб туриб, уларга нисбатан ўзининг аниқ бир муносабатини билдирмасдан, ўзини четга олаётгани ва бу билан наҳий мункарни тарк этаётганини ҳам сабрлилик деб тушуниб қолмоқдалар.

Яна айримлар Аллоҳнинг душманларига йўлиқишдан келиб чиқадиган зарардан ўзларини эҳтиёт қилиб, ҳақ гапни гапириш ёки Аллоҳ рози бўладиган амални қилишга журъат этмасдан, бир бурчакка тиқилиб, жим ўтиришни сабрлилик деб билмоқдалар.

Бу сабр эмас. Аллоҳ жаннатни бундайларга тайёрлаб қўймаган.

﴿إِنَّمَا يُوفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

– „Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур“, [39:10]

оятдаги сабрлилар булар эмас. Аксинча, бу Пайғамбар ﷺ паноҳ тилаган ожизликдир. Мана бу ҳадисга бир қулоқ солинг:

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الْعَجْزِ وَالْكَسَلِ وَالْجُبْنِ وَالْبُخْلِ وَالْهَمِّ وَالْحَزَنِ وَعَلَبَةِ الدَّيْنِ وَقَهْرِ الرِّجَالِ»

**«Мен ожизликдан, дангасаликдан, қўрқоқликдан, бахилликдан, ғамдан, хафаликдан, қарзнинг енгиб қўйишидан, кишиларнинг зўравонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман».**

Сабр - бу ҳақ гапни гапирмоқ, ҳақ ишни қилмоқ, Аллоҳнинг йўлидаги озорларни эгилмасдан, букилмасдан, оҳ-воҳ қилмасдан кўтармоқдир.

Сабр - бу тақво билан ёнма-ён турадиган мақомдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّهُ مَنْ يَتَّقِ وَيَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ﴾

– „Дарҳақиқат, кимда-ким Аллоҳдан қўрқиб, сабру қаноат қилса, албатта Аллоҳ бундай чиройли амалларни қилгувчи кишиларнинг ажру мукофотини зое қилмас“.[12:90]

Сабр бу - мужоҳидларнинг энг яқин ҳамроҳидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَكَايْنٍ مِّنْ نَّبِيٍّ قَاتَلَ مَعَهُ رِيثُونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا ضَعُفُوا وَمَا اسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ﴾

– „Қаначадан-қанча пайғамбарлар ўтганки, улар билан биргаликда кўпдан-кўп художўйлар (кофирларга қарши) жанг қилганлар. Ҳамда Аллоҳ Йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашлик-заифлик қилмаганлар ва (кофирларга) бўйин эгмаганлар. Аллоҳ мана шундай сабр қилгувчиларни севади“.[3:146]

Сабр бу - бало-қазо чоғида титраб, қалтирамасдан янада мустаҳкам бўлиш, Қуръонни тарк этмасдан янада маҳкамроқ ушлаш, Парвардигордан узоқлашмасдан янада яқинлашиш демақдир.

﴿فَنَادَى فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

– „Қоронғу зулматларда туриб: «Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй пок Парвардигор, дарҳақиқат мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим», деб нидо қилган (пайтини эсланг)!“.[21:87]

Сабр бу - ҳимматни чархламоқ, ўзни тобламоқ ва жаннат йўлини яқинлаштирмоқдир. Сабр бу - Билолнинг, Хаббобнинг, аҳли Ёсирнинг сабридир.

﴿صَبْرًا آلِ يَاسِرٍ إِنْ مَوْعِدُكُمْ الْجَنَّةُ﴾

**«Эй аҳли Ёсир, сабр қилинг, сизларга ваъда қилинган нарса жаннатдир».**

Сабр бу - Хубайбнинг, Зайднинг сабридир.

﴿وَاللَّهُ لَا أَرْضَى أَنْ يُصَابَ مُحَمَّدٌ ﷺ بِشَوْكَةٍ وَأَنَا سَالِمٌ بِأَهْلِي﴾

**«Аллоҳга қасамки, мен оилам билан саломат бўла туриб, Муҳаммад ﷺ га бир тикан киришига ҳам рози бўлмайман».**

Сабр бу - Аллоҳнинг йўлида ҳеч бир гап-сўздан қўрқмай, золимнинг қўлидан тутиб қола оладиганларнинг сабридир.



«كَلَّا وَاللَّهِ لَتَأْخُذَنَّ عَلَى يَدِ الظَّالِمِ وَلَتَأْطُرَنَّ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا وَلَتَقْصُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ  
قَصْرًا أَوْ لَيَضْرِبَنَّ اللَّهُ قُلُوبَ بَعْضِكُمْ بِبَعْضٍ وَلَيَلْعَنَنَّكُمْ كَمَا لَعَنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ»

**«Асло! Аллоҳга қасамки, ё сизлар золимнинг қўлидан тутиб, уни ҳаққа эгдириб, ҳақиқатга бўйсундирасизлар, ёки Аллоҳ дилларингизни бир-бирига ёвлаштириб, Бану Исроилни лаънатлаганидек, сизларни ҳам лаънатлайди».**

Сабр бу - хушбахт, сараланган, олий ҳиммат саҳобаларнинг сабридир. Сабр бу - Раббим Аллоҳ, деган сўзида қаттиқ туриб, уй-жойларини ташлаб, Ҳабашистонга ҳижрат қилганларнинг сабридир.

Сабр бу - ширк аҳлига қарши, Форсу Румга қарши жиҳод ичида яшаб ўтган муҳожир ансорларнинг сабридир. Сабр бу - Абдуллоҳ ибн Абу Ҳузофа гуруҳидаги асирларнинг сабридир. Сабр бу - содиқ, мўмин, мужоҳидларнинг сабридир.

Сабр бу - яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтармоқ демакдир. Аллоҳнинг йўлидаги озорлар қаршисида букилмаслик, синмаслик деганидир.

Сабр бу - Аллоҳнинг душманларига қарши урушаётган мусулмон қўшин ичидаги бир оддий аскар бўлмоқ демакдир.

Аллоҳ Таолонинг мана бу оятларига қулоқ солинг:

﴿لَتَبْلُؤَنَّ فِي أَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَلَتَسْمَعَنَّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ  
وَمِنَ الَّذِينَ أَشْرَكُوا أَدَى كَثِيرًا وَإِنْ تَصْبِرُوا وَتَتَّقُوا فَإِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ﴾

– „*(Эй мўминлар), албатта молу жонларингизда имтиҳон қилинурсизлар (яъни, Аллоҳ Таоло мол ва жонларингизга хилма-хил офату балолар юбориб, сизларнинг иймонингизни текшириб кўрар) ва албатта сизлардан илгари Китоб берилган кимсалар томонидан ва мушриклар томонидан кўп азият ва маломатлар эшитажаксизлар. Агар (озорларига) сабр-тоқат қилсангизлар ва Аллоҳдан қўрқсангизлар (нажот топурсиз). Чунки бу иш (сабр-тоқатли бўлиб, Аллоҳдан қўрқиш) ишларнинг мақсадга мувофиғидир“*, [3:186]

﴿وَلَتَبْلُؤَنَّكُمْ حَتَّى نَعْلَمَ الْمُجَاهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَتَبْلُؤَ أَخْبَارَكُمْ﴾

– „Албатта Биз, то сизларнинг орангиздаги (Бизнинг Йўлимизда молу жонлари билан) жиҳод қилгувчи ва (яхши-ёмон кунларда) сабр қилгувчи зотларни билгунимизча ҳамда сизларнинг ҳоли-хабарларингизни текшириб - юзага чиқаргунимизча, сизларни имтиҳон қилурмиз“, [47:31]

﴿وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ

وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ ﴿٣١﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿٣٢﴾

أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿٣٣﴾

– „Албатта Биз сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. (Эй Муҳаммад алайҳис-салом), бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган сабирли кишиларга хушxabар беринг! Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордир. Ана ўшалар Ҳақ Йўлни топгувчилардир“. [2:155-157]

Сабр бу - мазкур оятларнинг ҳаётдаги амалий тасдиқи бўлмоқ демакдир.

## Дуо, зикр ва истиғфор

1. Дуо ибодатдир, ибодатнинг мағзидир. Аллоҳ айтади:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي  
سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾

– „*(Эй инсонлар), Парвардигорларингиз : «Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар», деди“.* [40:60]

Бу оятдаги «*Менга дуо қилинглар*» жумласи билан «*Менинг ибодатимдан*» ибораси боғланса, Аллоҳ Таолонинг дуони ибодат деб баҳолагани аён бўлади. Пайғамбар ﷺнинг:

﴿الدُّعَاءُ مُخُّ الْعِبَادَةِ﴾

«**Дуо ибодатнинг мағзидир**», деган ҳадислари ҳам шунга далолат қилади. Бу ҳадисни Термизий Нўъмон ибн Башир йўлидан чиқарган ва саҳиҳ ҳасан, деган.

Модомики дуо ибодат экан, Аллоҳ дуо қиладиган бандасини яхши кўради. Ким Аллоҳга дуо қилмаса, кўп яхшиликни қўлдан бой берибди. Бу иши кибру ҳавосидан келиб чиқиб бўлаётган бўлса,

﴿سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاخِرِينَ﴾

– „*Бўйинларини эгган ҳолда жаҳаннамга кирурлар“*, [40:60] оятидаги кимсалардан бўлибди.

2. Аллоҳ Субҳонаҳу бизга қандай дуо қилишимизни баён қилиб, бунинг учун Аллоҳнинг даъватига жавоб қилишимиз, яъни Унинг шариатига бўйин эгиб, Пайғамбарига эргашишимиз лозимлигини айтади:

﴿فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

– „*Бас, улар ҳам Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар“.* [2:186]

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

﴿يَدْعُوا اللَّهَ وَمَأْكُلُهُ مِنْ حَرَامٍ وَمَشْرَبُهُ مِنْ حَرَامٍ فَأَنَّى يُسْتَجَابُ لَهُ﴾

**«Аллоҳга дуо қилади-ю, ейимлиги ҳаромдан, ичимлиги ҳаромдан. Қандай қилиб унинг дуоси мустажоб бўлсин?!».** (Муслим).

Дуонинг афзал вақтлари сажда, ярим кечаси ва фарз намозларнинг кейинидир. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ مِنْ رَبِّهِ وَهُوَ سَاجِدٌ، فَأَكْثَرُوا الدُّعَاءَ»

**«Банданинг Парвардигорига энг яқин бўладиган пайти саждадаги ҳолатидир. Бас, дуони кўпайтиринглар».** Термизийнинг Абу Умомадан ривоят қилган ва ҳасан ҳадис, деган ҳадисда келади: Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан, қайси дуонинг етиб бориши кўпроқ бўлади, деб сўралди. У киши:

«جَوْفَ اللَّيْلِ الْآخِرِ، وَذُبُرَ الصَّلَوَاتِ الْمَكْتُوباتِ»

**«Ярим кечадаги ва фарз намозларнинг кейинидаги»**, деб жавоб бердилар. Рамазон ойида дуо қилишнинг ҳам савоби улуг. Термизий чиқарган ва ҳасан ҳадис, деган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا تَرُدُّ دَعْوَتَهُمُ الصَّائِمُ حَتَّى يُفْطِرَ وَالْإِمَامُ الْعَادِلُ وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ يَرْفَعُهَا اللَّهُ فَوْقَ الْعَمَامِ وَيَفْتَحُ لَهَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ وَيَقُولُ الرَّبُّ وَعَزَّتِي لَأَنْصُرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ

حِينَ»

**«Уч тоифа одамнинг дуоси рад этилмайди: Руздорнинг ифтор қилгунича, одил раҳбарнинг ва мазлумнинг дуолари. Уларни Аллоҳ булутлар тепасига кўтариб, уларга осмоннинг эшикларини очиб беради ва Парвардигори олам: «Иззатим ҳаққи, бир оздан кейин бўлса ҳам албатта сенга ёрдам бераман», дейди».**

3. Дуо - ибодат сабабларини ушламаслик дегани эмас. Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг сийратлари бунга ёрқин ҳужжатдир.

Пайғамбар صلى الله عليه وسلم Бадр жангида лашкарни ҳозирлаб, ҳар бир қисмни ўз ўрнига қўйиб, уруш учун пухта тайёргарлик кўриб қўйиб, капаларига кириб, шу қадар кўп дуо қилдиларки, ҳатто Абу Бакр رضي الله عنه: «Бунинг бир қисми ҳам сизга етади, эй Расулulloҳ», дейишгача борди.

Пайғамбар ﷺ га Маккадан Мадинага ҳижрат қилишга рухсат этилгач, инсон боласи қўллаши мумкин бўлган нажотга олиб боровчи сабабларни қўлладилар ва айни пайтда Қурайш кофирларини ўзларидан буришини, уларнинг макридан нажот беришини, Мадинага соғ-саломат етказиб қўйишини сўраб, Аллоҳга дуо қилдилар.

Аллоҳнинг раҳмат ва саломларига эришгур бу зот шимолга, яъни Мадина тарафга юзланиш ўрнига жанубга юзланиб, Абу Бакр ﷺ билан Савр ғорига яшириндилар. Қурайш ҳақидаги, унинг режалари ҳақидаги хабарларни Абу Бакрнинг ўғли Абдурраҳмон орқали билиб турардилар. Абдурраҳмон Маккага қайтаётганида унинг изларини ўчириш ва шу билан Қурайш кофирларини чалғитиш учун Абу Бакрнинг чўрисига унинг орқасидан қўйларни ҳайдаб боришни тайинлардилар. У кишини қидириш енгиллагунга қадар уч кун ўша ерда қолиб кетдилар. Кейин тўхтовсиз юриб, Мадинаи Мунавварага кириб бордилар. Ҳолбуки, Пайғамбар ﷺ Мадинага соғ-саломат етиб олишларига ишончлари комил эди. Қурайшнинг кофирлари ғор оғзига келиб қолиб, Абу Бакр: «Агар бирортаси оёғи остига қараса, бизни кўради», деганида:

«مَا ظَنُّكَ بِأَتَيْنِ اللَّهَ تَالِهَهُمَا»

«Учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима деб ўйлаяпсан?», деб жавоб бергандилар.

﴿فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا ثَانِي اثْنَيْنِ إِذْ هُمَا فِي الْغَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا﴾

– „Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида унга Аллоҳ ёрдам берди-ку. Ушанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир», дер эди“.

[9:40]

Ҳижрат қилиб бораётган Пайғамбар ﷺ ва Абу Бакрга етиб олиб, улар учун Қурайш тиккан мукофотни қўлга киритмоқчи бўлиб турган Сууроқага,

«بَانَ يَرْجِعَ وَلَهُ سَوَارًا كَسْرَى»

**«Агар қайтса, Қисронинг тақинчоқлари уники»**  
бўлишини айтдилар.

Хуллас, Пайғамбар ﷺ бизга сабабларни қўллаб намунасини кўрсатиш баробарида, Қурайш кофирларининг қидирувидан нажот беришини, макру ҳийлаларини ўзларига қайтаришни сўраб, Аллоҳга дуо қилдилар. Ўзлари дуоларининг ижобат қилинишига ва Аллоҳнинг нажот беришига аниқ ишониб, хотиржамлик билан уйларидан чиқиб борарканлар, ҳовлиларини ўраб олган кофирларнинг юзларига тупроқ сепиб ўтиб боравердилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ уларни уйқуга мубтало қилган эди.

Демак, дуо сабабларни қўллашни бекор қилиш эмас, аксинча, сабаблар билан ёнма ён туришдир.

Халифаликнинг қайта тикланишини хоҳлаган одам фақат дуо билангина кифояланмасдан, шу иш учун амал қилаётганлар билан бирга амал қилмоғи, бошқачароқ қилиб айтганда, сабабларни қўллагани ҳолда Аллоҳдан мадад, мақсадининг тезроқ рўёбга чиқишини бардавом ва холислик билан сўраб, дуо қилиши лозим.

Ҳамма ишларда ҳам шундай. Киши холис Худо учун амал қилиши, Пайғамбар ﷺга садоқатли бўлиши, тўхтовсиз дуо-илтижо этиши лозим. Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат қилгувчидир.

4. Аллоҳ Субҳонаҳу дуо қилгувчининг - музтарнинг дуосини ижобат қилади.

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ﴾

– „(Эй инсонлар), Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман», дейди“, [40:60]

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِي إِذَا دَعَانِي﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен (уларга) яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан“, [2:186]

﴿أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ﴾

– „Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулени осон қиладиган зотми?!“ [27:62]

Лекин ижобат бўлишнинг ҳам шаръий ҳақиқати бўлиб, уни Пайғамбар ﷺ мана бундай баён қиладилар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَدْعُو اللَّهَ - عَزَّ وَجَلَّ - بِدَعْوَةٍ لَيْسَ فِيهَا إِتْمٌ وَلَا قَطِيعَةٌ رَحِمَ إِلَّا أَحْطَاهُ اللَّهُ بِهَا إِحْدَى ثَلَاثِ خِصَالٍ: إِمَّا أَنْ يُعَجَّلَ اللَّهُ لَهُ دَعْوَتُهُ، وَإِمَّا أَنْ يَدَّخِرَهَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ، وَإِمَّا أَنْ يَصْرِفَ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهَا. قَالُوا: إِذَا نُكْثِرُ. قَالَ: اللَّهُ أَكْثَرُ»

**«Қайси бир мусулмон Улуғ ва Буюк Аллоҳга бир дуо қилса, дуосида гуноҳ ва қариндошчиликни узиш бўлмаса, Аллоҳ унга шу дуосининг эвазига уч нарсадан бирини беради: Ё сўраган нарсасини тезда беради, ё шу дуони унинг охиратига олиб қўяди, ё шу дуочалик ёмонликни ундан буриб юборади. Саҳобалар: «Унда дуони кўпайтирамиз», дейишди. Пайғамбар ﷺ: «Аллоҳ кўпайтирсин», дедилар». Бу ҳадисни Аҳмад ва Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да ривоят қилган.**

«لَا يَزَالُ يُسْتَجَابُ لِلْعَبْدِ مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ رَحِمَ مَا لَمْ يَسْتَعْجَلْ، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا الِاسْتَعْجَالُ؟ قَالَ: يَقُولُ قَدْ دَعَوْتُ وَقَدْ دَعَوْتُ فَلَمْ أَرِ يُسْتَجَابْ لِي فَيَتَحَسَّرُ عَنْ ذَلِكَ وَيَدْعُ الدُّعَاءَ»

**«Пайғамбар ﷺ: «Банданинг гуноҳ ва қариндошликни узиш аралашмаган дуоси модомики шошилтирилмас экан, ижобат бўлиб бораверади», дедилар. «Эй Расулаллоҳ, шошилтириш нима дегани?», деб сўрашган эди, «Шунча дуо қилдим, мустажоб бўлмади» деб оғир олиб, дуони тарк этмоқдир», деб жавоб бердилар». Муслим чиқарган ҳадис.**

Демак, дуода сўралган нарса тезда берилмаса ҳам, охират учун бир озуқа бўлиши ёки унинг соҳиби кўп ва улуғ савобга эришиши ёки унинг ўзига яраша бир келаётган балога тўсиқ бўлиши мумкин экан.

Шундай экан, биз садоқат билан, ихлос билан, итоатгўйлик билан Аллоҳ Субҳонаҳуга дуо қилсак, Пайғамбар ﷺ баён қилган маънодаги ижобатга аниқ ишонган бўламиз.

Шунигдек, Аллоҳ Субҳонаҳу бизни зикрга ҳам буюрган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاذْكُرُونِي أَذْكَرُكُمْ﴾

– „Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман...“, [2:152]

﴿وَأَذْكُرْ رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِيفَةً وَدُونَ الْجَهْرِ مِنَ الْقَوْلِ بِالْغُدُوِّ وَالْآصَالِ وَلَا تَكُنْ مِنَ الْغَافِلِينَ﴾

– „Парвардигорингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, ошкор бўлмаган сўзлар билан (яъни, дилдан) эрта-ю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлмаг!“, [7:205]

﴿وَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

– „Аллоҳни кўп зикр қилинглarki, шояд нажот топурсизлар“, [62:10]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٦٠﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч У Зотни поклаб - тасбиҳ айтинглар“. [33:41,42]

Абу Ҳурайра ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«يَقُولُ اللَّهُ أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذَكَرَنِي، فَإِنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرَنِي فِي مَلَأٍ ذَكَرْتُهُ فِي مَلَأٍ خَيْرٍ مِنْهُمْ، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ شِبْرًا تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ بَاعًا، وَإِنْ أَتَانِي يَمْسِيهِ أَتَيْتُهُ هَرَوَلَةً»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги уйидаман, Мени эсга олганида у билан биргаман. Агар Мени ичида эсласа, Мен ҳам уни ичимда эслайман. Агар Мени бир жамоада эсласа, Мен уни ундан кўра яхшироқ жамоада эслайман. Агар Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир қўли узунлигича яқинлашаман, агар Менга бир қўлича яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман». Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда келади:



«كَانَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَسِيرُ فِي طَرِيقِ مَكَّةَ، فَمَرَّ عَلَى جَبَلٍ يُقَالُ لَهُ جُمْدَانُ، فَقَالَ: سِيرُوا، هَذَا جُمْدَانُ سَبَقَ الْمُفْرَدُونَ، قَالُوا: وَمَا الْمُفْرَدُونَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: الذَّاكِرُونَ اللَّهَ كَثِيرًا»

**«Пайгамбар ﷺ Макканинг йулида кетаётган эдилар. Жамадон номли тоғнинг ёнидан утаётиб: «Юраверинглар, бу Жамадонда илгари муфарридлар (бир деб билувчилар) ўтган», дедилар. «Эй Расулаллоҳ, муфарридлар кимлар?», деб сўрашган эди, «Аллоҳни кўп зикр қилувчилар», деб жавоб бердилар». Қарофий «аз-Захира»да келтиришича, Ҳасан айтади: «Зикр икки хил бўлади: биринчиси тил зикри, бу ҳам яхши, аммо афзалроғи Аллоҳни буйруқларини бажариш ва тақиқларидан тийилиш билан зикр қилмоқдир». Маъсур зикрлар кўп. Уларнинг ўз манбаларига мурожаат қилинсин.**

Истиғфोर ҳам мандубдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالْأَسْحَارِ﴾

– „... саҳарларда (Аллоҳдан) мағфират тилайдиган кишилардир“, [3:17]

﴿وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ ثُمَّ يَسْتَغْفِرِ اللَّهَ يَجِدِ اللَّهَ غَفُورًا رَحِيمًا﴾

– „Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки (Аллоҳнинг буйруқларига итоат этмасдан) ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳни Мағфират қилувчи ва Меҳрибон эканини топар-кўрар“, [4:110]

﴿وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنْتَ فِيهِمْ وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ﴾

– „Модомики, сиз уларнинг ораларида экансиз, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобламас ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азоблагувчи эмасдир“, [8:33]

﴿وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَاحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنْفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ

وَمَنْ يَغْفِرِ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾

– „(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир фаҳш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки (қандайдир нолайиқ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират - кечирим сўрайдиган, - ҳар қандай гуноҳни

Ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур; - билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир“.

[3:135]

Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَوْ لَمْ تُدْنِبُوا، لَدَهَبَ اللَّهُ تَعَالَى بِكُمْ، وَلَجَاءَ بِقَوْمٍ يُدْنِبُونَ، فَيَسْتَغْفِرُونَ اللَّهَ تَعَالَى، فَيَغْفِرُ لَهُمْ»

«Жоним Унинг қулида бўлган зотга қасамки, агар гуноҳ қилмасанглар, Аллоҳ Таоло сизларни кетказиб, ўрнингларга гуноҳ қилиб, Аллоҳ Таолога истиғфор айтадиган қавмни олиб келади ва уларни мағфират қилади». Термизийнинг ҳасан санад билан чиқарган ҳадисидан Анас رضي الله عنه Пайғамбар ﷺдан мана бу ҳадиси қудсийни эшитганини ривоят қилади:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِي وَرَجَوْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ عَلَى مَا كَانَ مِنْكَ وَلَا أَبَالِي، يَا ابْنَ آدَمَ، لَوْ بَلَغَتْ ذُنُوبُكَ عَنَانَ السَّمَاءِ ثُمَّ اسْتَغْفَرْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ وَلَا أَبَالِي، يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ لَوْ أَتَيْتَنِي بِقَرَابِ الْأَرْضِ خَطَايَا ثُمَّ لَقَيْتَنِي لَا تُشْرِكُ بِي شَيْئًا لِأَتَيْتَكَ بِقَرَابِهَا مَغْفِرَةً»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Эй Одам боласи, агар Менга дуо қилиб, Мендан умидвор бўлсанг, сендан ўтган гуноҳларни парво қилмай кечираман. Эй Одам боласи, гуноҳларинг осмон булутларига етган тақдирда ҳам парво қилмай Мендан мағфират сўрасанг, сени мағфират қиламан. Эй Одам боласи, Менинг ёнимга ернинг гилофича гуноҳлар билан келсанг ҳам, Менга ҳеч кимни шерик қилмасдан йулиқсанг, сенга уша гилофчалик мағфират билан пешвоз чиқаман». Бу ҳадисни Аҳмад, Абу Саъид ал-Худрийдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«قَالَ إِبْلِيسُ: وَعَزَّتْكَ، لَا أَبْرَحُ أُغْوِي عِبَادَكَ مَا دَامَتْ أَرْوَاحُهُمْ فِي أَجْسَادِهِمْ، فَقَالَ: وَعَزَّتِي وَجَلَالِي لَا أَرَاكَ أَعْفِرُ لَهُمْ مَا اسْتَغْفَرُونِي»

«Иблис: «Иззатинг ҳаққи, модомики бандаларингнинг жонлари жасадларида экан, мен уларни адаштиравераман», дейди. Аллоҳ Таоло эса:

**«Иззатим ва Буюклигим ҳаққи, модомики улар Менга истиғфор айтар эканлар, Мен уларни мағфират қилавераман», дейди». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, ҳасан, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Ибн Можада саҳиҳ иснод билан келишича, Абдуллоҳ ибн Буср: «Пайғамбар ﷺнинг:**

«طُوبَى لِمَنْ وَجَدَ فِي صَحِيفَتِهِ اسْتِغْفَارًا كَثِيرًا»

**«Номаи аъмолида кўп истиғфор мавжуд бўлган одамга жаннат бўлсин», деганларини эшитгандим», деб ривоят қилади. Муслимда келишича, Абу Зарр Пайғамбар ﷺдан, у киши эса Улуғ ва Буюк Парвардигорларидан ривоят қиладилар:**

«... يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ تُخْطِئُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَأَنَا أَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا، فَاسْتَغْفِرُونِي أَغْفِرْ لَكُمْ...»

**«... Эй бандаларим, сизлар кечаю кундуз гуноҳ қиласизлар, Мен эса ҳамма гуноҳларни кечираман. Бас, Менга истиғфор айтинглар, сизларни мағфират қиламан...».**

## Аллоҳ Субҳонаҳуга таваккул ва ихлос қилиш

Аллоҳ Субҳонаҳуга таваккул қилиш бир неча масалаларга алоқадордир:

**Биринчидан:** Ақидага, яъни Яратувчи - Аллоҳ Субҳонаҳу мавжуд бўлиб, мусулмон киши фойдани қўлга киритиш ёки зарарни даф қилишда Унга суянади. Буни инкор қилган одам кофирдир.

**Иккинчидан:** Банда ҳар бир ишида Аллоҳга таваккул қилиши керак. Таваккулнинг ўзи қалб иши бўлиб, уни қалб тасдиқламаса, тил билан айтганнинг эътибори йўқ.

**Учинчидан:** Агар банда таваккулнинг қатъий далилларини инкор қилса, кофир бўлади.

**Туртинчидан:** Таваккул - сабабларни қўллаш дегани эмас. Бу иккиси бошқа-бошқа масалалар бўлиб, далиллари ҳам турличадир. Пайғамбар ﷺ таваккул ҳам қилардилар, сабабларни ҳам қўллардилар. Саҳобаларини оят ёки ҳадис билан шунга буюрардилар ҳам. У киши Бадрдаги қудуқларни кўмиб ташлаш, хандақ қазиш, Сафвондан совутларни ижарага олиш, жосуслар юбориш, Хайбардан сувни узиб қўйиш, Макка фатҳига кетаётганда Қурайшдан хабарларни яшириш, Маккага икки қават совут билан кириш каби сабабларни қўллардилар. Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾

– „Аллоҳ сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай“, [5:67]

оятти нозил бўлгунига қадар ўзларига соқчи ҳам олганлар. Булар Мадинада давлат барпо бўлганидан кейинги ишлар. Маккада эса саҳобаларига Ҳабашистонга ҳижрат қилишларига рухсат бердилар. Амакилари Абу Толибнинг ҳимоясини қабул қилдилар. Бутун алоқа узилган муддат мобайнида дарада турдилар. Ҳижрат кечаси ўринларида ухлашни Алига буюрдилар. Форда уч кеча ётиб қолдилар. Бану Аддаил йўл кўрсатишга моҳир бир кишини ижарага олдилар. Буларнинг ҳаммаси сабабларни қўллаш бўлиб, таваккулга зид ишлар эмас. Умуман таваккулнинг бу ишларга алоқаси йўқ. Бу икки масалани аралаштириб

юбориш таваккулни таъсирсиз шаклий нарсага айлантириб қўяди.

Таваккулнинг вожиблигига далиллар:

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَاخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ﴾

– „Ундай зотларга айрим кимсалар: «Қурайш) одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган; бас, улардан қўрқингиз!», деганларида, (бу гап) уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У зот энг яхши ишончли вакилдир», дедилар“, [3:173]

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ﴾

– „Ва ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг...“, [25:58]

﴿وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ﴾

– „Бас, мўминлар Ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар!“, [9:51]

﴿فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ﴾

– „Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг - суянинг!“, [3:159]

﴿وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ﴾

– „Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир“, [65:3]

﴿فَاعْبُدْهُ وَتَوَكَّلْ عَلَيْهِ﴾

– „Бас, Унга ибодат қилинг ва Ўзига суянинг“, [11:123]

﴿فَإِنْ تَوَلَّوْا فَقُلْ حَسْبِيَ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ

الْعَظِيمِ﴾

– „Ана энди ҳам юз ўгирсалар, у ҳолда (эй Мухаммад алайҳис-салом), айтинг: «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир! Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир! (Мен Унинг) Ўзига суяндим. У зот улуғ Арш Соҳибидир“, [9:129]

﴿وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَإِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

– „Ким Аллоҳга суянса, (албатта Аллоҳ уни Қўллагувчидир), зотан, албатта Аллоҳ Ғолиб ва Ҳикматлидир“.

[8:49]

Таваккулни вожиб қилувчи оятлар яна кўп.

• Ибн Аббос ривоят қилган ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга кирадиган етмиш минг киши хусусидаги ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«هُمُ الَّذِينَ لَا يَرْقُونَ، وَلَا يَسْتَرْقُونَ، وَلَا يَتَطَيَّرُونَ، وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ»

**«Улар дам солмайдиган, дам солдирмайдиган, фол очмайдиган ва Парвардигорларига таваккул қиладиган кишилардир»** (муттафақун алайҳ).

• Ибн Аббос ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ кечаси туриб қолсалар, таҳажжуд намозини ўқиб,

«... اللَّهُمَّ لَكَ أَسَلَمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ...»

**«... Эй Аллоҳим, Сенга бўйсундим, Сенга ишондим, Сенга таваккул қилдим...»**, дер эдилар (муттафақун алайҳ).

• Абу Бакр Сиддиқ ؓ айтади: «Фордалигимизда мушрикларнинг оёқларини кўрдим. Улар шундоқ бошимизда туришарди. Мен: «Эй Расулуллоҳ, агар улардан бирортаси оёғининг остига қараса, бизни кўради», дедим. Шунда Пайғамбар ﷺ,

«مَا ظَنُّكَ يَا أَبَا بَكْرٍ بِأَنَّيْنِ اللَّهِ تَالِثُهُمَا»

**«Эй Абу Бакр, учинчиси Аллоҳ бўлган икки киши хусусида нима деб ўйлаяпсан?»**, дедилар» (муттафақун алайҳ).

• Умму Салама ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ уйларидан чиқаётиб:

«بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ...»

**«Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳга таваккул қилдим»**, дер эдилар. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан ҳадис, деган. Уни Нававий «Риёз»да саҳиҳ ҳадис, деган.

• Анас ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا خَرَجَ الرَّجُلُ مِنْ بَيْتِهِ فَقَالَ: بِسْمِ اللَّهِ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ، يُقَالُ لَهُ: حَسْبُكَ، قَدْ كُفِّتَ، وَهُدِيتَ، وَوُقِّيتَ، فَيَلْقَى الشَّيْطَانَ شَيْطَانًا آخَرَ، فَيَقُولُ لَهُ: كَيْفَ لَكَ بِرَجُلٍ قَدْ كَفِيَ وَوُقِيَ وَهُدِيَ»

«Киши уйдан чиқаётиб: «Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳга таваккул қилдим, Аллоҳга боғланмаган ҳеч бир куч-қувват йўқдир» деса, унга: «Бас, етади, сен кифояландинг, ҳидоятландинг ва сақландинг», дейилади. Кейин бир шайтон бошқа бир шайтон билан учрашиб қолганида: «Кифояланган, сақланган, ҳидоятланган кишига йўлиқиб қолсанг, ҳолинг нима кечади?», дейди». Ибн Ҳиббон уни ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. «Мухтора»да уни Абу Довуд ва Насоий чиқарган, исноди саҳиҳ, дейилган.

• Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَوْ أَنَّكُمْ تَوَكَّلْتُمْ عَلَى اللَّهِ حَقَّ تَوَكُّلِهِ، لَرَزَقَكُمْ كَمَا يَرْزُقُ الطَّيْرَ، تَغْدُو خِمَاصًا وَتَرُوحُ بِطَانًا»

«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингларда эди, оч кетиб, туқ қайтадиган қушга ризқ берганидек, сизларга ҳам ризқ берган бўларди». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, деган. Уни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган. Уни Мақдисий «Мухтора»да саҳиҳ, деган.

Тоатдаги ихлос риё қилмасликдир. У қалб амали бўлиб, уни фақат банданинг ўзи ва Яратувчиси билади, холос. Гоҳида банданинг ўзи ҳам шубҳага бориб, ўзини ўзи қайта-қайта ҳисобга тутати, ўзига ўзи тоатни нима учун қилдим, деб қайта-қайта савол беради. Тадқиқотидан кейин, агар у тоатни Худо учун қилган бўлса, иши холис бўлибди. Агар бошқа мақсадда қилган бўлса, ишига риё аралашибди. Бундай нафсияни ўнглаш керак бўлади. Ўнгланиш муддати чўзилиб кетиши ҳам мумкин. Банда ўзининг яхшиликларини яширишни хоҳлаш мартабасига етса, унда ихлос аломати кўринибди. Қуртубий айтади: «Ҳасандан ихлос ва риё хусусида сўрашганида, у: «Яхшиликларингни яширишни

хоҳлашинг, ёмонликларингни яширишни эса хоҳламаслигинг ихлосдир», деб жавоб берди». Қодисия кунда икки қўли ва икки оёғи кесилган бир одамнинг:

﴿مَعَ الدِّينِ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَئِكَ رَفِيقًا﴾

– „... ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар - пайғамбарлар, сиддиқлар (ҳақ-рост иймон эгалари), шаҳидлар ва солиҳлар (фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар) билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир“. [4:69]

оятини диққат билан ўқиётганини кўришиб, ундан: «Эй Аллоҳнинг бандаси, сен кимсан?», деб сўрашган эди, бир ансорийман, деб жавоб бериб, номини айтмади, яширди.

Ихлос вожибдир. Қуръон ва суннатдан бунга далиллар жуда кўп.

Аллоҳ Таоло «Зумар» сурасида айтади:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدِ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), албатта Биз сизга бу Китобни ҳаққи-рост нозил қилдик, бас, сиз Аллоҳга - У зот учун Динингизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг“, [39:2]

﴿أَلَا لِلَّهِ الدِّينُ الْخَالِصُ﴾

– „Холис Дин Ёлғиз Аллоҳникидир“, [39:3]

﴿قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ﴾

– „Айтинг: «Дарҳақиқат, мен Аллоҳга У Зот учун Динимни холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман»“, [39:11]

﴿قُلْ اللَّهُ أَعْبُدُ مُخْلِصًا لَهُ دِينِي﴾

– „Айтинг: «Мен Ёлғиз Аллоҳга У Зот учун Динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман»“. [39:14]

Пайғамбарга айтилаётган гап у кишининг умматига айтилаётгани ўз-ўзидан маълум.

Суннатдан далиллар:



• Абдуллоҳ ибн Масъуд Термизийда ва Шофеийнинг «Рисола»сида ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«نَصَرَ اللَّهُ أَمْرًا سَمِعَ مَقَاتِي فَوَعَاهَا وَحَفِظَهَا وَبَلَّغَهَا، فَرُبَّ حَامِلٍ فِقْهٍ إِلَى مَنْ هُوَ أَفْقَهُ مِنْهُ. ثَلَاثٌ لَا يُغَلُّ عَلَيْهِنَّ قَلْبُ مُسْلِمٍ إِخْلَاصُ الْعَمَلِ لِلَّهِ، وَمُنَاصَحَةُ أُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ، وَلِزُومُ جَمَاعَتِهِمْ، فَإِنَّ الدَّعْوَةَ تُحِيطُ مِنْ وَرَائِهِمْ»

«Менинг сўзимни эшитиб, уни англаган, ёдлаган ва бошқаларга етказган кишини Аллоҳ кўкартирсин. Кўпинча ўзидан кўра билимлироқларга ҳам билим тарқатиб юрувчилар учраб туради. Уч нарса борки, мусулмоннинг қалби уларни оғир олмайди: Амални холис Худо учун қилиш, мусулмон раҳбарларга насиҳат қилиш, мусулмонлар жамоасини маҳкам ушлаш. Чунки даъват (дуо) уларнинг ортидан ўраб туради». Бу ҳадис ибн Можада Зайд ибн Собитдан ривоят қилинган. Уни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. У ибн Можада Жубайр ибн Мутъамдан ҳам ривоят қилинган. Ҳоким ҳам уни ривоят қилиб, ҳар икки шайх шартларига кўра, саҳиҳ, деган. Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида у Абу Саид Худрийдан ривоят қилинган. Баззор уни ҳасан иснод билан чиқарган. Суютий уни «ал-Азҳар ал-мутанасира»да мутавотир ҳадислар қаторида келтирган.

• Аҳмад Убай ибн Каъбдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«بَشَّرَ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّنَاءِ وَالرَّفْعَةِ وَالتَّنْصُرِ وَالتَّمْكِينِ فِي الْأَرْضِ، فَمَنْ عَمِلَ مِنْهُمْ عَمَلَ الْآخِرَةِ لِلدُّنْيَا لَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ نَصِيبٌ»

«Бу умматга буюклик, юксаклик, голиблик ва ер юзида имконият бериш ҳақида башорат беринг. Кимки охират ишени дунё учун қилса, охиратда унга насиба бўлмайди». «Мухтора»да унинг исноди ҳасан, дейилган.

• Ибн Можа Анас ﷺдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«مَنْ فَارَقَ الدُّنْيَا عَلَى الْإِحْلَاصِ لِلَّهِ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَقَامَ الصَّلَاةَ، وَآتَى  
الرِّكَاتَ، فَارَقَهَا وَاللَّهُ عَنْهُ رَاضٍ»

**«Шериксиз, ёлғиз Худо учун ихлос қилган, намоз ўқиб, закот берган киши дунёдан ўтар экан, Аллоҳ ундан рози бўлади».** Бу ҳадисни Ҳоким ҳам ривоят қилиб, ҳар икки шайх шартига кўра, саҳиҳ, деган.

• Абу Умома Бохимий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«... إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبَلُ مِنَ الْعَمَلِ إِلَّا مَا كَانَ لَهُ خَالِصًا، وَابْتُغِيَ بِهِ وَجْهُهُ»

**«... Аллоҳнинг ризосини умид қилиб, холислик билан қилинган амалларнигина қабул қилади».** Мунзирий, бу ҳадиснинг исноди ишончли, деган.

## Ҳақ устида маҳкам туриш

Даъватчининг устида куфр диёрида бўлганда ҳам, Ислому диёрида бўлганда ҳам ўзига хос вазифалар туради. Куфр диёрида бўлганида уни ўзгартириб, Ислому диёрига айлантириш учун амал қилиши керак бўлса, Ислому диёрида бўлганида назорат ҳамда амри маъруф, наҳий мункар билан шуғулланиши лозим бўлади. Биз ушбу мақоламизда биринчи ҳолат хусусида тўхталамиз. Мана ҳозир ҳижрий XV асрнинг биринчи чораги охирида турибмиз. Саксон йиллардан буён халифалик йўқ қилиниб, мусулмонлар ҳаётидан Ислому олиб ташланиб, бутун ер юзига пасткашлар ҳукмронлиги ўтадиган бўлиб қолди. Умуман ҳамма мусулмонлар, хусусан даъватчилар Макка давридаги мусулмонларга ўхшаб қолдилар. Бунинг устига ҳижратдан кейин нозил бўлган ҳукмларни ҳам бажаришлари лозим. Биз бу ишимизда ҳар икки ҳолат бир-бирига ўхшагани боис, ҳижратдан аввалги ишлар билан чекланамиз. Маккадаги кофирлар мусулмонлардан кофир бўлишни, Ислоمدан қайтишни, даъват қилмасликни, ибодатини одамларга билдирмаслигини талаб қилардилар. Ҳозирги золим ҳоқимлар ҳам худди шундай қилмоқдалар, ундан ҳам ўтказиб юбормоқдалар. Улар даъватчилардан пасткашлар ҳукмронлигига хизмат қилиб, мусулмонлар диёрларида кофирлар нуфузининг қолиш муддатини узайтириб берувчи фикрларни ривожлантирадиган фикрий малай ва жосусларга айланиб, ҳамкорликда иш олиб боришни талаб қилмоқдалар. Жосуслар, фикрий ва фатво чиқарувчи малайлардан тузилган бундай қўшин истаганча топилади. Бу қадар жирканч талабни ҳатто Қурайш ҳам қўймаган, деб ўйлайман. Мазкур талабларни рўёбга чиқариш учун Макка кофирлари ўлдириш, азоблаш, озор бериш, қамаш, боғлаш, ҳижратдан тўсиш, мол-дунёсини тортиб олиш, масхаралаш, алоқани узиш, ёлғон, уйдирма хабарларни тарқатиш каби турли хил усулларни қўлладилар. Ҳозирги золим ҳоқимлар ҳам худди ўша услубларни қўлладилар, ундан ҳам ўтказиб юбордилар. Электр каби замонавий кашфиётларни саноатни ривожлантиришда эмас, мусулмонларни азоблашда қўлладилар. Бу ишлар қаршисида Пайғамбар ﷺ ва

саҳобаларнинг тутган ўринлари бўлиб, улардан намуна олиш, уларга эргашиш бизга вожибдир. Энди кофирларнинг талаблари, қўллаган услублари ва уларга нисбатан мусулмонларнинг тутган ўринлари хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. Макка кофирлари қўллаган услублар:

**Уриш:** Ҳоқим Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади:

«لَقَدْ ضَرَبُوا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ حَتَّى غَشِيَ عَلَيْهِ، فَقَامَ أَبُو بَكْرٍ رضي الله عنه، فَجَعَلَ يُنَادِي وَيَقُولُ: وَيَلَكُمْ أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ؟ قَالُوا: مَنْ هَذَا؟ قَالُوا: هَذَا ابْنُ أَبِي قُحَافَةَ الْمَحْنُونُ»

**«Пайгамбар ﷺни ҳушларидан кетгунларича урдилар. Абу Бакр رضي الله عنه туриб: «Ҳолингизга вой, Раббим Аллоҳ деган одамни ўлдирасизларми?», деб ҳайқира бошлади. «Ким бу?», деб сўралган эди, «Абу Қуҳофанинг жинни ўгли», деб жавоб берилди». Бу ҳадисни Ҳоқим «Мустадрак»да чиқарган ва Муслим шартига кўра, исноди саҳиҳ, деган. Муслим Абу Заррнинг мусулмон бўлиши хусусида унинг ўзидан ривоят қилади:**

«... فَأَتَيْتُ مَكَّةَ فَتَضَعَعْتُ رَجُلًا مِنْهُمْ، فَقُلْتُ أَيْنَ هَذَا الَّذِي تَدْعُوهُ الصَّابِي؟ فَأَشَارَ إِلَيَّ فَقَالَ: الصَّابِي، فَمَالَ عَلَيَّ أَهْلُ الْوَادِي بِكُلِّ مَدْرَةٍ وَعَظْمٍ حَتَّى خَرَرْتُ مَغْشِيًّا عَلَيَّ، قَالَ فَارْتَفَعْتُ حِينَ ارْتَفَعْتُ كَأَنِّي نُسِبُ أَحْمَرَ...»

**«... Улардан бирини сал юмшатиб, сизлар диндан қайтган, деб ўйлаётган ўша одамнинг ўзи қани, дейишимни биламан, мени кўрсатиб, диндан қайтган, деган эди, бутун водий аҳли менга ташланиб, паншахами, суякми, қўлига кирган нарса билан хушимдан кетиб йиқилгунимга қадар дўшосладилар. Ўрнимдан турганимда қип-қизил хочга ўхшаб қолгандим...».**

**Боғлаш:** Бухорий Кўфа масжидида Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайлдан ривоят қилади:

«وَاللَّهِ لَقَدْ رَأَيْتَنِي وَإِنَّ عُمَرَ لَمُوثِقِي عَلَى الْإِسْلَامِ، قَبْلَ أَنْ يُسَلَّمَ عُمَرُ، وَلَوْ أَنَّ أَحَدًا ارْفَضَ لِلذِّي صَنَعْتُمْ بِعُثْمَانَ لَكَانَ»

«Аллоҳга қасамки, мусулмон бўлганим туфайли мени боғлаб қўйган Умар эди. У пайтда Умар ҳали мусулмон бўлмаган эди. Агар Уҳуд тоғи Усмонга қилган ишинлар учун кўз ёш тўкса, арзийди». Ҳокимнинг ривоятида «Мени ва онамни боғлаб қўйган», дейилган. Ҳоким бу ҳадисни ҳар икки шайх шартига кўра, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган.

**Она тарафидан сиқувга олиш:** Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Мусъаб ибн Саъддан, у отасидан ривоят қилади: Саъднинг онаси: «Аллоҳ яхшиликка буюрмаганми? Аллоҳга қасамки, ё мен емасдан, ичмасдан ўлиб кетаман, ё сен кофир бўласан», деди. У аёлга овқат едирмоқчи бўлсалар, оғзини мажбурлаб овқатни қуяр эдилар. Кейин:

﴿وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِالذِّئْبِ حُسْنًا﴾

– „Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик“, [29:8]

оятни нозил бўлди.

**Қуёшда қиздириш:** Абдуллоҳ ривоят қилади: «Мусулмон бўлганини энг олдин етти киши ошкор қилди. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺ ни амакилари Абу Толиб билан, Абу Бакрни қавми билан ҳимоя қилди. Қолганларни эса мушриклар ушлаб олиб, устларига темир совут кийдиришиб, офтобга қўйдилар. Билолдан бошқа ҳамма мушрикларнинг айтганини қилишди. Билол эса Улуғ ва Буюк Аллоҳ йўлида ўз нафсини хор қилди. Шунинг учун ҳам қавми уни хорлаб, ёш болаларга бериб юбордилар. Улар Билолни бўйнига ип боғлаб олиб Макканинг дараларида сазойи қилиб, айлантирдилар, у эса тинимсиз «Аҳад, Аҳад», дер эди». Бу ҳадисни Ҳоким «Мустадрок»да ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий «Тарих»да маъқуллаган, лекин уни икки шайх чиқармаган. Уни ибн Ҳиббон ҳам ўз «Саҳиҳ»ида чиқарган.

**Овоз чиқартирмаслик, одамларга аралаштирмаслик:** Бухорий Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилган узун ҳадисда жумладан шундай дейилади: «Қурайш ибн Дағаннанинг ҳимоясини инкор қилмади. Унга, фақат ҳовлисида ибодат қилишини буюргин, ташқарига чиқмасдан хоҳлаганча намоз ўқиб, тиловат қилаверсин, ҳаммага эшиттириб, бизга озор

бермасин, биз аёлларимиз ва болаларимизнинг фитналанишидан қўрқамиз, дейишди. Буни ибн Дағанна Абу Бакрга айтди. Шу билан Абу Бакр ҳовлисидагина Раббисига ибодат қиладиган, намоз ўқийдиган, қироат қиладиган бўлиб турди. Кейин унинг миясига масжид қуриш фикри келиб, ҳовлисининг бир бурчагига қуриб олди. Ўша ерда намоз ўқирди ва Қуръон тиловат қиларди. Мушрик аёллар ва болалар унинг ёнига тўпланиб олардилар. Улар учун бу иш қизиқ бўлиб, томоша қилардилар. Абу Бакр йиғлоқи одам бўлиб, Қуръон тиловат қилганида йиғидан ўзини тўхтата олмасди. Бу нарса Қурайшнинг катталарини даҳшатга солди. Ибн Дағаннага элчи юбордилар. Улар келишиб, биз сенинг Абу Бакрни ҳимоянгга олганингни фақат ҳовлисида ибодат қилиши шарти билан қабул қилгандик, у ҳаддидан ошди, ҳовлисининг бир четига масжид қуриб олиб, намозини ва қироатини эълон қилди, биз аёлларимиз ва болаларимизнинг фитналанишидан қўрқамиз, уни қайтар, фақат ҳовлисида ибодат қилиш билан чекланса, ўшандай қилаверсин, агар бош тортиб, ошкора қиламан, деса, ундан ҳимоянгга олганингни қайтариб беришини сўра. Чунки биз сенга берган ваъдамизни бузишни маъқул кўрмаймиз ва айни пайтда Абу Бакрнинг ўз ишини ошкора қилишига ҳам рози эмасмиз, дейишди».

**Тош отиш:** Ибн Ҳиббон ва ибн Ҳузайма ўзларининг «Саҳиҳ»ларида Ториқ Мухорибийдан ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺнинг Зулмажоз бозоридан ўтаётганларини кўргандим. Устларида қизил кийим бор эди.

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَفْلَحُوا»

**«Эй одамлар, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, денглар, нажот топасизлар»**, дер эдилар. Бир киши орқаларидан бориб, тош отарди. Икки тўпиқлари ва оёқларининг бетларини қонатиб юборди. У «Эй одамлар, унга қулоқ солманглар, у каззоб», дер эди. Мен бу ким, деб сўраган эдим, Бану Абдул Мутталибнинг гуломи, дейишди. Мана бу орқасидан бориб, тош отаётган ким, деб сўрагандим, Абдул-Уззо Абу Лаҳаб, дейишди».

**Ичак-чавоқ ва бошқа ахлатларни ташлаш:** Бухорий Абдуллоҳ ﷺдан ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ саждада эдилар. Атрофларида қурайшийлар турарди. Уқба ибн Абу

Муъайт сўйилган ҳайвоннинг қоғоноғини олиб келиб, Пайғамбар ﷺнинг орқаларига ташлаб қўйди. У киши бошларини кўтармадилар. Фотима ﷺ келиб, орқаларидан олиб ташлади ва шу ишни қилганни дуоибад қилди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«اللَّهُمَّ عَلَيكَ الْمَلَأَ مِنْ قُرَيْشٍ أَبَا جَهْلٍ بِنِ هِشَامٍ، وَعْتَبَةَ بِنِ رَبِيعَةَ، وَشَيْبَةَ بِنِ رَبِيعَةَ، وَأُمَيَّةَ بِنِ خَلْفٍ، أَوْ أَبِي بِنِ خَلْفٍ»

**«Эй Аллоҳим, мана бу Қурайш гуруҳининг - Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Утба ибн Робиа, Шайба ибн Робиа, Умайя ибн Халаф ёки Убай ибн Халафларнинг жазосини Узинг бер»**, деб дуо қилдилар. Ровий айтади: Улар Бадр кунда ўлдирилиб, Умайя ёки Убайдан бошқалари қудуққа ташландилар. Ташланмаганнинг бўғинлари парча-парча бўлиб кесилиб кетганди. Ибн Саъд «Табақот»да Оиша ﷺдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«كُنْتُ بَيْنَ شَرِّ جَارَيْنِ، بَيْنَ أَبِي لَهَبٍ وَعَقْبَةَ بِنِ أَبِي مُعَيْطٍ، إِنْ كَانَا لَيَاتِيَانِ بِالْفُرُوثِ، فَيَطْرَحَانَهَا عَلَى بَابِي، حَتَّى إِذَا تَوَلَّى بَعْضٌ مَا يَطْرَحُونَ مِنَ الْأَدَى، فَيَطْرَحُونَهُ عَلَى بَابِي»

**«Икки ёмон қўшнининг - Абу Лаҳаб билан Уқба ибн Абу Муъайтнинг ўртасида эдим. Ичак-чавоқларни олиб келишиб, дарвозам ёнига ташлаганлари майлият, ҳатто бошқа ахлатларни ҳам олиб келиб, дарвозам ёнига ташлардилар»**. Пайғамбар ﷺ уларни олиб чиқиб, **«Эй Бану Абди Маноф, бу қандай қўшничилик бўлди?»**, дер эдилар.

**Бўйинга миниш ва юзга тупроқ сепишга уриниш:** Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилади: Абу Жаҳл, сизларнинг кўз олдингизда Муҳаммаднинг юзига тупроқ сепилсинми, деган эди, ҳа, дейишди. Шунда у, Лот ва Уззога қасамки, агар унинг яна шундай қилганини кўрсам, ё бўйнига минаман ёки юзига тупроқ сочаман, деди. Пайғамбар ﷺнинг намоз ўқиётганларида устларига келиб, бўйинларига энди минмоқчи бўлиб турган эди, бирданига орқасига тисарилиб, қўли билан нимадандир ҳимоялана

бошлади. Унга, сенга нима бўлди, дейишган эди, мен билан унинг ўртасида бир оловли хандақ ва қанотли баҳайбат махлуқ пайдо бўлди, деб жавоб берди. Пайғамбар ﷺ:

«لَوْ دَنَا مِنِّي لَا خَتَطَفْتَهُ الْمَلَائِكَةُ عُضْوًا عُضْوًا»

**«Агар менга яқинлашганида, фаришталар уни парча-парча қилиб юборарди»,** дедилар.

**Бундан бошқа азоблашлар:** Заҳабий «Тарих»да, Байҳақий «аш-Шаъб»да, ибн Ҳишом «Сийрат»да ва Аҳмад «Фазойилус-саҳоба»да Урва رضي الله عنهдан ривоят қиладилар: Варақа ибн Навфал азобланаётган ва «Аҳад, Аҳад» деяётган Билолнинг ёнидан ўтаётиб: «Эй Билол, Худо битта, битта», дерди, кейин Умайя ибн Халафнинг ва Билолни шу кўйга солаётган Бану Жамҳликлар олдига бориб: «Аллоҳга қасамки, агар уни ўлдирсангизлар, унга қаттиқ ачинаман», дерди. Абу Бакрнинг ҳовлиси Бану Жамҳда эди. Азобланаётган Билолнинг ёнидан ўтаётиб, Умайяга: «Шу мискин борасида Аллоҳдан қўрқмайсанми, қачонгача бундай қиласан?», деди. «Сен уни бузгансан, энди ўзинг қутқар», деди Умайя. «Розиман, менда ундан кўра бақувватроқ ва чидамлироқ сенинг динингдаги гулом бор, ўшани алмашаман», деди Абу Бакр. «Қабул қилдим», деди Умайя. «У сеники», деб Абу Бакр ўша гуломига Билолни алмаштирди ва озод қилди. Абу Бакр Маккадан ҳижрат қилишидан аввал олти қулни муслмон бўлгани учун озод қилганди. Билол еттинчиси эди. Улар орасида Бадр ва Уҳудни кўрган, Мауна қудуғи кунда шаҳид бўлган Омир ибн Фаҳира, Умму Абийс ва Зинниралар бор эди. Жобир رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ азобланаётган Аммор ва унинг оиласи ёнидан ўтаётиб:

«أَبْشِرُوا آلَ عَمَّارٍ وَآلَ يَاسِرٍ فَإِنَّ مَوْعِدَكُمْ الْجَنَّةَ»

**«Эй Аммор оиласи, эй Ёсир оиласи, хурсанд бўлинглар, чунки сизларга ваъда қилинган нарса жаннатдир»,** деганлар. Бу ҳадисни Ҳоким «Мустадрак»да чиқариб, Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган. Уни Заҳабий «Талхис»да маъқуллаган. Аҳмад одамлари ишончли бўлган санад билан Усмон رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ билан водийда бораётган эдик. У киши қўлимдан ушлаб олгандилар. Азобланаётган Аммор ва унинг ота-онаси ёнига



келганимизда, Абу Аммор: «Эй Расулulloҳ, замон шу эканда!», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«اصْبِرْ ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لآلِ يَاسِرٍ وَقَدْ فَعَلْتُ»

«Сабр қил», дедилар, кейин: «Эй Аллоҳим, Ёсир оиласини кечир. Албатта Сен уларни кечиргансан», дедилар».

**Оч қўйиш:** Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Анасдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«لَقَدْ أُودِيْتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُؤْدِي أَحَدٌ، وَلَقَدْ أُخِفْتُ فِي اللَّهِ وَمَا يُخَافُ أَحَدٌ، وَلَقَدْ أَتَتْ عَلَيَّ ثَلَاثٌ مِنْ بَيْنِ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ وَمَا لِي بِطَعَامٍ إِلَّا مَا وَارَاهُ إِبْطُ بِلَالٍ»

«Аллоҳнинг йулида ҳеч ким менчалик озорланмаган. Аллоҳнинг йулида ҳеч ким менчалик қўрқитилмаган. Бошимдан уч кеча-кундузлаб Билолнинг қўлтигига сиққан нарсадан бошқа емишим бўлмаган кунлар ўтган». Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Холид ибн Умайр Адавийдан ривоят қилади: Бизга Утба ибн Фозавон хутба ўқиб, Аллоҳга ҳамду сано айтганидан кейин шундай деди: «Мен ўзимни Пайғамбар ﷺ билан бўлган еттитанинг биттаси ҳисоблайман. Бизнинг дарахт баргидан бўлак емишимиз бўлмай, оғизларимиз четлари шилиниб, яра босиб кетарди. Мен бир чопонни ўзим билан Ислом чавандози Саъд ибн Абу Ваққос учун иккига бўлдим. Ярмини Саъд ўзига пешбанд қилиб боғлади, ярмини мен. Бугунги кунга келиб биздан тирик қолганларнинг ҳар бири бир шаҳарнинг амирига айланди. Мен ўзимни ўзимнинг наздимда улуғ, Аллоҳнинг наздида эса ҳақир бўлиб қолишимдан паноҳ тилайман». Ҳоким уни «Мустандрок»да чиқариб, Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий «Талхис»да маъқуллаган.

**Алоқани узиш:** Ибн Саъд «Табақот»да Воқидийдан, у ибн Аббосдан Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомдан ва Усмон ибн Абу Сулаймон ибн Жубайр ибн Мутъамдан ривоят қилади: «Улар Бану Ҳошим билан қиз олиб, қиз бермаслик, савдо-сотиқ қилмаслик ва борди-келди қилмасликка битим туздилар... Улардан озиқ-овқатлар ва эҳтиёж молларини тўсиб қўйдилар. Улар бир мавсумдан иккинчи мавсумга чиқа олардилар, холос. Аҳволлари

танглашиб, гўдакларининг чинқириқлари даранинг ортидан ҳам эшитилиб турадиган бўлди. Қурайшликларнинг кимларидир бу ишдан мамнун бўлди, кимларидир норози бўлди... Шундай қилиб, улар дарада уч йил қолиб кетдилар...». Заҳабий «Тарих»да бу хабарни Мусо ибн Уқба йўли билан Зухрийдан ривоят қилади.

**Устидан кулиш, масхаралаш:** Ибн Ҳишом «Сийрат»да келтиришича, ибн Исҳоқ Язид ибн Зиёддан, у эса Муҳаммад ибн Каъб Қурозийдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ Тоифга борганларида ўша пайтдаги Сақифнинг катталари ва улуғлари бўлмиш уч ака-уканинг ёнига бориб ўтириб, уларни Аллоҳга даъват этиб: «Менинг Исломимга ёрдам беришингларни ва менга тўсқинлик қилаётган қавмимга қарши мен билан бирга бўлишингларни сўраб келдим», дедилар. Шунда улардан бири: «Агар Аллоҳ сени юборган бўлса, Каъбанинг кийимини юлиб оламан», деди. Яна бири эса: «Аллоҳ юборгани сендан бошқасини топмабди-да», деди. Қаёқдаги қаланғи-қасанғилар, қулваччалар у кишини ҳақоратлар қилиб, қичқиришди». Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилади: «... Уларнинг ҳузурида эдим. Бир тошда тўпланиб олишиб, Пайғамбар ﷺ ҳақида ҳар хил гапларни айтардилар: «Ҳеч кимга бу қадар сабр қилмаган эдик, орзу умидларимизни бемаънилик деди, ота-боболаримизни ерга урди, динимизни айблади, жамоамизни бўлиб юборди, худоларимизни ҳақорат қилди, шунча ишларни қилса ҳам, сабр қилиб турибмиз». улар шундай деб тупганларида Пайғамбар ﷺнинг ўзлари кўриниб қолдилар. Юриб келиб, рукни истилом қилдилар ва Байтуллоҳни тавоф қилганлари ҳолда уларнинг ёнидан ўтдилар. Шунда ҳар хил гаплар билан у кишини масхара қилдилар. Мен юзларида бунинг таъсирини кўрдим. Ўтиб кетдилар. Иккинчи марта ўтаётганларида яна масхара қилишди. Бунинг таъсирини ҳам юзларида кўрдим. Яна ўтиб кетдилар. Учинчи марта ўтаётганларида ҳам масхара қилишган эди,

«أَتَسْمَعُونَ يَا مَعْشَرَ قُرَيْشٍ أَمَا وَاللَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَقَدْ جُنْتُكُمْ بِالْبَحْثِ...»

**«Эй Қурайш жамоаси, эшитяпсизларми, Муҳаммаднинг жони Унинг қўлида бўлган зотга**

қасамки, мен сизларга сўйилишни олиб келдим...», дедилар».

**Бошлиқ билан тобелар ўртасидаги алоқага зарба бериш:** Муслим Саъдан ривоят қилади: Олти киши Пайғамбар ﷺ билан бирга эдик. Мушриклар у кишига: «Буларни ҳайдаб юбор, барибир улар бизга журъат қилишолмайди», дейишди. Биз мен, ибн Масъуд, хузайиллик бир киши, Билал ва яна икки киши эдик. Уларнинг номларини айтмайман. Пайғамбар ﷺнинг кўнгилларидан Аллоҳ хоҳлаганчалик нимадир ўтиб, ўзларига нимадир дедилар. Шунда Улуғ ва Буюк Аллоҳ мана бу оятни нозил қилди:

﴿وَلَا تَطْرُدُ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), сиз эрта-ю кеч Парвардигорларининг юзини истаб Унга илтижо қиладиган зотларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг!*“ [6:52]

**Бошлиқлик, мол-давлат, аёллар эвазига келишиш:** Абу Яъло «Муснад»да ва ибн Муъийн ўзининг «Тарих»ида Ажлаҳдан бошқа одамлари ишончли бўлган санад билан (аммо ибн Муъийннинг ўзи Ажлаҳни ишончли, деб билган) Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилади: Абу Жаҳл ва бир тўда қурайшликлар: «Муҳаммаднинг иши ёйилиб кетди, сеҳр, фолбинлик ва шеъриятдан хабардор бир кишига айтсак, бориб гаплашиб келса бўларди», дейишди. Шунда Утба: «Мен сеҳр, фолбинлик ва шеъриятни жуда яхши биламан, Муҳаммаднинг иши шундай бўлганида дарров илғаб олардим», деб ўзи кетди. Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Муҳаммад, сен Умму Ҳошимнинг энг яхши одамимисан, Умму Абдул-Муттолибнинг энг яхши одамимисан, Умму Абдуллоҳнинг энг яхши одамимисан», деган эди, у киши жавоб қайтармадилар. «Нега Худоларимизни ҳақорат қилиб, ота-боболаримизни адашган дейсан? Агар бошлиқликни хоҳлаётган бўлсанг, байроғимизни сенга тикиб, сени ўзимизга бошлиқ қилиб олайлик, агар ҳирсинг кучлилик қилаётган бўлса, Қурайшнинг ўзинг хоҳлаган қизларидан ўнтасини танлаб ол, уларга сени уйлантириб қўяйлик, агар мол-давлатни хоҳлаётган бўлсанг, ўзинггаю авлодингга етадиган мол-

дунёни тўплаб берайлик», деди. Пайгамбар ﷺ гапирмасдан, жим турардилар. У гапини тугатгач, мана бундай дедилар:

﴿حَمْدٌ تَبْرِيْلٌ مِنَ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ ﴿۱﴾ كِتٰبٌ فَصَّلَتْ اٰيٰتُهُ قُرْاٰنًا عَرَبِيًّا لِقَوْمٍ يَعْلَمُوْنَ﴾

– „Ҳо, Мим. (Ушбу Қуръон) Меҳрибон ва Раҳмли (Аллоҳ) томонидан нозил қилингандир. У биладиган қавм учун (мўминларга) хушхабар бергувчи... арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб), оятлари муфассал баён қилинган Китобдир“, [41:1-3]

﴿فَقُلْ اَنْذَرْتُكُمْ صَاعِقَةً مِّثْلَ صَاعِقَةِ عَادٍ وَثَمُوْدَ﴾

– „Айтинг: «Мен сизларни худди Од ва Самуд (қабилаларини урган) чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ-ҳалокат (келиши)дан огоҳлантирдим», [41:13]

оятига етганларида Утба у кишининг оғизларини қўли билан ёпиб, қариндошчилик ҳаққига қасам ичиб, тўхташларини ёлвориб сўради. Кейин қариндошлари ёнига бормасдан, улардан беркиниб олди. Шунда Абу Жаҳл: «Эй Қурайш жамоаси, Аллоҳга қасамки, Утба ҳам Муҳаммад тарафига ўтган, унинг луқмасига қизиқиб қолганга ўхшайди, бу нарса фақат унинг муҳтожлигидан бўляпти, холос. Юринглар, унинг ёнига борайлик», деди. Унинг ёнига келишгач, Абу Жаҳл: «Эй Утба, Аллоҳга қасамки, сени Муҳаммад тарафига ўтиб кетди, унинг ишига қизиқиб қолди, деб қўрқдик, агар муҳтожлигинг бўлса, сенга Муҳаммаднинг луқмасидан беҳожат қиладиган мол-дунё тўплаб берайлик», деди. Бундан Утба газабланиб, минбаъд Муҳаммад билан гаплашмасликка Аллоҳнинг номига қасам ичиб: «Менинг Қурайшнинг энг бадавлатларидан бири эканимни жуда яхши биласизлар» деб, бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб деди: «Унинг ёнига бориб, мақсадимни айтсам, менга бир нарса билан жавоб берди. У нарса сеҳр ҳам, шеър ҳам, фолбинлик ҳам эмас. У менга мана буни ўқиб берди:

﴿حَمْدٌ تَبْرِيْلٌ مِنَ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ ﴿۱﴾ كِتٰبٌ فَصَّلَتْ اٰيٰتُهُ قُرْاٰنًا عَرَبِيًّا لِقَوْمٍ يَعْلَمُوْنَ﴾

– „*Ҳо, Мим. (Ушбу Қуръон) Меҳрибон ва Раҳмли (Аллоҳ) томонидан нозил қилингандир. У биладиган қавм учун (мўминларга) хушхабар бергувчи... арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб), оятлари муфассал баён қилинган Китобдир*“, [41:1-3]

﴿فَقُلْ أَنْذَرْتُكُمْ صَاعِقَةً مِثْلَ صَاعِقَةِ عَادٍ وَثَمُودَ﴾

– „*Айтинг: «Мен сизларни худди Од ва Самуд (қабилаларини урган) чақмоққа ўхшаган бир чақмоқ-ҳалокат (келиши)дан огоҳлантирдим»*“, [41:13]

деган жойига етганида оғзини беркитиб, қариндошлик ҳаққига қасам ичиб, тўхташини ёлвориб сўрадим. Муҳаммаднинг ҳеч қачон ёлғон гапирмаслигини жуда яхши биласизлар. Шунинг учун ҳам сизларга бир азоб келишидан қўрқдим». Ибн Муъийннинг бу ривояти ибн Исҳоқнинг Муҳаммад ибн Каъб Қурозийдан қилган ривоятдан ва ибн Ҳишомнинг «Сийрат»ида келтирилган матндан бошқа.

**Ҳақорат қилиш:** Бухорий ва Муслим Абдурраҳмон ибн Авфдан ривоят қиладилар: Бадр кунда сафда турган эдим. Ўнг ва чап тарафимга қарасам, икки ёш ансорий ўспиринлар орасида эканман. Шулардан кўра кучлироқлар орасида бўлганимда яхши эди, деб турсам, улардан бири менга имо қилиб: «Амаки, Абу Жаҳлни танийсизми?», деб қолди. Мен «Ҳа, танийман. Унда нима ишинг бор эди?», десам: «Эшитишимча, у Пайғамбар ﷺни ҳақорат қилар экан, жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, уни кўриб қолсам, то иккимиздан биримиз - ажалимиз етгани ўлгунча қарама-қарши боравераман». Бу гапдан ҳайратланиб турсам, иккинчиси ҳам худди шу каби гапни гапириб қолди». Бухорий ва Муслим ибн Аббосдан ривоят қиладилар: Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَا تَجْهَرُ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافُ بِهَا﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), сиз намозингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошкора) ҳам қилиб юборманг (токи, мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар), ва уни ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи, саҳобаларингиз тинглаб-фойдалансинлар)!*“, [17:110]

оятини Пайғамбар ﷺ Маккада яшириниб юрган пайтларида нозил бўлди. Чунки саҳобалари билан намоз ўқиганларида

қироатда овозларини кўтарардилар. Мушриклар эшитиб қолсалар, Қуръонни ҳам, уни нозил қилган зотни ҳам, уни олиб келган фариштани ҳам ҳақорат қилардилар. Шунда Аллоҳ Таоло Пайғамбари ﷺга

﴿وَلَا تَجْهَرُ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافُ بِهَا﴾

– „*Эй Муҳаммад алайҳис-салом*), сиз намозингизни жуда жаҳрий (баланд овозда, ошқора) ҳам қилиб юборманг (токи, мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар), ва уни ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи, саҳобаларингиз тинглаб-фойдалансинлар)!“, [17:110]

оятини нозил қилди. Яъни мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар.

﴿وَلَا تُخَافُ بِهَا﴾

– „... ўта махфий ҳам қилиб юборманг...“ [17:110]  
яъни саҳобаларингиз эшитмай қолишмасин.

﴿وَأَتَّبِعْ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا﴾

– „Шуларнинг (яъни, жаҳрийлик билан махфийлик) ўртасидаги йўлни тутинг!“ [17:110]

Аҳмад «Муснад»да Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«أَلَمْ تَرَوْا كَيْفَ يَصْرِفُ اللَّهُ عَنِّي لَعْنِ قُرَيْشٍ وَشَتْمِهِمْ، يَسُونُ مُذَمَّمًا، وَأَنَا

مُحَمَّدٌ»

**«Аллоҳнинг мендан Қурайшнинг лаънатлари ва ҳақоратларини қандай қайтараётганини кўрмаяпсизларми? Улар мени ёмонлаб ҳақорат қиладилар, ҳолбуки мен Муҳаммадман».** (Одамлари ишончли) Ибн Аббос ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда келишича,

﴿وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ﴾

– „Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Аллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!“ [26:214]

оятини нозил бўлгач, Пайғамбар ﷺ Сафо тоғига чиқиб: «Эй тонг», (тонг вақтидаги хавфдан огоҳлантирилиб, айтиладиган

чақириқ) деб қичқирдилар. Бу қичқирган ким, дейишди, Муҳаммад, дейилди. Ҳамма жам бўлди. Пайғамбар ﷺ:

«أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَخْبَرْتُكُمْ أَنَّ خَيْلًا تَخْرُجُ بَسْفَحِ هَذَا الْجَبَلِ أَكُنْتُمْ مُصَدِّقِي؟ قَالُوا: مَا جَرَّبْنَا عَلَيْكَ كَذِبًا، قَالَ: فَإِنِّي نَذِيرٌ لَكُمْ بَيْنَ يَدَيْ عَذَابٍ شَدِيدٍ، فَقَالَ أَبُو لَهَبٍ: تَبًّا لَكَ أَلْهَذَا جَمَعْتَنَا، ثُمَّ قَامَ، فَنَزَلَتْ ﴿تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ﴾»

«Агар сизларга шу тоғнинг этагидан отлиқлар чиқиб келяпти десам, мени тасдиқлармидинглар?», деган эдилар, «Сенинг ёлғон гапирганингни эшитмаганмиз», дейишди. У киши: «Мен сизларни қаттиқ азобдан огоҳлантирувчиман», дедилар. Шунда Абу Лаҳаб: «Ҳа қуриб кетгур, бизни шунга тўпладингми», деб туриб кетди. «Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай-ҳалок бўлгай», [111:1] сураси ушанда нозил бўлган».

Табароний Мунбит Аздийдан чиқарган ҳадисда дейилади: «Жоҳилият даврида Пайғамбар ﷺнинг:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ: قُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ تَفْلَحُوا»

«Эй одамлар, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб айтинглар, нажот топасизлар», деганларини эшитгандим. Ушанда то кун тиккага келгунга қадар кимлардир у кишининг юзларига туфлаб, кимлардир тупроқ сепиб, яна кимлардир ҳақорат қилиб ўтишганди. Кейин бир қиз бир катта қадаҳда сув олиб келиб, у кишининг юз-қўлларини ювди. Пайғамбар ﷺ унга:

«يَا بِنْتِ لَا تُحْشَى عَلَى أَبِيكَ غِيْلَةً وَلَا ذَلَّةً»

«Эй қизим, отангни хорлаётганларидан, унга ёвузлик қилаётганларидан қайгурмагин», дедилар. Мен: «Бу қиз ким?», деб сўраган эдим: «Пайғамбар ﷺнинг қизи Зайнаб», дейишди. Ҳайсамий айтадики, бу ҳадисда мен танимаган Мунбит ибн Мудрик бор, қолган одамлари ишончли.

**Ёлғончига чиқариш:** Бухорий ва Муслим Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَمَّا كَذَّبْتَنِي قُرَيْشٌ قُمْتُ فِي الْحَجْرِ فَجَلًّا، (وَفِي رِوَايَةٍ) فَجَلَّى اللَّهُ لِي بَيْتَ الْمَقْدِسِ، فَطَفَقْتُ أُخْبِرُهُمْ عَنْ آيَاتِهِ، وَأَنَا أَنْظَرُ إِلَيْهِ»

**«Қурайш мени ёлгончига чиқаргач, топда туриб қолдим. Шунда Аллоҳ менга Байтул-Мақдисни ёритиб берди ва мен унга қараб туриб, аломатларини айтиб бера бошладим».** Бухорий Абу Дардодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ بَعَثَنِي إِلَيْكُمْ فَقُلْتُمْ كَذَبْتَ وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ صَدَقْتَ...»

**«Аллоҳ мени сизларга юборди. Сизлар: «Ёлгон айтасан», дединглар. Абу Бакр: «Рост айтасиз», деди».** Тош отиш ҳақидаги Ториқ Мухорибий رضي الله عنهнинг ҳадисиди келишича, Зулмажоз бозорида Абу Лаҳаб Пайғамбар ﷺни кўрсатиб: «Унга итоат қилманглар, чунки у каззоб», дер экан. Бу ҳадисни ибн Ҳиббон Ҳузайма ва ибн Ҳиббон саҳиҳ, деган.

**Фитна уюштириш:** Аҳмад ва Табароний Умму Саламадан ривоят қилган узун ҳадисда жумладан, шундай дейилади: «У ердан чиқишгач, Амр ибн Ос: «Аллоҳга қасамки, эртага уларни таг-томири билан қўпориб ташлайдиган бир ишни қиламан», деди. Шунда ичимиздаги энг тақводор киши бўлмиш Абдуллоҳ ибн Робиъа: «Ундай қилма, чунки улар бизга муҳолиф бўлгани билан, барибир қариндошчиликлари ҳам бор», деди. Амр эса: «Аллоҳга қасамки, подшоҳга улар Ийсо ибн Марямни банда деб биладилар, деб айтаман», деди. Кейин эрталаб бориб: «Эй подшоҳ, улар Ийсо ибн Марям ҳақида жуда ёмон бир гапни айтадилар, одам юбориб, нима дейишлари хусусида сўраб кўр», деди. Подшоҳ элчи юбориб, шу ҳақда сўраттирди. Бизга ҳеч қачон бу қадар оғир бўлмаганди. Ҳамма тўпланиб: «Ийсо ибн Марям хусусида сўраб қолса, нима деймиз?», дейишди. Кейин Аллоҳга қасамки, нима бўлишидан қатъий назар, Аллоҳ айтган ва Пайғамбаримиз олиб келган гапни айтамыз, деган қарорга келишди». Ҳайсамий бу ҳадис ҳақида, унинг одамлари саҳиҳ ҳадиснинг одамларидир, деган. Муслим ибн Аббосдан ривоят қилади: «Зимод Маккага келди. У Аздишанудадан эди. Маккадаги қаланғи-қасанғилардан Муҳаммад жинни, деган гапни эшитди». Ибн



Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда келади: «Каъб ибн Ашраф Маккага ташриф буюргач, унинг ёнига келишиб: «Каъбатуллоҳнинг нозири ва соқийси биз бўламиз. Сен эса Ясриб аҳлининг саййидисан, анави қавмидан узилиб чиқиб, ўзини биздан яхшироқман деб ўйлаётган Санавбар яхшироқми ёки бизми?» дейишди. У: «Сизлар ундан яхшироқсизлар», деб жавоб берди». Шунда Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺга

﴿إِنَّ شَانِكَ هُوَ الْآبِتْرُ﴾

– „Албатта сизни ёмон кўрувчи кимсанинг думи қирқилгандир (яъни, беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)!“, [108:3]

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ أَوْتُوا نَصِيبًا مِّنَ الْكِتَابِ يُؤْمِنُونَ بِالْجِبْتِ وَالطَّاغُوتِ وَيَقُولُونَ لِلَّذِينَ كَفَرُوا هَؤُلَاءِ أَهْدَىٰ مِنَ الَّذِينَ آمَنُوا سَبِيلًا﴾

– „Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга ишониб - сиғинаётганларини ҳамда кофир кимсалар ҳақида: «Ўшалар иймон эгалари бўлган (мусулмон)лардан кўра тўғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми?“, [4:51] оятларини нозил қилди.

**Ҳижратдан тўсиш:** Ҳоким «Мустадрак»да Суҳайбдан ривоят қилганки, исноди саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган, аммо икки шайх чиқармаган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿أَرَيْتُ دَارَ هَجْرَتِكُمْ سَبْحَةَ بَيْنَ ظَهْرَانِي حَرَّةً، فَإِنَّمَا أَن تَكُونَ هَجْرًا، أَوْ تَكُونَ يَثْرِبَ﴾

«Сизлар ҳижрат қиладиган диёр менга тошлоқ жойлар атрофидаги шўр ерлар бўлиб куринди. Демак, у ё Ҳажар бўлади ёки Ясриб бўлади». Пайғамбар ﷺ билан Абу Бакр Мадинага қараб кетишди. Улар билан кетмоқчи эдим, Қурайшнинг йигитлари йўлимни тўсишди. Ўша кечани ўтирмасдан, туриб ўтказдим. Ҳеч қандай шикоят қилмасам ҳам, у ўзини ўйлаб сенларни ташлаб кетди, дейишди. Бир барид (12 мил) юрганмдан кейин улардан бир нечаси менга етиб олиб, қайтармоқчи бўлишди.

Мен уларга бир неча уқия (37гр) олтин берсам, мени қўйиб юборасизларми, деб улар ортидан Маккагача келиб, эшик остонасининг остини кавласанглар бир неча уқия олтин бор, фалончига бориб, қимматбаҳо тошларни ҳам олинглар, дедим. Кейин чиқиб, Пайғамбар ﷺнинг ёнларига бордим. У киши ҳали Қабодан ўтиб кетмаган эдилар. Мени кўриб:

«يَا أَبَا يَحْيَى رَيْحَ الْبَيْعِ»

«Эй Абу Яҳё, савдоинг бароридан келсин», деб уч марта айтдилар. Мен: «Эй Расулulloҳ, ҳеч ким мендан олдин сизнинг ёнингизга келмади-ку, бу хабарни сизга фақат Жаброил عليه السلام етказган», дедим. Пайғамбар ﷺни ҳижратдан қайтаришга бўлган ташналиклари шу даражага етдики, ҳатто у кишини ва дўстини ўлдирган ёки асир олган киши учун бир мукофот эълон қилишгача етиб бордилар. Бухорий Барродан, у Абу Бакрдан ривоят қилади: «... Йўлга тушганимизда улар бизни қидиришарди...». Сууроқа ибн Жаъшам айтади: «Бизга Қурайш кофирларининг элчилари келиб, Пайғамбар ﷺ ва Абу Бакрдан қайси бирини ўлдирган ёки асир олган кимса учун ҳақ тайин қилинганини айтишди... Мен у кишига «Қавмингиз сиз учун ҳақ тайин қилибди», дедим... У киши:

«فَقَفَ مَكَانَكَ لَا تَتْرُكُنْ أَحَدًا يَلْحَقُ بِنَا»

«Шу жойингда биронтасининг бизга етиб олишига йул қўймай тур», дедилар. Ровий айтади - у куннинг аввалида Пайғамбар ﷺга қарши урушган бўлса, охирига бориб, у кишининг соқчисига айланди».

Ўлдиришга уриниш ёки у билан таҳдид қилиш:

Бухорий Урва ибн Зубайрдан ривоят қилади:

«سَأَلْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَمْرٍو عَنْ أَشَدِّ مَا صَنَعَ الْمُشْرِكُونَ بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ؟ قَالَ رَأَيْتُ عُقْبَةَ بْنَ أَبِي مُعَيْطٍ جَاءَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ يُصَلِّي، فَوَضَعَ رِدَاءَهُ فِي عُنُقِهِ فَخَنَقَهُ بِهِ خَنْقًا شَدِيدًا، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى دَفَعَهُ عَنْهُ، فَقَالَ أَتَقْتُلُونَ رَجُلًا أَنْ يَقُولَ رَبِّيَ اللَّهُ، وَقَدْ جَاءَكُمْ بِالْبَيِّنَاتِ مِنْ رَبِّكُمْ»

«Абдуллоҳ ибн Амрдан мушрикларнинг Пайғамбар ﷺга қилган энг қаттиқ ишларини сўрадим. У Уқба ибн Абу Муоитнинг Пайғамбар ﷺнинг намоз ўқиётгани

устига келиб, ридосини буйинларига солиб туриб, жуда қаттиқ бугганини, кейин Абу Бакр келиб ажратиб олганини ва: «Раббим Аллоҳ, деган кишини ўлдирасизларми, ахир у Раббиларингиз тарафидан кўрсатмалар олиб келди-ку?!», деганини кўрганман, деди». Умар ибн Хаттобнинг мусулмон бўлиши бобида Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «У ҳовлида кўрқиб турган эди, Амрнинг отаси Ос ибн Воил Саҳмий келиб қолди. Унинг энгида йўл-йўл кийим ва ипак билан букиб тикилган кўйлак бор эди. У жоҳилиятдаги иттифоқдошларимиз бўлмиш Бану Саҳмдан эди. Ос унга: «Сенга нима бўлди?», деган эди: «Агар мусулмон бўлсам, қавминг мени ўлдирармиш», деди. Ос: «Улар учун сенга йўл йўқ», деди. Шу гапни айтганидан кейин мен тинчландим...». Мушриклар Пайғамбар ﷺни ўлдириш учун тил бириктиришдан тўхтамадилар. Ибн Ҳажарнинг «Фатҳул-Борий»ида келишича, ибн Исҳоқ, Мусо ибн Уқба ва бошқа «Ғазавотлар» муаллифлари шундай деганлар: «Қурайш саҳобаларнинг бир ерга манзил қуриб, шу билан тинчлик-хотиржамликка эришганини, Умарнинг мусулмон бўлганини, Ислом қабилаларга ёйилиб кетганини кўришгач, Пайғамбар ﷺни ўлдиришга тил бириктирдилар. Бу хабар Абу Толибга етиб келгач, Бану Ҳошим билан Бану Муттолибни тўплаб, Пайғамбар ﷺни дараларига киритиб олдиларда, ўлдирмоқчи бўлганлардан ҳимоя қилдилар». Аҳмад Усмон Жазарийдан бошқа одамлари ишончли бўлган санад билан ривоят қилишича, ибн Аббос Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرِجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرٌ الْمَاكِرِينَ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), кофирлар сизни ҳибс қилиш ё ўлдириш ёки (Маккадан) чиқариб юбориш учун сизга макр қилган пайтларини эсланг! Улар макр қилурлар, Аллоҳ ҳам «макр» қилур. Аллоҳ «маккор»роқдир“, [8:30] ояти хусусида шундай дейди: «Маккада бир кечаси Қурайш машварат қурди. Айримлари тонг отиши билан уни, яъни Пайғамбар ﷺни боғлаймиз, дейишди. Баъзилари ўлдирамиз, яна баъзилари эса, ҳайдаб юборамиз, дейишди». Усмон

Жазарийни ибн Ҳиббон ишончли, деган, бошқалар, заиф, деганлар.

Ибн Ҳишомнинг «Сийрат»ида келишича, ибн Исҳоқ айтади: «Қурайш Пайғамбар ﷺнинг Мадинага - саҳобалари ёнига боришидан эҳтиётланиб, бир қанчаси Доруннадвада тўпланишиб, Пайғамбар ﷺнинг ишини нима қилиш хусусида маслаҳатлашдилар. Айримлар, темир кишанга солиб қўямиз, дейишса, айримлар орамиздан чиқариб юборамиз, дейишди. Шунда Абу Жаҳл: «Менда шундай фикр борки, сизлар ундай фикрга келолмасангизлар керак, деб ўйлайман», деди. «У қандай фикр экан, эй Абулҳакам?», дейишди. «Ҳар бир қабиладан бир ёш, кучли, насабдор йигитни танлаб олиб, улардан ҳар бирининг қўлига бир ўткир қилични берамиз, улар бориб битта кишининг зарбасидек уриб ўлдиришади, шу билан ундан қутиламиз», деди Абу Жаҳл. Амморнинг онаси Сумайя رضي الله عنها каби ўлимга сабр қилган саҳобалар ҳам бўлди. У Исломдаги биринчи шаҳид эди».

Бу азоблар қаршисида Пайғамбар ﷺ ва айрим саҳобалар шундай ўринни тутдиларки, бу билан мушрикларни танг қолдириб, мислсиз сабот ва матонатни намойиш этдилар. Улардан айримларини айтиб ўтамиз:

• Бухорий «Тарихи кабир»да Мусо ибн Уқбадан, у Уқайл ибн Абу Толибдан ривоят қилади: Қурайш Абу Толибнинг ёнига келиб, жиянинг бизга йиғинларимизда озор беряпти, дейишди. У дарҳол, эй Уқайл, Муҳаммадни олиб кел, деб буюрди. Унинг ёнига бориб, кичик бир уйчадан чиқариб, куннинг қизигида олиб келди. Жазирама иссиқнинг қаттиқлигидан юриш учун соя қидирарди. Олиб келгач, Абу Толиб, анави амакиваччаларинг айтишига қараганда сен уларга йиғинларида ва масжидларида озор бераётган эмишсан, ундай қилмагин, деди. Пайғамбар ﷺ кўзларини осмонга тикиб:

«تَرَوْنَ هَذِهِ الشَّمْسَ قَالَ مَا أَنَا بِأَقْدَرَ عَلَىٰ أَنْ أَرُدَّ ذَلِكَ مِنْكُمْ عَلَىٰ أَنْ تَشْعَلُوا مِنْهَا شُعْلَةً»

**«Мана бу қуёшни кўряпсизларми, ундан бир шуъла сизларга тушаётган бўлса, мен сизлардан ушани қайтаришга ҳам қодир эмасман»**, дедилар. Шунда Абу Толиб: «Аллоҳга қасамки, жияним бизни ҳеч қачон алдамаган, боринглар», деди.

• Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилади: Саъд ибн Муоз умра қилгани бориб, Умайя ибн Халафнинг уйига тушди. Умайя ҳам Шомга борганида Мадинадан ўтиб қолса, Саъднинг уйига тушар эди. Умайя Саъдга кун ўртага келиб, одамлар ўз ишлари билан бўлиб кетгунча кутиб тур, кейин бориб тавоф қиласан, деди. Саъднинг тавоф қилаётгани устига Абу Жаҳл келиб қолиб: «Қаъбани тавоф қилаётган бу ким?» - деди. «Мен Саъдман». «Муҳаммад ва унинг саҳобаларига бошпана бериб туриб, яна бамайлихотир Қаъбани тавоф қиляпсанми?» «Ҳа», деди Саъд. Ўзаро сўкишиб кетишди. Умайя Саъдга: «Абулҳакамга овозингни кўтарма, чунки у водий аҳлининг саййиди», деди. Саъд: «Агар мени Байтуллоҳни тавоф қилишдан қайтарадиган бўлсанг, Шом билан бўладиган тижоратингни узиб қўяман», деди. Умайя ҳадеб Саъдга: «Овозингни кўтарма» деб, уни тўхтатишга ҳаракат қиларди. Бундан Саъд газабланиб: «Қоч ёнимдан, мен Муҳаммад ﷺдан эшитишимча, у сени ўлдирар эмиш» деган эди, у: «Мени-я?», деди. Саъддан ҳа, жавобини олгач: «Аллоҳга қасамки, Муҳаммад ёлғон гапирмайди», деб қўйди.

• Бухорий ва Муслим ибн Аббос ﷺдан ривоят қилади: «Абу Зарра Пайғамбар ﷺнинг юборилгани хусусидаги хабар боргач, нима гаплигини билиш учун келиб, Пайғамбар ﷺнинг ёнларига кирди ва у кишининг гапларини эшитиб, ўша ернинг ўзида мусулмон бўлди. Пайғамбар ﷺ унга:

«ارْجِعْ إِلَى قَوْمِكَ فَأَخْبِرْهُمْ حَتَّى يَأْتِيكَ أَمْرِي»

**«Қавминга қайтиб, то менинг буйругим келгунига қадар уларни хабардор қилиб тур»,** дедилар. У: «Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, бу гапни уларнинг орасида қичқириб айтаман», деди. У ердан чиқиб, масжидга келди-да, бор овози билан: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир ва Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир», деди. Одамлар туриб, уни ётиб қолгунича дўппосладилар. Аббос келиб, унинг устига ўзини ташлади ва: «Ҳолингларга вой, унинг Шом билан бўладиган тижоратинглар йўлидаги Фифорлик эканини билмайсизларми?» деб, уни қутқариб қолди. Эртаси куни яна шундай қилган эди, одамлар яна унга ташланиб, яна урдилар ва яна Аббос унинг устига ўзини ташлади».

• Аҳмад ибн Ҳанбал «Саҳобалар фазилатлари» китобида Урвадан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ дан кейин Қуръонни овоз чиқариб ўқиган одам Абдуллоҳ ибн Масъуд эди. Бир куни саҳобалар тўпланишиб: «Қурайш ҳали бу Қуръоннинг овоз чиқариб ўқилганини эшитгани йўқ, унга эшиттириб қўядиган одам борми?», дейишди. Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Мен эшиттираман», деди. Улар: «Сизга озор беришларидан қўрқамиз, биз бирор гап бўлгудек бўлса, улардан ҳимоя қила оладиган қариндошлари бор одам бўлса, деган эдик», дейишди. У: «Қўяверинглар, мени Аллоҳнинг Ўзи ҳимоя қилади», деди. Кейин ибн Масъуд чошгоҳда Мақомга бориб, Қурайш йиғилиб турган жойда:

﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾

– „Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан“,

﴿الرَّحْمَانُ عَلَّمَ الْقُرْآنَ﴾

– „Меҳрибон (Аллоҳ Муҳаммад Пайғамбар ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди“, [55:1,2]

деб ўқиди. Кейин қибла тарафга қараб, қироат қила бошлади. Одамлар қулоқ солишиб: «Бу чўрининг боласи нима деяпти?», дейишди. Кейин: «Бу Муҳаммад олиб келган нарсаларни тиловат қилаётган экан-ку» деб, унинг юзига ура бошладилар. Абдуллоҳ улардан қанчалик озор етмасин, ўқийверди. Саҳобалар ёнига қайтиб келганида унинг юзидаги изларни кўришиб: «Биз шундан қўрққан эдик», дейишди. Шунда Абдуллоҳ: «Аллоҳнинг душманлари ҳозиргичалик менга заиф-хор бўлиб кўринмаган эди, агар хоҳласанглар, яна шундай қила олишим аниқ», деди. Улар: «Бас, етади, уларга ёмон кўрадиган нарсаларини эшиттирдинг», дейишди.

• Бухорий Оиша ﷺ дан ривоят қилади: «Эсимни танибманки, ота-онам мусулмон эдилар... Бу нарса Қурайшнинг катта мушрикларини даҳшатга солди. Ибн Дағаннага одам юбордилар. Улар келишиб: «Биз сенинг ҳимоянг туфайли Абу Бақрга омонлик бергандик... Унинг ибодатларини ҳамманинг кўз ўнгида қилишига рози эмасмиз», дейишди. Кейин ибн Дағанна Абу Бакрнинг олдига келиб: «Сени ўз ҳимоямга олганимни биласан, шунинг учун ё улар айтган гапга кўн (яъни ибодатларингни ҳеч кимга кўрсатмасдан, эшиттирмасдан қил) ёки менинг ҳимоямни

ўзимга қайтариб бер, чунки мен ҳақимда араблар, анавининиг ҳимояси ўтмади, дейишларини ёқтирмайман», деди. Шунда Абу Бакр: «Ҳимоянгни ўзингга қайтариб бераман, мен Улуғ ва Буюк Аллоҳнинг ҳимоясини истайман», деди».

• Ҳоким Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «Умар Макка масжидида мушриклар билан эрталабдан қуёш бошининг рўпарасига келгунига қадар олишди. Кейин ҳолдан тойиб, ўтириб қолди. Қизил чопон, йўл-йўл кўйлак кийган, кўркам юзли бир киши келиб, уни қутқариб олди-да: «Бу одамдан нимани истайсизлар?», деди. Улар: «Ҳеч нарсани, Аллоҳга қасамки, у диндан қайтди», дейишди. «Бир одам ўзи учун бир динни танлаб олса, бунинг нимаси ёмон, қўйинглар уни, ўзига хоҳлаганини танлаб олаверсин, сизлар Бану Адий Умарнинг ўлимига рози бўлади деб ўйлайсизларми? Аллоҳга қасамки рози бўлмайди», деди. Ўша куни Умар: «Эй Аллоҳнинг душманлари, уч юзтага етганимизда сизларни чиқариб юборган бўлардик», деди. Кейинчалик дадамдан: «Ўша куни сизни қутқариб қолган одам ким эди?», деб сўраган эдим: «Амр ибн Оснинг отаси Ос ибн Воил эди», деб жавоб бердилар». Бу ҳадисни Ҳоким «Мустадрок»да ривоят қилиб, Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Уни ибн Ҳиббон ҳам ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган. Ҳоким ривоят қилган бу ҳадис Бухорий ривоят қилган аввалги ҳадисга зид эмас. Унда Умар ўлдиришларидан қўрқиб уйда ўтирган эди. Бу икки ҳадис икки вақтда бўлган икки ҳодиса бўлиши мумкин.

• Байҳақий «Далоил»да ва Заҳабий «Тарих»да Мусо ибн Уқбадан ривоят қиладилар: «Усмон ибн Мазъун ва унинг дўстлари орқага қайтганлардан эдилар. Маккага ҳомийсиз кира олмадилар. Валид ибн Муғийра Усмон ибн Мазъунни ўз ҳимоясига олди. Усмон дўстларининг устига ёғилаётган балоларни, улардан бир қанчасининг қамчи ва ўт билан азобланаётганини, ўзининг эса тинч-омонлигини кўриб, балоланишни афзал билди ва Валидга: «Эй амаки, мени ўз ҳимоянгизга олдингиз, энди қариндошларингизнинг олдига чиқиб, мендан ҳимоянгизни қайтариб олишингизни хоҳлайман», деди. Шунда Валид: «Эй жиян, кейин улар сенга озор бериб, сени ҳақорат қилсаларчи?», деган эди, Усмон: «Ҳеч ким менга эътироз ҳам билдиролмайди, озор ҳам беролмайди» деб, ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Валид ночор уни масжидга олиб чиқди. У ерда Қурайш мажлис қуриб,

Лабид ибн Робиъа шеър ўқиётган эди. Валид Усмоннинг қўлидан ушлаб: «Мана бу бола мени ҳимоямни қайтариб олишимга мажбур қиляпти, мен сизларнинг гувоҳлигингизда ундан ҳимоямни қайтариб олдим. Фақат ўзи хоҳласа, яна қайта ҳимоямга оламан», деди. Шунда Усмон: «Тўғри айтяпти. Аллоҳга қасамки, менинг ўзим уни шунга мажбур қилдим, энди мен унинг ҳимоясида эмасман» деб, одамларга қўшилиб ўтирган эди, унга ҳам ташландилар».

Саҳоба ﷺлар сабот ва матонат намуналарини намойиш қилганларига қарамасдан, Пайғамбар ﷺга шикоят қилиб, у кишидан нусрат сўраб, дуо қилишларини сўраганлар. Бунга Пайғамбар ﷺ Бухорийнинг Хаббоб ибн Аратдан қилган ривоятда жавоб берганлар:

«شَكَوْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَهُوَ مُتَوَسِّدٌ بُرْدَةً لَهُ فِي ظِلِّ الْكَعْبَةِ، قُلْنَا لَهُ: أَلَا تَسْتَنْصِرُ لَنَا أَلَا تَدْعُو لَنَا؟ قَالَ: كَانَ الرَّجُلُ فِيمَنْ قَبْلَكُمْ يُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ فَيَجْعَلُ فِيهِ، فَيَجَاءُ بِالْمُنْشَرِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُشَقُّ بِأَنْتَيْنِ وَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ، وَيُمَشِّطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ لَحْمِهِ، مِنْ عَظْمٍ أَوْ عَصَبٍ وَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ، وَاللَّهِ لَيَمَنَّ هَذَا الْأَمْرَ، حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتَ لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ أَوْ الذَّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига шикоят қилиб бордик, у киши Каъбанинг соясида чопонларини ёстиқ қилиб олган эканлар. «Биз учун нусрат сўрамайсизми, бизнинг ҳаққимизга дуо қилмайсизми?», дедик. Бунга жавобан у киши: «Сизлардан олдингиларда ер чуқур қазилиб, унга бир одам бошигача кўмиларди, кейин арра олиб келиниб, бошининг ўртасидан солиниб, иккига бўлиб юбориларди. Шу иш ҳам уларни динидан қайтармасди. Темир тароқлар билан гўштдан ўтиб, суяк-пайларгача тараларди. Бу ҳам уларни динидан қайтаролмасди. Аллоҳга қасамки, албатта бу иш камолига етади ва отлиқ Санъодан Хазрамавтга қадар ёлғиз Аллоҳдангина қўрқиб ёки қўйларини бўри еб кетишидангина қўрқиб, борадиган бўлади. Фақат сизлар шошқалоқлик қиляпсизлар, холос», дедилар».



## Мўминларга эгилиш, кофирларга кеккайиш

Мўминларга эгилиш ва кофирларга кеккайиш вожибдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ أَذِلَّةٌ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٌ عَلَى الْكَافِرِينَ يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

– „Эй мўминлар, сизларнинг ичингиздан кимда-ким ўз динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга ҳокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Ёлғиз Аллоҳ Йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, Билгувчидир“. [5:54]

Эгилиш дегани хор бўлиш дегани эмас, меҳрибонлик, раҳмдиллик, мулойимлик деганидир. Кеккайиш эса қаттиқлик, қўполлик, душманлик, ўзни юқори тутиш деганидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ﴾

– „Муҳаммад Аллоҳнинг Пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қажрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар“. [48:29]

Яна Аллоҳ Субҳонаҳу Пайғамбари ﷺни камтар, сипо бўлишга буюрган:

﴿وَإِخْفِضْ جَنَاحَكَ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

– „Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, мудом камтар-тавозуъли бўлинг!)“, [15:88]

﴿وَإِخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

– „Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг!)“, [26:215]

Яъни уларга мулойим бўлинг, меҳрибон бўлинг. Айни пайтда у кишини қўполликдан қайтарган. Аллоҳ айтади:

﴿فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ﴾

– „Эй Муҳаммад алайҳис-салом), Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар. Бас, уларни афв этинг, улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг - суянинг!. Албатта Аллоҳ Ўзига таваккал қилгувчиларни севади“.

[3:159]

Мўминларга меҳрибон, мулоим бўлишга буюриб, қўполлик қилишдан қайтариш баробарида кофир ва мунофиқларга нисбатан қўпол бўлишга буюради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفَّارَ وَالْمُنَافِقِينَ وَاغْلُظْ عَلَيْهِمْ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ﴾

– „Эй Пайғамбар, кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу!“

[9:73]

Пайғамбар ﷺ га қилинган хитоб умматга қилинган хитобдир. Демак, мўминларга нисбатан меҳрибон, раҳмдил, мулоим бўлиш, кофирларга нисбатан эса қўпол, қаттиқ, душман, азиз, баланд бўлиш мўминга вожибдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا فِيكُمْ غِلظَةً وَاغْلُظُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ﴾

– „Эй мўминлар, ён-атрофларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар ва улар сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билингларки, албатта Аллоҳ тақводорлар билан биргадир“.

[9:123]

Суннат ҳам шуни тасдиқлайди. Нўъмон ибн Баширнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِهِمْ وَتَرَاحِمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ، إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضْوٌ تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحَمَى»

«Мўминлар ўзаро дўст, раҳмдил, меҳрибон бўлишда битта танага ўхшайдилар. Унинг бир аъзосига иситмаланса, қолган аъзолари ҳам бедорлик ва иситма билан унга ёрдамга келадилар». Муслим Ибн Ҳаммор رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَهْلُ الْجَنَّةِ ثَلَاثَةٌ: ذُو سُلْطَانٍ مُقْسَطٌ مُتَّصِدَقٌ مُوَفَّقٌ، وَرَجُلٌ رَحِيمٌ رَقِيقُ الْقَلْبِ لِكُلِّ ذِي قُرْبَى وَمُسْلِمٍ، وَعَافِيَةٌ مُتَعَفِّفٌ ذُو عِيَالٍ»

«Жаннат аҳли уч тоифадир: одил, саховатли, тинчлик ўрнатадиган подшоҳ; ҳар бир қариндош ва ҳар бир мусулмонга қалби юмшоқ, раҳмдил киши; ифбатли, ҳимматли аёлманд одам». Жарир ибн Абдуллоҳнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ لَا يَرْحَمُ لَا يُرْحَمُ»

«Ким раҳм қилмаса, раҳм қилинмайди», деганлар. Раҳм қилинмаслиги Аллоҳнинг раҳматидан маҳрумлигидир. Бу нарса мўминларга раҳмдил бўлишнинг вожиблигига далилдир. Ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра رضي الله عنه ростгўйлиги тан олинган Абул-Қосим رضي الله عنهнинг:

«إِنَّ الرَّحْمَةَ لَا تُنَزَعُ إِلَّا مِنْ شَقِيٍّ»

«Раҳмдиллик фақат бадбахтдангина ечиб олинади», деганларини эшитганман, дейди. Бу ҳам бир далилдир. Муслим ривоятида Оиша رضي الله عنها, Пайғамбар ﷺнинг мана шу уйимда:

«اللَّهُمَّ مَنْ وَلِيَ مِنْ أُمَّتِي شَيْئًا فَشَقَّ عَلَيْهِمْ فَاشْفُقْ عَلَيْهِ وَمَنْ وَلِيَ مِنْ أُمَّتِي شَيْئًا فَفَرَّقَ بِهِمْ فَارْفُقْ بِهِ»

«Эй Аллоҳим, кимки бирон ишда умматим устидан раҳбарлик қилиб, уларга машаққат келтирса, Сен ҳам уни машаққатга солгин, бир ишда умматим устидан раҳбарлик қилиб, уларга меҳрибон бўлса, Сен ҳам унга меҳрибон бўл», деганларини эшитганман, дейди. Бу ҳам яна бир далилдир.

Агар Муслим ривоят қилган Жарир ибн Абдуллоҳнинг ҳадисидаги Пайғамбар ﷺнинг:

«لَا يَرْحَمُ اللَّهُ مَنْ لَا يَرْحَمُ النَّاسَ»

«Одамларга раҳм қилмаган кимсага Аллоҳ ҳам раҳм қилмайди», деган гаплари умумий бўлиб, ҳамма одамларни, мусулмонни ҳам, кофирни ҳам, мунофиқни ҳам, итоатлини ҳам, итоатсизни ҳам ўз ичига олади, дейиладиган бўлса, биз Аллоҳ Таолонинг:

«الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ»

– „Ундай зотларга айрим кимсалар: «(Қурайш) одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган»“, [3:173] оятидаги «одамлар» сўзи каби бу ерда ҳам одамлар сўзи умумий бўлиб келгани билан, аслида ундан хос ирода қилингандир, деймиз.

Пайғамбар ﷺнинг мўминларга меҳрибонликлари хусусида Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қиладилар: Саъд ибн Убода оғриб қолди. Пайғамбар ﷺ Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абдуллоҳ ибн Масъудлар билан бирга уни кўргани бордилар. Олдига кирганларида у ҳушида эмасди.

«أَفَدُّ فُضِي؟»

«Қазо қилдими?», деб сўраган эдилар: «Йўқ, эй Расулуллоҳ», дейишди. Пайғамбар ﷺ йиғлаб юбордилар. У кишининг йиғлаганларини кўриб, саҳобалар ҳам йиғладилар. Шунда Набий ﷺ:

«أَلَا تَسْمَعُونَ؟ إِنَّ اللَّهَ لَا يُعَذِّبُ بِدَمْعِ الْعَيْنِ، وَلَا بِحُزْنِ الْقَلْبِ، وَلَكِنْ يُعَذِّبُ بِهَذَا

– وَأَشَارَ إِلَى لِسَانِهِ – أَوْ يَرْحَمُ»

«Эшитмаяпсизларми? Аллоҳ кўзнинг ёши, қалбнинг хафалиги туфайли азобламайди. Лекин мана бу туфайли азоблайди ёки раҳм қилади», деб тилларига ишора қилдилар. Термизий Оиша رضي الله عنهاдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ ўлик холдаги Усмон ибн Мазъунни йиғлаб, (кўзлари ёшга тўлиб) ўпдилар». Термизий бу ҳадисни саҳиҳ ҳасан, дейди. Муслим Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ биронта аёлнинг олдига эри бўлмаса

кирмасдилар. Фақат Умму Салимнинг олдига кираверардилар. Бу ҳақда сўрашганида:

«إِنِّي أَرْحَمُهَا قَتِلَ أَخُوهَا مَعِي»

«Унга раҳмим келади, акаси менинг олдимда улдирилган эди», деб жавоб бердилар». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ аҳли Тоифни муҳосара қилиб олдилар. Ҳали фатҳ этмай туриб: **«Иншоаллоҳ эртага қайтамиз»**, дедилар. Муслмонлар: «Ҳали фатҳ қилганимиз йўқ-ку, қайтамизми?», дейишди. У киши: **«Эрталабдан жангга киринглар»**, дедилар. Жангга кириб, жароҳатлар олдилар. Пайғамбар ﷺ яна: **«Иншоаллоҳ, эртага қайтамиз»**, дедилар. Бу гапдан таажжублангандек бўлишган эди, Расулуллоҳ табассум қилиб қўйдилар». Муслим Муовия ибн Ҳаким Силмийдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ билан намоз ўқиётган эдим, бир киши аксириб юборди. Мен: «Ярҳамукаллоҳ», дедим. Ҳамма менга норози қиёфада қаради. Мен: «Мен ўлиб, онам йиғлаб қолсин-ей, нега менга бундай қарайсизлар?», дедим. Улар қўллари билан ёнбошларига ура бошладилар. Қарасам, мени жим турдирыптилар. Лекин мен ўзим жим бўлдим. Пайғамбар ﷺ намоз ўқиб бўлгач, ота-онам у кишига фидо бўлсин, аввал ҳам, кейин ҳам бу қадар гўзал таълим берадиган муаллимни кўрмадим, Аллоҳга қасамки, менга қовоқ солмадилар, урмадилар, сўкмадилар, фақат:

«إِنَّ هَذِهِ الصَّلَاةَ لَا يَصْلُحُ فِيهَا شَيْءٌ مِنْ كَلَامِ النَّاسِ، إِمَّا هُوَ التَّسْبِيحُ وَالتَّكْبِيرُ وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ»

«Намоз тасбеҳ, такбир ва қироати Қуръондир. Унга одамнинг гапи аралашishi тўғри эмас», дедилар, холос». Бухорий Анас رضي الله عنه дан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ билан юриб бораётгандим. Эгниларида ҳошияси дағал нажроний чопон бор эди. Бир аъробий у кишига етиб олди-да, чопонларидан бўйинларининг юз томонига из қолдирар даражада қаттиқ тортиб: «Эй Муҳаммад, ўзингдаги Аллоҳнинг молидан менга ҳам бер», деди. У киши ўгирилиб қараб, кулиб қўйдилар-да, унга бир ҳадя беришни буюрдилар».

Саҳобалар ҳам бир-бирларига меҳрибон эдилар. Умар жароҳат олгач, Суҳайб кириб: «О, акам, о, дўстим», деб йиғларди, деб ривоят қилади Муслим ибн Аббосдан. Термизий ўзи саҳиҳ ҳасан, деган мана бу ҳадисни Воқид ибн Амр ибн Саъд ибн Муоздан ривоят қилади: «Анас ибн Молик келганида ёнига бордим. У: «Сен кимсан?», деб сўраган эди, мен: «Саъд ибн Муознинг ўғли Воқидман», дедим. Шунда: «Саъдга ўхшар экансан», деб йиғлаб юборди». Муслим Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Пайғамбар صلى الله عليه وسلم вафотларидан кейин Абу Бакр رضي الله عنه Умар رضي الله عنهга: «Юр, Пайғамбар صلى الله عليه وسلمга ўхшаб Умму Айманни зиёрат қилиб келамиз», деди. Олдига боришгач, Умму Айман йиғлаб юборди. Улар: «Нега йиғлайсан, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم учун Аллоҳнинг олдидаги нарса яхши-ку», дейишди. У: «Пайғамбар صلى الله عليه وسلم учун Аллоҳнинг олдидаги нарса яхшироқ эканини билмай қолганимдан эмас, осмондан ваҳий узилиб қолганидан йиғлаяпман», деди. Бу гап уларни ҳам ҳаяжонлантириб, улар ҳам қўшилиб йиғладилар». Бадр асирларининг фидяси хусусидаги Муслим ривоят қилган узун ҳадисда Умар ибн Хаттоб айтади: «Эртаси куни келсам, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم билан Абу Бакр йиғлаб ўтиришган экан. Мен: «Эй Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم, сиз ва дўстингиз нима сабабдан йиғлаётганинглари менга ҳам айтинг, агар йиғи тополсам, йиғлайин, тополмасам сизлар билан йиғлайман», дедим». Ибн Абдул-Бирр «Истиоб»да Жанода ибн Абу Умайядан ривоят қилади: «Убода ибн Сомит Искандария жангига бошчилик қиларди. Одамларини урушдан қайтарган пайтида урушиб юборишди. Менга: «Эй Жанода, одамларни билиб кел», деди. Мен бориб келдим. «Ҳеч ким ўлмабдими?», деб сўраган эди: «Йўқ», деб жавоб бердим. Шунда у: «Худога шукр, ҳеч ким гуноҳкор ҳолида ўлмабди», деди».

Мусулмонларга нисбатан мулойим, меҳрибон, раҳмдил бўлиш билан бирга уларнинг тарбиясига қаттиқ туриш, шаръий ҳукми татбиқ қилиш ва мусулмонларга зарар бўладиган ишларда бу нарсаларга ўрин йўқлиги орасини аниқ ажратиб олмоқ лозим.

Бунинг баёни қуйидагича:

Шаръий ҳукми татбиқ қилишга алоқадор ишларда:

• Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«اضْرِبُوهُ» ثُمَّ يَقُولُ «قُولُوا رَحِمَكَ اللَّهُ»

«Уни уринглар ва Аллоҳ сенга раҳм қилсин», деб айтинглар», деганлар.

• Ҳудайбияда эса уларнинг фикрларига қарши чиқдилар. Чунки у шаръий ҳукм эди. Уларни оғир аҳволга солиб қўймаслик учун, яъни уларга меҳрибонлик, мулойимлик қилиб, фикрларига қўшилмадилар.

• Оиша ﷺ ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда келади: Қурайш ўғирлик қилган махзумлик аёл борасида ташвишга тушиб қолди. «Бу ҳақда Пайғамбар ﷺ билан ким гаплашади?», дейишиб, охири бу ишга фақат Пайғамбар ﷺнинг эркатойи Усомагина журъат қила олади, деган қарорга келишди. Усома гаплашган эди, Пайғамбар ﷺ:

«أَتَشْفَعُ فِي حَدٍّ مِنْ حُدُودِ اللَّهِ ثُمَّ قَامَ فَاحْتَضَبَ فَقَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا هَلَكَ الَّذِينَ قَبْلَكُمْ أَنَّهُمْ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَرَكُوهُ وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الضَّعِيفُ أَقَامُوا عَلَيْهِ الْحَدَّ وَآيُمُ اللَّهِ لَوْ أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ مُحَمَّدٍ سَرَقَتْ لَقَطَعْتُ يَدَهَا»

«Аллоҳнинг бир ҳадди борасида ўртага тушасанми?», дедилар-да, ўринларидан туриб, хитоб қилдилар: «Эй одамлар, сизлардан аввалгилар шунинг учун ҳалок бўлганларки, ораларидаги обрўли одам ўғирлик қилса, тек қўйганлар, ночорроқ одам ўғирлик қилса, унга ҳад белгилаганлар, Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғирлик қилса, албатта, унинг ҳам қўлини кесган бўлар эдим».

• Агар Пайғамбар ﷺ шаръий ҳукмни татбиқ қилишда бирортасига раҳм қилганларида, садақадан бир хурмони олган Ҳасанга раҳм қилган бўлардилар. Абу Ҳурайра ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда келади: «Алининг ўғли Ҳасан садақадан бир хурмони олиб, оғзига солган эди, Пайғамбар ﷺ:

«كَيْفَ كَيْفٌ، أَرِمَ بِهَا، أَمَا عَلِمْتَ أَنَا لَا نَأْكُلُ الصَّدَقَةَ؟!»

«Қих, қих, ташла уни, бизнинг садақа емаслигимизни билмайсанми?», дедилар».

Энди Пайғамбар ﷺнинг зарарни даф қилиш борасидаги ишларига келсак, Муслимнинг Табук газоти ҳақидаги Муоздан қилган ривоятида келади: «Кейин Пайғамбар ﷺ: **«إِنَّكُمْ سَتَأْتُونَ عَدَاَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ عَيْنَ تَبُوكَ، وَإِنَّكُمْ لَنْ تَأْتَوْهَا حَتَّى يُضْحِيَ النَّهَارُ، فَمَنْ جَاءَهَا مِنْكُمْ فَلَا يَمَسُّ مِنْ مَائِهَا شَيْئًا حَتَّى آتِي، فَحَنَانَهَا وَقَدْ سَبَقْنَا إِلَيْهَا رَجُلَانِ، فَتَكُونُ مِثْلَ الشَّرَاكِ تَبِضُّ بِشَيْءٍ مِنْ مَاءٍ، قَالَ: فَسَأَلَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: هَلْ مَسَسْتُمَا مِنْ مَائِهَا شَيْئًا؟ قَالَا نَعَمْ، فَسَبَّهُمَا النَّبِيُّ ﷺ، وَقَالَ لَهُمَا مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ»**

**«Сизлар эртага иншоаллоҳ Табукнинг булоғига етиб борасизлар. Кун чошгоҳ бўлгунига қадар, у ерга бора кўрманглар. Қим бориб қолса, то мен келмагунимча, сувга мутлақо тегинмасин»**, дедилар. Биз келганимизда, биздан аввал икки киши келишган экан. Булоқдан ипга ўхшаб сув секин томарди. Пайғамбар ﷺ улардан: **«Сувга тегиндингларми?»**, деб сўраган эдилар, улар: «Ҳа», деб жавоб бердилар. Шунда Расулulloҳ ﷺ уларни койиб, Аллоҳ нимани хоҳлаган бўлса, ўшани айтдилар». Ибн Исҳоқда Бану Мусталақ қиссаси ва мунофиқларнинг қилган ишлари борасидаги Муҳаммад ибн Яҳё ибн Ҳиббоннинг ҳадисиди келади: Пайғамбар ﷺ одамларни кеч киргунга қадар, кечқурундан тонг отгунга қадар ва ўша куннинг эрталабидан чошгоҳ киргунига қадар юргиздилар, кейин манзил қурдирдилар. Бундан мақсад гап-сўз кўпайишидан чалғитиш эди». Саъид ибн Жубайрнинг ҳадисиди: «Пайғамбар ﷺ кун охирламай туриб, йўлга чиқдилар...», дейилади. Ибн Касир саҳиҳ, деган бу ҳадис ибн Абу Хотамда келтирилган.

Энди саҳобаларнинг эҳтиёткорлигига келадиган бўлсак, бунинг энг ёрқин мисоли Абу Бакрнинг муртадларга қарши жанг қилиши ва ҳамма мусулмонларга қарши бўла туриб ҳам Усомани юбориши, ҳамманинг унга бўйсуниб, кейин уни мақташларидир.

Ҳукмларни татбиқ қилиш, зарарни даф қилиш каби ишларни истисно қиладиган бўлсак, раҳм қилинадиган кишилар касаллик, ўлим ёки ўзлари учун азиз бўлган нарса ё кишиларини йўқотиш каби мусибатларга йўлиққан кишилар бўлиб қоладилар. Нодонга ҳам меҳр-шафқат



кўрсатилиб, мулойимлик қилинади ва сабр билан таълим берилади. Мубоҳни татбиқ қилишда Бухорийдаги ибн Умарнинг ҳадисида ўтганидек, Пайғамбар ﷺнинг Тоифни муҳосара қилишда лашкарга нисбатан қилган ишларига ўхшаб, икки ишнинг осонроғи олинади.

Энди мусулмонларнинг кофирларга нисбатан қаттиқ, қўпол, мағрур туришлари хусусида сўзласак.

### **Биринчиси - урушда:**

- Бухорийда Ваҳшийнинг ҳадиси келади: «Ийнийн йилида одамлар урушга чиқдилар. Ийнийн Уҳуднинг рўпарасидаги бир тоғ бўлиб, у билан Уҳуднинг ўртасида бир водий бор. Ҳамма жанг учун саф тортиб турганида, Сибоб чиқиб, яккама-якка олишувга чақириб: «Менга талабгор борми?», деди. Унга Ҳамза ибн Абдул-Муттолиб чиқиб: «Эй Сибоб, эй Анмор онасининг ўғли, эй аёллар номусига тажовуз қиладиган бузуқ, сен Аллоҳ ва Расули билан урушмоқчи бўлдингми?» деб, бир ҳамла қилган эди, у ўтиб кетган одамнинг кечаги кунига айланди-қолди...».

Ҳамза, Али, Барро, Холид, Амр ибн Маъдийкараба, Зоҳир ибн Рофеъ ва бошқаларнинг яккама-якка олишувлари тарих ва газавотлар китобларида жуда кенг ёритилган. Хоҳлаган одам уларга мурожаат қилиши мумкин. Бизнинг китобимиз қисса ва тарих китоби бўлмагани учун, мақсадга яраша бир ишора билан кифояландик.

### **Иккинчиси - музокараларда:**

- Бухорийдаги Мисвар ва Марвоннинг ҳадисида келади: «... Муғийра ибн Шуъба ғилоfli қиличи билан Пайғамбар ﷺнинг бошларида туриб олиб, қачон Урва Пайғамбар ﷺнинг соқолларига қўлини узатса, қиличнинг қўндоғи билан унинг қўлига уриб: «Торт қўлингни Пайғамбар ﷺнинг соқолларидан», дерди».

- Шу ҳадисда Урва: «Аллоҳга қасамки, атрофингда сени ташлаб, қочиб кетадиган қаланғи-қасанғиларни кўряпман», деган эди, Абу Бакр уни рад қилиб: «Лотнинг фалонини ебсан, биз уни ташлаб, қочиб кетарканмизми?», деди. Муғийранинг ишини, гапини ва Абу Бакрнинг айтганларини Пайғамбар ﷺ эшитиб-кўриб туриб, индамадилар. У кишининг индамаганлари шундай қилса бўлаверади, деганларидир.

• Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний «Сиярул-Кабир»да айтади: «Уяйнанинг Пайғамбар ﷺ олдиларида оёқларини чўзиб ўтиргани устига Усайд ибн Хузайр келиб қолиб: «Эй Ҳажрас Уяйна, йиғиштир оёқларингни, Пайғамбар ﷺнинг олдиларида узатасанми? Аллоҳга қасамки, Пайғамбар ﷺ бўлмаганларида, тухумларингни найза билан тешиб қўйган бўлардим. Агар жуда хоҳлаётган бўлсанг, марҳамат», деб дўқ урди».

Китобларда Собит ибн Ақрам, Амр ибн Ос, Муғийра ибн Шуъба, Қутайба, Муҳаммад ибн Муслим ва Маъмунларнинг иззату мағрурликдан сўзлайдиган, фаолиятдаги кишиларга намуна бўладиган музокаралари битилгандир.

**Учинчиси - аҳдни бузганлар билан муомала қилишда:**

Аллоҳ Субҳонаҳу айтади:

﴿إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الَّذِينَ كَفَرُوا فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٦٥﴾ الَّذِينَ عَاهَدْتَ مِنْهُمْ ثُمَّ يَنْقُضُونَ عَهْدَهُمْ فِي كُلِّ مَرَّةٍ وَهُمْ لَا يَتَّقُونَ ﴿٦٦﴾ فِيمَا تَنَفَّقْتَهُمْ فِي الْحَرْبِ فَشَرَّدَ بِهِمْ مَنْ خَلَفَهُمْ لَعَلَّهُمْ يَدَّكُرُونَ﴾

– „Кофир бўлган кимсалар Аллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлардир. Бас, улар ниймон келтирмаслар. Уларнинг орасида сиз билан аҳдлашиб, сўнгра (Аллоҳдан) қўрқмасдан ҳар сафар ўз аҳд-паймонларини бузаверадиган кимсалар бордир. Бас, агар сиз ўшаларни жангда топсангиз, улар(ни ҳалок қилиш) билан ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўйинг! Шояд эслатма олсалар“.

[8:55-57]

• Муслим Қурайш аҳдни бузганидан кейин Маккани фатҳ қилиш ҳақидаги Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

﴿يَا مَعْشَرَ الْأَنْصَارِ، هَلْ تَرَوْنَ أَوْبَاشَ قُرَيْشٍ؟ قَالُوا نَعَمْ، قَالَ أَنْظِرُوا إِذَا لَقِيتُمُوهُمْ غَدًا أَنْ تَحْصُدُوهُمْ حَصْدًا، وَأَخْفَى بِيَدِهِ وَوَضَعَ يَمِينَهُ عَلَى شِمَالِهِ، وَقَالَ مَوْعِدُكُمْ الصَّفَا، قَالَ فَمَا أَشْرَفَ يَوْمَئِذٍ لَهُمْ أَحَدٌ إِلَّا أَنَا مَوْءٌ...﴾

«Эй ансорлар жамоаси, Қурайшнинг авбошларини кўрдингларми?» дедилар. Улар «Ҳа», дейишди. «Эртага уларга йулиқиб қолсанглар, ҳаммасини уриб

**олиш пайида бўлинглар», деб қўлларини яшириб, ун  
қўлларини чап қўлларининг устига қўйдилар ва  
«Сизларга ваъда қилинган жой Сафодир», дедилар.  
Ўша куни улардан қайси бири кўриниб қолса, уни  
ухлатдилар...».**

• Ибн Умарнинг муттафақун алайҳ ҳадисида келади:  
«Кейин Назир ва Қурайза билан уруш бўлди. Натижада  
Бану Назир ҳайдалиб, Қурайза қолди. Қурайзанинг ўзи  
билан уруш қилинди. Натижада эркаклари ўлдирилиб,  
аёллари, болалари ва мол-дунёлари мусулмонларга  
тақсимлаб берилди. Фақат баъзилари Пайғамбар ﷺнинг  
ёнларига боришган эди, уларга омонлик бердилар ва улар  
мусулмон бўлишди. Мадинадаги яҳудийларнинг ҳаммаси  
Бану Қайнуқога ҳайдалди. Улар Абдуллоҳ ибн Салом  
қариндошлари, Бану Ҳориса яҳудийлари ва Мадинанинг  
барча яҳудийлари эдилар».

## Жаннатга шавқ ва яхши амаллар қилишга шошилиш

Жаннатнинг ҳақ эканига, унинг мўминлар учун тайёрланиб қўйилган бўлиб, кофирларнинг ундан тоабад маҳрум эканига иймон келтирмоқ Охират кунига бўлган иймоннинг бир қисмидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ﴾

– „Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилишгиз! У (жаннат) тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир“, [3:133]

﴿وَنَادَىٰ أَصْحَابُ النَّارِ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنِ افْضُوا عَلَيْنَا مِنَ الْمَاءِ أَوْ مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ حَرَمَهُمَا عَلَى الْكَافِرِينَ﴾

– „Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизларга ҳам сувдан ё Аллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан тўкинлар», деб нидо қилганларида, улар: «Аллоҳ бу неъматларини динларини ҳазил-мазах қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб қолган кофирларга ҳаром қилгандир», дедилар“. [7:50]

Кимки жаннатни инкор қилса, у кофирдир. Бунга субут жиҳатидан ҳам, далолат жиҳатидан ҳам қатъий бўлган далиллар ворид бўлган. Жаннат улар учун тайёрлаб қўйилган кишилар бир неча тоифалардир:

• **Набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар:** Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا﴾

– „Кимда-ким Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар - пайғамбарлар, сиддиқлар (ҳақ-рост иймон эгалари), шаҳидлар ва солиҳлар (фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар) билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир“. [4:69]



– „(Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) пешқадам бўлгувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишда ҳам) пешқадам бўлувчи зотлардир. Ана ўшалар нози-неъмат боғларида (Аллоҳ Таолога) яқин қилингувчилардир“: [56:10-12]

• **Ўнг томон эгалари:**

﴿وَأَصْحَابُ الْيَمِينِ مَا أَصْحَابُ الْيَمِينِ ﴿۱۰﴾ فِي سِدْرٍ مَّخْضُودٍ ﴿۱۱﴾ وَطَلْحٍ مَّنْضُودٍ ﴿۱۲﴾ وَظِلِّ مَمْدُودٍ ﴿۱۳﴾ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿۱۴﴾ وَفَاكِهَةٍ كَثِيرَةٍ ﴿۱۵﴾ لَّا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ ﴿۱۶﴾ وَفُرُشٍ مَّرْفُوعَةٍ ﴿۱۷﴾ إِنَّا أَنشَأْنَاهُنَّ إِنِشَاءً ﴿۱۸﴾ فَجَعَلْنَاهُنَّ أَبْكَارًا ﴿۱۹﴾ غُرْبًا أَتْرَابًا ﴿۲۰﴾ لِأَصْحَابِ الْيَمِينِ﴾

– „Ўнг томон эгалари... Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйилган соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (усти)да, тугаб қолмайдиган ва ман этилмайдиган кўпдан-кўп (турли-туман) мева-чева (ости)да, баланд кўтарилган кўрпачалар (усти)дадирлар. Дарвоқе, Биз уларни (оҳу кўз ҳурларни) дафъатан пайдо қилдик (яъни, улар онадан туғилмадилар, балки Аллоҳнинг қудрати билан дафъатан пайдо бўлдилар). Сўнг уларни ўнг томон эгалари учун (ёшда ҳам, ҳусну жамол ва қадду қоматда ҳам) бири-бирига тенг, эҳтиросли, бокира қизлар қилиб қўйдик“: [56:27-38]

• **Чиройли амал қилгувчилар (муҳсинлар):**

﴿لِّلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ وَلَا ذِلَّةٌ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда (неъматлар) бордир. Уларнинг юзларини қаролик ҳам на хорлик ҳам қоплай олас. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар“: [10:26]

• **Сабр қилгувчилар:**

﴿جَنَّاتُ عَدْنٍ يَدْخُلُونَهَا وَمَنْ صَلَحَ مِنْ آبَائِهِمْ وَأَزْوَاجِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَالْمَلَائِكَةُ يَدْخُلُونَ عَلَيْهِمْ مِنْ كُلِّ بَابٍ ﴿۱۰﴾ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ بِمَا صَبَرْتُمْ فَنِعْمَ عُقْبَى الدَّارِ﴾

– „Охират диёри бордирки, (у диёр) абадий туриладиган жаннатлар бўлиб, улар у жойларга, ота-боболари, жуфти

ҳалоллари ва зурриётларидан иборат бўлган солиҳ бандалар билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб (дерлар): «(Аллоҳ Йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлмай. Охират диёри нақадар яхши!» [13:23,24]

• **Парвардигори олдида туришдан қўрқадиган киши:**

﴿وَلَمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَّاتٍ﴾

– „Парвардигори (ҳузурда) туришдан (яъни, ўзининг Парвардигор олдида туриб ҳаёти дунёда қилиб ўтган барча амалларига жавоб беришидан) қўрққан киши учун икки жаннат бордир“ [55:46]

• **Тақводорлар:**

﴿إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ﴾

– „Тақводор-парҳезкор зотлар эса албатта боғлар ва чашмалар устидадирлар“, [15:45]

﴿إِنَّ الْمُتَّقِينَ فِي مَقَامٍ أَمِينٍ ﴿﴾ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ﴾

– „Албатта тақводор зотлар (у Кунда) осойишта жойда, боғлар ва чашмалар устида бўлурлар“, [44:51,52]

﴿تِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي نُورِثُ مِنْ عِبَادِنَا مَنْ كَانَ تَقِيًّا﴾

– „Ушбу жаннат - Биз бандаларимиздан тақводор бўлган кишиларга мерос қилиб берадиган жаннатдир“, [19:63]

﴿مِثْلُ الْجَنَّةِ الَّتِي وَعَدَ الْمُتَّقُونَ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ أُكُلُهَا دَائِمٌ وَظِلُّهَا﴾

﴿تِلْكَ عُقْبَى الَّذِينَ اتَّقَوْا وَعُقْبَى الْكَافِرِينَ النَّارُ﴾

– „Тақво эгалари учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (будир): унинг остидан дарёлар оқур, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво-парҳез билан ўтган зотларнинг оқибати - келажагидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир“ [13:35]

• **Иймон келтириб яхши амалларни қилганлар:**

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانَتْ لَهُمْ جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا ﴿١٨﴾  
خَالِدِينَ فِيهَا لَا يَبْغُونَ عَنْهَا حَوْلًا﴾

– „Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур. Улар у жойларда мангу қолар эканлар, (бошқа бирон жойга) кўчишни истамаслар“, [18:107,108]

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ طُوبَىٰ لَهُمْ وَحَسُنَ مَا أَجْرُهُمْ﴾

– „Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун кушнудлик ва гўзал оқибат - жаннат бордир“, [13:29]

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ يَهْدِيهِمْ رَبُّهُمْ بِإِيمَانِهِمْ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهِمُ الْأَنْهَارُ فِي جَنَّاتِ النَّعِيمِ﴾

– „Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларни эса иймон-этиқодлари сабабли Парвардигорлари (жаннат йўлларига) ҳидоят қилур - ноз-неъмат боғларида остларидан дарёлар оқиб турур“, [10:9]

﴿الَّذِينَ آمَنُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا مُسْلِمِينَ ﴿٤٣﴾ ادْخُلُوا الْجَنَّةَ أَنْتُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ تُحْبَرُونَ﴾

– „Эй, Бизнинг оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлиб ўтган бандаларим, сизлар жуфти ҳалолларингиз билан бирга шод-хуррам бўлган ҳолларингизда жаннатга кирингиз!“ [43:69,70]

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَأَخْبَتُوا إِلَىٰ رَبِّهِمْ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Албатта, иймон келтириб, яхши амаллар қилган ва Парвардигорларига ором - итоат қилиб бўйинсунган зотлар - ана ўшалар, жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолурлар“. [11:23]

#### • Тавба қилгувчилар:

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا﴾

– „Магар тавба қилиб, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас“. [19:60]



Жаннатнинг неъматлари ҳис қилинадиган неъматлардир.  
Унга далиллар:

• **Кийим:**

﴿وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ﴾

– „... либослари эса ҳарир-ипак бўлур“, [22:23]

﴿يَلْبَسُونَ مِنْ سُنْدُسٍ وَإِسْتَبْرَقٍ مُتَقَابِلِينَ﴾

– „Улар бир-бирларига рўбарў бўлган ҳолларида ипак-шойидан либослар кийиб (ўлтирурлар)“, [44:53]

﴿وَجَزَاهُمْ بِمَا صَبَرُوا جَنَّةً وَحَرِيرًا﴾

– „Ва уларни сабр-қаноатлари сабабли жаннат ва (жаннатда эгниларида бўладиган) ипак (либослар) билан мукофотлади“, [76:12]

﴿عَالِيَهُمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٍ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَحُلُّوا أَسَاوِرَ مِنْ فِصَّةٍ﴾

– „Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар қумуш билакузуклар билан безангандирлар“. [76:21]

• **Таом ва шароб:**

﴿وَفَاكِهَةٍ مِمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿۵۶﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ﴾

– „Яна ўзлари танлаб оладиган мева-чева ҳамда иштаҳалари тортган қуш гўштлари ҳам (айлантириб турилур)“, [56:20,21]

﴿فِي سِدْرٍ مَخْضُودٍ ﴿۵۷﴾ وَطَلْحٍ مَّنْضُودٍ ﴿۵۸﴾ وَظِلٍّ مَّمْدُودٍ ﴿۵۹﴾ وَمَاءٍ مَّسْكُوبٍ ﴿۶۰﴾ وَفَاكِهَةٍ كَثِيرَةٍ ﴿۶۱﴾ لَا مَقْطُوعَةٍ وَلَا مَمْنُوعَةٍ﴾

– „(Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйилган соя (ости)да, оқизиб қўйилган сув (усти)да, тугаб қолмайди ва ман этилмайдиган кўпдан-кўп (турли-туман) мева-чева (ости)да“, [56:28-33]

﴿يُسْقَوْنَ مِنْ رَحِيقٍ مَخْتُومٍ ﴿۶۲﴾ خِتَامُهُ مِسْكٌَ ﴿۶۳﴾ وَفِي ذَلِكَ فَلْيَتَنَافَسِ الْمُتَنَافِسُونَ﴾

﴿وَمَزَاجُهُ مِنْ تَسْنِيمٍ ﴿۶۴﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا الْمُقَرَّبُونَ﴾

– „Улар (жаннатда) муҳрланган майдан суғорилурларки, у (май)нинг муҳри мушк бўлур. Бас, баҳслашгувчи - мусобақа қилгувчи кишилар (мана шундай мангу неъматга етиш йўлида) баҳслашсинлар - мусобақа қилинсинлар. У майнинг мизожи-

аралашмаси Таснимдандир. (Тасним Аллоҳнинг) яқин (банда)лари ичадиган бир чашмадир“. [83:25-28]

﴿إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٢٥﴾ عَيْنًا يَشْرَبُ بِهَا عِبَادُ اللَّهِ يُفَجِّرُونَهَا تَفْجِيرًا﴾

– „Албатта (хаёти дунёдан Аллоҳ Таолонинг амру фармонларига итоат қилиб ўтган) яхшилар (жаннатда) мизожи-аралашмаси кофувр - Аллоҳнинг (яхши) бандалари ичадиган (жаннати) чашма - бўлган майкосалардан (май) ичурлар. Улар у (чашмани ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб-оқизиб олурлар“, [76:5,6]

﴿وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا وَذُلَّتْ أَقْطُوبُهَا تَذْلِيلًا﴾

– „(Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узиб тановул қилиш осон бўлсин учун) эгиб қўйилган бўлур“, [76:14]

﴿وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنْجَبِيلًا ﴿١٧﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسِيلًا﴾

– „(Жаннат аҳли) у жойда мизожи-аралашмаси занжабил бўлган майкосалар билан - (жаннатлардаги) салсабил-ўтимли деб аталадиган чашма билан суғорилурлар“, [76:17,18]

﴿وَسَقَاهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا﴾

– „... ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир“, [76:21]

﴿لَكُمْ فِيهَا فَاكِهَةٌ كَثِيرَةٌ مِنْهَا تَأْكُلُونَ﴾

– „Сизлар учун у жойда кўплаб мева-чевалар бўлиб, сизлар улардан ейсизлар“, [43:73]

﴿يَدْعُونَ فِيهَا بِكُلِّ فَاكِهَةٍ آمِنِينَ﴾

– „Улар у жойда тинч-хотиржам бўлган ҳолларида (хизматкорлардан) барча мева-чевани чақирурлар“, [44:55]

﴿وَقُواكِهِ مِمَّا يَشْتَهُونَ﴾

– „Кўнгиллари тусаган мева-чева устидадирлар“, [77:42]

﴿وَأَمَّا دَرَاهِمُهُمْ بِفَاكِهَةٍ وَلَحْمٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ﴾

– „Яна Биз уларни кўнгиллари истайдиган мева-чева ва гўшт(ли таомлар) билан қувватланттирдик“, [52:22]

﴿فِيهِمَا عَيْنَانِ تَجْرِيَانِ ﴿۵۵﴾ فَبِأَيِّ آيَةٍ رَبُّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿۵۶﴾ فِيهِمَا مِنْ كُلِّ فَاكِهَةٍ رُزُوجَانِ﴾

– „У иккисида икки оқар чашма бордир. Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! У иккисида барча мевадан икки нави бордир“, [55:50-52]

﴿وَجَنَى الْجَنَّتَيْنِ دَانِ﴾

– „У жаннатларнинг меваси яқин бўлгучидир (яъни, жаннат аҳли қай бир мевани ейишни истаса ўша меванинг ўзи уларга эгилиб, яқин келур)“. [55:54]

• Уйланиш:

﴿كَذَلِكَ وَزَوَّجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينِ﴾

– „Мана шундай! Яна Биз уларга оҳукўз ҳурларни жуфти ҳалол қилиб қўйгандирмиз“, [44:54]

﴿وَحُورٌ عِينٌ ﴿۵۷﴾ كَأَمْثَالِ اللُّؤْلُؤِ الْمَكْنُونِ﴾

– „Яна (улар учун) худди (садаф ичида) яшириб қўйилган гавҳар мисол оҳукўз ҳурлар бордир“, [56:22,23]

﴿إِنَّا أَنشَأْنَاهُنَّ إِنشَاءً ﴿۵۸﴾ فَجَعَلْنَاهُنَّ أَبْكَارًا ﴿۵۹﴾ غُرُبًا أَتْرَابًا ﴿۶۰﴾ لِأَصْحَابِ الْيَمِينِ﴾

– „Дарвоқе, Биз уларни (оҳукўз ҳурларни) дафъатан пайдо қилдик (яъни, улар онадан туғилмадилар, балки Аллоҳнинг қудрати билан дафъатан пайдо бўлдилар). Сўнг уларни ўнг томон эгалари учун (ёшда ҳам, ҳусну жамол ва қадду қоматда ҳам) бири-бирига тенг, эҳтиросли бокира қизлар қилиб қўйдик“, [56:35-37]

﴿وَزَوَّجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينِ﴾

– „Биз уларга оҳукўзли ҳурларни жуфти ҳалол қилиб бердик“, [52:20]

﴿فِيهِنَّ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ لَمْ يَطْمِئِنَّ عَنْ قَبْلَهُمْ وَلَا جَانٌّ ﴿۶۱﴾ فَبِأَيِّ آيَةٍ

رَبُّكُمَا تُكَذِّبَانِ ﴿۶۲﴾ كَأَنَّهُنَّ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ﴾

– „У (жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркакларга қарашдан) тийгучи (қиз)лар борки, уларга (жаннат аҳлидан) илгари на бир инс ва на бир жин тегингандир. Бас, (эй

инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсизлар?! Улар (софлик ва оқликда) гўёки ёқут ва маржондирлар“.

[55:56-58]

• **Хизматкорлар:**

﴿يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ﴾

– „Устларида эса мангу ёш (яъни, ҳеч қаримайдиган) болалар ... айлантириб турурлар“,

[56:17]

﴿وَيَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُّخَلَّدُونَ إِذَا رَأَيْتَهُمْ حَسِبْتَهُمْ لُؤْلُؤًا مَّنشُورًا﴾

– „Уларнинг устида мангу ёш (яъни, ҳеч қаримайдиган) болалар (хизмат қилиб) айланиб турурларки, уларни кўрган вақтингизда (гўзалликлари, рангларининг тиниқлиги ва юзларининг нурлилигидан) сочиб юборилган гавҳарларми, деб ўйларсиз“.

[76:19]

• **Ўй жиҳоз-анжомлари:**

﴿إِخْوَانًا عَلَى سُرُرٍ مُّتَقَابِلِينَ﴾

– „Улар (жаннатлардаги) сўриларда дўст-биродар бўлиб, бир-бирларига рўбарў бўлиб ўтирадилар“,

[15:47]

﴿يُطَافُ عَلَيْهِمْ بِصِحَافٍ مِّنْ ذَهَبٍ وَأَكْوَابٍ﴾

– „Уларга олтиндан бўлган лаганлар(да таомлар) ва қадаҳлар(да шароблар) айлантирилур“,

[43:71]

﴿عَلَى الْأَرَائِكِ يَنْظُرُونَ﴾

– „Улар сўриларда (Аллоҳ Таоло ўзларига ато этган неъматларга) боқиб (ўтирурлар)“,

[83:23]

﴿بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقٍ وَكَأْسٍ مِّنْ مَّعِينٍ﴾

– „Оқар чашмадан (май-ли) қадаҳларни, кўзаларни ва косаларни (айлантириб турилар)“,

[56:18]

﴿مُتَكِنِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ﴾

– „Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар“,

[76:13]

﴿وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بِآنِيَةٍ مِّنْ فِضَّةٍ وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرَ﴾

– „Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва шиша-шиша (бўлиб кетган) қадаҳлар(да шароблар) айлантириб турилур“,

[76:15]

﴿عَلَى سُرُرٍ مَوْضُوعَةٍ ﴿۵۶﴾ مُتَّكِنِينَ عَلَيْهَا مُتَّقَابِلِينَ﴾

– „(Улар олтиндан) тўқилган сўриларда ястанган ҳолларида бир-бирларига рўбарў бўлиб (ўлтирурлар)“, [56:15,16]

﴿وَفُرُشٍ مَّرْفُوعَةٍ﴾

– „Баланд кўтарилган кўрпачалар (устиди)дадирлар“, [56:34]  
﴿فِيهَا سُرُرٌ مَّرْفُوعَةٌ ﴿۵۷﴾ وَأَكْوَابٌ مَوْضُوعَةٌ ﴿۵۸﴾ وَنَمَارِقُ مَصْفُوفَةٌ ﴿۵۹﴾ وَزَرَابِيُّ

مَبْتُوثَةٌ﴾

– „У жойда баланд сўрилар ва (булоқ бўйига) қўйиб қўйилган қадаҳлар, тизиб қўйилган ёстиқлар ва тўшалган гиламлар бордир“, [88:13-16]

﴿مُتَّكِنِينَ عَلَى سُرُرٍ مَصْفُوفَةٍ﴾

– „Қатор тизилган сўрилар устида ястанган ҳолларингизда (ўлтиринглар)“, [52:20]

﴿مُتَّكِنِينَ عَلَى فُرُشٍ بَطَائِنُهَا مِنْ إِسْتَبْرَقٍ﴾

– „(Аҳли жаннат) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар устида ястанган ҳолларида (ўлтирурлар)“. [55:54]

• **Муътадил об-ҳаво:**

﴿لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا زَمَهْرِيرًا ﴿۶۰﴾ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا﴾

– „Улар у жойда қуёш(нинг қизиғи)ни ҳам, замҳарир (қишнинг совуғи)ни ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин (бўлур)“. [76:13,14]

• **Кўнгиллар тусаган нарсалар:**

﴿وَفِيهَا مَا تَشْتَهِيهِ الْأَنْفُسُ وَتَلَذُّ الْأَعْيُنُ وَأَنْتُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „У жойда кўнгиллар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир. Сизлар у жойда мангу қолурсизлар“, [43:71]

﴿وَلَهُمْ مَا يَشْتَهُونَ﴾

– „Уларга кўнгиллари тусаган нарсалари (берилур)“, [16:57]

﴿وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَشْتَهِي أَنْفُسُكُمْ﴾

– „Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир...“, [41:31]

﴿إِنَّ الَّذِينَ سَبَقَتْ لَهُمْ مِنَّا الْحُسْنَىٰ أُولَٰئِكَ عَنْهَا مُبْعَدُونَ ﴿١٠١﴾ لَا يَسْمَعُونَ حَسِيسَهَا وَهُمْ فِي مَا اشْتَهَتْ أَنفُسُهُمْ خَالِدُونَ﴾

– „Албатта, Бизнинг томонимиздан гўзал (манзилат-мартаба) берилган зотлар - ана ўшалар (жаҳаннамдан) узоқ қилинурлар. Улар унинг шарпасини ҳам эшитмаслар. Улар ўзлари истаган неъматларда абадий қолгувчидирлар“:[21:101,102]  
Аллоҳ жаннат аҳлини ёмон нарсалардан ҳимоя қилган.

• **Гина-кудуратдан:**

﴿وَنَزَعْنَا مَا فِي صُدُورِهِمْ مِنْ غَلٍّ﴾

– „Биз (жаннатлардаги) зотларнинг дилларидаги ҳар қандай гина-кудуратларни чиқариб ташладиқ“. [15:47]

• **Қайгудан:**

﴿لَا يَمَسُّهُمْ فِيهَا نَصَبٌ﴾

– „У жойда уларга бирор чарчоқ етмас...“. [15:48]

• **Хавф ва хафалиқдан:**

﴿يَا عِبَادَ لَا خَوْفٌ عَلَيْكُمُ الْيَوْمَ وَلَا أَنْتُمْ تَحْزَنُونَ﴾

– „(У Кунда уларга айтилуру): «Эй бандаларим, бу кун сизлар учун ҳеч хавфу хатар йўқдир ва сизлар асло ғамгин бўлмайсизлар»“. [43:68]

Жаннат неъматлари тугамайдиган, доимийдир. Унинг аҳли ундан чиқариб юборилмайдилар:

﴿وَمَا هُمْ مِنْهَا بِمُخْرَجِينَ﴾

– „... ва улар у жойдан чиқарилгувчи ҳам эмаслар“,[15:48]

﴿وَأَنْتُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

– „Сизлар у жойда мангу қолурсизлар“, [43:71]

﴿لَا يَذُوقُونَ فِيهَا الْمَوْتَ إِلَّا الْمَوْتَةَ الْأُولَىٰ وَوَقَاهُمْ عَذَابَ الْجَحِيمِ﴾

– „Улар (жаннатда) биринчи ўлимдан (яъни, ҳаёти дунёдан кўз юмганларидан) бошқа ўлимни тотмаслар. (Аллоҳ) уларни дўзах азобидан сақлагандир“, [44:56]

﴿وَهُمْ فِي مَا اشْتَهَتْ أَنفُسُهُمْ خَالِدُونَ﴾

– „Улар ўзлари истаган неъматларда абадий қолгувчидирлар“.[21:102]

Жаннат мана шудир, унга шошилинглар!

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ﴾

– „Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағфиратга ҳамда эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннатга шошилингиз! У (жаннат) тақводор зотлар учун тайёрлаб қўйилгандир“. [3:133]

Яхшиликларни қилишга ошиқинглар!

﴿فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمْ اللَّهُ جَمِيعًا إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ

شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

– „Бас, яхши ишларга шошилингиз! Қаерда бўлманг, Аллоҳ сизларнинг барчаларингизни (ҳисоб-китоб учун) келтиради. Албатта Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир“. [2:148]

Ана шунда Аллоҳ сизларга бу дунёда нусрат бериб, охиратда эса аъло иллийинда Аллоҳнинг неъматига сазовор бўлган зотлар билан бирга бўлурсизлар.

﴿وَمَنْ يُطِغِ اللَّهُ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ

وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا﴾

– „Кимда-ким Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар - пайғамбарлар, сиддиқлар (ҳақ-рост ниймон эгалари), шаҳидлар ва солиҳлар (фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар) билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир“. [4:69]

Яхшиликларга ошиқиш, мағфират, жаннат ва Аллоҳнинг розилигига шошилишга даъватчилардан ҳам муносиброқ одам бормикан?

Шошилишимиз, ошиқишимиз керак бўлган Аллоҳ буюрган яхшиликлар турличадир.

• **Фарзи айнлар:** Улар намоз, рўза, закот, ҳаж, инсоннинг ўз ҳаётида лозим бўладиган даражада фикҳдан хабардор бўлиши, мудофаа жиҳоди, Халифа чорлаган пайтдаги жиҳод, тоат байъатига кириш, вожиб бўлган миқдорда сарф-харажат қилиш ва унинг меҳнат қилиши, жамоани маҳкам ушлаши ва бошқалардир.

• **Фарзи кифоялар:** Улар амри маъруф ва наҳий мункар қиладиган бир умматни вужудга келтириш, талаб жиҳоди, боғланиш байъати, илм талаб қилиш ва бошқалардир.

Бу фарзларнинг ҳар икки тури бандани Аллоҳга энг кўп яқинлаштирадиган амаллардир. Банда уларни бажармай туриб, Парвардигорининг розилигига етиша олмайди. Табаронийнинг «Кабир»ида Абу Умома Пайғамбар ﷺ шундай деганлар, дейди:

«إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَالَ: مَنْ أَهَانَ لِي وَلِيًّا فَقَدْ بَارَزَنِي فِي الْعِدَاوَةِ. ابْنُ آدَمَ لَنْ تُدْرِكَ مَا عِنْدِي إِلَّا بِأَدَاءِ مَا افْتَرَضْتُهُ عَلَيْكَ...»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Ким Менинг бир дўстимни хор қилса, душманликда Мен билан яккама-якка жангга кирибди. Эй Одам боласи, сенга фарз қилган амалларимни бажармагунингча, мендаги нарсага эриша олмайсан...».

• **Мандублар:** Банда фарзлар билан бир қаторда мандуб амалларни ҳам адо этиб, Аллоҳга яқинлашиб борса, Аллоҳ ҳам унга яқин бўлади ва уни яхши кўриб қолади. Юқоридаги Абу Умома ривоят қилган ҳадиснинг давоми қуйидагича:

«... وَلَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّى أُحِبَّهُ، فَأَكُونَ قَلْبُهُ الَّذِي يَعْجَلُ بِهِ، وَلِسَانُهُ الَّذِي يَنْطِقُ بِهِ، وَبَصَرُهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ، فَإِذَا دَعَانِي أَحْبَبْتُهُ، وَإِذَا سَأَلَنِي أَعْطَيْتُهُ، وَإِذَا اسْتَنْصَرَنِي نَصَرْتُهُ، وَأَحَبُّ عِبَادَةٍ عَبْدِي إِلَيَّ النَّصِيحَةُ»

«... Бандам нафл амалларни қилиб, Менга яқинлашиб келаверса, охири мен уни яхши кўриб қоламан. Ана шунда Мен унинг фикрлайдиган қалбига, гапирадиган тилига, кўрадиган кўзига айланаман. Менга дуо қилса, ижобат қиламан, сўраса бераман, голиблик тиласа, голиб этаман. Бандамнинг Мен учун энг севимли ибодати насиҳатдир». Бухорийда Анас ﷺ Пайғамбар ﷺ дан, у киши Парвардигори оламдан ривоят қиладилар:

«إِذَا تَقَرَّبَ الْعَبْدُ إِلَيَّ شَبْرًا تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِذَا تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقَرَّبْتُ مِنْهُ بَاعًا، وَإِذَا أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً»



«Бандам Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир қул миқдорича яқинлашаман, Менга бир қулча яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман, Менга юриб келса, Мен унга югуриб бораман». Қуйидагилар мандуб амаллар жумласидандир:

**Ҳар бир намозга таҳорат қилиш ва ҳар бир таҳоратда мисвок ишлатиш:** Аҳмад ҳасан иснод билан Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَوْلَا أَنِ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ بِوُضُوءٍ، وَ مَعَ كُلِّ وُضُوءٍ بِسَوَاكٍ»

«Умматимга оғир қилиб қўяман, деб ўйламаганимда уларни ҳар бир намозда таҳорат қилишга ва ҳар бир таҳоратда мисвок ишлатишга буюрган бўлар эдим». Яна бир муттафақун алайҳ ривоятда:

«لَوْلَا أَنِ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ»

«Умматимга оғир қилиб қўяман деб ўйламаганимда, уларни (ҳар бир намоз учун мисвок ишлатишга) буюрган булардим», дейилган.

**Таҳорат олгандан кейин икки ракат нафл намоз ўқиш:** Абу Ҳурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисида Расулulloҳ ﷺ Билолга шундай деганлар:

«يَا بِلَالُ حَدِّثْنِي بِأَرْجَى عَمَلٍ عَمِلْتُهُ فِي الْإِسْلَامِ، فَإِنِّي سَمِعْتُ دَفَّ نَعْلَيْكَ بَيْنَ يَدَيَّ فِي الْجَنَّةِ؟ قَالَ: مَا عَمِلْتُ عَمَلًا أَرْجَى عِنْدِي مِنْ أَنِّي لَمْ أَتَطَهَّرْ طَهُورًا، فِي سَاعَةٍ مِنْ لَيْلٍ أَوْ نَهَارٍ، إِلَّا صَلَّيْتُ بِذَلِكَ الطُّهُورِ مَا كُتِبَ لِي أَنْ أُصَلِّيَ»

«Эй Билол, мусулмон бўлиб қилган, умидланишга энг лойиқ бўлган амалингни менга айтиб бер, чунки мен жаннатдаги ўрнимда оёғинг товۇшини эшитдим». «Кеча ё кундузнинг қайси бир соатида таҳорат олсам, уша таҳорат билан насиб қилганча намоз ўқиганимдан бошқа умидланишга арзигулироқ амал қилмаганман», деб жавоб берди Билол».

### Намозга азон ва такбир айтиш, биринчи сафда

**булиш:** Абу Ҳурайра ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَوْ يَعْلَمُ النَّاسُ مَا فِي التَّدَاةِ وَالصَّفِّ الْأَوَّلِ، ثُمَّ لَمْ يَجِدُوا إِلَّا أَنْ يَسْتَهْمُوا عَلَيْهِ لَأَسْتَهْمُوا، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي التَّهْجِيرِ لَأَسْتَبَقُوا إِلَيْهِ، وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِي الْعَمَةِ وَالصُّبْحِ لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَوًّا»

«Агар одамлар намозга чақиритиш ва биринчи сафда туришда нималар борлигини билганларида, ундан бир улуш олишдан бошқа нарсани топа олмасалар ҳам, уша улушни бўлса ҳам олган бўлар эдилар. Агар ҳижратда нималар борлигини билганларида эди, унинг учун ким ўзар ўйнар эдилар. Агар кечанинг аввалги учдан бирида ва тонгда нималар борлигини билганларида эди, эмаклаб бўлса ҳам уларга келардилар». Аҳмад Барродан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى الصَّفِّ الْمُقَدَّمِ، وَالْمُؤَدِّنِ يُغْفَرُ لَهُ مَدَى صَوْتِهِ، وَصِدْقُهُ مَنْ سَمِعَهُ مِنْ رَطْبٍ وَيَابِسٍ، وَلَهُ أَجْرٌ مَنْ صَلَّى مَعَهُ»

«Олдинги сафга Аллоҳ ва Унинг фаришталари салавот айтади. Муаззин овози етганича мағфират этилади, эшитган ҳўлу-қуруқ уни тасдиқлайди. Унга у билан бирга намоз ўқиганларнинг савоби бўлади». Бу ҳадисни Насойй ҳам исноди билан ривоят қилган. Мунзирий уни ишончли ҳасан, деган.

**Муаззинга жавоб бериш:** Абу Саъид Худрийнинг муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«إِذَا سَمِعْتُمُ الْمُؤَدِّنَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ»

«Муаззинни эшитиб қолсанглар, унинг айтганидек айтиб туринглар», деганлар. Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ бундай деганлар:

«إِذَا سَمِعْتُمُ الْمُؤَدِّنَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ، ثُمَّ صَلُّوا عَلَيَّ، فَإِنَّهُ مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ بِهَا عَشْرًا، ثُمَّ سَلُّوا اللَّهَ لِي الْوَسِيلَةَ، فَإِنَّهَا مَنْزِلَةٌ فِي الْجَنَّةِ لَا

تَنْبِغِي إِلَّا لِعَبْدٍ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ، وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ، فَمَنْ سَأَلَ لِي الْوَسِيلَةَ حَلَّتْ  
لَهُ الشَّفَاعَةُ»

«Муаззинни эшитиб қолсанглар, унинг айтганидек айтиб туринглар, кейин менга салавот айтинглар. Чунки кимки менга бир салавот айтса, Аллоҳ унга ўн салавот айтади (яъни, раҳмат қилади). Кейин менга Аллоҳдан васила сўранглар. Чунки у жаннатдаги Аллоҳнинг фақат бир бандасигагина лойиқ бўлган мақомдир. Ўша банда мен бўлишимни хоҳлайман. Ким мен учун васила сўраса, унга шафоат ҳалол бўлади». Бухорийдаги Жобирнинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ قَالَ حِينَ يَسْمَعُ النِّدَاءَ اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةُ التَّامَّةُ، وَالصَّلَاةُ الْقَائِمَةُ، آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتُهُ، حَلَّتْ لَهُ شَفَاعَتِي  
يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Кимки азонни эшитган пайтда: «Эй Аллоҳим, мана шу мукаммал даъватнинг ва вақти кирган намознинг Парвардигори, Муҳаммадга васила ва фазилатни бергин, уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомда қайта тирилтиргин» деса, қиёмат кунда унга шафоатим ҳалол бўлади». Пайғамбар ﷺнинг: «Азонни эшитган пайтда», деганлари эшитиб бўлгач, деганларидир.

**Азон билан иқомат ўртасида дуо қилиш:** Абу Довуд, Термизий, Насоий, ибн Ҳузайма ва ибн Ҳиббонларнинг Анас رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисларида Пайғамбар ﷺ:

«الدُّعَاءُ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالْإِقَامَةِ لَا يُرَدُّ»

«Азон билан иқомат ўртасидаги дуо рад қилинмайди», деганлар.

**Масжидлар қуриш:** Усмон رضي الله عنهнинг муттафақун алайҳ ҳадисида келишича, у Пайғамбар ﷺнинг масжидларини қурган пайтида одамлар гап-сўз қилишган. Шунда у: «Сизлар кўп гапириб юборяпсизлар, чунки мен Пайғамбар ﷺнинг:

«مَنْ بَنَى مَسْجِدًا يَبْتَغِي بِهِ وَجْهَ اللَّهِ بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ»

«Кимки Аллоҳнинг юзини умид қилиб бир масжид қурса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй қуриб беради», деганларини эшитганман», дейди.

**Намоз учун масжидларга пиёда бориш:** Абу Хурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي الْجَمَاعَةِ تُضَعَّفُ صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوْقِهِ خَمْسًا وَعَشْرِينَ دَرَجَةً، وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ، ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ، لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رَفَعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةً وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ، فَإِذَا صَلَّى، لَمْ تَزَلْ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَّاهُ: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيْهِ، اللَّهُمَّ ارْحَمَهُ، وَلَا يَزَالُ فِي صَلَاةٍ مَا أَنْتَظِرَ الصَّلَاةَ»

«Кишининг жамоада намоз ўқиши уйи ёки бозорда ўқиганидан кўра йигирма беш даража кўпроқ бўлади. Агар у чиройли тарзда таҳорат олиб, фақат намозни ўйлаб, намозга чиқса, ҳар бир қадами учун бир даража юқорилаб, бир хатоси ундан қуйида қолиб кетаверади. Намоз ўқиса, модомики жойнамозида экан, фаришталар: «Эй Аллоҳим, уни раҳмат қилгин, унга шафоат қилгин», деб унга салавот айтиб турадилар. Модомики намозни кутар экан, намознинг ичида бўлиб бораверади». Абу Мусо ﷺнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ أَعْظَمَ النَّاسِ أَجْرًا فِي الصَّلَاةِ أَبْعَدُهُمْ إِلَيْهَا مَمْشَى فَأَبْعَدُهُمْ، وَالَّذِي يَنْتَظِرُ الصَّلَاةَ حَتَّى يُصَلِّيَهَا مَعَ الْإِمَامِ، أَعْظَمُ أَجْرًا مِنَ الَّذِي يُصَلِّيَهَا ثُمَّ يَنَامُ»

«Намоздаги энг савоби улуг одам намозга энг узоқдан юриб келган одамдир. Имом билан намоз ўқиш учун намозни кутган одамнинг савоби намозни ўқиб, кейин ухлаган одамниқидан улугроқдир».

**Уйларда нафл намоз ўқиш:** Ибн Умарнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«اجْعَلُوا مِنْ صَلَاتِكُمْ فِي بُيُوتِكُمْ وَلَا تَتَّخِذُوهَا قُبُورًا»

«Намозинглардан уйингларга ҳам насиба ажратинглар, уларни қабрлар қилиб олманглар», деганлар. Зайд ибн Собитнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«... فَصَلُّوا أَيُّهَا النَّاسُ فِي بُيُوتِكُمْ فَإِنَّ أَفْضَلَ الصَّلَاةِ صَلَاةَ الْمَرْءِ فِي بَيْتِهِ إِلَّا الْمَكْتُوبَةَ»

«Эй одамлар, уйларингизда намоз ўқинглар, чунки намознинг афзали кишининг фарз намозларидан бошқасини уйда ўқиганидир», деганлар.

**Кечаси туриш:** Аллоҳ Таоло айтади:

﴿تَتَجَافَى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ﴾

– „Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни, тунларини ибодат билан ўтказишиб, оз ухлайдилар)“, [32:16]

﴿كَانُوا قَلِيلًا مِنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ﴾

– „Улар кечадан озгина (фурсатгина) кўз юмар эдилар“. [51:17]

Абу Ҳурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿يَعْقِدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَةِ رَأْسِ أَحَدِكُمْ إِذَا هُوَ نَامَ ثَلَاثَ عُقَدٍ، يَضْرِبُ عَلَى كُلِّ عُقْدَةٍ: عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارُقْدُ، فَإِذَا اسْتَيْقَظَ فَذَكَرَ اللَّهَ تَعَالَى انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَإِذَا تَوَضَّأَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَإِنْ صَلَّى انْحَلَّتْ عُقْدُهُ كُلُّهَا، فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ النَّفْسِ، وَإِلَّا أَصْبَحَ خَبِيثَ النَّفْسِ كَسَلَانَ﴾

«Сизлардан кимдир ухлаган пайтида шайтон унинг энсасига учта тугун тугиб, улардан ҳар бирига: «Ҳали тун узун, ухлайвер», деб зарб қилади. Уйғониб, Аллоҳ Таолони эсласа, бир тугун ечилади, таҳорат қилса, яна бир тугун ечилади, намоз ўқиса, ҳамма тугунлар ечилиб, гайратли, хуш кайфиятли бўлиб тонг оттиради. Бу амалларни қилмаса кайфияти бузилиб, эриниб тонг оттиради». Ибн Масъуднинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺнинг олдиларида бутун кеча то тонг отгунига қадар ухлаган одам ҳақида гапирилганида,

«ذَاكَ رَجُلٌ بَالَ الشَّيْطَانَ فِي أُذُنَيْهِ أَوْ قَالَ فِي أُذُنِهِ»

«У шайтон қулоқларига (ёки қулоғига) сийиб қўйган кишидир», деганлар. Кечаси охирги намознинг витр бўлиши суннат. Ибн Умар ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«اجْعَلُوا آخِرَ صَلَاتِكُمْ بِاللَّيْلِ وَتَرًا»

«Кечаси охирги намозингларни витр қилинглр», деганлар.

**Жума куни гусл қилиш:** Ибн Умарнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ الْجُمُعَةَ فَلْيَغْتَسِلْ»

«Бировингиз жума кунга етиб келса, гусл қилсин», деганлар. Салмон Форсий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ اغْتَسَلَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَتَطَهَّرَ بِمَا اسْتَطَاعَ مِنْ طَهْرٍ ثُمَّ أَذْهَنَ أَوْ مَسَّ مِنْ طِيبٍ، ثُمَّ رَاحَ فَلَمْ يُفَرِّقْ بَيْنَ اثْنَيْنِ فَصَلَّى مَا كُتِبَ لَهُ ثُمَّ إِذَا خَرَجَ الْإِمَامُ أَنْصَتَ غُفْرَ لَهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ الْجُمُعَةِ الْآخِرَى»

«Кимки жума куни гусл қилиб, қўлидан келганича тоза бўлса, кейин ёгланса ёки ҳушбўйликлардан сепса, сўнг кетса ва икки одамнинг ўртасини бузмаса, ўзига насиб қилганича намоз ўқиса, имом минбарга чиққанида қулоқ солса, унинг ўша жума билан аввалги жума ўртасида қилган гуноҳлари мағфират қилинур». Бухорий ривояти.

**Нафл садақа:** Абу Ҳурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ تَصَدَّقَ بَعْدَ ثَمَرَةٍ مِنْ كَسْبٍ طَيِّبٍ - وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ - فَإِنَّ اللَّهَ يَتَقَبَّلُهَا بِيَمِينِهِ ثُمَّ يُرِيهَا لِصَاحِبِهَا، كَمَا يُرِيَّ أَحَدَكُمْ فَلَوْهَ حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ»

«Кимки ҳалол касбидан бир хурмочалик садақа қилса, (Аллоҳ фақат ҳалолни қабул қилади, холос), Аллоҳ уни Ўз қўли билан қабул қилиб олиб, эгаси учун бировингиз тойчоғини тарбиялагандек, тоғдай бўлгунга қадар тарбиялаб боради». Адий ибн Ҳотим ﷺ

ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا سَيَكَلُمُهُ اللَّهُ لَيْسَ بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ تُرْجُمَانٌ، فَيَنْظُرُ أَيَمَنَ مِنْهُ فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ أَشْأَمَ مِنْهُ فَلَا يَرَى إِلَّا مَا قَدَّمَ، وَيَنْظُرُ بَيْنَ يَدَيْهِ فَلَا يَرَى إِلَّا النَّارَ تَلْقَاءَ وَجْهِهِ، فَاتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ»

«Сизлардан ҳар бирингиз билан Аллоҳнинг ўзи гаплашади, ўртада таржимон бўлмайди. Шунда гаплашилувчи ўнг қўлига қараб, ўзи олиб келган нарсдан бошқа нарсани кўрмайди, чап қўлига қараб ҳам ўзи олиб келган нарсдан бошқа нарсани кўрмайди, олдига қараб, юзининг рупарасидаги дўзахдан бошқа нарсани кўрмайди. Шундай экан, яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар». Абу Яъло Жобирдан саҳиҳ иснод билан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺнинг: «Каъб ибн Ужрага:

«يَا كَعْبُ بْنُ عَجْرَةَ، الصَّلَاةُ قُرْبَانٌ وَالصِّيَامُ جَنَّةٌ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ الْخَطِيئَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ...»

«Эй Каъб ибн Ужра, намоз Аллоҳга яқин бўлишдир, рўза қалқондир, садақа эса сув ўтти учирганидек, гуноҳни учирур», деганларини эшитдим». Бу ҳадисни Ҳоқим саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Садақанинг афзали махфий қилинган садақадир. Абу Ҳурайранинг Аллоҳ ўз соясига оладиган етти киши хусусидаги муттафақун алайҳ ҳадисида келади:

«وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ»

«Ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган даражада яширин садақа қилувчи одам...». Қариндошларга садақа қилиш ҳақида Зайнаб Сақафиянинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«لَهُمَا أَجْرَانِ أَجْرُ الْقَرَابَةِ وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ»

«... Улар учун икки савоб бордур, бири қариндошчилик савоби бўлса, яна бири садақа савобидир», деганлар.

**Қарз бериш:** Ибн Можа, ибн Ҳиббон ва Байҳақийларнинг Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисларида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُفْرِضُ مُسْلِمًا قَرْضًا مَرَّتَيْنِ إِلَّا كَانَ كَصَدَقَتِهَا مَرَّةً»

«Қайси бир мусулмон яна бир мусулмонга икки марта қарз берса, унга бир марта садақа қилгандек бўлади».

**Бойга муддатини чўзиб бериш, камбағалдан воз кечиш:** Ҳузайфанинг муттафақун алайҳ ҳадисиде Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ رَجُلًا مِمَّنْ كَانَ قَبْلَكُمْ أَتَاهُ الْمَلِكُ لِيَقْبِضَ رُوحَهُ، فَقَالَ هَلْ عَمِلْتَ مِنْ خَيْرٍ؟ قَالَ مَا أَعْلَمُ، قِيلَ لَهُ انظُرْ، قَالَ مَا أَعْلَمُ شَيْئًا غَيْرَ أَنِّي كُنْتُ أَبَايِعِ النَّاسَ فِي الدُّنْيَا، فَأَنْظِرُ الْمُسْرِرَ، وَأَتَجَاوَزُ عَنِ الْمُعْسِرِ فَأَدْخِلُهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ»

«Ўтмишда бир кишининг олдига жонини олиш учун фаришта келиб, бирон яхшилик қилганмисан, деб сўрабди. У билмайман, деган экан, уйлаб кўр, дебди. Шунда ҳалиги киши дунёда одамлар билан савдо-сотиқ қилганимда бойга муддатини чўзиб берардим, камбағалдан воз кечардим, шундан бошқа нарсани билмайман, дебди. Шу билан Аллоҳ уни жаннатга киритибди». Абу Масъуд ҳам Пайғамбаримизнинг шундай деганини эшитдим деди.

**Таом бериш:** Абдуллоҳ ибн Амрнинг муттафақун алайҳ ҳадисиде келишича, бир киши Пайғамбар ﷺ дан қайси Ислом яхши, деб сўради. Шунда у киши ﷺ:

«تُطْعِمُ الطَّعَامَ وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ»

«Таниган-танимаганингга таом, салом бермогингдир», деб жавоб бердилар.

**Ҳар бир тирик жонни сўғориш:** Абу Ҳурайранинг маттафақун алайҳ ҳадисиде Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي بِطَرِيقِ اشْتَدَّ عَلَيْهِ الْحَرُّ، فَوَجَدَ بَعْرًا فَنَزَلَ فِيهَا فَشَرِبَ ثُمَّ خَرَجَ، فَإِذَا كَلْبٌ يَلْهَثُ يَأْكُلُ الشَّرَى مِنَ الْعَطَشِ، فَقَالَ الرَّجُلُ: لَقَدْ بَلَغَ هَذَا الْكَلْبُ مِنَ الْعَطَشِ مِثْلَ الَّذِي كَانَ مِنِّي، فَنَزَلَ الْبَعْرَ فَمَلَأَ خُفَّهُ مَاءً، ثُمَّ أَمْسَكَهُ بِيَدِهِ»



حَتَّى رَقِيَ، فَسَقَى الْكَلْبَ، فَشَكَرَ اللَّهُ لَهُ، فَغَفَرَ لَهُ. قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ: إِنَّ لَنَا فِي  
الْبَهَائِمِ أَجْرًا؟ فَقَالَ: فِي كُلِّ كَبِدٍ رَطْبَةٌ أَجْرٌ»

«Бир киши жуда қаттиқ иссиқда йўлда кетаётган эди. Бир қудуқни учратиб, унинг ичига тушиб, сувидан ичиб, қайтиб чиқди. Қараса, бир ит ташналиқдан тупроқни ялагудек бўлиб ҳансираб турибди. Шу ит ҳам менга ўхшаб қаттиқ чанқабди-да, деб, қудуққа тушиб, махсисини сувга тўлатиб, уни оғзи билан тишлаган ҳолда юқорига кўтарилиб, итни сугорибди. Аллоҳ бу ишдан мамнун бўлиб, уни мағфират қилибди. «Эй Расулуллоҳ, ҳайвонлар борасида ҳам бизга савоб бўладими?» деб сўралган эдилар: «Ҳар бир тирик жон борасида савоб бордир», деб жавоб бердилар».

**Нафл рўза тутгиш:** Абу Умома ривоят қилади:

«قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْنِي بِعَمَلٍ، قَالَ عَلَيْكَ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا عَدَلَ لَهُ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْنِي بِعَمَلٍ، قَالَ عَلَيْكَ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا عَدَلَ لَهُ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْنِي بِعَمَلٍ، قَالَ عَلَيْكَ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا مِثْلَ لَهُ»

«Мен: «Эй Расулуллоҳ, мени бир ишга буюринг», деган эдим: «Рўза тутгин, чунки унинг тенги йўқдир», дедилар. Мен яна: «Эй Расулуллоҳ, мени бир ишга буюринг», деган эдим, яна: «Рўза тутгин, чунки унинг тенги йўқдир», дедилар. Учинчи марта: «Эй Расулуллоҳ мени бир ишга буюринг», деган эдим, яна: «Рўза тутгин, чунки унинг ўхшаши йўқдир», деганлар». Бу ҳадисни Насоий, ибн Ҳузайма ўзларининг «Саҳиҳ»ида ва Ҳоким ривоят қилган. Ҳоким уни саҳиҳ, деган, Заҳабий маъқуллаган. Бу умуман ҳамма одамларга тегишлидир. Аллоҳ йўлидаги ғозийлар учун эса ўзига хос шаклда ифодаланган. Абу Саъиднинг муттафақун алайҳ ҳадиси бор. Унда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ عَبْدٍ يَصُومُ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ تَعَالَى، إِلَّا بَاعَدَ اللَّهُ بِذَلِكَ الْيَوْمِ وَجْهَهُ عَنِ

النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا»

«Қайси бир банда Аллоҳ Таолонинг йўлида бир кун рўза тутса, шу кунги иш билан Аллоҳ унинг юзидан дўзахни етмиш йилга узоқлаштиради». Шавволнинг олти кунда, Арафа кунда, Муҳаррам ойида, Ошуро кунларида, ҳар ойнинг уч кунда, душанба, пайшанба кунларида рўза тутишлар мандубдир.

**Рамазон ойида, хусусан, қадр кечаси ва охириги ўн кунликда кечаси туриш:** Абу Ҳурайрининг муттафақун алайҳ ҳадисида келади: Пайғамбар ﷺ рамазон ойида ибодат учун кечаси туришга қатъий буюрмасалар ҳам, унга тарғиб этардилар. Дердиларки:

«مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Кимки рамазонда иймонидан келиб чиқиб, савоб умидида ибодат учун кечаси турса, утган гуноҳлари мағфират қилинур». Унинг яна бир муттафақун алайҳ ҳадисида:

«مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Кимки лайлатул қадр кечасида иймонидан келиб чиқиб, савоб умидида ибодат учун кечаси турса, утган гуноҳлари мағфират қилинур», дейилган. Кечаси туриш фақат намоз учун бўлади. Оиша ﷺнинг муттафақун алайҳ ҳадисида келади: «Пайғамбар ﷺ охириги ўн кунлик кирганида, тунни жонлантирардилар, оилаларини уйғотардилар, белни маҳкам боғлаб, жидди-жаҳд қилардилар».

**Саҳархезлик:** Анас ﷺ ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«تَسَحَّرُوا فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً»

«Саҳар туринглар, чунки саҳархезлик баракадир», деганлар.

**Ифторга шошилиқ:** Саҳл ибн Саъднинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا عَجَّلُوا الْفِطْرَ»

«Одамлар, модомики ифторга шошилар эканлар, яхшилиқда давом этаверадилар», деганлар. Хурмо билан, у топилмай қолса сув билан оғиз очиш суннатдир. Салмон

ибн Омир Заббийнинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا أَفْطَرَ أَحَدُكُمْ فَلْيُفْطِرْ عَلَى تَمْرٍ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ، فَإِنْ لَمْ يَجِدْ تَمْرًا فَلِأَمَاءٍ فَإِنَّهُ طَهُورٌ»

**«Бировингиз ифтор қилса хурмо билан оғиз очсин, чунки у баракадир. Хурмо топмаса сув билан оғиз очсин. Чунки у покловчидир».** Бу ҳадисни ибн Ҳиббон ва ибн Ҳузаймалар ўз «Саҳиҳ»ларида ривоят қилганлар. Термизий ҳам уни ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган. Ҳоким ва ибн Ҳузаймадаги Анаснинг ҳадиси ҳам мана шу маънодадир.

**Рўзадорни ифторга таклиф қилиш:** Зайд ибн Холид Жуҳанийнинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْءٌ»

**«Ким бир рўзадорга ифторлик берса, унинг савобичалик савоб олади, айти пайтда рўзадорнинг савобидан ҳеч нарса камаймайди ҳам».** Бу ҳадисни ибн Ҳиббон ва ибн Ҳузаймалар ўзларининг «Саҳиҳ»ларида чиқарганлар. Уни Термизий ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган.

**Умра қилиш:** Абу Ҳурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ»

**«Умрадан кейин яна умра қилиш шу икки умра оралиғидаги гуноҳларнинг каффоратидир. Мақбул ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир».** Рамазонда умра қилиш ҳажга тенгдир. Ибн Аббоснинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَعْدِلُ حَجَّةً»

**«Рамазондаги умра ҳаж билан баробардир»**, деганлар.

**Зулҳижжанинг ўн кунида яхши амаллар қилиш:** Бухорий ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда келади:

«مَا مِنْ أَيَّامٍ، الْعَمَلُ الصَّالِحُ فِيهَا أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، مِنْ هَذِهِ الْأَيَّامِ - يَعْنِي أَيَّامَ الْعَشْرِ - قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، قَالَ: وَلَا الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، إِلَّا رَجُلٌ خَرَجَ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْجِعْ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ»

«Пайғамбар ﷺ: «Бошқа кунлардан кўра шу ун кун ичида солиҳ амалларни қилиш Улуғ ва Буюк Аллоҳ учун севимлироқдир», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳамми?», деб сўрадилар. «Ҳа, Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан ҳам, фақат моли ва жони билан чиқиб, шуларсиз қайтган одам бундан мустасно», деб жавоб бердилар».

**Шаҳидликни сўраш:** Муслим Саҳл ибн Ҳанифдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ سَأَلَ اللَّهَ الشَّهَادَةَ بِصِدْقٍ بَلَغَهُ اللَّهُ مَنَازِلَ الشُّهَدَاءِ وَإِنْ مَاتَ عَلَى فِرَاشِهِ»

«Кимки сидқидилдан Аллоҳдан шаҳидликни сўраса, гарчи кўрпа-тушак қилиб ўлган бўлса ҳам, Аллоҳ шаҳидлар мақомига етказди».

**«Каҳф» сурасини ёки унинг аввалидан ё охиридан ўн оятни ўқиш:** Муслим Абу Дардодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ حَفِظَ عَشْرَ آيَاتٍ مِنْ أَوَّلِ سُورَةِ الْكَهْفِ عُصِمَ مِنَ الدَّجَالِ»

«Кимки «Каҳф» сурасининг аввалидан ўн оятни ёдласа, дажжолдан паноҳ топади». Яна бир ривоятда:

«مِنْ آخِرِ سُورَةِ الْكَهْفِ»

««Каҳф» сурасининг охиридан», дейилган. Ҳозирги кунларимизда мусулмон дажжолдан паноҳ топиш учун «Каҳф» сурасининг ҳаммасини жумага ўтар кечада ёки жума кунида ўқисин. Шофеий бу ишни ўзининг «Умм» китобида мустаҳаб санаган ва «Шу ҳақида ворид бўлгани учун» деб далил келтирган.

**Олди-сотдида, қарзни сўраш ва қарзни тўлашда кенглик қилиш:** Бухорий Жобир رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا افْتَضَى»

«Сотганда, сотиб олганда ва қарзини талаб қилганда кенглик қилган одамни Аллоҳ раҳм қилсин», деганлар. Абу Ҳурайра ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда келади:

«أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ ﷺ يَتَقَضَاهُ، فَأَعْلَظَ لَهُ، فَهَمَّ بِهِ أَصْحَابُهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : دَعُوهُ، فَإِنَّ لَصَاحِبَ الْحَقِّ مَقَالًا، ثُمَّ قَالَ أَعْطُوهُ سَنًا مِثْلَ سَنَتِهِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَا نَجِدُ إِلَّا أَمْثَلَ مَنْ سَنَتِهِ، قَالَ: أَعْطُوهُ، فَإِنَّ خَيْرَكُمْ أَحْسَنُكُمْ قَضَاءً»

«Бир киши Пайғамбар ﷺнинг олдиларига қарзини талаб қилиб келиб, қўполлик қилди. Саҳобалар унга ташланмоқчи бўлган эдилар, Пайғамбар ﷺ: «Қўяверинглар, ҳаққи борнинг гапиришга ҳам ҳаққи бор» деб: «Унга танасичалик тана бериб юборинглар», дедилар. Саҳобалар: «Эй Расулуллоҳ, унинг танасичалик тана топмадик, ҳаммаси уникидан катта экан», дейишди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Бериб юбораверинглар, чунки сизларнинг яхшиларинглар қарзини яхшилаб адо қилганинглардир», дедилар». Жобир رضي الله عنه ривоят қилган яна бир муттафақун алайҳ ҳадисда

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اشْتَرَى مِنْهُ بَعِيرًا فَوَزَنَ لَهُ فَارْجَحَ»

«Пайғамбар ﷺ ундан бир туя сотиб олган бўлиб, ўрнига берилган туя тарозуга қўйилганда уникидан оғир келади».

Пайғамбар ﷺга салавот айтиш: Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

– „Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!“ [33:56]

Муслим Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْرًا»

«Ким менга бир салавот айтса, Аллоҳ унга ун салавот айтади», дейдилар.

### Итоатгўй, хос мўминларнинг хатоларини ёпиш:

Гуноҳ қилган мусулмон ё ҳеч кимга билдирмай яшириб қилади ёки ҳаммага кўрсатиб, шармандаларча қилади. Яшириб қилинган гуноҳни ёпмоқ лозим. Ибн Умарнинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«... وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«... Ким бир мусулмоннинг айбини ёпса, қиёмат кунида Аллоҳ унинг айбини ёпади», дедилар. Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда эса Пайғамбар ﷺ:

«... وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ...»

«... Ким бир мусулмоннинг айбини ёпса, дунёю охиратда Аллоҳ унинг айбини ёпади...», деганлар. Утба ибн Омирнинг ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ سَتَرَ عَوْرَةَ فَكَأَنَّمَا اسْتَحْيَا مَوْءُودَةَ فِي قَبْرِهَا»

«Кимки бир айбни ёпса, гўё қабрга тириклайин кўмилган қизни қайта тирилтиргандек бўлибди», деганлар. Бу ҳадисни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида келтирган. Уни Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий маъқуллаган. Яширмай қиладиган одамнинг айбини ёпиш шарт эмас. Чунки у ўзини ўзи шарманда қилиб, Аллоҳнинг ёпганини очиб ташлайди. Ҳолбуки, бу иш ҳаром. Абу Ҳурайранинг муттафақун алайҳ ҳадисиди Пайғамбар ﷺ шандай деганлар:

«كُلُّ أُمَّتِي يُعَافِي إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ, وَإِنَّ مِنَ الْمُجَاهِرَةِ أَنْ يَعْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللَّهُ, فَيَقُولُ: يَا فَلَانَ عَمِلْتُ الْبَارِحَةَ كَذَا وَكَذَا, وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ, وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللَّهِ عَنْهُ»

«Ҳамма умматимга офият берилур. Ҳамманинг кўз ўнгида айб қилувчилар бундан мустаснодир. Кишининг кечаси қилган ишени Аллоҳ ёпиб тургани ҳолда эрталаб туриб: «Эй фалончи, кечаси мен ундоқ қилдим, бундоқ қилдим», деб гапириши ҳамманинг кўз ўнгида айб қилиш жумласидандир. Кечаси Парвардигори унинг айбини ёпиб турса эрталаб туриб, Аллоҳнинг ёпганини очиб ташлайди». Шундай бўлса ҳам мусулмон

киши очикчасига айб қилувчиларнинг гуноҳларини гапириб юришдан тийилмоғи лозим. Унинг айбини ёпиш учун бўлмаса ҳам, мўминлар орасида бузуқликлар ёйилмаслиги ва тилни бекорчи гаплардан тийиш учун шундай қилиши лозим. Аммо айбнинг зарари айбдорнинг ўзи билангина чекланмасдан давлатга, жамиятга, умматга ҳам ўтадиган бўлса, бу пайтда уни етказиш, очиб ташлаш вожибга айланади. Зайд ибн Арқамнинг муттафақун алайҳ ҳадисида келади:

«كُنْتُ فِي غَزَاةٍ فَسَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ أَبِي يَقُولُ: لَا تُنْفِقُوا عَلَيَّ مِنْ عِنْدِ رَسُولِ اللَّهِ حَتَّى يَنْفَضُوا مِنْ حَوْلِهِ، وَلَنْ رَجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لِيُخْرِجَنَّ الْأَعَزُّ مِنْهَا الْأَذَلَّ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِعَمِّي أَوْ لِعُمَرَ فَذَكَرَهُ لِلنَّبِيِّ ﷺ فَدَعَانِي فَحَدَّثَنِي...»

«Газотда эдим. Абдуллоҳ ибн Убайнинг: «Расулulloҳ ﷺ олдиларидаги одамларга ҳеч нарса берманглар, шунда унинг атрофидан тарқалиб кетишади. Агар Мадинага қайтсак, албатта, у ердан азиз хорни чиқариб юборади», деган гапини эшитиб қолиб, уни амаким ёки Умарга айтган эдим, у Пайғамбар ﷺга айтибди. У киши мени чақирган эдилар, бор гапни айтиб бердим...». Муслимнинг ривоятида: «Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бориб, бўлган гапни айтиб бердим», дейилади. Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг мунофиқлардан иборат бўлган яқинлари бу ишларни сир тутардилар. Чунки уни Пайғамбар ﷺ сўроқ қилганларида айтган гапидан тонган. Шунга биноан Зайд ибн Арқамнинг бу гапни олиб келиши жосуслик қабилида бўлди. Ман қилинган иш жоизга айланса, вожиб бўлиб қолади. Демак, бундай ҳолатларда келиб айтиш вожибдир. Чунки кутилаётган зарар ом бўлиб қолмоқда.

**Кечиримли бўлиш, ғазабни ютиш, озорни кўтариш:**  
Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالْكَاطِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

– „(У тақводор зотлар) ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади“, [3:134]

﴿وَلَمَنْ صَبَرَ وَغَفَرَ إِنَّ ذَلِكَ لَمِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ﴾

– „Албатта ким (ўзига етган озор-азиятларга) сабр қилса ва (интиқом олмай Аллоҳ учун) кечириб юборса, шакшубҳасиз, бу (иш) ишларнинг мақсадга мувофиғидир“, [42:43]

﴿فَاَصْفَحْ الصَّفْحَ الْجَمِيلَ﴾

– „Бас, (шундай экан, эй Муҳаммад алайҳис-салом, сиз жоҳил кимсаларнинг етказаётган озор-азиятларига сабр-тоқат қилинг ва улардан) чиройли юз ўгириш билан юз ўгиринг!“, [15:85]

﴿وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ﴾

– „... ва жоҳиллардан юз ўгиринг!“, [7:199]

﴿وَلْيَغْفُوا وَلْيَصْفَحُوا أَلَا تُحِبُّونَ أَنْ يَغْفِرَ اللَّهُ لَكُمْ﴾

– „... балки (уларни) афв қилиб, кечирсинлар! Аллоҳ сизларни мағфират қилишини истамайсизларми?!“ [24:22]  
Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا نَقَصَتْ صَدَقَةٌ مِنْ مَالٍ، وَمَا زَادَ اللَّهُ عَبْدًا بِعَفْوٍ إِلَّا عِزًّا، وَمَا تَوَاضَعَ أَحَدٌ لِلَّهِ إِلَّا رَفَعَهُ اللَّهُ»

**«Садақа молни камайгирмайди. Банданинг кечиримли бўлгани эвазига Аллоҳ унга фақат азизликни зиёда қилади. Ким Аллоҳ учун камтарлик қилса, Аллоҳ унинг мартабасини кўтаради».** Аҳмад Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оздан ишончли санад билан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«ارْحَمُوا تُرْحَمُوا وَاعْفُوا يُغْفَرُ لَكُمْ»

**«Раҳм қилинглар, раҳм қилинасишлар, кечиринглар, кечириласишлар»**, деганлар. Аҳмад Убода ибн Сомитдан одамлари саҳиҳ ҳадиснинг одамлари бўлган санад билан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَا مِنْ رَجُلٍ يُجْرَحُ فِي جَسَدِهِ جِرَاحَةٌ فَيَتَصَدَّقُ بِهَا، إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى عَنْهُ مِثْلَ مَا تَصَدَّقَ بِهِ»



«Қайси бир одам жароҳатланиб садақа қилса, Аллоҳ Таборака ва Таоло қилган садақаси миқдорида каффорот қилади», деганлар. Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«لَيْسَ الشَّدِيدُ بِالصُّرْعَةِ، إِنَّمَا الشَّدِيدُ الَّذِي يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ»

«Қурашда йиқитган полвон эмас, газаб пайтида ўзини ушлай олган полвондир», деганлар. Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ لِي قَرَابَةً أَصْلُهُمْ وَيَقْطَعُونِي، وَأُحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيَسْتُونَنِي إِلَيَّ، وَأَحْلُمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ عَلَيَّ، فَقَالَ: لَنْ كُنْتَ كَمَا قُلْتَ فَكَأَنَّمَا تُسْفَهُمُ الْمَالَ، وَلَا يَزَالُ مَعَكَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى ظَهِيرٌ عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ»

«Бир киши: «Эй Расулуллоҳ, мен қариндошларим билан борди-келди қиламан, улар эса қилмайдилар, мен уларга яхшилик қиламан, улар эса менга ёмонлик қиладилар. Уларга ҳалимлик қиламан, улар эса менга жаҳл қиладилар», деган эди, Пайгамбар ﷺ: «Агар сен айтаётганингдек бўлсанг, гўё уларга малол олиш касаллигига қарши дори ичишни буюрибсан, модомики, шундай бўлаверар экансан, Аллоҳ Таоло томонидан сенга доим бир ёрдамчи булиб туради», дедилар». Баржалоний саҳиҳ иснод билан Суфён ибн Уяйнадан ривоят қилади: Умар ибн Иёшдан кўп озорлар кўрган эди. У ибн Иёшга шундай деди: «Эй сен, бизни ҳақоратлашда чуқур кетмагин, ярашиш учун ҳам жой қолдиргин. Чунки бизнинг ҳақимизда улуғ Аллоҳга осийлик қилган кишини Аллоҳга итоат қилишдан бошқа нарса билан тақдирламаймиз».

**Одамлар орасини ислоҳ қилиш:** Аллоҳ Таоло айтади:

«لَا خَيْرَ فِي كَثِيرٍ مِنْ نَجْوَاهُمْ إِلَّا مَنْ أَمَرَ بِصَدَقَةٍ أَوْ مَعْرُوفٍ أَوْ إِصْلَاحٍ بَيْنَ

النَّاسِ»

– „Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан - агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар - ҳеч қандай фойда йўқдир“,

[4:114]

## ﴿وَالصُّلْحُ خَيْرٌ﴾

– „Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир“, [4:128]

﴿فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَصْلِحُوا ذَاتَ بَيْنِكُمْ﴾

– „Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингизни ўнглаб қўлингиз!“ [8:1]

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ فَأَصْلِحُوا بَيْنَ أَخَوَيْكُمْ﴾

– „Мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!“ [49:10]

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«كُلُّ سَلَامِي مِنَ النَّاسِ عَلَيْهِ صَدَقَةٌ كُلَّ يَوْمٍ تَطْلُعُ فِيهِ الشَّمْسُ، تَعْدِلُ بَيْنَ الْاِثْنَيْنِ صَدَقَةٌ، وَتُعِينُ الرَّجُلَ فِي دَابَّتِهِ تَحْمِلُهُ عَلَيْهَا أَوْ تَرْفَعُ لَهُ عَلَيْهَا مَتَاعَهُ صَدَقَةٌ، وَالْكَلِمَةُ الطَّيِّبَةُ صَدَقَةٌ، وَكُلُّ خُطْوَةٍ تَمْشِيهَا إِلَى الصَّلَاةِ صَدَقَةٌ، وَتَمِيطُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ صَدَقَةٌ»

«Одамларнинг менга айтган ҳар бир саломлари садақадир. Қуёш чиққан ҳар бир кунда икки одам орасида одил туришинг садақадир. Кишининг уловига миниб олишига кўмаклашишинг ёки юкни кўтаришиб юборишинг садақадир. Яхши гап садақадир. Намозга юриб борадиган ҳар бир қадаминг садақадир. Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашинг садақадир». Икки одам орасида одил туришинг дегани, адолат билан улар орасини ўнглашинг деганидир. Уқба ибн Абу Муъитнинг қизи Умму Гулсумдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَ الْكَذَّابُ الَّذِي يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ فَيَنْمِي خَيْرًا أَوْ يَقُولُ خَيْرًا»

«Одамлар орасини ўнглаш учун эзгуликни ёйган ёки яхши гап гапирган киши ёлғончи эмасдир», деганлар (муттафақун алайҳ). Саҳл ибн Саъд Соидийдан ривоят қилинади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ بَلَغَهُ أَنَّ بَنِي عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ كَانُوا يَبْتَهِمُهُمْ شَرًّا - وَفِي رِوَايَةٍ الْبَحَارِيِّ شَيْءٌ - فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُصَلِّحُ بَيْنَهُمْ فِي أَنْاسٍ مَعَهُ...»

«Амр ибн Авфнинг болалари уртасида бир ёмонлик (Бухорий ривоятда - бир нарса) ўтганлигининг хабари Пайгамбар ﷺ га етиб келди. Шунда у киши чиқиб, бир қанча одамлар билан биргаликда уларнинг орасини ислоҳ қилдилар...» (муттафақун алайҳ). Абу Дардодан ривоят қилинган ҳадисда:

«أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَفْضَلِ مَنْ دَرَجَةِ الصِّيَامِ وَالصَّلَاةِ وَالصَّدَقَةِ؟ قَالُوا: بَلَى، قَالَ: إِصْلَاحُ ذَاتِ الْبَيْنِ، فَإِنَّ فَسَادَ ذَاتِ الْبَيْنِ الْحَالِقَةُ»

«Пайгамбар ﷺ: «Сизларга рўза, намоз, закот даражасидан ҳам юқори бўлган амални айттайми?» деган эдилар, саҳобалар: «Ҳа, айтиш», дейишди. Шунда «Орани ўнгламоқдир, чунки оранинг бузилиши йўлнинг тўсилишидир», дедилар». Бу ҳадисни Аҳмад ва ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Уни Термизий ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган.

**Қабрларни зиёрат қилиш:** Абу Ҳурайра ривоят қилади, Пайгамбар ﷺ оналарининг қабрларини зиёрат қилиб, ўзлари ҳам йиғладилар, атрофдагиларни ҳам йиғлатдилар ва:

«اسْتَأْذَنْتُ رَبِّي فِي أَنْ أَسْتَغْفِرَ لَهَا فَلَمْ يُؤْذَنْ لِي، وَاسْتَأْذَنُتُ فِي أَنْ أُرْوَرَ قَبْرَهَا فَأَذَنْ لِي، فَزُورُوهَا فَإِنَّهَا تُذَكِّرُ الْمَوْتَ»

«Раббимдан онам учун истиғфор айтишга рухсат сўраган эдим, рухсат бермади, қабрини зиёрат қилишга рухсат сўраган эдим, рухсат берди, бас, қабрларни зиёрат қилинглар, чунки улар ўлимни эслатади», дедилар. (Муслим).

**Амални давомли қилиш:** Яъни мандуб амалларни. Фарзларни эса ўз вақтида қилиш шарт. Демак, кимки бир суннатни қилса, оз бўлса ҳам давомли қилсин. Оиша ﷺ ривоят қилдилар:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ دَخَلَ عَلَيْهَا وَعِنْدَهَا امْرَأَةٌ، قَالَ: مَنْ هَذِهِ؟ قَالَتْ هَذِهِ فُلَانَةٌ تَذْكُرُ مِنْ صَلَاتِهَا، قَالَ: مَهْ، عَلَيْكُمْ بِمَا تُطِيقُونَ، فَوَاللَّهِ لَا يَمَلُّ اللَّهُ حَتَّى تَمَلُّوا، وَكَانَ أَحَبَّ الدِّينِ إِلَيْهِ مَا دَاوَمَ عَلَيْهِ صَاحِبُهُ»

«Пайғамбар ﷺ олдимга кирганларида ёнимда бир аёл бор эди. «Ким бу?», деб сўраган эдилар, фалончи, деб аёлнинг намозини эслатдим. Шунда у киши «Бас қил, тоқатинглар етадиган амалларни ўзларингизга вазифа қилиб олинглар, Аллоҳга қасамки, то ўзингиз малол олмагунингизча, Аллоҳ малол олмайди, Унинг учун энг маҳбуб дин (амал) эгаси давомли қилган амалдир», дедилар» (муттафақун алайҳ). Абдуллоҳ ибн Амр ﷺ, менга Пайғамбар ﷺ:

«يَا عَبْدَ اللَّهِ لَا تَكُنْ مِثْلَ فُلَانٍ، كَانَ يَقُومُ اللَّيْلَ، فَتَرَكَ قِيَامَ اللَّيْلِ»

«Эй Абдуллоҳ, сен фалончига ўхшаб қолмагин, у кечаси турадию, лекин кечаси туришликни тарк ҳам қилади», деганлар, деди (муттафақун алайҳ).

## Гўзал хулқ эгалари

Хулқнинг қандайлигини шариат белгилайди. Қайси бир хулқни шариат яхши деса, ўша яхши хулқдир. Қайси бирини ёмон деса, ўша ёмон хулқдир. Чунки хулқлар шариатнинг - Аллоҳ буюрган ва қайтарган ишларнинг бир қисмидир. Шариат яхши хулқларга ундаб, ёмон хулқлардан қайтарган. Муслмон киши, хусусан даъватчи шаръий ҳукмлар асосида гўзал хулқларга эга бўлиши лозим. Ёдимиздан кўтарилмасинки, хулқлар исломий ақида асосида барпо бўлиб, мўмин киши уларни Аллоҳнинг буйруқлари ва тақиқлари деган эътибор билан қабул қилмоғи керак. Масалан, ростгўйликни, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмасликни, омонатдорликни олайлик. Кофир уни одамлар ўртасида ишонч ҳосил қилиш ва шу билан нимагадир сайланиб олиш учун, бир сўз билан айтганда, моддий манфаат учун қабул қилади. Мўмин эса Аллоҳ шунга буюрган, деган эътибор билан қабул қилади. Бу икки қабул қилишнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

### Хулққа алоқадор ҳужжатлар:

• Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ مِنْ خِيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا»

**«Сизларнинг энг яхшиларингиз ахлоқи гўзал бўлганларингиздир».**

• Наввос ибн Самъон ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺдан яхшилик ва гуноҳ ҳақида сўраган эдим, у киши:

«الْبِرُّ حُسْنُ الْخُلُقِ، وَالْإِثْمُ مَا حَاكَ فِي صَدْرِكَ وَكَرِهْتَ أَنْ يَطَّلَعَ عَلَيْهِ النَّاسُ»

**«Яхшилик гўзал хулқдир, гуноҳ эса ичингни гаш қилиб, одамлар билиб қолишидан чўчиган ишингдир», дедилар».** (Муслим).

• Абу Дардодан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا شَيْءٌ أَثْقَلُ فِي مِيزَانِ الْمُؤْمِنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ خُلُقٍ حَسَنٍ، وَإِنَّ اللَّهَ لَيُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَدِيءَ»

**«Қиёмат кунда мўминнинг мезонида гўзал хулқдан кура оғирроқ нарса бўлмайди. Аллоҳ ахлоқсиз беномусни ёмон куради».** Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган. Уни ибн Ҳиббон ҳам ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган.

• Абу Ҳурайра ривоят қилади: Пайғамбар ﷺдан одамларни энг кўп жаннатга олиб кирадиган нарса хусусида сўрашганида:

«تَقْوَى اللَّهِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ»

**«Аллоҳдан тақво қилиш ва гўзал хулқ»**, деб жавоб бердилар. Одамларни энг кўп дўзахга олиб кирадиган нарса ҳақида сўраганларида эса:

«الْفَمِّ وَالْفَرْجِ»

**«Оғиз ва фарж (яъни, очкўзлик ва шаҳвоний ҳирс)»**, деб жавоб бердилар. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ, деган. Уни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да, ибн Можа, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилганлар.

• Абу Умома ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَأَنَا زَعِيمٌ بَيِّتٍ فِي رِبْضِ الْجَنَّةِ لِمَنْ تَرَكَ الْمِرَاءَ وَإِنْ كَانَ مُحِقًّا, وَبَيِّتٍ فِي وَسْطِ الْجَنَّةِ لِمَنْ تَرَكَ الْكُذْبَ وَإِنْ كَانَ مَارِحًا, وَبَيِّتٍ فِي أَعْلَى الْجَنَّةِ لِمَنْ حَسَنَ خُلُقَهُ»

**«Ҳақли бўла туриб, жанжал кутармаган одам учун жаннатнинг қуйи қисмидан уй олишига, ҳазиллашиб ҳам ёлгон гапирмаган одам учун жаннатнинг ўртасидан уй олишига, хулқи гўзал одам учун жаннатнинг юқори қисмидан уй олишига мен кафилман».** Абу Довуд ривояти. Нававий уни, саҳиҳ ҳадис, деган.

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا, وَخَيْرَكُمْ خَيْرَكُمْ لِنِسَائِهِمْ»

**«Муминларнинг иймони комилроғи гўзал хулқ эгаларидир. Сизларнинг яхшиинглар аёлларига яхшиларингиздир».** Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган. Уни Аҳмад, Абу Довуд ва ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган.

Бу борада Оиша, Абу Зарр, Жобир, Анас, Усома ибн Шарик, Муоз, Умайр ибн Қатода, Абу Саълаба Ҳашаний каби саҳоба  $\text{ﷺ}$ лардан кўп ҳадислар ривоят қилинган. Бу ҳадисларнинг ҳаммаси ҳасан ҳадислар.

### **1) Гўзал ҳисобланадиган хулқлар**

#### **а) Ҳаё:**

• Ибн Умар  $\text{ﷺ}$  ривоят қилишича, Пайғамбар  $\text{ﷺ}$  бир ансорийнинг биродарига ҳаё ҳақида насиҳат қилаётгани устидан ўтиб қолиб:

«دَعُهُ فَإِنَّ الْحَيَاءَ مِنَ الْإِيمَانِ»

**«Қўявер уни, чунки ҳаё иймондандир»,** дедилар (муттафақун алайҳ).

• Имрон ибн Ҳусайн ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар  $\text{ﷺ}$ :

«الْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ»

**«Ҳаё фақат яхшилик олиб келади»,** дедилар (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар  $\text{ﷺ}$  шундай деганлар:

«الْإِيمَانُ بَضْعٌ وَسَبْعُونَ - أَوْ بَضْعٌ وَسِتُّونَ - شُعْبَةٌ، فَأَفْضَلُهَا: قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَدْنَاهَا: إِمَاطَةُ الْأَذَى عَنِ الطَّرِيقِ، وَالْحَيَاءُ شُعْبَةٌ مِنَ الْإِيمَانِ»

**«Иймон етмиш (олтмиш) неча шохобчага булинади. Унинг энг афзали Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, демоқдир. Энг қуйиси йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашдир. Ҳаё ҳам иймоннинг бир қисмидир»** (муттафақун алайҳ).

#### **б) Ҳалимлик, бардошлилик, мулојимлик:**

• Ибн Аббос ва Абу Саъид Худрийдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар  $\text{ﷺ}$  Ашаж Абдул Қайсга:

«إِنَّ فِيكَ لَخَصْلَتَيْنِ يُحِبُّهُمَا اللَّهُ الْحِلْمُ وَالْأَنَانَةُ»

«Сенда Аллоҳ яхши кўрадиган икки хислат бор, улар ҳалимлик ва бардошлиликдир», дедилар. Муслим ривояти.

- Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ»

«Аллоҳ мулойимдир, ҳамма ишда мулойимликни яхши кўради», деганлар (муттафақун алайҳ).

- Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ اللَّهَ رَفِيقٌ يُحِبُّ الرَّفْقَ, وَيُعْطِي عَلَى الرَّفْقِ مَا لَا يُعْطِي عَلَى الْعُنْفِ, وَمَا لَا يُعْطِي عَلَى مَا سِوَاهُ»

«Аллоҳ мулойимдир, мулойимликни яхши кўради, қўполлик орқали эриштирамаган нарсасига ва умуман бошқа нарса орқали эриштирамаган нарсасига мулойимлик орқали эриштиради», деганлар. Муслим ривояти.

- Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ الرَّفْقَ لَا يَكُونُ فِي شَيْءٍ إِلَّا زَانَهُ, وَلَا يُنْزَعُ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا شَانَهُ»

«Қайси бир ишда мулойимлик бўлса, уни безайди, қайси бир ишдан мулойимлик кетса, уни айбли қилиб қўяди», деганлар. Муслим ривояти.

- Жарир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنه, Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг:

«مَنْ يُحْرِمِ الرَّفْقَ يُحْرِمِ الْحَيْرَ»

«Ким мулойимликдан маҳрум бўлса, яхшиликдан маҳрум бўлади», деганларини эшитгандим, дейди. Муслим ривояти.

- Оиша رضي الله عنها Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг мана шу уйимда:

«اللَّهُمَّ مَنْ وَلِيَ مِنْ أَمْرِ أُمَّتِي شَيْئًا فَشَقَّ عَلَيْهِمْ فَاشْتَقُّ عَلَيْهِ, وَمَنْ وَلِيَ مِنْ أَمْرِ أُمَّتِي شَيْئًا فَرَفَقَ بِهِمْ فَارْفُقْ بِهِ»

«Эй Аллоҳим, кимки умматимга бирон ишда раҳбар бўлиб, уларга қўполлик қилса, Сен ҳам унга қўполлик қилгин, кимки бирор ишда умматимга раҳбарлик қилиб, уларга мулойим бўлса, Сен ҳам унга мулойим бўлгин», деганларини эшитганман, дейди. Муслим ривояти.



## **в) Ростгўйлик, содиқлик:**

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва (иймонларида) ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!“, [9:119]

﴿فَلَوْ صَدَقُوا اللَّهَ لَكَانَ خَيْرًا لَهُمْ﴾

– „Агар улар Аллоҳга (иймон келтириш ва Унинг жанг қилиш ҳақидаги амрига итоат этишда) содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта ўзлари учун яхшироқ бўлур эди“. [47:21]

- Ибн Масъуд ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «عَلَيْكُمْ بِالصَّدَقِ, فَإِنَّ الصَّدَقَ يَهْدِي إِلَى الْبِرِّ, وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ, وَمَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَصْدُقُ وَيَتَحَرَّى الصَّدَقَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صَدِيقًا...»

«Ростгўйликни маҳкам ушланглар. Чунки ростгўйлик эзгуликка, эзгулик эса жаннатга олиб боради. Модомики киши рост сўзлаб, ростгўйликка риоя қилиб борар экан, бориб-бориб Аллоҳнинг наздида сиддиқ бўлиб ёзилиб қолади...» (муттафақун алайҳ).

- Каъб ибн Молик ривоят қилишича, у Табук ғазотида Пайғамбар ﷺ дан орқада қолган пайтда шундай деган экан: «وَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّمَا أَنْجَانِي اللَّهُ بِالصَّدَقِ, وَإِنَّ مِنْ تَوْبَتِي أَنْ لَا أُحَدِّثَ إِلَّا صَدَقًا مَا بَقِيَتْ...»

«Эй Расулаллоҳ, менга Аллоҳ ростгўйлигим туфайли нажот берди. Энди, модомики тирик эканман, фақат ва фақат рост гапни гапиришим менинг бир тавбам бўлсин...» (муттафақун алайҳ).

- Ҳасан ибн Али ؓ ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ дан: «دَعُ مَا يَرِيكَ إِلَى مَا لَا يَرِيكَ, فَإِنَّ الصَّدَقَ طُمَآنِينَةٌ وَالْكَذِبُ رِيَّةٌ»

«Сени шубҳага солаётган нарсани тарк қилиб, ўрнига шубҳага солмайдиган нарсани ол, зеро ростлик хотиржамликдир, ёлгон эса шубҳаланаверишдир», деган ҳадисни ёдлаб олганман». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган.

- Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилади:

«قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَيُّ النَّاسِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: كُلُّ مَخْمُومٍ الْقَلْبِ صَدُوقِ اللِّسَانِ، قَالُوا: صَدُوقِ اللِّسَانِ نَعْرِفُهُ فَمَا مَخْمُومُ الْقَلْبِ؟ قَالَ هُوَ التَّقِيُّ التَّقِيَّ، لَا إِثْمَ فِيهِ، وَلَا بَغْيَ، وَلَا غِلًّا، وَلَا حَسَدًا»

«Эй Расулуллоҳ, одамларнинг қайсиси афзалроқ?», деб сўрадилар. Дедиларки: «Қалби тоза, тили ростгўй одам». «Тили ростгўйнику биламиз, қалби тоза қандай бўлади?», дейилди. «У бир покиза, тақводор қалбдирки, унда на бир жиноят, на бир зўравонлик, на бир оғир олиш ва на бир ҳасадгўйлик бордир», дедилар Пайгамбар ﷺ. Ибн Можа ривояти. Ҳайсамий ҳам, Мунзирий ҳам, унинг исноди саҳиҳ, деганлар.

- Абу Бакр Сиддиқ ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«عَلَيْكُمْ بِالصَّدَقِ، فَإِنَّهُ مَعَ الْبِرِّ، وَهُمَا فِي الْجَنَّةِ...»

«Ростгўйликни маҳкам ушланглар, чунки у эзгулик билан биргадир, иккаласи эса жаннатдадир...», деганлар. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Уни Табароний Мунзирий ва Ҳайсамий ҳасан, деб сифатлаган иснод билан Муовиядан ривоят қилган.

- Абу Саъид Худрий ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّنَ وَالصَّدِيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ»

«Ростгўй-қалол савдогар пайгамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар билан биргадир», деганлар. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва ҳасан ҳадис, деган.

**г) Гапни билиб гапириш, етказаетган гапини чуқур текшириб кўриш:**

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ﴾

– „(Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма!“

[17:36]

﴿مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ﴾

– „У (инсон) бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса), унинг олдида ҳозир у нозир бўлган бир қузатгучи (фаришта у сўзни ёзиб олура)“. [50:18]

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«كَفَى بِالْمَرْءِ كَذِبًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ»

«Эшитган гапини гапиравериши кишининг ёлғончилигига кифоя қилади», деганлар. Муслим ривояти.

#### д) Ширинсўзлик:

- Адий ибн Ҳотам رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«اتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ, فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فِكَلِمَةٍ طَيِّبَةٍ»

«Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглар. Кимки уни ҳам топа олмаса, ширин сўз билан сақлансин», деганлар (муттафақун алайҳ).

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«وَالْكَلِمَةُ الطَّيِّبَةُ صَدَقَةٌ»

«Ширин сўз садақадир», деганлар (муттафақун алайҳ).

- Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ فِي الْجَنَّةِ غُرَفًا، يُرَى ظَاهِرُهَا مِنْ بَاطِنِهَا، وَبَاطِنُهَا مِنْ ظَاهِرِهَا، فَقَالَ أَبُو مَالِكٍ الْأَشْعَرِيُّ: لِمَنْ هِيَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: لِمَنْ أَطَابَ الْكَلَامَ، وَأَطْعَمَ الطَّعَامَ، وَبَاتَ قَائِمًا وَالنَّاسُ نِيَامًا»

«Жаннатда ташқариси ичкарисидан, ичкарисиси эса ташқарисидан кўриниб турадиган бир хона бор», дедилар. Шунда Абу Молик Ашъарий: «У ким учун, эй Расулуллоҳ?», деб сўради. Пайғамбар ﷺ: «У сўзини ширин қилган, таом берган, одамлар ухлаб ётган пайтда кечани ибодат билан бедор ўтказган одам учундир», деб жавоб бердилар». Табароний ривояти. Уни Ҳайсамий ва Мунзирий, ҳасан, деган. Ҳоким ҳам уни ривоят қилиб, саҳиҳ, деган.

#### е) Очиқ юзли бўлиш:

- Абу Зарр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا وَلَوْ أَنْ تَلْقَى أَخَاكَ بِوَجْهِ طَلِقٍ»

«Андак (озгина) яхшиликни ҳам, агар у биродарингга очиқ юз билан рўбарў келишинг бўлса ҳам, арзимас деб билма», деганлар. Муслим.

• Жобир ибн Абдуллоҳ ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«كُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ، وَإِنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ أَنْ تَلْقَى أَخَاكَ بِوَجْهِ طَلْقٍ، وَأَنْ تُفْرِغَ مِنْ دَلُوكَ فِي إِئَاءِ أَخِيكَ»

«Ҳар бир яхшилик садақадир. Биродарингга очиқ юз билан рўбарў келишинг ҳам, челагингдан унинг идишига сув қуйиб беришинг ҳам бир яхшиликдир». Аҳмад ривояти. Уни Термизий ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан ҳадис, деган.

• Абу Зарр ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«تَبَسُّمَكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ صَدَقَةٌ...»

«Биродаринг юзига қараб, табассум қилишинг ҳам садақадир...», деганлар. Аҳмад ва ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

• Абу Жарайй ал-Ҳужаймий ривоят қилади:

«أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا قَوْمٌ مِنْ أَهْلِ الْبَادِيَةِ، فَعَلَمْنَا شَيْئًا يَنْفَعُنَا اللَّهُ بِهِ، فَقَالَ: لَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَلَوْ أَنْ تُفْرِغَ مِنْ دَلُوكَ فِي إِئَاءِ الْمُسْتَسْقِي، وَلَوْ أَنْ تُكَلِّمَ أَخَاكَ وَوَجْهَكَ إِلَيْهِ مُنْبَسِطٌ...»

«Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Эй Расулуллоҳ, биз саҳройи одамлармиз, Аллоҳ бизга фойдали қилган нарсани бизга ўргатинг, », дедим. Шунда Пайғамбар ﷺ: «Андак яхшиликни ҳам, агар у сув сўраб келган одамнинг идишига челагингдан сув қуйиб беришинг бўлса ҳам, агарчи у биродарингга очиқ юз билан сўзламоғинг бўлса ҳам, арзимас деб билмагин», дедилар...». Аҳмад ва Абу Довуд ривояти. Термизий ҳам уни ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган. Уни ибн Ҳиббон ҳам ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган.

**ж) Жим турмоқ ва фақат яхши гапни гапирмоқ:**

• Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكَلِّمْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ»

«Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши гап гапирсин ёки жим турсин» (муттафиқун алайҳ).

• Барро ибн Озиб رضي الله عنه ривоят қилади:

«جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عَلَّمَنِي عَمَلًا يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ، قَالَ: إِنْ كُنْتَ أَفْصَرْتَ الْخُطْبَةَ لَقَدْ أَعْرَضْتَ الْمَسْأَلَةَ، أَعْتَقَ النَّسَمَةَ، وَفَكَ الرِّقِيَةَ، فَإِنْ لَمْ تُطِقْ ذَلِكَ فَاطْعِمِ الْجَائِعَ، وَاسْقِ الظَّمْآنَ، وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ، وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ، فَإِنْ لَمْ تُطِقْ ذَلِكَ فَكْفَ لِسَانَكَ إِلَّا عَنْ خَيْرٍ»

«Бир аъробий Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб, менга жаннатга олиб кирадиган амални ургатинг, деди. Шунда у киши: «Гарчи мен хутбани қисқа қилсам ҳам, масалани кенг қилиб бераман: Қул озод қил, бунга кучинг етмаса қорни очга овқат, ташнага сув бер, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтар, бунга ҳам кучинг етмаса, тилингни тий, фақат яхши гапларни гапир», дедилар». Аҳмад ривояти. Ҳайсамий, унинг одамлари ишончли, деган. Уни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ва Байҳақий «аш-Шаъб»да чиқарган.

• Савбон رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«طُوبَى لِمَنْ مَلَكَ نَفْسَهُ، وَوَسَعَهُ بَيْتُهُ، وَبَكَى عَلَى خَطِيئَتِهِ»

«Тилини тия олган, уйи сигдирган, хатосига йиғлаган одамга жаннат бўлсин», деганлар. Бу ҳадисни Табароний ривоят қилган ва исноди ҳасан, деган.

• Билал ибн Ҳорис Музаний رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ الرَّجُلَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ رِضْوَانِ اللَّهِ، مَا كَانَ يَظُنُّ أَنْ تَبْلُغَ مَا بَلَغَتْ، يَكْتُبُ اللَّهُ تَعَالَى لَهُ بِهَا رِضْوَانَهُ إِلَى يَوْمِ يَلْقَاهُ، وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مِنْ سَخَطِ اللَّهِ، مَا كَانَ يَظُنُّ أَنْ تَبْلُغَ مَا بَلَغَتْ، يَكْتُبُ اللَّهُ لَهُ بِهَا سَخَطَهُ إِلَى يَوْمِ يَلْقَاهُ»

«Бир киши Аллоҳ рози бўладиган бир гапни гапиради, бу гапи қаерларга етиб боришини ўйлаб ҳам

кўрмайди. Аллоҳ Таоло унга шу гапи учун Ўзига рўбарў бўладиган кунга қадар Ўз розилигини битади. Яна бир киши Аллоҳ ғазабланадиган бир гапни гапирди. Бу гапи қаерларга етиб боришини уйлаб ҳам кўрмайди. Аллоҳ унга шу гапи учун Ўзига рўбарў бўладиган кунга қадар Ўз ғазабини битади». Молик ривояти. Термизий уни саҳиҳ ҳасан, деган. Насойй, ибн Можа, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилишган. Ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ, деган, Заҳабий уни маъқуллаган.

• Муоз ибн Жабал رضي الله عنه ривоят қилади:

«كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ فِي سَفَرٍ، فَأَصْبَحْتُ يَوْمًا قَرِيبًا مِنْهُ وَنَحْنُ نَسِيرٌ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ وَيُبَاعِدُنِي عَنِ النَّارِ... ثُمَّ قَالَ أَلَا أُخْبِرُكَ بِمَلَكَ ذَلِكَ كُلِّهِ؟ قُلْتُ بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ كُفَّ عَلَيْكَ هَذَا، وَأَشَارَ إِلَى لِسَانِهِ، قُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ وَإِنَّا لَمُؤَاخِدُونَ بِمَا تَنَكَّلَمُ بِهِ؟ قَالَ: تَكَلَّمَ بِهَذَا، وَأَشَارَ إِلَى كَتِفِ النَّاسِ فِي النَّارِ عَلَى وُجُوهِهِمْ، أَوْ قَالَ عَلَى مَنَاخِرِهِمْ، إِلَّا حَصَائِدُ أَلْسِنَتِهِمْ»

«Бир сафарда Пайғамбар ﷺ билан бирга эдим. Бир куни кетаётиб, у кишига яқин бориб қолибман. «Эй Расулуллоҳ, мени жаннатга олиб кирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амални менга айтиб беринг», деган эдим... Кейин менга: «Буларнинг ҳаммасига эришиш йўлини ҳам айтиб берайми?», дедилар. Мен: «Ҳа, айтиб беринг, эй Расулуллоҳ», дедим. У киши: «Мана бунингни тий», деб тилларига ишора қилдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, гапирган гапимиз учун ҳам жазоланамизми?» деган эдим: «Сен улиб, онанг йиглаб қолсин-ей! Одамларни дўзахга юз тубан йиқитадиган ёки бурунларидан тортиб кирадиган нарса тилларининг маҳсулотларидан (яъни, бўҳтон, ёмон гаплардан) бошқа нарса эмасдир», дедилар». Аҳмад, Термизий, Насойй, ибн Можа ривояти. Термизий уни, саҳиҳ ҳасан, деган.

з) Вафо:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ﴾

– „Эй мўминлар, битимларга (Аллоҳ Таоло билан ўрталарингиздаги битимларга - У Зотга бандалик қилиш ҳақида берган аҳд-паймонларингизга ҳам, ўзаро бир-бирларингиз билан келишиб олган битимларингизга ҳам) вафо қилингиз!“ [5:1]

﴿وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا﴾

– „Аҳдга вафо қилинглар! Зеро, аҳд-паймон (Қиёмат Кунни) масъул бўлинадиган ишдир.“ [17:34]

#### к) Худо учун ғазабланиш:

- Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنه ривоят қилади:

«كَسَانِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ حُلَّةَ سِبْرَاءٍ، فَخَرَجْتُ فِيهَا، فَرَأَيْتُ الْعَضْبَ فِي وَجْهِهِ، فَشَقَقْتُهَا بَيْنَ نَسَائِي»

«Пайгамбар ﷺ менга кийим кийдирдилар, уша кийимда чиққан эдим, у кишининг юзларида ғазабни кўрдим. Кейин уни йиртиб, аёлларимга бўлиб бердим» (муттафақун алайҳ).

- Абу Масъуд Уқба ибн Амр Бадрий رضي الله عنه ривоят қилади:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ: إِنِّي لِأَتَأَخَّرُ عَنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ، مِنْ أَجْلِ فُلَانٍ، مِمَّا يُطِيلُ بِنَا، فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ غَضَبَ فِي مَوْعِظَةٍ قَطُّ أَشَدَّ مِمَّا غَضِبَ يَوْمَئِذٍ، فَقَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ، إِنَّ مِنْكُمْ مُنْفِرِينَ، فَأَيُّكُمْ أَمَّ النَّاسَ فَلْيُوجِزْ، فَإِنَّ مِنْ وَرَائِهِ الْكَبِيرَ وَالضَّعِيفَ وَذَا الْحَاجَةِ»

«Бир киши Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб: «Фалончи туфайли мен бомдод намозига кечикиб келаман, у узайтириб юборади», деди. Пайгамбар ﷺнинг ҳеч бир мавъизаларида уша кундагидек ғазабланганларини кўрмаганман. Ушанда: «Эй одамлар, айримларинглар одамларни диндан бездириб қўйяптилар. Қайси биринглар одамларга имом бўлса, қисқа қилсин, чунки унинг орқасида қарилар,

ногиронлар, ҳожатмандлар бордир», дедилар» (муттафақун алайх).

• Оиша رضي الله عنها ривоят қилади:

«قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ سَفَرٍ، وَقَدْ سَتَرْتُ سَهْوَةً لِي بِقِرَامٍ فِيهِ تَمَائِيلٌ، فَلَمَّا رَأَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ هَتَكَهُ وَتَلَوْنَ وَجْهَهُ وَقَالَ: يَا عَائِشَةُ، أَشَدُّ النَّاسِ عَذَابًا عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ الَّذِينَ يُضَاهَوْنَ بِخَلْقِ اللَّهِ»

«Пайгамбар صلى الله عليه وسلم сафардан келганларида (уйнайдиған тўп) тошчаларимни ҳайкалларнинг расми бор қизил чойшаб билан беркитдим. Уни кўриб, йиртиб ташладилар ва юзларининг туси ўзгариб: «Эй Оиша, қиёмат кунида Аллоҳнинг олдида энг қаттиқ азобланадиган кишилар яратувчиликда Аллоҳга ўхшамоқчи бўлган кимсалардир», дедилар» (муттафақун алайх).

**л) Мўминлар ҳақида яхши гумонда бўлиш:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَوْلَا إِذْ سَمِعْتُمُوهُ ظَنَّ الْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَأَنْفُسِهِمْ خَيْرًا﴾

– „(Эй мўминлар), сизлар (бу бўҳтонни) эшитган пайтингизда мўмин ва мўминалар бир-бирлари ҳақида яхшиликни ўйласалар бўлмасмиди?!“ [24:12]

**м) Яхши қўшничилик қилиш:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَاعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنْبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ﴾

– „Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қўлларингизга яхшилик қилингиз“. [4:36]

• Ибн Умар ва Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар صلى الله عليه وسلم:



«مَا زَالَ جَبْرِيلُ يُوصِيَنِي بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيُورِنُهُ»

«Жаброил менга ҳадеб қўшни ҳақида тавсиялар бераверганидан қўшни ҳам мерос оладиган бўлса керак, деган гумонгача бориб етдим», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Абу Шурайҳ Хузойй ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ...»

«Ким Аллоҳга ва Охират кунига ишонса, қўшнисига яхшилиқ қилсин», деганлар. Бухорий ривоятида:

«فَلْيَكْرِمْ جَارَهُ»

«Қўшнисини сийласин», дейилади (муттафақун алайҳ).

• Анас ﷺдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا يُؤْمِنُ عَبْدٌ حَتَّى يُحِبَّ لِحَارِهِ أَوْ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ»

«Жоним Унинг қўлида бўлган зотга қасамки, бир банда ўзи учун яхши кўрган нарсасини қўшнисини ёки биродари учун ҳам яхши кўрмагунча, мўмин бўлмайди», деганлар. Муслимдан.

• Абдуллоҳ ибн Амр ﷺдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«خَيْرُ الْأَصْحَابِ عِنْدَ اللَّهِ خَيْرُهُمْ لِصَاحِبِهِ، وَخَيْرُ الْجِيرَانِ عِنْدَ اللَّهِ خَيْرُهُمْ لِحَارِهِ»

«Аллоҳнинг наздида дўстларнинг яхшиси дўсти учун яхши бўлганидир, Аллоҳнинг наздида қўшнилари яхшиси қўшнисини учун яхши бўлганидир», деганлар. Ибн Ҳузайма, ибн Ҳиббон, Аҳмад ва Дорамий ривоятлари. Ҳоким уни Муслим шартига кўра, саҳиҳ, деган.

• Саъд ибн Абу Ваққос ﷺ ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَرْبَعٌ مِنَ السَّعَادَةِ: الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ، وَالْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ، وَالْجَارُ الصَّالِحُ وَالْمَرْكَبُ الْهَنِيءُ...»

«Турт нарса саодат нишонасидир: Солиҳа аёл, кенг уй, яхши қўшни ва қулай улов». Бу ҳадисни ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Аҳмад уни саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

- Нофеъ ибн Ҳорис ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:  
«مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ الْجَارُ الصَّالِحُ وَالْمَرْكَبُ الْهَيِّءُ وَالْمَسْكَنُ الْوَاسِعُ»

«Яхши қўшни, қулай улов ва кенг уй кишининг бахтидир», деганлар. Аҳмад ривояти. Мунзирий ва Ҳайсамий, унинг одамлари саҳиҳ ҳадиснинг одамларидир, деган.

- Абу Заррдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:  
«يَا أَبَا ذَرٍّ، إِذَا طَبَخْتَ مَرَقَةً فَأَكْثِرْ مَاءَهَا، وَتَعَاهَدْ حَيْرَانَكَ»

«Эй Абу Зарр, шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қуй, қўшнилари билан баҳам кўр», деганлар. Муслимдан.

- Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«يَا نِسَاءَ الْمُسْلِمَاتِ، لَا تَحْقِرَنَّ جَارَةً لِحَارَتِهَا وَلَوْ فَرَسِنَ شَاةً»

«Эй мусулмон аёллари, аёл киши қўшни аёлни ҳақир санамасин, гарчи улар қўй боқувчи бўлсалар ҳам» деганлар, (муттафақун алайҳ).

- Оиша رضي الله عنها ривоят қиладилар: Эй Расулulloҳ, менинг икки қўшним бор, қайси бирига нарса бераман, деб сўраган эдим,

«إِلَى أَقْرَبِهِمَا مِنْكَ يَا أَبَا»

«Қайси бирининг эшиги сенга яқинроқ бўлса, ушанисига», деб жавоб бердилар. Бухорийдан.

#### н) Омонатдорлик:

- Аллоҳ Таоло айтади:

«إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُكُمْ أَنْ تُؤَدُّوا الْأَمَانَاتِ إِلَىٰ أَهْلِهَا»

– „Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга буюради.“ [4:58]

- Ҳузайфа رضي الله عنه ривоят қилади:

«جاء أهل نجران إلى النبي ﷺ فقالوا: ابعت لنا رجلاً أميناً، فقال لأبعثن إليكم رجلاً أميناً حق أمين، فاستشرف له الناس، فبعث أبا عبيدة بن الجراح»

«Нажрон аҳли Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келишиб, бизга бир омонатдор одамни юборинг, дейишди. Шунда Пайгамбар ﷺ сизларга ҳақиқий омонатдор одамни юбораман, дедилар. Ҳамма уша бўлишга интиларди. Шунда у киши Абу Убайда ибн Жарроҳни юбордилар» (муттафақун алайҳ).

• Абу Зарр رضي الله عنه ривоят қилади:

«قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَا تَسْتَعْمِلُنِي، قَالَ فَضْرَبَ بِيَدِهِ عَلَيَّ مِنْكَيْي، ثُمَّ قَالَ: يَا أَبَا ذَرٍّ، إِنَّكَ ضَعِيفٌ، وَإِنَّهَا أَمَانَةٌ، وَإِنَّهَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ خِزْيٌ وَنَدَامَةٌ، إِلَّا مَنْ أَخَذَهَا بِحَقِّهَا، وَأَدَّى الَّذِي عَلَيْهِ فِيهَا»

«Мен: «Эй Расулуллоҳ мени ҳам ҳоким қилмайсизми?», дедим. У киши елкамга уриб: «Эй Абу Зарр, сен заифсан. Ҳокимлик омонат дир, кимки уни етарли даражада эътибор билан қабул қилиб олиб, устига юкланган бурчни адо этмаса, қиёмат кунида у шармандалик ва надоматдир», дедилар». (Муслимдан).

• Ҳузайфа ибн Ямон رضي الله عنهдан ривоят қилинишича, у киши шундай деди: Бизга Пайгамбар ﷺ икки ҳадисни айтган эдилар, мен улардан биттасини кўрдим, иккинчисини эса кутяпман. Пайгамбаримиз ﷺ бизга шундай дедилар:

«أَنَّ الْأَمَانَةَ نَزَلَتْ فِي جَذْرِ قُلُوبِ الرَّجَالِ...»

«Омонат эр кишиларнинг қалби тўрига жойланган...» (муттафақун алайҳ)

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ атрофларидаги умматга шундай деганлар:

«اَكْفَلُوا لِي بَسْتٍ أَكْفَلُ لَكُمْ الْجَنَّةَ، قُلْتُ: مَا هُنَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الصَّلَاةُ، وَالزَّكَاةُ، وَالْأَمَانَةُ، وَالْفَرَجُ، وَالْبَطْنُ، وَاللِّسَانُ»

«Менга олти нарсага кафолат беринглар, мен сизлар учун жаннатга кафил бўламан. Мен: «Улар қайсилар, эй Расулуллоҳ?», деб сўраган эдим: «Намоз, закот,

**омонат, фарж, қорин ва тил» деб жавоб бердилар».** Табароний ривояти. Мунзирий, унинг исноди бўлаверадиган, деган. Ҳайсамий уни, ҳасан, деган.

Омонат шаръий таклифлардир. Яна бир қавлда уларга итоат қилишдир, дейилган. У ҳамма буйруқ ва тақиқларни ўз ичига олади. Халифа, волий, ҳоким, қози, шўро мажлисининг аъзоси, лашкар амири, элчи, намоз ўқигувчи, рўза тутувчи, ҳаж қилувчи, закот берувчи, даъват этувчи, одамларга эзгуликни ўргатувчи, толиби илм, муфтий, вақфнинг мутаваллиси, байтул-молнинг эгаси, сотувчи, чамаловчи, закотлар бўйича иш юритувчи, хирожий ерларнинг бошқарувчиси, мужтаҳид, муҳаддис, муаррих, сиёсат ёзувчи, ўлжалар бўйича иш юритувчи, корхона мудир, ваколат бериш вазири, ижро этиш вазири, таржимон, мактабдаги болалар ўқитувчиси, оиласини бошқараётган эркак, эрнинг уйига қараб турган хотин, табиб, доя, дори сотувчи, эмизувчи, шерикчилик қилувчи, ижарага олувчи, дорул-**ХИЛОФАТ**нинг мудир, унинг қўл остидаги мудирлар - савдо-сотиқ мудир, меҳмонхона мудир, гараж мудир, ошхона мудир, қўриқлаш бўлими мудир, овловчи, хотини тарафига ўтаётган киши, сир сақловчи, ахборотчи, хабарлар терувчи, иши тақозоси билан телефон ва интернетда одамларнинг хабарларини эшитадиган журналист ва бошқаларнинг - ҳамма-ҳаммасининг гарданига омонат юклангандир. Демак, омонатнинг шаъни улуғ, майдони кенгдир. Оз ё кўп бўлсин, катта ё кичик бўлсин, мукаллафнинг зиммаси ундан холи бўлмайди.

**о) Тақво қилиш ва шубҳаланмаслик:**

- Хузайфа ибн Ямон ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«فَضْلُ الْعِلْمِ خَيْرٌ مِنْ فَضْلِ الْعِبَادَةِ، وَخَيْرٌ دِينِكُمْ الْوَرَعُ»

**«Илм фазилати ибодат фазилатидан яхшироқдир, динингларнинг энг яхшиси тақводир»**, деганлар. Табароний ва Баззор ривояти. Уни Мунзирий ҳам ҳасан иснод билан ривоят қилган.

- Нўъмон ибн Башир ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ الْحَلَالَ بَيْنَ، وَإِنَّ الْحَرَامَ بَيْنَ، وَبَيْنَهُمَا مُشْتَبِهَاتٌ لَا يَعْلَمُهُنَّ كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ، فَمَنْ اتَّقَى الشُّبُهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ، وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ وَقَعَ فِي الْحَرَامِ، كَالرَّاعِي يَرَعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يَرْتَعَ فِيهِ، أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمَى، أَلَا وَإِنَّ حِمَى اللَّهِ مَحَارِمُهُ، أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ»

«Ҳалол аниқ ва равшандир. Ҳаром ҳам аниқ ва равшандир. Унинг ўртасида шубҳали нарсалар борки, кўп одамлар уни билмайдилар. Қимки шубҳалардан эҳтиётланса, дини ва обрусининг софлигини сақлаб қолибди. Қимки шубҳаларга тушиб қолса, ҳаромга тушиб қолибди. Қўриқхона атрофида қуй боқиб юрган чўпонга ўхшабки, қўйлари уша тарафга ўтлаб кетай дейди. Огоҳ бўлингларки, ҳар бир подшоҳнинг бир қўриқхонаси бордир. Огоҳ бўлингларки, Аллоҳнинг қўриқхонаси У ҳаром қилган ишлардир. Огоҳ бўлингларки, жасадда бир парча гўшт бўлиб, агар у унганса, бутун жасад унғланади, агар у бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлингларки, у қалбдир» (муттафақун алайҳ).

• Наввос ибн Самъон ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«الْبِرُّ حُسْنُ الْخُلُقِ، وَالْإِيمَانُ مَا حَاكَ فِي صَدْرِكَ، وَكَرِهْتَ أَنْ يَطَّلِعَ عَلَيْهِ النَّاسُ»

«Яхшилик гўзал хулқдир. Гуноҳ эса ичингда тугун бўлиб турган, одамларнинг ундан огоҳ бўлиб қолишларидан чўчиган ишингдир», дедилар. Муслимдан.

• Вобиса ибн Муаббад ﷺ ривоят қилади: «Савобдан ҳам, гуноҳдан ҳам ҳеч нарсани қолдирмасдан ҳаммасини сўрамоқчи бўлиб, Пайғамбар ﷺнинг олдларига борган эдим, менга:

«إِذْ يَا وَابِصَةٌ، فَدَنَوْتُ مِنْهُ حَتَّى مَسَّتْ رُكْبَتِي رُكْبَتَهُ، فَقَالَ لِي: يَا وَابِصَةُ أَخْبِرْكَ عَمَّا جِئْتَ تَسْأَلُ عَنْهُ؟ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَخْبِرْنِي، قَالَ: جِئْتَ تَسْأَلُ عَنِ الْبِرِّ وَالْإِيمَانِ، قُلْتُ: نَعَمْ، فَجَمَعَ أَصَابِعَهُ الثَّلَاثَ فَجَعَلَ يَنْكُتُ بِهَا صَدْرِي وَيَقُولُ: يَا

وَإِبْصَةً اسْتَنْتَفَيْتَ لِقَلْبِكَ، الْبِرُّ مَا أَطْمَأَنَّ إِلَيْهِ النَّفْسُ، وَأَطْمَأَنَّتَ إِلَيْهِ الْقَلْبُ، وَالْإِنَّمُ مَا حَاكَ فِي الْقَلْبِ، وَتَرَدَّدَ فِي الصَّدْرِ، وَإِنْ أَفْتَاكَ النَّاسُ وَأَفْتَوْكَ»

«Яқинроқ кел, эй Вобиса», дедилар. Мен у кишига яқин бордим, ҳатто тиззам тиззаларига тегди. Менга: «Эй Вобиса, нимани сўраб келганингни айтайми?», дедилар. Мен: «Ҳа, эй Расулуллоҳ, айтинг», дедим. У киши: «Савоб ва гуноҳ ҳақида сўрагани келдинг», дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. Учта бармоқларини тўплаб, улар билан куксимга нуқиб: «Эй Вобиса, қалбингдан фатво сўра. Одамлар ҳар қанча фатво бермасин, савоб бу - қалбинг таскин топган, ва хотиржам бўлган нарсадир, гуноҳ эса қалбингда тугун бўлиб, ичингда иккиланишни пайдо қилган ишдир», дедилар». Мунзирий айтадики, Аҳмад уни ҳасан иснод билан ривоят қилган. Нававий айтадики, бу ҳасан ҳадисни Аҳмад ва Дорамийлар ўзларининг «Муснад»ларида ривоят қилишган.

• Абу Саълаба Ҳошоний رضي الله عنه ривоят қилади: «Мен: «Эй Расулуллоҳ, менга нима ҳалолу, нима ҳаромлигини айтиб беринг», деган эдим, у киши:

«الْبِرُّ مَا سَكَتَ إِلَيْهِ النَّفْسُ، وَأَطْمَأَنَّ إِلَيْهِ الْقَلْبُ، وَالْإِنَّمُ مَا لَمْ تَسْكُنْ إِلَيْهِ النَّفْسُ، وَكَمْ يَطْمِئِنُّ إِلَيْهِ الْقَلْبُ، وَإِنْ أَفْتَاكَ الْمُفْتُونَ»

«Муфтийлар ҳар кимга фатво бермасин, савоб бу - ичингга таскин, қалбингга хотиржамлик берган ишдир-нарсадир, гуноҳ эса ичингга таскин, қалбингга хотиржамлик бермаган ишдир-нарсадир», дедилар». Мунзирий айтадики, уни Аҳмад ишончли санад билан ривоят қилган. Ҳайсамий айтадики, уни Аҳмад ва Табароний ривоят қилган. «Саҳиҳ»да унинг дастлабки қисми бор, одамлари ишончли.

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«وَجَدَ تَمْرَةً فِي الطَّرِيقِ فَقَالَ: لَوْلَا أَنِّي أَخَافُ أَنْ تَكُونَ مِنَ الصَّدَقَةِ لَأَكَلْتُهَا»

«Пайғамбар صلى الله عليه وسلم йулдан бир хурмо топиб олиб: «Агар бунинг садақа бўлиши мумкинлигидан қўрқмаганимда, уни еган булардим», дедилар» (муттафақун алайҳ).

- Ҳасан ибн Али رضي الله عنه ривоят қилади: Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан:

«دَعَّ مَا يَرِيكَ إِلَى مَا لَا يَرِيكَ»

«Сени шубҳага солаётган нарсани тарк қил, шубҳага солмайдиган нарсани ол», деган ҳадисни ёдлаб олдим. Термизий, ибн Ҳиббон ривояти. Термизий уни, саҳиҳ ҳасан, деган. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Уни Насоий ҳам ривоят қилган.

- Атийя ибн Урва Саъдий رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«لَا يَبْلُغُ الْعَبْدُ أَنْ يَكُونَ مِنَ الْمُتَّقِينَ، حَتَّى يَدَعَ مَا لَا بَأْسَ بِهِ حَذْرًا لِمَا بِهِ بَأْسٌ»

«Банда ҳечқиси йўқ нарсани-ишни, ҳечқиси бўлиб қолишидан эҳтиётланиб, тарк қилмагунча, тақводорлардан булиш даражасига етмайди», деганлар. Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган.

- Абу Умома رضي الله عنه ривоят қилади:

«سَأَلَ رَجُلٌ النَّبِيَّ ﷺ مَا الْإِيمَانُ؟ قَالَ: إِذَا حَاكَ فِي نَفْسِكَ شَيْءٌ فَدَعَهُ، قَالَ فَمَا الْإِيمَانُ؟ قَالَ: إِذَا سَاءَتْكَ سَيِّئَتِكَ وَسَرَّتَكَ حَسَنَتِكَ فَأَذَتْ مُؤْمِنٌ»

«Бир киши Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан «Гуноҳ нима?», деб сўраган эди: «Агар ичингда бир нарса тугун бўлиб туриб қолса, уни тарк қил», дедилар. «Иймон нима?», деб сўраган эди: «Агар ёмон ишинг сени хафа қилса, яхши ишинг эса хурсанд қилса, демак, сен мўминсан», дедилар». Мунзирий айтадики, бу ҳадисни Аҳмад саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.

**п) Олимларни, фозилларни ва катта ёшлиларни улуғлаш:**

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ إِنَّمَا يَتَذَكَّرُ أُولُو الْأَلْبَابِ﴾

– „Айтинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурулар»“.

[39:9]

- Жобир رضي الله عنه ривоят қилади: Пайғамбар صلى الله عليه وسلم Уҳудда ҳалок бўлганлардан икки кишини бир қилиб:

«أَيُّهُمَا أَكْثَرُ أَخْذًا لِلْقُرْآنِ؟ فَإِذَا أُشِيرَ إِلَى أَحَدِهِمَا قَدَّمَهُ فِي اللَّحْدِ»

«Қайси бири Қуръонни кўпроқ ушларди?», деб сўрадилар. Улардан бирига ишора қилинса, ушанисини аввал лаҳадга қўярдилар». Бухорийдан.

• Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«الْبِرْكَةُ فِي أَكْبَرِكُمْ»

«Барака катталарингиздадир», деганлар. Ҳоким, ибн Ҳиббондан. Ҳоким уни Бухорий шартига кўра, саҳиҳ, деган. Ибн Ҳиббон уни ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Ибн Муфлиҳ «Одоб»да исноди ишончли деган.

• Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ حَقَّ كَبِيرَنَا»

«Кичигимизга шафқат қилмаган ва каттамизнинг ҳаққини билмаган одам биздан эмас», дедилар. Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган.

• Убода Ибн Сомит رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«لَيْسَ مِنْ أُمَّتِي مَنْ لَمْ يُجِلِّ كَبِيرَنَا، وَيَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ لِعَالِمِنَا حَقَّهُ»

«Каттамизни улуғламаган, кичигимизга шафқат қилмаган ва олимимизнинг ҳаққини билмаган одам менинг умматимдан эмас», дедилар. Мунзирий айтадики, Аҳмад уни ҳасан иснод билан ривоят қилган. Ҳайсамий айтадики, уни Аҳмад ва Табароний ривоят қилганлар, исноди ҳасан.

• Амр ибн Шуайб отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ شَرَفَ كَبِيرَنَا»

«Кичигимизга шафқат қилмаган ва каттамизнинг шарафини билмаган одам биздан эмас», деганлар. Аҳмад, Термизий, Абу Довуд ва Бухорийлардан. Бухорий уни «ал-Адаб ал-муфрад»да чиқарган. Нававий уни, саҳиҳ ҳадис, деган.

• Абдуллоҳ ибн Масъуд رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:



«لَبِنِي مِنْكُمْ أَوْلُو الْأَحْلَامِ وَالتَّهَى، ثُمَّ الَّذِينَ يُلُونَهُمْ ثَلَاثًا، وَإِيَّاكُمْ وَهَيْشَاتِ الْأَسْوَاقِ»

«Менинг ёнимда сизлардан вояга етганлар, мулоҳазалилар турсинлар, кейин уларнинг яқинидагилар», деб уч бора айтиб, (охирда) «Бозорларнинг шовқин-суронларидан узоқ юринглар», деб (қўшиб) қўйдилар. Муслимдан.

• Абу Саъид Самура ибн Жундуб رضي الله عنه ривоят қилади: «Мен Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг даврларида ёш бола эдим. У кишидан ҳадисларни ёдлаб олардим. Мендан ёшлари катта кишилар бўлган пайтлардагина мени гапиришдан қайтарардилар» (муттафақун алайҳ).

• Абу Мусо رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ اللَّهِ إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ، وَحَامِلِ الْقُرْآنِ غَيْرِ الْعَالِي فِيهِ وَلَا الْجَافِي عَنْهُ، وَإِكْرَامَ ذِي السُّلْطَانِ الْمُقْسَطِ»

«Қари мусулмонни сийлаш, Қуръонни ҳаддан ошмасдан, тарк этмасдан ёдлаган ҳофизи Қуръонни сийлаш, адолатли султонни сийлаш Аллоҳни улуғлаш жумласидандир». Абу Довуд ривоят қилган. Нававий уни, ҳасан ҳадис, деган. Ибн Муфлиҳ, ишончли санад билан, деган.

**р) Биродарини ўзи билан тенг кўрмоқ ва ўзидан юқори қўймоқ:**

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади:

«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: إِنِّي مَجْهُودٌ، فَأَرْسَلْ إِلَيَّ بَعْضَ نِسَائِهِ، فَقَالَتْ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا عِنْدِي إِلَّا مَاءٌ، ثُمَّ أَرْسَلْ إِلَيَّ أُخْرَى، فَقَالَتْ مِثْلَ ذَلِكَ، حَتَّى قُلْنَ كُلُّهُنَّ مِثْلَ ذَلِكَ: لَا وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا عِنْدِي إِلَّا مَاءٌ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: مَنْ يُضِيفُ هَذَا اللَّيْلَةَ؟ فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ أَنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَأَنْطَلِقَ بِهِ إِلَى رَحْلِهِ فَقَالَ لَامْرَأَتِهِ: أَكْرَمِي ضَيْفَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ لَامْرَأَتِهِ: هَلْ عِنْدَكَ شَيْءٌ؟ فَقَالَتْ لَا إِلَّا قُوتٌ صِيَانِي، قَالَ غَلِّبِهِمْ بِشَيْءٍ، وَإِذَا أَرَادُوا الْعِشَاءَ»

فَنَوِّمِهِمْ، وَإِذَا دَخَلَ ضَيْفُنَا فَأَطْفِئِ السَّرَاجَ، وَأَرِيهِ أَنَا نَأْكُلُ فَقَعُدُوا وَأَكَلِ الصَّيْفُ  
وَبَاتَا طَاوِئِينَ، فَلَمَّا أَصْبَحَ غَدَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: قَدْ عَجِبَ اللَّهُ مِنْ صَنِيعِكُمَا  
بِضَيْفِكُمَا اللَّيْلَةَ»

«Бир киши Пайгамбаримиз ﷺ олдиларига келиб, ҳолдан тойганини айтди. Аёлларидан бирига одам юборган эдилар, аёллари «Сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, менда сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ», дебди. Иккинчи аёлларига одам юборган эдилар, у ҳам шундай дебди. Борингки ҳамма аёллари худди шундай: «Сизни ҳақ билан юборган зотга қасамки, менда сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ», дебдилар. Шунда Набий ﷺ: «Бу одамни шу кеча ким меҳмон қилади?» дедилар. Бир ансорий «Мен, эй Расулуллоҳ» деб, уни уйига олиб бориб, хотинига: «Расулуллоҳ ﷺнинг меҳмонини сийлагин», деди. Яна бир ривоятда хотинидан: «Уйингда бирор нарсанг борми?» деб суради. У: «Болаларнинг овқатидан бошқа ҳеч вақо йўқ», деб жавоб берди. «Уларни бирор нарса билан юпат, овқатланмоқчи бўлсалар, ухлатиб қўй, меҳмон кирганида чироқни ўчир, унга овқатланаётгандек бўлиб кўринайлик», деди. Улар ўтирдилар. Меҳмон овқатланди. Эр-хотин эса оч ҳолларида тунни ўтказдилар. Тонг отгач, Пайгамбар ﷺнинг олдиларига борган эди, у киши: «Шу кеча меҳмонингларга қилган ишларингдан Аллоҳ ҳайратланди», дедилар» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбаримиз ﷺ:

«طَعَامُ الْاِثْنَيْنِ كَافِي الثَّلَاثَةِ، وَطَعَامُ الثَّلَاثَةِ كَافِي الْاَرْبَعَةِ»

«Икки кишининг овқати уч кишига ҳам етади. Уч кишининг овқати тўрт кишига ҳам етади», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Абу Саъид Худрий رضي الله عنه ривоят қилади:

«بَيْنَمَا نَحْنُ فِي سَفَرٍ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ، إِذْ جَاءَ رَجُلٌ عَلَى رَاحِلَةٍ لَهُ، فَجَعَلَ يَصْرِفُ بَصْرَهُ يَمِينًا وَشِمَالًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ كَانَ مَعَهُ فَضْلٌ ظَهَرَ فَلْيُعِدْ بِهِ عَلَى مَنْ لَا ظَهَرَ لَهُ، وَمَنْ كَانَ لَهُ فَضْلٌ مِنْ زَادٍ فَلْيُعِدْ بِهِ عَلَى مَنْ لَا زَادَ لَهُ، فَذَكَرَ مِنْ أَصْنَافِ الْمَالِ مَا ذَكَرَ حَتَّى رَأَيْنَا أَنَّهُ لَا حَقَّ لِأَحَدٍ مِنَّا فِي فَضْلٍ»

«Биз бир сафарда Пайгамбаримиз ﷺ билан бирга эдик. Бир киши уловида келиб, ўннга, сўлга жовдираб қаради. Шунда Пайгамбаримиз ﷺ: «Кимнинг эҳтиёж молларидан ортиқчаси бўлса, эҳтиёж моллари йўқ одамга берсин, кимнинг ортиқча озиқ-овқати бўлса, озиқ-овқати йўқ одамларга берсин», деб бир неча хил молларни айтиб ўтдилар. Шундан кейин ҳалиги одам бизни ичимиздан ортиқча нарсаси бор бўлган бир кишига келиб қўшилганини, кўрдик». Муслимдан.

• Абу Мусо ривоят қилган ҳадисда, Пайгамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ الْأَشْعَرِيِّينَ إِذَا أَرْمَلُوا فِي الْعُرُو، أَوْ قَلَّ طَعَامُ عِيَالِهِمْ بِالْمَدِينَةِ، جَمَعُوا مَا كَانَ عِنْدَهُمْ فِي تَوْبٍ وَاحِدٍ، ثُمَّ اقْتَسَمُوهُ بَيْنَهُمْ فِي إِنَاءٍ وَاحِدٍ بِالسَّوِيَّةِ، فَهُمْ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُمْ»

«Ашъарийлар ғазотда тул қолсалар ёки шаҳардаги оилаларининг озиқ-овқати камайиб кетса, ўзларидаги бор нарсани бир кийимга тўплайдилар-да, кейин ўз ораларида битта идишда ҳаммага баб-баробар қилиб тақсимлайдилар. Бас, улар мендандир ва мен уларданман» (муттафақун алайҳ).

**с) Саховатли бўлиш ва яхши ишларга харажатлар қилиш:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ﴾

– „Не бир нарсани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур“, [34:39]

﴿وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَلَأَنْفُسِكُمْ وَمَا تُنْفِقُونَ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ يُوَفَّ إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تُظْلَمُونَ﴾

– „Қандай яхшилик (мол) инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб яхшилик инфоқ-эҳсон қилингиз! Қилган ҳар бир яхшилигингиз сизларга зулм қилинмаган ҳолида ўзингизга тўла-тўқис қайтарилади“, [2:272]

﴿وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ بِهِ عَلِيمٌ﴾

– „... қандай яхшилик қилсангиз, бас, албатта Аллоҳ уни Билгувчидир“, [2:273]

﴿وَأَنْفِقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُسْتَخْلِفِينَ فِيهِ فَالَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَأَنْفَقُوا لَهُمْ أَجْرٌ كَبِيرٌ﴾

– „... ҳамда У Зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан (яъни, вақтинча қўлларингизда турган эрта бир кун сизлар истасангиз-истамасангиз ўзгаларнинг қўлларига ўтиб кетадиган Аллоҳ берган мол-давлатдан) инфоқ-эҳсон қилинглр! Бас, сизлардан иймон келтирган ва инфоқ-эҳсон қилган зотлар учун катта ажр-мукофот бордир“, [57:7]

﴿وَأَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقْتَهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً﴾

– „Биз ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора инфоқ-эҳсон қилган зотлар“, [13:22]

﴿لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ﴾

– „(Эй мўминлар), то сизлар суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз“, [3:92]

﴿مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلٍ فِي

كُلِّ سُنْبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾

– „Аллоҳ Йўлида молларини инфоқ-эҳсон қилган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган етгита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда). Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, Билгувчидир“, [2:261]

﴿وَمَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ ابْتِغَاءَ مَرْضَاةِ اللَّهِ وَتَنْبِيئًا مِنْ أَنْفُسِهِمْ كَمَثَلِ جَنَّةٍ بِرَبْوَةٍ أَصَابَهَا وَابِلٌ فَآتَتْ أُكُلَهَا ضِعْفَيْنِ فَإِن لَّمْ يُصِبْهَا وَابِلٌ فَطُلَّ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ﴾

– „Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотларнинг мисоли худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, хосилини икки баробар қилган боққа ўхшайди. Энди агар унга шаррос қуйган ёмғир тегмаган бўлса, майдалаб ёққан ёмғир (ҳам кифоя қилади). Аллоҳ қилаётган амалингизни Кўргувчидир“, [2:265]

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ سِرًّا وَعَلَانِيَةً فَلَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾

– „Мол-дунёларини кеча-ю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуғ ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар“. [2:274]

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالصَّرَّاءِ وَالْكَاطِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾

– „(У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилиқ қилувчиларни севади“. [3:134]

• Ибн Масъуд ﷺ Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади:

«لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَسَلَّطَهُ عَلَىٰ هَلْكَتِهِ فِي الْحَقِّ، وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ حِكْمَةً فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا»

«Фақат икки кишига ҳасад қилиш мумкин. Биринчиси, Аллоҳ унга мол берган ва у молини ҳақ йўлида сарф этган киши. Иккинчиси, Аллоҳ унга ҳикмат берган ва у ҳикматнинг ҳаққини адо қилиб, бошқаларга ўргатган киши» (муттафақун алайҳ).

• Ибн Масъуд ﷺ ривоят қилади:

«أَيُّكُمْ مَالٌ وَارِثَةٌ أَحَبُّ إِلَيْهِ مِنْ مَالِهِ؟ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا مِنَّا أَحَدٌ إِلَّا مَالُهُ أَحَبُّ إِلَيْهِ، قَالَ: فَإِنَّ مَالَهُ مَا قَدَّمَ وَمَالٌ وَارِثَةٌ مَا آخَرَ»

**Пайгамбаримиз ﷺ: «Қайси биринглар учун меросхўрининг моли ўзининг молидан кўра суюмлироқдир?», деб сўрадилар. Саҳобалар, эй Расулulloҳ, бизда ундай одам йўқ, ҳаммамиз учун ҳам молимиз суюмлироқ», дейишди. Шунда у киши: «Охират учун сарфланган мол кишининг ўз молидир, дунё учун сарфланган мол меросхўрининг молидир», дедилар». Бухорий.**

• Адий ибн Ҳотим ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«اتَّقُوا النَّارَ وَلَوْ بِشِقِّ تَمْرَةٍ»

**«Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланинглр», деганлар (муттафақун алайҳ).**

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ، فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا لِلَّهِمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ لِلَّهِمَّ أَعْطِ مُمَسِّكًا تَلْفًا»

**«Бандалар тонг оттирадиган ҳар бир кунда икки фаришта тушиб, улардан бири: «Эй Аллоҳим, сахийга сарфлаганининг ўрнига бошқасини бер» деб, иккинчиси эса: «Эй Аллоҳим, бахилга талофат бер», деб дуо қиладилар» (муттафақун алайҳ).**

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنْفِقْ يَا ابْنَ آدَمَ أَنْفِقْ عَلَيْكَ»

**«Аллоҳ Таоло айтади: «Эй Одам боласи, эҳсон қил, Мен ҳам сенга эҳсон қиламан» (муттафақун алайҳ).**

• Яна бир муттафақун алайҳ ҳадисда келади:

«أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ: أَيُّ الْإِسْلَامِ خَيْرٌ؟ قَالَ: تُطْعِمُ الطَّعَامَ، وَتَقْرَأُ السَّلَامَ عَلَيَّ مَنْ عَرَفْتَهُ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ»

«Бир киши Пайғамбаримиз ﷺдан «Қайси Ислом яхши?», деб сўради. Шунда у киши: «Таом бермоғинг ва таниган-танимаганингга салом бермоғинг», деб жавоб бердилар».

• Абу Умома Содий ибн Ажалон ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَا ابْنَ آدَمَ، إِنَّكَ أَنْ تَبْدَلَ الْفَضْلَ خَيْرٌ لَكَ، وَأَنْ تُمْسِكَ شَرٌّ لَكَ، وَلَا تُلَامُ عَلَى كَفَافٍ، وَأَبْدَأُ بِمَنْ تَعُولُ، وَالْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى»

«Эй Одам боласи, сен учун ортиқча нарсани сарфлаб юборганинг яхшиликдир, олиб қолганинг эса ёмонликдир. Етарли давлат билан кифоялансанг, маломат қилинмайсан. Ўз оилангдан (яъни яқинларингдан) бошла. Тепадаги қўл пастдаги қўлдан яхшироқдир». Муслимдан.

• Абдуллоҳ ибн Амр ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«أَرْبَعُونَ خَصْلَةً أَعْلَاهَا مَنِيحَةُ الْعَنْزِ، مَا مِنْ عَامِلٍ يَعْمَلُ بِخَصْلَةٍ مِنْهَا رَجَاءَ ثَوَابِهَا وَتَصَدِيقَ مَوْعُودِهَا، إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ تَعَالَى الْجَنَّةَ»

«Қирқ хислат борки, уларнинг энг юқориси ҳадялар беришдир. Қайси бир амал қиламан деган одам улардан бирига савоб умидида, ваъда қилинган нарсага ишониб туриб амал қилса, Аллоҳ Таоло уни жаннатга албатта киритади». Бухорийдан.

• Абу Бакр Сиддиқ ﷺнинг қизи Асмо ривоят қилади: Менга Пайғамбар ﷺ:

«لَا تُوكِي فُيُوكِي عَلَيْكَ»

«Мешинг оғзини бугиб қўймагин, сенга ҳам мешларининг оғзини бугиб қўядилар», дедилар (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَثَلُ الْبَخِيلِ وَالْمُنْفِقِ كَمَثَلِ رَجُلَيْنِ رَجُلَيْنِ عَلَيْهِمَا جُبَّتَانِ مِنْ حَدِيدٍ مِنْ تُدْيِهِمَا إِلَى تَرَاقِيهِمَا، فَأَمَّا الْمُنْفِقُ فَلَا يُنْفِقُ إِلَّا سَبَعَتْ أَوْ وَفَرَتْ عَلَى جِلْدِهِ حَتَّى تُخْفِيَ بِنَانَهُ»

وَتَعْفُو أَثَرَهُ، وَأَمَّا الْبَحِيلُ فَلَا يُرِيدُ أَنْ يُنْفِقَ شَيْئًا إِلَّا لَرِقَتْ كُلُّ حَلَقَةٍ مَكَانَهَا فَهُوَ  
يُوسِعُهَا وَلَا تَتَّسِعُ»

«Бахил билан сахий кипининг мисоли кўксиларидан ўмрови (яъни, бўйни)гача совут кийган икки киши кабидир. Сахий саховат қилгани сари совути кенгайиб, тўлалашиб бармоқларини ҳам ёпишгача, изи қолмайдиган даражагача боради. Бахил эса бахиллик қилгани сари совутининг ҳар бир халқаси ўз жойига ёпишиб қолиб, кенгайтирмоқчи бўлади-ю, аммо кенгаймайди» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«مَنْ تَصَدَّقَ بَعْدَ تَمْرَةٍ مِنْ كَسْبٍ طَيِّبٍ، وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ، فَإِنَّ اللَّهَ يَقْبَلُهَا بِيَمِينِهِ ثُمَّ يُرَبِّبُهَا لِصَاحِبِهِ كَمَا يُرَبِّي أَحَدَكُمْ فَلَوْهَ حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ»

«Кимки ҳалол касбидан бир хурмочалик нарсани садақа қилса, (Аллоҳ фақат ҳалолни қабул қилади, холос), Аллоҳ уни ўнг қўли билан қабул қилиб олиб, бировингиз тойчоғини катта қилгани каби тоғдек бўлгунига қадар катта қилиб беради» (муттафақун алайҳ).

#### т) Жоҳилдан юз ўгириш:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَعْرِضْ عَنِ الْجَاهِلِينَ﴾

– „... ва жоҳиллардан юз ўгиринг!“ [7:199]

﴿وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا﴾

– „Жоҳил кимсалар уларга (бемаъни) хитоблар қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар», деб жавоб қиладиган кишилар (Раҳмоннинг суюкли бандаларидир)“ [25:63]

#### у) Итоат этиш:

• Итоат этиш икки турлидир: Биринчиси ҳеч нарса билан чекланмаган мутлақ итоат. У Аллоҳ ва Расулига мутлақ итоатдир. Иккинчиси эса савоб иш билан чекланган бўлиб, унга гуноҳ ишларда итоат этилмайди. У ота-онага, эрга ва



бошқага итоат қилишдир. Бу итоатларнинг ҳар иккиси вожиб бўлиб, далиллари маълум ва машҳурдур.

Юқоридагилар айрим мақтовга лойиқ хулқлар эди. **Энди қуйида мазаммат қилинган (қайтарилган) хулқлар борасида тўхталиб ўтамыз:**

## **2) Мазаммат қилинган (қайтарилган) хулқлар**

### **а) Ёлгончилик:**

• Ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар:

«... وَإِنَّ الْكُذْبَ يَهْدِي إِلَى الْفُجُورِ, وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ, وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَكْذِبُ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ كَذَابًا»

«... Ёлгончилик ёмонликка, ёмонлик эса дўзахга олиб боради. Киши ёлгон гапираверса, бориб-бориб Аллоҳнинг наздида казоб бўлиб ёзилиб қолади» (муттафақун алайҳ).

• Ҳасан ибн Али رضي الله عنه ривоят қилади: Расулulloҳ ﷺнинг:

«دَعُ مَا يَرِيْبُكَ إِلَى مَا لَا يَرِيْبُكَ, فَإِنَّ الصِّدْقَ طُمَأْنِينَةٌ, وَالْكَذِبَ رِيْبَةٌ»

«Сени шубҳага солаётган нарсани тарк қил, шубҳага солмайдиган нарсани ол, зеро ростлик хотиржамликдир, ёлгон эса шубҳаланишдир», деган ҳадисларини ёдлаб олдим. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ ҳасан, деган.

• Муттафақун алайҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا, وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنْ نِفَاقٍ حَتَّى يَدْعَهَا, إِذَا أُوْتِمِنَ خَانَ, وَإِذَا حَدَّثَ كَذَبَ, وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ, وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ»

«Турт иш борки, кимда улар бўлса, ғирт мунофиқ бўлади. Кимда улардан бири булса то тарк қилгунига қадар унда мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади. Улар: омонатга хиёнат қилиш, ёлгон гапириш, аҳдга вафо қилмаслик, баҳслашганда беорлик қилиш».

• Абу Бакр رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم:

«... وَإِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّهُ مَعَ الْفَجُورِ وَهَمَّا فِي النَّارِ»

«... Ёлгондан узоқ юринглар, чунки у ёмонлик билан биргадир, иккаласи эса дузахдадир», деганлар. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Табароний Муовиядан ривоят қилган. Ҳайсамий ва Мунзирий, ҳасан, деган.

• Сумра ибн Жундуб رضي الله عنه ривоят қилади:

«كَانَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مِمَّا يُكْثِرُ أَنْ يَقُولَ لِأَصْحَابِهِ: هَلْ رَأَى أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنْ رُؤْيَا، فَيَقْصُ عَلَيْهِ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقْصَ وَإِنَّهُ قَالَ لَنَا ذَاتَ عَدَاةٍ ... وَأَمَّا الرَّجُلُ الَّذِي أَتَيْتَ عَلَيْهِ يُشْرَسِرُ شِدْقَهُ إِلَى قَفَاهُ، وَمَنْخَرُهُ إِلَى قَفَاهُ وَعَيْنُهُ إِلَى قَفَاهُ، فَإِنَّهُ الرَّجُلُ يَعْدُو مِنْ بَيْنِهِ فَيَكْذِبُ الْكَذْبَةَ تَبْلُغُ الْآفَاقَ ...»

«Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم саҳобаларига: «Сизлардан бировингиз Аллоҳ хоҳлаганча ҳикоя қилиб бериши учун туш кўрадимиз?» деб кўп айтардилар. Бир куни эрталаб бизга: «Ҳагидан гарданигача, бурнидан гарданигача, кўзидан гарданигача ёмонликка ботган одам эрталаб уйдан чиқиб, уфқларга етгулик ёлгонларни гапирган одамдир. Мен бундайларни йўқ қилгани келганман...», дедилар». Бухорийдан.

• Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ مِنْ أَفْرَى الْفَرَى أَنْ يُرِيَ عَيْنَيْهِ مَا لَمْ تَرَ»

«Кўрмаган нарсасини кўрдим, дейиш ёлгонларнинг ёлгонидир», деганлар. Бухорийдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أَوْثَمَنَ خَانَ»

«Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса ёлгон гапирди, ваъда қилса хилоф қилади, омонатга хиёнат қилади» (муттафақун алайҳ).

• Оиша رضي الله عنها ривоят қилади:

«مَا كَانَ مِنْ خُلُقٍ أَبْغَضُ إِلَيَّ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مِنَ الْكَذِبِ، مَا اطَّلَعَ عَلَيَّ أَحَدٌ مِنْ ذَلِكَ بِشَيْءٍ فَيُخْرِجُ مِنْ قَلْبِهِ حَتَّى يَعْلَمَ أَنَّهُ قَدْ أَحْدَثَ تَوْبَةً»

«Пайғамбар ﷺ учун ёлгондан кўра ёмонроқ нарса йўқ эди. Бу борада бирортасидан андак нарсани билиб қолгудек бўлсалар, то уни тавба қилганини билгунларига қадар уни дилларидан чиқариб ташлардилар». Аҳмад ва Баззор ривоятлари. Ибн Ҳиббон уни ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Ҳоким ҳам уни ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган.

• Абу Ҳурайра ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ، وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ، وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: شَيْخُ زَانَ، وَمَلِكٌ كَذَّابٌ، وَعَائِلٌ مُسْتَكْبِرٌ»

«Уч тоифа одам борки, қиёмат кунида Аллоҳ улар билан гаплашмайди, уларни оқламайди, уларга қарамайди ҳам, улар учун аламли азоб бордир. Улар: зинокор чол, ёлгончи подшоҳ, мутакаббир камбағаллардир». Муслимдан.

• Баҳз ибн Ҳаким отасидан, у бобоси Муовия ибн Ҳайдадан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«وَيْلٌ لِّلَّذِي يُحَدِّثُ بِالْحَدِيثِ لِيُضْحِكَ بِهِ الْقَوْمَ فَيَكْذِبُ، وَيْلٌ لَهُ، وَيْلٌ لَهُ»

«Одамларни кулдириш учун ёлгон гапирган кимсанинг ҳолига вой, ҳолига вой, ҳолига вой», дедилар. Термизий, Абу Довуд, Аҳмад, Дорамий ва Байҳақийлар ривояти. Термизий, бу ҳасан ҳадисдир, деган.

• Ҳаким ибн Ҳизам ؓ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«الْبَيْعَانُ بِالْخِيَارِ مَا لَمْ يَتَفَرَّقَا، فَإِنْ صَدَقَ الْبَيْعَانُ وَبَيْنَا بُورِكٌ لَهُمَا فِي بَيْعِهِمَا، وَإِنْ كَتَمَا وَكَذَبَا فَعَسَى أَنْ يَرْبِحَا رِبْحًا، وَيَمْحَقَا بَرَكَةً بَيْعِهِمَا. الْبَيْعَانُ الْفَاجِرَةُ مُنْفَقَةٌ لِلسَّلْعَةِ مُنْحَقَةٌ لِلْكَسْبِ»

«Олди-сотди қилувчилар модомики, ажралмаган эканлар, ихтиёрлидирлар. Агар ҳар иккиси ҳам рост гапириб, очиқ айтган бўлса, савдоларида барака бўлур.

**Агар ёлгон гапириб, яширган булсалар, фойда бўлиши мумкиндир-у, аммо савдонинг баракасани учирадилар. Ёлгон қасам молни ўтказгани билан касби-корнинг баракасани учиради»** (муттафақун алайҳ).

• Рифоа ибн Рофеъ ибн Молик ибн Ажалон Зарқий Ансорий رضي الله عنه ривоят қилади: Пайғамбар صلى الله عليه وسلم билан бирга намоз ўқиладиган жойга чиққандим, у киши одамларнинг олди-сотди қилаётганини кўриб:

«يَا مَعْشَرَ النَّجَّارِ، فَاسْتَجَابُوا لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ، وَرَفَعُوا أَعْنَاقَهُمْ وَأَبْصَرَهُمْ إِلَيْهِ، فَقَالَ: إِنَّ النَّجَّارَ يُعْتَنُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِجَارًا إِلَّا مَنْ اتَّقَى اللَّهَ وَبَرَّ وَصَدَقَ»

**«Эй савдогарлар жамоаси!», дедилар. Ҳамма Пайғамбар صلى الله عليه وسلمга қулоқ солиб, у зот тарафга қараб ўгирилди. Шунда у киши: «Савдогарлар қиёмат куни алдамчилар бўлиб тириладилар, Аллоҳдан тақво қилиб, ҳалоллик билан рост гапириб иш қилганлар бундан мустасно», дедилар».** Термизий, ибн Можа. Термизий уни саҳиҳ ҳасан ҳадис, деган. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Уни Ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий маъқуллаган.

• Абдурахмон ибн Шибл رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ النَّجَّارَ هُمُ الْفُجَّارُ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَيْسَ قَدْ أَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ؟ قَالَ: بَلَى، وَلَكِنَّهُمْ يَحْلِفُونَ فَيَأْتُمُونَ، وَيُحَدِّثُونَ فَيَكْذُبُونَ»

**«Савдогарлар алдамчилардир», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ савдо-сотиқни ҳалол қилган-ку?», дейишди. «Тўғри, аммо улар қасам ичиб гуноҳкор бўладилар, гапирганда алдайдилар», деб жавоб бердилар Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم». Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, деган. Заҳабий ва Аҳмад уни маъқуллаган. Ҳайсамий «Мажмаъ»да, унинг одамлари ишончли, деган. Мунзирий, ишончли санад билан, деган.**

• Абу Зарр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ، وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ، قَالَ فَقَرَأَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، فَقُلْتُ: خَابُوا وَخَسِرُوا، وَمَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الْمُسْبِلُ، وَالْمَتَّانُ، وَالْمُنْفِقُ سَلَعَتَهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ»

«Уч тоифа одам борки, қиёмат кунда Аллоҳ уларга қарамайди, уларни оқламайди, улар учун аламли азоб бордир. Бу гапни уч бор қайтардилар. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, умидсизликка, муваффақиятсизликка учрасинлар, улар кимлар?», деб сўрадим. «Этагини осилтирган, миннат қиладиган, ёлгон билан молини ўтказадиган кимсалардир», деб жавоб бердилар Пайғамбаримиз ﷺ». Муслимдан.

• Салмон رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يَنْظُرُ اللَّهُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أُشِيمَطُ زَانَ، وَعَائِلٌ مُسْتَكْبِرٌ، وَرَجُلٌ جَعَلَ اللَّهُ بَضَاعَتَهُ لَا يَشْتَرِي إِلَّا بِيَمِينِهِ وَلَا يَبِيعُ إِلَّا بِيَمِينِهِ»

«Уч тоифа одам борки, қиёматда Аллоҳ уларга қарамайди. Зинокор чол, мутакаббир камбагал ва Аллоҳ бериб қўйган молни қасам билан сотиб олиб, қасам билан сотадиган кимса». Табароний «ал-Кабир»да келтирган. Мунзирий, унинг одамлари саҳиҳ ҳадис борасида гаплари ҳужжат бўладиган одамлар, деган. Ҳайсамий, унинг одамлари саҳиҳ ҳадиснинг одамлари, деган.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يَكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ: رَجُلٌ حَلَفَ عَلَى سَاعَةٍ لَقَدْ أُعْطِيَ بِهَا أَكْثَرَ مِمَّا أُعْطِيَ وَهُوَ كَاذِبٌ، وَرَجُلٌ حَلَفَ عَلَى يَمِينٍ كَاذِبَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ لِيَقْتَطِعَ بِهَا مَالَ رَجُلٍ مُسْلِمٍ، وَرَجُلٌ مَنَعَ فَضْلَ مَاءٍ، فَيَقُولُ اللَّهُ الْيَوْمَ أَمْنَعُكَ فَضْلِي كَمَا مَنَعْتَ فَضْلَ مَا لَمْ تَعْمَلْ يَدَاكَ»

«Уч тоифа одам борки, қиёматда Аллоҳ улар билан гаплашмайди, уларга қарамайди ҳам. Молини олган нархидан қимматроққа олдим, деб қасам ичган ёлгончи кимса, асрдан кейин мусулмон кишининг молини

тортиб олиш учун ёлгон қасам ичган кимса, ортиқча сувини қизганиб бермаган кимса. У кунда Аллоҳ: «Ушанда қўлларинг билан ишлаб топган ортиқча нарсангни қизганиб бермаганингдек, мана бугун Мен ҳам сени ўз фазлимдан маҳрум қиламан, (ортиқча нарсамни бермайман)», дейди». Бухорийдан. Бухорий ва Муслим уни бошқа лафзлар билан ҳам чиқарган.

• Абу Саъид رضي الله عنه ривоят қилади: Бир аъробий қўй етаклаб ўтиб қолди. Унга, қўйингни уч дирҳамга сотасанми, дедим. У Аллоҳга қасамки, йўқ, деди. Кейин сотиб юборди. Бу иш Пайғамбар ﷺга айтилганда:

«بَاعَ آخِرَتَهُ بِدُنْيَاهُ»

«Охиратини дунёсига сотиб юборибди», дедилар. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

Ёлгон масаласига икки иш алоқадордир:

**Биринчиси: Сўз уйини, шама қилиш:** Бунда сиз зоҳирий ва ботиний маънога эга бўлган сўзни ишлатиб, ботиний маънони ирода қиласиз, тингловчи эса зоҳирий маънони тушуниб олади. Ёки туб ва кўчма маъноли сўзни ишлатиб, кўчма маънони ирода қиласиз, тингловчи эса туб маънони тушуниб олади. Бухорийдаги Анаснинг ҳадисиди келади:

«مَاتَ ابْنٌ لِأَبِي طَلْحَةَ، فَقَالَ: كَيْفَ الْغُلَامُ؟ قَالَتْ أُمُّ سَلِيمٍ: هَدَّاتْ نَفْسُهُ وَأَرْجُو أَنْ يَكُونَ قَدْ اسْتَرَّاحَ، وَظَنَّ أَنَّهَا صَادِقَةٌ»

«Абу Талҳанинг ўгли ўлиб қолди. «Бола қалай?», деб сўраган эди, Умму Салим: «Нафаси тинчиб қолди, ором олиб қолди, деб умид қиламан», деди. Абу Талҳа уни рост гапиряпти, деб ўйлади». Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»идаги ибн Аббоснинг ҳадисиди келади:

«لَمَّا تَزَلَّتْ تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ جَاءَتْ امْرَأَةٌ أَبِي لَهَبٍ، إِلَى النَّبِيِّ ﷺ وَمَعَهُ أَبُو بَكْرٍ، فَلَمَّا رَأَاهَا أَبُو بَكْرٍ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّهَا امْرَأَةٌ بَدِيعَةٌ، وَأَخَافُ أَنْ تُؤْذِيكَ، فَلَوْ قُفِّمَتْ، قَالَ إِنَّهَا لَنْ تَرَانِي، فَجَاءَتْ، فَقَالَتْ: يَا أَبَا بَكْرٍ إِنَّ صَاحِبَكَ هَجَانِي،

قَالَ: لَا، وَمَا يَقُولُ الشَّعْرُ، قَالَتْ أَنْتَ عِنْدِي مُصَدِّقٌ وَأَنْصَرَفْتُ. فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، لَمْ تَرَكَ؟ قَالَ: لَا، لَمْ يَزَلْ مَلَكٌ يَسْتُرُنِي عَنْهَا بِجَنَاحِهِ»

«Абу Лаҳабнинг қўли қурисин» ояти нозил бўлганда, Абу Лаҳабнинг хотини Пайгамбар ﷺ нинг олдиларига келди. Ёнларида Абу Бакр ҳам бор эди. Уни кўриб: «Эй Расулulloҳ, у жуда беномус хотин, сизга озор бериб қўймаса деб қўрқаман, туриб кетсангиз булармиди?», деди. Пайгамбар ﷺ: «У мени кўрмайди», дедилар. У келиб Абу Бакрга: «Дустинг мени ҳажв қилибди», деди. Абу Бакр: «Йўқ, у шеър айтмайди», деди. Ҳалиги хотин: «Сени ростгўй деб биламан», деб қайтиб кетди. Шунда мен: «Сизни кўрмадия, эй Расулulloҳ», деган эдим: «Бир фаришта қаноти билан мени ундан тўсиб турди», дедилар». Аҳмаднинг Анас رضي الله عنه дан ривоят қилган, Термизийнинг «Шамойил»ида, Бағавийнинг «Шарҳи сунна»сида ва ибн Ҳажар «Исоба»да саҳиҳ деган ҳадисда мана бундай деганлар:

«إِنَّ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الْبَادِيَةِ كَانَ اسْمُهُ زَاهِرًا، كَانَ يُهْدِي لِلنَّبِيِّ ﷺ الْهَدْيَةَ مِنْ الْبَادِيَةِ، فَيَجْهَرُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَرَادَ أَنْ يَخْرُجَ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: إِنَّ زَاهِرًا بَادِيئًا وَنَحْنُ حَاضِرُونَ، وَكَانَ النَّبِيُّ ﷺ يُحِبُّهُ، وَكَانَ رَجُلًا دَمِيمًا فَاتَاهُ النَّبِيُّ ﷺ يَوْمًا، وَهُوَ يَبِيعُ مَتَاعَهُ، فَاحْتَضَنَهُ مِنْ خَلْفِهِ، وَهُوَ لَا يَبْصُرُهُ، فَقَالَ الرَّجُلُ: أَرْسَلَنِي مِنْ هَذَا؟ فَالْتَفَتَ، فَعَرَفَ النَّبِيَّ ﷺ، فَجَعَلَ لَا يَأْلُو مَا أَلْصَقَ ظَهْرَهُ بِصَدْرِ النَّبِيِّ ﷺ حِينَ عَرَفَهُ، وَجَعَلَ النَّبِيُّ ﷺ يَقُولُ مَنْ يَشْتَرِي الْعَبْدَ؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِذَنْ وَاللَّهِ تَجِدُنِي كَاسِدًا، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: لَكِنَّ عِنْدَ اللَّهِ لَسْتُ بِكَاسِدٍ، أَوْ قَالَ: لَكِنَّ عِنْدَ اللَّهِ أَنْتَ غَالٌ»

«Зоҳир исмли бир кўчманчи киши Пайгамбар ﷺ га саҳродан ҳадялар олиб келиб турарди. Чиқиб кетаётганида Пайгамбар ﷺ уни кузатиб қўярдилар ва: «Зоҳир бизнинг кўчманчимиз, биз эса унинг шаҳарлик дўстларимиз», дердилар. Уни яхши кўрардилар. У паст

буйли одам эди. Бир куни у келиб, нарсаларини сотаётган эди, Пайгамбар ﷺ орқа тарафдан бориб, қучоқлаб олдилар. У кўрмай қолиб: «Қуйиб юбор, кимсан?» деди. Кейин Пайгамбар ﷺ эканликларини билиб қолиб, дарров елкасини у кишининг кўксиларига босди. Пайгамбар ﷺ: «Ким қул олади?», дедилар. У: «Эй Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен касод молман», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Лекин сен Аллоҳнинг наздида касод эмассан», дедилар. Яна бир қавлда: «Лекин сен Аллоҳнинг наздида қимматбаҳосан», дедилар. Хуллас, сўз ўйини, шама қилишлар жоиз. Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да саҳиҳ иснод билан Имрон ибн Ҳусайндан, Байҳақий саҳиҳ иснод билан Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهдан қилган ривоятларида:

«إِنَّ فِي الْمَعَارِضِ لَمَنْدُوحَةً عَنِ الْكُذْبِ»

**«Сўз ўйини, шама қилишларда ёлгондан тийилиш бордир»**, дейилган. Бу ҳадис уларда марфуъ эмас.

**Иккинчи: Гапириш мумкин бўлган ёлгон:** Бу иш уч жойда - урушда, одамлар орасини ўнглашда, эр-хотин орасида жоиз бўлади. Муслимда Уқба ибн Абу Муъитнинг қизи Умму Гулсум رضي الله عنها ривоят қилади: «Фақат уч ердагина гапиришга рухсат берилганини эшитганман. Яъни урушда, одамлар орасини ўнглашда, эр хотинига ва хотин эрига гапирганида». Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ:

«الْحَرْبُ خَدَعَةٌ»

**«Уруш алдашдир»**, деганлар (муттафақун алайҳ). Язиднинг қизи Асмо ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ бир хутбаларида шундай деганлар:

«أَيُّهَا النَّاسُ مَا يَحْمِلُكُمْ عَلَى أَنْ تَتَابَعُوا فِي الْكُذْبِ كَمَا يَتَّبَعُ الْفَرَّاشُ فِي النَّارِ كُلُّ الْكُذْبِ يُكْتَبُ عَلَى ابْنِ آدَمَ إِلَّا ثَلَاثَ خِصَالٍ رَجُلٌ كَذَبَ عَلَى امْرَأَتِهِ لِيَرْضِيَهَا أَوْ رَجُلٌ كَذَبَ فِي خَدِيعَةٍ حَرْبٍ أَوْ رَجُلٌ كَذَبَ بَيْنَ امْرَأَتَيْنِ مُسْلِمَتَيْنِ لِيُصْلِحَ بَيْنَهُمَا»



«Эй одамлар, утга парвона булган ҳашаротдек, ёлгонга парвона бўлишга сизларни нима мажбур қиляпти? Уч хислатдан бошқа ҳар бир ёлгон Одам боласининг зарарига ёзилади. Улар: хотинини рози қилиш учун ёлгон гапирган эр, урушда алдаш учун ёлгон гапирган киши ва икки мусулмон орасини унглаш учун ёлгон гапирган кишилардир» (Аҳмад ривоят қилган). Ибн Ҳажар «Фатҳ»да айтади: «Олимлар шунга иттифоқ қилишганки, эр ва хотиннинг ёлгон гапириши бир-бирларининг ҳуқуқларига тажовуз бўлмайдиган жойлардагина мумкин. Ҳаққи бўлмаган нарсага эришиш учун ёлгон гапириш дуруст эмас». Муслимнинг шарҳида Нававий айтади: «Эр-хотин ўртасида ишлатиладиган ёлгон муҳаббат изҳор қилиш, шарт бўлмаган нарсани ваъда қилиш каби ишлардир. Устидаги бурчни бажаришдан қочиб ёки ҳаққи бўлмаган нарсага эришиш учун муғомбирлик қилиш эса мусулмонлар ижмоя билан ҳаромдир». Масалан, устига юкланган сарф-харажатдан қочиб, бозорда йўқ экан, дейиш, эр чақирганда устидаги бурчини бажаришдан қочиб, ҳайз кўриб қолибман, дейиш, хотинининг молидан олиб туриб, олмадим, дейиш, эри ўзи ва болаларини етарлича таъминлаб турса ҳам, эрининг молидан олиб туриб, олмадим, деб тониш - буларнинг ҳаммаси ҳаромдир.

#### **б) Ваъдага хилоф қилиш:**

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ»

«Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса, ёлгон гапиради, ваъда қилса, хилоф қилади, омонат берилса, хиёнат қилади» (муттафақун алайҳ). Бу ердаги мунофиқлик ақидага эмас, амалга алоқадор мунофиқликдир. Яъни амалга алоқадор мунофиқлик ҳаромдир, ақидага алоқадор мунофиқлик куфрдир. Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

#### **в) Ахлоқсизлик ва уят гапларни гапириш:**

• Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... مَهْلًا يَا عَائِشَةُ عَلَيْكَ بِالرَّفْقِ، وَإِيَّاكَ وَالْعُنْفَ وَالْفُحْشَ ...»

«... Секин, эй Оиша, мулойим бул, қўпол ва ахлоқсиз бўлма...», дедилар. (Бухорий). Муслимда яна Оиша ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... مَهْ يَا عَائِشَةُ، فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفُحْشَ وَالتَّفَحُّشَ ...»

«... Ўзингни бос, эй Оиша, чунки Аллоҳ ахлоқсизлик ва уятсиз гаплар гапирилишини ёмон кўради...», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Оиша ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«... إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْزِلَةً عِنْدَ اللَّهِ مَنْ تَرَكَهُ أَوْ وَدَعَهُ النَّاسُ اتِّقَاءَ فُحْشِهِ»

«... Аллоҳнинг наздида энг ёмон ўриндаги одам шундай кимсадирки, одамлар унинг бадхулқлигидан қўрқиб, у билан муомала қилмайдилар» (муттафақун алайҳ).

• Иёз ибн Ҳаммор Мужоший ривоят қилишича, Пайғамбаримиз ﷺ бир хутбаларида:

«... وَأَهْلُ النَّارِ خَمْسَةٌ ... وَالشَّنْظِيرُ الْفَاحِشُ ...»

«... Дузах аҳли беш қисмдур: ... ва ахлоқсиз беномус...», дедилар. Муслим ривояти. Шанзир ёмон хулқли деган маънода.

• Абу Дардо ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... وَإِنَّ اللَّهَ يُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَدِيءَ»

«... Аллоҳ ахлоқсиз беномусни ёмон кўради», деганлар. Термизий ва ибн Ҳиббондан. Термизий уни, саҳиҳ ҳасан, деган.

• Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ، وَالْإِيمَانُ فِي الْجَنَّةِ، وَالْبَدَاءُ مِنَ الْجَفَاءِ، وَالْجَفَاءُ فِي النَّارِ»

«Ҳаё иймондандир, иймон эса жаннатдадир. Беҳаёлик қўполлик-шафқатсизликдир, қўполлик эса дўзахдадир». Аҳмад ҳадисни ровийлари ишончли одамлар бўлган санад билан келтирган. Термизий уни, саҳиҳ ҳасан, деган. Ибн Ҳиббон уни ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган.

• Ибн Масъуд ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَيْسَ الْمُؤْمِنُ بِالطَّعَانِ، وَلَا اللَّعَانَ، وَلَا الْفَاحِشِ، وَلَا الْبَدِيِّ»

«Мўмин киши таҳқирлайдиган, лаънатлайдиган, ахлоқсиз, беномус бўлмайди», деганлар. Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва ҳасан ҳадис, деган.

г) **Сафсатабозлик:** Яъни такаллуф қилиб кўп гапириш.

• Муғййра ибн Шўъба رضي الله عنه Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг:

«إِنَّ اللَّهَ كَرِهَ لَكُمْ ثَلَاثًا: قِيلَ وَقَالَ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ»

«Аллоҳ сизлардаги уч хислатни ёмон кўради, яъни, гап-сўз қилишни, молни беҳудага зое кетказишни ва кўп савол беришни», деганларини эшитдим, деди (муттафақун алайҳ).

• Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ مِنْ أَحَبِّكُمْ إِلَيَّ، وَأَقْرَبِكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ: أَحَاسِنُكُمْ أَخْلَاقًا، وَإِنَّ أَبْغَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْعَدَكُمْ مِنِّي يَوْمَ الْقِيَامَةِ: الثَّرَثَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ وَالْمُتَفَهِّقُونَ»

«Мен учун энг ёқимлигингиз ва қиёмат кунида менга энг яқин ўтирадиганингиз хулқи гўзалингиздир. Мен учун энг ёқимсизингиз ва қиёматда мендан энг узоқ бўладиганингиз сафсата сотувчилар, бекордан бекорга кўп жавровчилар ва вайсақилик қиладиганлар». Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُن فِيهَا، يَزِلُّ بِهَا فِي النَّارِ أَبْعَدَ مَا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ»

«Банда бир гапни нималигини билмасдан гапириб юборади-да, кейин шу гапи туфайли дўзахнинг мағриб билан мағриб орасидан ҳам чуқурроқ ерига бориб тушади» (муттафақун алайҳ).

д) **Мусулмон ёки мусулмонларни таҳқирлаш:**

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم:

«... بِحَسَبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ»

«... Кишининг ёмонлигига муслмон биродарини таҳқирлагани кифоя қилади», дедилар. Муслимдан.

**е) Муслмонни масхаралаш, унинг устидан кулиш:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرُ قَوْمٌ مِنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِنْ نِسَاءٍ عَسَىٰ أَنْ يَكُنَّ خَيْرًا مِنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنْفُسَكُمْ وَلَا تَنَابَرُوا بِالْأَلْقَابِ بِئْسَ الْأَسْمُ الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَنْ لَمْ يَتُبْ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

– „Эй мўминлар, (сизлардан бўлган) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавм устидан масхара қилиб кулмасин - эҳтимолки, (ўша масхара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар. Яна (сизлардан бўлган) аёллар ҳам (бошқа мўмина) аёллар устидан масхара қилиб (кулмасинлар) - эҳтимолки, (ўша масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлсалар. Ўзларингизни (яъни, бир-бирларингизни) мазах қилманглар ва бир-бирларингизга лақаблар қўйиб олманглар! Иймондан кейин фосиқлик билан номланиш (яъни, мўмин кишининг юқорида ман қилинган фосиқона ишлар билан ном чиқариши) нақадар ёмондир. Ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золим кимсалардир“. [49:11]

• Ҳасан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿إِنَّ الْمُسْتَهْزِينَ بِالنَّاسِ، يَفْتَحُ لِأَحَدِهِمْ فِي الْآخِرَةِ بَابٌ مِنَ الْجَنَّةِ، فَيَقَالُ لَهُ: هَلُمَّ هَلُمَّ، فَيَجِيءُ بِكُرْبِهِ وَغَمِّهِ، فَإِذَا جَاءَهُ أُغْلِقَ دُونَهُ، ثُمَّ يُفْتَحُ لَهُ بَابٌ آخَرَ، فَيَقَالُ لَهُ: هَلُمَّ هَلُمَّ، فَيَجِيءُ بِكُرْبِهِ وَغَمِّهِ، فَإِذَا جَاءَهُ أُغْلِقَ دُونَهُ، فَمَا يَزَالُ كَذَلِكَ، حَتَّىٰ إِذَا أَحَدُهُمْ لُفْتُحَ لَهُ بَابٌ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ فَيَقَالُ هَلُمَّ فَمَا يَأْتِيهِ مِنَ الْإِيَّاسِ﴾

«Одамларни масхара қилувчиларга охиратда жаннатдан бир эшик очилиб: «Келаверинглар, келаверинглар», дейилади. Ғам-қайгулари билан ёнига келишганида ёпилиб қолади. Кейин бошқа бир эшик очилиб: «Келаверинглар, келаверинглар», дейилади. Ғам-ташвишлари билан ёнига келишганида, у ҳам ёпилиб қолади. Шу ҳолат давом этаверади. Ҳатто улардан бирига жаннатнинг яна бир эшиги очилиб:

«Келаверинг», дейилганида, ноумид булганидан бормаи қўяди». Байҳақий «аш-Шаъб»да мурсал ҳасан иснод билан чиқарган.

**ж) Мусулмонни очиқчасига ҳақорат қилиш:**

• Восила ибн Асқаъ رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«لَا تُظْهَرُ الشَّمَاتَةُ لِأَخِيكَ فَيَرْحَمَهُ اللَّهُ وَيَبْتَلِيكَ»

«Биродарингни очиқ ҳақорат қилма, яна Аллоҳ унга раҳм қилиб, сени балога гирифтор қилиб қўймасин», Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, деган.

**з) Хиёнат-вафосизлик:**

• Абдуллоҳ ибн Амр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«أَرْبَعٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنَ النَّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا: ... وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ...»

«Турт хислат борки, кимда улар бўлса, ғирт мунофиқ бўлади. Кимда улардан бири бўлса, то уни тарк қилгунига қадар мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади. Улар... аҳдлашса хиёнат қилади...» (муттафақун алайҳ).

• Ибн Масъуд, Ибн Умар, Анас رضي الله عنهمлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُقَالُ: هَذِهِ غَدْرَةُ فُلَانٍ»

«Қиёмат кунда ҳар бир хоиннинг бир байроғи бўлиб: «Мана бу фалончининг хиёнатидир», деб айтиб туради» (муттафақун алайҳ).

• Абу Саъид Худрий رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«لِكُلِّ غَادِرٍ لَوَاءٌ عِنْدَ اسْتِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، يُرْفَعُ لَهُ بِقَدْرِ غَدْرِهِ، أَلَا وَلَا غَادِرٍ أَعْظَمُ غَدْرًا مِنْ أَمِيرِ عَامَةٍ»

«Қиёмат кунда ҳар бир хоиннинг думбасида бир байроғи бўлиб, хиёнатига қараб юқорироқ кутарилиб бораверади. Огоҳ бўлингларки, омма амирининг хиёнатидан кўра буюкроқ хиёнат йўқдир». Муслим.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ثَلَاثَةٌ أَنَا خَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: رَجُلٌ أَعْطَى بِي ثُمَّ عَدَرَ...»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Уч тоифа одам борки, қиёмат кунда Мен уларнинг душманман. Улар Менинг номим билан (ваъда) бериб, кейин хиёнат қилган киши...». Бухорийдан.

• Язид ибн Шарик ривоят қилишича, Али رضي الله عنه минбарда хутба ўқиб: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Аллоҳнинг Китобидан бошқа биз ўқийдиган китоб йўқдир, бу саҳифадаги нарсалар эса...» деб уни очган эди, унда туяларнинг тишлари, жароҳат-яралар ҳақидаги гаплар бўлиб, уларнинг орасида Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг мана бу ҳадислари ҳам бор эди:

«ذِمَّةُ الْمُسْلِمِينَ وَاحِدَةٌ، يَسْعَى بِهَا أَدْنَاهُمْ، فَمَنْ أَخْفَرَ مُسْلِمًا فَعَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ، لَا يَقْبَلُ اللَّهُ مِنْهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَدْلًا وَلَا صِرْفًا...»

«Мусулмонларнинг кафиллиги (ҳамма учун) бирдир. Энг чеккадаги мусулмон ҳам унинг учун ҳаракат қилади. Қимки мусулмоннинг ваъдасини бузса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, одамларнинг - ҳаммасининг лаънати булади, қиёмат куни Аллоҳ унинг тавбасини ҳам, тўлайдиган маблағини ҳам қабул қилмайди...». Муслимдан.

• Абу Бурайда رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«مَا نَقَضَ قَوْمَ الْعَهْدِ إِلَّا كَانَ الْقَتْلُ بَيْنَهُمْ...»

«Қайси бир қавм аҳдни бузса, улар орасида уруш бошланади...», деганлар. Бу ҳадисни Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий муъқуллаган.

• Амр ибн Ҳамқ رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«أَيُّمَا رَجُلٍ أَمَّنَ رَجُلًا عَلَى دَمِهِ، ثُمَّ قَتَلَهُ فَأَنَا مِنَ الْقَاتِلِ بَرِيءٌ وَإِنْ كَانَ الْمَقْتُولُ كَافِرًا»

«Қайси бир одам яна бир одамга, ўлдирмайман, деб омонлик бериб туриб, кейин ўлдирса, гарчи

**ўлдирилган кофир бўлса ҳам, мен қотилдан безорман».**  
Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

• Абу Бакра رضي الله عنه ривоятда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:  
«مَنْ قَتَلَ نَفْسًا مُعَاهِدَةً بِغَيْرِ حَقِّهَا لَمْ يَرِحْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ رِيحَ الْجَنَّةِ لَيُوجَدُ مِنْ  
مَسِيرَةِ خَمْسِ مِائَةِ عَامٍ»

**«Кимки аҳдлашилган жонни ноҳақ ўлдирса, жаннатнинг буйини искамайди. Жаннатнинг буйи беш юз йиллик масофадан келиб туради».** Яна бир ривоятда:  
«مَنْ قَتَلَ مُعَاهِدًا فِي عَهْدِهِ، لَمْ يَرِحْ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ  
خَمْسِ مِائَةِ عَامٍ»

**«Кимки аҳдлашилган одамни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. (Унинг учун) жаннатнинг буйи беш юз йиллик масофа нарида бўлади».** Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

**и) Қилган эҳсони ва бошқа яхшиликларини миннат қилиш:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تُبْطِلُوا صَدَقَاتِكُمْ بِالْمَنِّ وَالْأَذَى﴾

– „Эй мўминлар, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг!“ [2:264]

• Абу Зарр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ، وَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ، قَالَ فَقَرَأَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، قَالَ أَبُو ذَرٍّ: خَابُوا وَخَسِرُوا، مَنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ الْمُسْبِلُ، وَالْمَنَانُ، وَالْمُنْتَفِقُ سَلَعْتَهُ بِالْحَلْفِ الْكَاذِبِ»

**«Уч тоифа одам борки, қиёмат кунида Аллоҳ улар билан гаплашмайди, уларни оқламайди, уларга қарамайди ҳам. Улар учун аламли азоб бордир. Бу гапни уч марта қайтардилар. Абу Зарр: «Ноумидликка учрашсин, ишлари ўнгидан келмасин, улар кимлар, эй Расулulloҳ?», деди. «Этагини осилтириб юрганлар,**

**миннат қилувчилар ва молини ёлгон қасам билан ўтказадиганлар», дедилар Пайғамбар ﷺ. Муслимдан.**

**к) Ҳасад:** Бир одамда мавжуд бўлган неъматнинг йўқ бўлишини орзу қилиш ҳасаддир. Ўша каби неъматнинг ўзида ҳам бўлишини орзу қилиш эса ҳавасдир. Ҳавас қилиш жоиз.

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَمْ يَحْسُدُونَ النَّاسَ عَلَىٰ مَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ﴾

– „Ёки улар одамларга (яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга) Аллоҳ Ўз фазлу қарамидан берган нарсага (яъни, пайғамбарликка) ҳасад қиляптиларми?“ [4:54]

﴿وَمَنْ شَرَّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ﴾

– „Ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан (паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман)“. [113:5]

- Анас ﷺ ривоят қилган ҳадисда, Набий ﷺ:

«... وَلَا تَحَاسَدُوا ...»

**«... Бир-бирларингга ҳасад қилманглар...», деганлар (муттафақун алайҳ).**

• Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган ҳадисда, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿لَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ مٌؤْمِنٍ غُبَارٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَفِيحُ جَهَنَّمَ، وَلَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ الْإِيمَانُ وَالْحَسَدُ﴾

**«Мумин банданинг ичида Аллоҳ йулидаги губор билан жаҳаннамнинг ҳиди бирлашмайди. Банданинг ичида иймон билан ҳасад бирлашмайди».** Аҳмад, Байҳақий, Насоий, ибн Ҳиббон.

- Зумра Ибн Салаба ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ:

﴿لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا لَمْ يَتَحَاسَدُوا﴾

**«Модомики, одамлар бир-бирларига ҳасад қилмас эканлар, яхши бўлиб бораверадилар», деганлар.** Табаронийдан. Мунзирий ва Ҳайсамий, унинг одамлари ишончли, дейишган.

• Зубайр ﷺдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:



«دَبَّ إِلَيْكُمْ دَاءُ الْأُمَّمِ قَبْلَكُمْ: الْحَسَدُ وَالْبُغْضَاءُ، وَالْبُغْضَاءُ هِيَ الْحَالِقَةُ، أَمَا إِنِّي لَا أَقُولُ تَحْلِقُ الشَّعْرَ وَلَكِنْ تَحْلِقُ الدِّينَ»

«Аввалги умматларнинг ҳасад, бир-бирини ёмон кўриш касаллиги сизларгача ўрмалаб келган. Бир-бирини ёмон кўриш ҳолиқадир, яъни, олиб, қириб ташловчидир. Мен сочи олиб, қириб ташловчи деяётганим йўқ, мен динни олиб, қириб ташловчи деяпман». Байҳақий, Баззор. Ҳайсамий ва Мунзирий унинг исноди ишончли, дейишган.

• Абдуллоҳ ибн Амр رضي الله عنه ривоят қилади:  
 «قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ النَّاسِ أَفْضَلُ؟ قَالَ كُلُّ مَخْمُومٍ الْقَلْبِ صَدُوقِ اللِّسَانِ. قَالُوا صَدُوقُ اللِّسَانِ نَعْرِفُهُ فَمَا مَخْمُومُ الْقَلْبِ؟ قَالَ هُوَ التَّقِيُّ التَّقِيُّ لَا إِيْمَ فِيهِ وَلَا بَغْيٍ، وَلَا غِلٍّ، وَلَا حَسَدٍ»

«Пайғамбар ﷺдан «Қайси одамлар фазилатлироқ?», деб сўралган эди: «Қалби тоза, тили ростгўй одам», деб жавоб бердилар. «Тили ростгўйни-ку биламиз, қалби тоза қандай бўлади?», деб сўрашган эди: «У бир тақводор пок инсонки, унда на бир жиноят, на бир зўравонлик, на бир кина ва на бир ҳасад бор», деб жавоб бердилар». Ибн Можадан. Мунзирий ва Ҳайсамий, унинг исноди саҳиҳ, деганлар.

#### л) Фирибгарлик-алдамчилик:

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:  
 «مَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا»

«Қим бизни алдаса, у биздан эмас», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Маъқал ибн Ясор ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:  
 «مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْتَرْعِيهِ اللَّهُ رَعِيَّةً يَمُوتُ يَوْمَ يَمُوتُ وَهُوَ غَاشٌّ لِرَعِيَّتِهِ إِلَّا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ»

«Бир бандага Аллоҳ бир қавми бошқариш (масъулиятини) берса, у улаётиб ўз қавмини алдаса,

**шак-шубҳасиз, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур»**  
(муттафақун алайҳ).

**м) Алдамчилик:**

• Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда  
Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ غَشَّنَا فَلَيْسَ مِنَّا، وَالْمَكْرُ وَالْخِدَاعُ فِي النَّارِ»

**«Ким бизни алдаса, у биздан эмас, айёрлик ва алдамчилик дўзахдадир»,** деганлар. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

• Иёз ибн Ҳаммор Мужошийдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ бир хутбаларида жумладан шундай деганлар:

«... وَأَهْلُ النَّارِ خَمْسَةٌ: ... وَرَجُلٌ لَا يُصْبِحُ وَلَا يُمَسِي إِلَّا وَهُوَ يُخَادِعُ عَنْ أَهْلِكَ وَمَالِكَ...»

**«... Дўзах аҳли беш тоифадир... кечаю кундуз сени оиланг ва молинг борасида алдайдиган киши...».**  
Муслимдан.

• Ибн Умар ﷺ ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺга олди-сотдиларида алдайдиган бир киши хусусида гапирилди. Шунда у киши:

«مَنْ بَايَعْتَ فَقُلْ لَا خِلَابَةَ»

**«Ким билан савдо қилсанг, алдаш йўқ, деб қуй»,**  
дедилар (муттафақун алайҳ).

• Ибн Умар ﷺнинг ривоятида:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى عَنْ التَّجَشُّ»

**«Пайғамбар ﷺ аврашдан қайтарганлар»** (муттафақун алайҳ). Авраш сўзи хусусида Нававий сотиб олиш учун эмас, бошқаларни алдаш ва қизиқтириш учун молнинг нархини ошириш, деган. Ибн Қутайба эса, ҳийла билан энгиш, алдоқчилик, деган.

**н) Худодан бошқаси учун ғазабланиш:**

• Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ ﷺ: أَوْصِنِي قَالَ: لَا تَغْضَبْ، فَرَدَّدَ مَرَارًا قَالَ: لَا تَغْضَبْ»

«Бир киши Пайгамбар ﷺ га: «Менга маслаҳат беринг», деган эди: «Ғазабланма», дедилар. У бир неча марта шу гапани такрорлаган эди, ҳаммасида: «Ғазабланма», деб жавоб бердилар». Бухорийдан.

• Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَيْسَ الشَّدِيدُ بِالصُّرْعَةِ، إِنَّمَا الشَّدِيدُ مَنْ يَمْلِكُ نَفْسَهُ عِنْدَ الْغَضَبِ»

«Курашда йиқитган кучли эмас, ғазабланганда ўзини тута олган кучлидир» (муттафақун алайҳ).

• Абу Саъид Худрий ривоят қилади:

«أَلَا إِنَّ بَنِي آدَمَ خُلِقُوا عَلَى طَبَقَاتٍ، أَلَا وَإِنَّ مِنْهُمْ الْبَطِيءَ الْغَضَبِ سَرِيعَ الْفَيْءِ، وَمِنْهُمْ سَرِيعَ الْغَضَبِ سَرِيعَ الْفَيْءِ، فَبِتَلْكَ بَتَلْكَ، أَلَا وَإِنَّ مِنْهُمْ سَرِيعَ الْغَضَبِ بَطِيءَ الْفَيْءِ، أَلَا وَخَيْرُهُمْ بَطِيءُ الْغَضَبِ سَرِيعَ الْفَيْءِ، وَشَرُّهُمْ سَرِيعَ الْغَضَبِ بَطِيءَ الْفَيْءِ، أَلَا وَإِنَّ الْغَضَبَ جَمْرَةٌ فِي قَلْبِ ابْنِ آدَمَ، أَمَا رَأَيْتُمْ إِلَى حُمْرَةِ عَيْنَيْهِ وَأَنْتِفَاحِ أَوْدَاجِهِ، فَمَنْ أَحْسَبَ بِشَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ، فَلْيَلْصِقْ بِالْأَرْضِ»

«Пайгамбар ﷺ биз билан асрни ўқидилар ва туриб хутба қилдилар. Ўша кундан биз қуйидагиларни ёдлаб олдик: «Огоҳ бўлингларки, Одам болалари бир неча хил бўлиб яратилганлар. Огоҳ бўлингларки, улардан айримларининг ғазабланиши секин, қайтиши эса тез бўлади, айримларининг ғазабланиши ҳам, қайтиши ҳам тез бўлади. Униси буниси билан баб-баробар. Огоҳ бўлингларки, улардан айримларининг ғазаби тез, қайтиши эса секин бўлади. Огоҳ бўлингларки, уларнинг энг яхшиси ғазабланиши секин, қайтиши эса тез бўлгандир, энг ёмони ғазабланиши тез, қайтиши секин бўлгандир. Огоҳ бўлингларки, ғазаб Одам боласи қалбидаги чўғдир. Кўзлар қизариши ва буйиндаги кук томир шишганини кўрмайсизларми? Ким ундан бирор нарсани сезиб қолса, ерга ёпишиб олсин». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилиб, саҳиҳ ҳасан, деган.

• Ибн Умар ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ جُرْعَةٍ أَكْثَمُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ جُرْعَةٍ غِيْظٍ, كَظْمَهَا عَبْدٌ ابْتِغَاءَ وَجْهِ اللَّهِ»

«Аллоҳнинг наздида ғазабни ютишдан кўра буюкроқ ютим йўқдир, агар банда уни Аллоҳнинг юзи учун ютган бўлса». Ибн Можадан. Ҳайсамий, унинг исноди саҳиҳ, одамлари ишончли, деган. Мунзирий, унинг ровийлари саҳиҳ борасида гаплари ҳужжатга олинадиган одамлар, деган.

- Ибн Аббос ﷺ Аллоҳ Таолонинг:

﴿ادْفَعْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ﴾

– „... энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг!“, [41:34] оятининг шарҳида ғазаб келганда сабр қилиб, ёмонлик қилганларида кечириб юборинг, чунки уларнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг Ўзи сақлайди ва уларни мағлуб этади, деган. Бухорийдан.

#### о) Мусулмонлар ҳақида ёмон гумонда бўлиш:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ﴾

– „Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир!“ [49:12]

Бу оятнинг тафсирида ибн Аббос, Аллоҳ мўминни яна бир мўмин хусусида ёмон гумонда бўлишдан қайтарди, деган.

- Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

﴿يَا أَيُّكُمْ وَالظَّنُّ, فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ﴾

«Гумондан эҳтиётланинглар, чунки гумон гапнинг энг ёлғонидир», деганлар (муттафақун алайҳ).

Ташқи кўриниши яхши, чиройли бўлиб турган мўмин хусусида бадгумон бўлиш жоиз эмас. Аммо хунуклиги, ёмонлиги, шубҳалилиги кўриниб турган мусулмон хусусида бадгумон бўлиш дуруст. Оиша ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

﴿مَا أَظُنُّ فُلَانًا وَفُلَانًا يَعْرِفَانِ مِن دِينِنَا﴾

«Мен фалончи ва фалончини динимиздан бирор нарсани билади, деб уйламайман», дедилар. Бир ривоятда «Бизнинг динимиздан» дейилган. Лайс ибн Саъд, у иккиси мунофиқлардан эдилар, деди. Бухорийдан.

**п) Иккиюзламачилик:**

• Абу Хурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم жумладан шундай деганлар:

«... وَتَجِدُونَ شَرَّ النَّاسِ ذَا الْوَجْهِينِ الَّذِي يَأْتِي هَوْلَاءَ بَوَّجِهٍ وَيَأْتِي هَوْلَاءَ بَوَّجِهٍ»

«... Анавиларга бир юз билан, мана буларга эса яна бир юз билан келадиган иккиюзламачиларнинг энг ёмон одамлар эканликларини билиб оласизлар» (муттафақун алайҳ).

• Муҳаммад ибн Зайднинг ривоят қилишича, бир қанча одамлар бобоси Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه га:

«إِنَّا نَدْخُلُ عَلَى سَلَاطِينِنَا، فَتَقُولُ لَهُمْ بِخِلَافِ مَا تَتَكَلَّمُ إِذَا خَرَجْنَا مِنْ عِنْدِهِمْ قَال: كُنَّا نَعُدُّ هَذَا نِفَاقًا عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ»

«Биз подшоҳларимизнинг олдига кирганимизда, ташқарига чиққанда гапирадиган гапдан бошқачароқ гапирамиз» дейишган эди: «Биз бу ишни Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг даврларида мунофиқлик деб ҳисоблардик», деб жавоб берган экан. Бухорийдан.

• Аммор ибн Ёсир رضي الله عنهнинг ривоят қилишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«مَنْ كَانَ لَهُ وَجْهَانِ فِي الدُّنْيَا، كَانَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِسَانَانِ مِنْ نَارٍ»

«Кимнинг бу дунёда иккита юзи бўлса, қиёмат кунда унинг ўтдан бўлган икки тили бўлади», деганлар. Абу Довуд, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

**р) Зулм:**

• Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«الظُّلْمُ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Зулм - қиёмат кундаги зулматлардир», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Абу Мусо رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«إِنَّ اللَّهَ يُمْلِي لِلظَّالِمِ فَإِذَا أَخَذَهُ لَمْ يُغْلَبْهُ»

«Аллоҳ золимга узоқ умр беради, уни азоб билан ушлаганида қутулолмайди», деб:

«وَكَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَىٰ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ»

– „Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) зolim бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир“, [11:102] оятини ўқидилар (муттафақун алайх).

• Ибн Аббос رضي الله عنهнинг ривоят қилишича, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم Муозни Яманга юборар эканлар:

«اتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ»

«Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бул, чунки бу дуо билан Аллоҳнинг ўртасида парда бўлмайди», деганлар (муттафақун алайх).

• Абу Зарр Пайғамбар صلى الله عليه وسلمдан, у киши Улуғ ва Буюк Раббиларидан ривоят қиладилар:

«يَا عِبَادِي إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي وَجَعَلْتُهُ بَيْنَكُمْ مُحَرَّمًا فَلَا تَظَالَمُوا...»

«Эй бандаларим, мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим, уни сизларга ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирингларга зулм қилманглар...». Муслимдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«مَنْ كَانَتْ عِنْدَهُ مَظْلَمَةٌ لِأَخِيهِ مِنْ عَرَضٍ أَوْ مِنْ شَيْءٍ، فَلْيَتَحَلَّلْهُ مِنْهُ الْيَوْمَ، قَبْلَ أَنْ لَا يَكُونَ دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، إِنْ كَانَ لَهُ عَمَلٌ صَالِحٌ أَخَذَ مِنْهُ بِقَدْرِ مَظْلَمَتِهِ، وَإِنْ لَمْ تَكُنْ لَهُ حَسَنَاتٌ أَخَذَ مِنْ سَيِّئَاتِ صَاحِبِهِ، فَحُمِلَ عَلَيْهِ»

«Кимки биродарига обрўси ёки бошқа нарсада бир зулм қилиб қўйган бўлса, уша куннинг ўзида, динор ва дирҳам фойда бермайдиган кун келиб қолмасидан аввал ҳал қилиб олсин. (У кун келиб қолса) қилган зулмига яраша яхши амалларидан олинади, яхши амаллари бўлмаса, мазлумнинг гуноҳларидан олиниб, унинг устига юкланади». Бухорийдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ، لَا يَظْلِمُهُ، وَلَا يَخْدُلُهُ، وَلَا يَحْقِرُهُ، التَّقْوَى هَاهُنَا التَّقْوَى هَاهُنَا، وَيُشِيرُ إِلَى صَدْرِهِ، بِحَسَبِ امْرِئٍ مِنَ الشَّرِّ أَنْ يَحْقِرَ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ، كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَعَرَضُهُ وَمَالُهُ»

«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди, таққирламайди». Кўксиларига ишора қилиб: «Тақво мана бу ерда, тақво мана бу ерда, мусулмон биродарини таққирлашининг ўзи кишининг ёмонлигига кифоя қилади, мусулмонга мусулмоннинг обрўси ҳам, қони ҳам, моли ҳам ҳаромдир», дедилар». Муслимдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«ثَلَاثَةٌ لَا تُرَدُّ دَعْوَتُهُمْ: الصَّائِمُ حَتَّى يُفْطَرَ، وَالْإِمَامُ الْعَادِلُ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ يَرْفَعُهَا اللَّهُ فَوْقَ الْعِمَامِ وَيَفْتَحُ لَهَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ، وَيَقُولُ الرَّبُّ: وَعِزَّتِي لَأَنْصُرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينٍ»

«Уч тоифа кишининг дуоси рад этилмайди: Рузадор то ифтор қилгунига қадар, одил раҳбар ва мазлумнинг дуоси. Аллоҳ уни булутлардан юқори кўтариб, унга осмон эшикларини очиб: «Иzzатим ҳаққи, бир оздан кейин бўлса ҳам, албатта сенга ёрдам бераман», дейди». Аҳмад, Термизий, ибн Ҳузайма ва ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ларида. Термизий уни, ҳасан, деган.

• Уқба ибн Омир Жуханий رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:  
«ثَلَاثَةٌ تُسْتَجَابُ دَعْوَتُهُمْ: الْوَالِدُ وَالْمُسَافِرُ وَالْمَظْلُومُ»

«Уч кишининг дуоси мустажобдир: отанинг, мусофирнинг ва мазлумнинг», дедилар. Табаронийдан. Мунзирий, саҳиҳ иснод билан, деган. Ҳайсамий, унинг Абдуллоҳ ибн Язид Азрақдан бошқа одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган. У ҳам ишончли.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз صلى الله عليه وسلم:

«دَعْوَةُ الْمَظْلُومِ مُسْتَجَابَةٌ، وَإِنْ كَانَ فَاجِرًا فَفُجُورُهُ عَلَى نَفْسِهِ»

«Мазлумнинг дуоси - агарчи у ёмон бўлса ҳам - мустажобдир. Чунки унинг ёмонлиги ўзига», дедилар. Аҳмаддан. Мунзирий, ҳасан иснод билан, деган. Ҳайсамий, исноди ҳасан, деган.

с) Гап билан ишнинг бир-бирига тўғри келмаслиги:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ تَتْلُونَ الْكِتَابَ أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

– „Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз Китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?“ [2:44] Бу оятда Бану Исроилга хитоб қилиняпти. Демак, у биздан аввалгиларнинг шариатидан. Аммо Аллоҳ Субҳонаху оятининг охиридаги:

﴿أَفَلَا تَعْقِلُونَ﴾

– „Ақлингизни юргизмайсизларми?“ [2:44] деган сўзи билан ўшаларга ўхшаб иш қилиш ақлсизлик эканини уқдириб, бизнинг назаримизни шу ишга қаратяпти. Шу билан у бизга ҳам хитоб бўляпти. Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ۗ كَبُرَ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ أَنْ تَقُولُوا مَا لَا تَفْعَلُونَ﴾

– „Эй мўминлар, нега сизлар ўзларингиз қилмайдиган нарсани (қиламиз, деб) айтурсизлар?! Сизларнинг ўзларингиз қилмайдиган ишни (қиламиз, деб) айтишларингиз Аллоҳ наздида ўта манфур (ишдир)“. [61:2,3]

• Усома ибн Зайд ﷺ ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿يُوتَى بِالرَّجُلِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيُلْقَى فِي النَّارِ، فَسَنَدَلِقُ أَقْتَابُ بَطْنِهِ، فَيَدُورُ بِهَا كَمَا يَدُورُ الْحِمَارُ بِرَحَاهُ، فَيَجْتَمِعُ إِلَيْهِ أَهْلُ النَّارِ، فَيَقُولُونَ: أَيُّ فَلَانٍ مَا شَأْنُكَ؟ أَلَيْسَ كُنْتَ تَأْمُرُ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَى عَنِ الْمُنْكَرِ؟ فَيَقُولُ: بَلَى، قَدْ كُنْتُ أَمْرُكُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا آتِيهِ وَأَنْهَاكُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَآتِيهِ﴾

«Қиёмат кунда бир киши олиб келиниб, дўзахга ташланади. «Қорнининг букурлари чиқиб қолиб, ўшаларнинг атрофида эшак тегирмон атрофида айлангандек айланиб юради. Унинг ёнига дўзахийлар тўпланиб келишиб: «Эй фалончи, сенга нима бўлди, сен яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарар эдинг-ку!», дейишади. Шунда у: «Ҳа, шундай қилар эдим,



аммо мен яхшиликка буюрардим-у, ўзим қилмасдим, ёмонликдан қайтарардим-у, ўзим қилардим», деб жавоб беради» (муттафақун алайҳ).

• Жундуб ибн Абдуллоҳ Аздий رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«مَثَلُ الَّذِي يُعَلِّمُ النَّاسَ الْخَيْرَ وَيَنْسَى نَفْسَهُ، كَمَثَلِ السَّرَّاجِ يُضِيءُ لِلنَّاسِ وَيُحْرِقُ نَفْسَهُ»

«Одамларга яхшиликни ўргатиб туриб, ўзини унутиб қўядиган киши, одамларга ёруғлик бериб, ўзи куядиган чироқ кабидир», дедилар. Табаронийдан. Мунзирий, исноди ҳасан, деган. Ҳайсамий, одамлари ишончли, деган.

#### т) Фахрланиб ўзини мақташ:

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَا تَزْكُوا أَنْفُسَكُمْ هُوَ أَعْلَمُ بِمَنْ اتَّقَى﴾

– „Бас, сизлар ўзларингизни покламай қўя қолинглар! Унинг Ўзи тақводор бўлган кишиларни жуда яхши билгувчидир“.

[53:32]

• Муҳаммад ибн Амр ибн Атоъ ривоят қилади: «Қизимнинг номини Барра (яни яхши) қўйган эдим, менга Абу Саламанинг қизи Зайнаб шундай деди:

«إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ نَهَى عَنْ هَذَا الْأِسْمِ، وَسُمِّيتُ بِرَّةَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَا تَزْكُوا أَنْفُسَكُمْ، اللَّهُ أَعْلَمُ بِأَهْلِ الْبِرِّ مِنْكُمْ، فَقَالُوا بِمَ نُسَمِّيَهَا؟ فَقَالَ: سَمُوهَا زَيْنَبَ»

«Пайғамбаримиз ﷺ Барра номини қўйишдан қайтариб: «Ўзингизни узингиз мақтаманг, сизлардан яхшилар кимлигини Аллоҳ билгувчироқ», дедилар. «Унда қандай ном қўяйлик?», дейишганида: «Зайнаб деб номланглар», деганлар». Муслимдан.

Ҳеч қандай шаръий эҳтиёжи бўлмай, фақат кеккайиб, фахрланиб, мақтаниш жоиз эмас. Шаръий эҳтиёж туфайли, яъни шариат тайинлаган жойларда мақтаниш жоиз. Масалан:

• Бу иш Пайғамбар ﷺнинг айтишлари, етказишлари керак бўлган ишлар жумласидан бўлса. Бухорийда Анас ﷺдан ривоят қилинади:

«جَاءَ ثَلَاثَةٌ رَهْطًا إِلَى بُيُوتِ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ ﷺ، يَسْأَلُونَ عَنْ عِبَادَةِ النَّبِيِّ ﷺ، فَلَمَّا أُخْبِرُوا كَانَهُمْ تَقَالُوهَا، فَقَالُوا وَأَيْنَ نَحْنُ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ قَدْ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ وَمَا تَأَخَّرَ، قَالَ أَحَدُهُمْ: أَمَا أَنَا فَإِنِّي أُصَلِّي اللَّيْلَ أَبَدًا، وَقَالَ آخَرُ: وَأَنَا أَصُومُ الدَّهْرَ وَلَا أَفْطِرُ، وَقَالَ آخَرُ: أَنَا أَعْتَرِلُ النِّسَاءَ فَلَا أَتَزَوَّجُ أَبَدًا، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ أَنْتُمْ الَّذِينَ قُلْتُمْ كَذَا وَكَذَا، أَمَا وَاللَّهِ إِنِّي لِأَخْشَاكُمْ لِلَّهِ وَأَتْقَاكُمْ لَهُ، لَكِنِّي أَصُومُ وَأَفْطِرُ، وَأُصَلِّي وَأَرْقُدُ، وَأَتَزَوَّجُ النِّسَاءَ، فَمَنْ رَغِبَ عَنْ سِتِّي فَلَيْسَ مِنِّي»

«Уч киши Пайғамбар ﷺ аёлларининг уйларига келиб, у кишининг ибодатлари хусусида сўрашди. Жавобни эшитгач, ўзларидан-ўзлари нафратланиб кетиб: «Биз қаёқда-ю, Пайғамбар ﷺ қаёқда, у кишининг аввалгию, кейинги ҳамма гуноҳларини Аллоҳ кечирган бўлса» деб, улардан бири: «Мен то абад кечаси намоз ўқийман», деди. Иккинчиси: «Мен доимо рўзада бўлиб, ҳечам оғиз очмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан узоқ бўлиб, ҳеч қачон уйланмайман», деди. Кейин Пайғамбар ﷺ келиб: «Фалон, фалон гапни гапирган сизлармисизлар? Энди (мендан эшитинг): Аллоҳга қасамки, мен сизлардан кўра кўпроқ Худодан қўрқаман, тақво қиламан. Аммо мен рўза ҳам тутаман, оғзимни очиб ҳам юраман, намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Энди ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас», дедилар». Абу Ҳурайра ﷺнинг муттафақун алайҳ ҳадисида Пайғамбаримиз ﷺ:

«أَنَا سَيِّدُ الْقَوْمِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Қиёмат кунида мен қавмим саййиди бўламан», дедилар. Муслимдаги ривоятда:

«أَنَا سَيِّدُ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، أَنَا سَيِّدُ النَّاسِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Қиёмат кунда одамларнинг саййиди мен бўламан, қиёмат кунда одамларнинг саййиди мен бўламан», деганлар. Термизийда Абу Саъиднинг ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَنَا سَيِّدُ وَكَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا فَخْرَ, وَبِيَدِي لِرِوَاءِ الْحَمْدِ وَلَا فَخْرَ, وَمَا مِنْ نَبِيٍّ يُؤْمِنُ آدَمَ فَمَنْ سِوَاهُ إِلَّا تَحْتَ لَوَائِي, وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ تَنْشَقُّ عَنْهُ الْأَرْضُ وَلَا فَخْرَ»

«Қиёмат кунда одам боласининг саййиди мен бўламан. Бу фахрланиш эмас. Ҳамд байроғи менинг қўлимда бўлади. Бу ҳам фахрланиш эмас. У кунда Одам алайҳис-салом, у кишидан бошқа ҳамма пайғамбар менинг байроғим остида бўлади. Ернинг биринчи бўлиб ёриладиган жойи ҳам мен бўламан, бу ҳам фахрланиш эмас». Термизий буни, саҳиҳ ҳасан ҳадис, деган Муслимдаги Абу Ҳурайра ривоятда Пайғамбар ﷺ:

«أَنَا سَيِّدُ وَكَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ, وَأَوَّلُ مَنْ يَنْشَقُّ عَنْهُ الْقَبْرُ, وَأَوَّلُ شَافِعٍ وَأَوَّلُ مُشَفِّعٍ»

«Қиёмат кунда Одам боласининг саййиди мен бўламан, қабри биринчи бўлиб ёриладиган одам ҳам мен бўламан, биринчи ҳимоя қилувчи ҳам, биринчи шафоат қилувчи ҳам мен бўламан», деганлар. Муслимдаги Восила ибн Асқаънинг ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَى كِنَانَةَ مِنْ وَكَدِ إِسْمَاعِيلَ, وَاصْطَفَى قُرَيْشًا مِنْ كِنَانَةَ, وَاصْطَفَى مِنْ قُرَيْشٍ بَنِي هَاشِمٍ, وَاصْطَفَانِي مِنْ بَنِي هَاشِمٍ»

«Аллоҳ Исмоил авлодидан Кинонани танлаб олган, Кинонадан Қурайшни танлаб олган, Қурайшдан Бану Ҳошимни танлаб олган, Бану Ҳошимдан мени танлаб олган».

• Олим киши одамларнинг ўзидан ўрнак олишларига тарғиб қилиш учун мақтаниши мумкин. Чунки унда илм бор, одамлар унга муҳтожлар. Бу билан у ўзидан ғурурланган, бошқалардан ўзини юқори қўйган бўлиб қолмайди. Муттафақун алайҳ ҳадисда ибн Масъуд айтади:

«وَلَقَدْ عَلِمَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَنِّي أَعْلَمُهُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ، وَلَوْ أَعْلَمُ أَنْ أَحَدًا  
أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي لَرَحَلْتُ إِلَيْهِ»

«Саҳобалар Аллоҳнинг Китобини энг яхши билувчи одам мен эканлигимни билардилар. Ўзимдан кўра биладиганроқ одам борлигини билганимда унинг олдига борган бўлардим». Бухорийда, «Холбуки, мен уларнинг энг яхшилари эмасман», деган жумла ҳам бор. Муслимнинг шарҳида Нававий, саҳобалар ибн Масъуднинг гапини инкор қилмадилар, дейди. Абу Туфайл Омир ибн Восила ривоятида: Алий رضي الله عنه:

«سَلَوْنِي قَبْلَ أَنْ تَفْقُدُونِي، وَلَنْ تَسْأَلُوا بَعْدِي مِثْلِي، فَقَامَ ابْنُ الْكَوَّاءِ، فَقَالَ: مَنْ  
الَّذِينَ بَدَّلُوا نِعْمَةَ اللَّهِ كُفْرًا، وَأَحَلُّوا قَوْمَهُمْ دَارَ الْبُورِ؟ قَالَ: مُنَافِقُو قُرَيْشٍ، قَالَ  
فَمَنْ الَّذِينَ ضَلَّ سَعِيهِمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا، وَهُمْ يَحْسَبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا؟  
قَالَ مِنْهُمْ أَهْلُ حَرُورَاءَ»

«Мени йўқотиб қўйишинглардан аввал, мендан сўраб қолинглар, мендан кейин сўрагани менга ўхшаган одам топа олмайсизлар», дедилар. Шунда Ибн Куво туриб: «Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштириб, қавмларни жаҳаннамга ташлаганлар кимлар?», деб сўраган эди: «Қурайшнинг мунофиқлари», деб жавоб бердилар. «Дунё ҳаётидаги ҳаракатларида адашиб, яна ўзларини яхши иш қиляпмиз, деб ҳисоблагучилар кимлар?», деб сўраган эди: «Ҳаруро аҳли ўшалардир», деб жавоб бердилар». Ҳоким уни чиқарган ва бу саҳиҳ ҳадис, деган. Икки шайх уни чиқармаганлар. Мен, Алининг бу ҳадисини саҳобалар эшитиб турганлар-ку, дейман.

• Ўзидан бир ёмонликни даф қилиш учун ҳам мақтаниш мумкин. Бухорийда катта тобеинлардан бўлмиш Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Ҳубайб ибн Робиъа ривоят қилади:

«أَنَّ عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حِينَ حُوصِرَ، أَشْرَفَ عَلَيْهِمْ، وَقَالَ: أُنْشِدْكُمْ اللَّهَ وَلَا أُنْشِدُ إِلَّا  
أَصْحَابَ النَّبِيِّ ﷺ أَلَسْتُمْ تَعْلَمُونَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: مَنْ حَفَرَ رُومَةَ فَلَهُ الْجَنَّةُ»

فَحَفَرْتُهَا، أَلَسْتُمْ تَعْلَمُونَ أَنَّهُ قَالَ مَنْ جَهَّزَ جَيْشَ الْعُسْرَةِ فَلَهُ الْجَنَّةُ فَجَهَّزْتُهُمْ، قَالَ  
فَصَدَّقُوهُ بِمَا قَالَ»

«Усмонни муҳосара қилиб олганларида, уларнинг ёнига чиқиб: «Аллоҳнинг номига қасам ичиб, сизлардан сўрайман (мен Пайгамбар ﷺнинг саҳобаларидан бошқа ҳеч кимдан Аллоҳнинг номига қасам ичиб сўрамайман), билмайсизлармики, Пайгамбар ﷺ: «Кимки бир истакни рўёбга чиқарса, унга жаннат бўлади», деганлар ва мен уни рўёбга чиқардим. Билмайсизлармики, Пайгамбар ﷺ: «Ким оғир аҳволдаги лашкарни ҳозирласа, унга жаннат бўлади», деганлар ва мен уни ҳозирладим», деди. Одамлар унинг айтган гапларини тасдиқладилар». Усмон ﷺнинг бу гапини саҳобалар эшитиб, кўриб туриб, уни салбий маҳнодаги мақтанчоқлик, деб ҳисобламадилар.

• Ўзидан бўҳтонни ва шикоятни даф қилиш учун ҳам мақтаниш жоиз. Муттафақун алайҳ ҳадисида Саъд айтади:

«إِنِّي لِأَوَّلِ الْعَرَبِ رَمَى بِسَهْمٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَكُنَّا نَغْرُو مَعَ النَّبِيِّ ﷺ وَمَا لَنَا طَعَامٌ إِلَّا وَرَقُ الشَّجَرِ، حَتَّىٰ إِن أَحَدَنَا لَيَضَعُ كَمَا يَضَعُ الْبَعِيرُ أَوْ الشَّاةُ مَا لَهُ خِلْطٌ، ثُمَّ أَصْبَحَتْ بَنُو أَسَدٍ تُعَزِّرُنِي عَلَى الْإِسْلَامِ، لَقَدْ خَبْتُ إِذَا وَضَلَ عَمَلِي. وَكَانُوا وَشَوًّا  
بِهِ إِلَى عُمَرَ قَالُوا لَا يُحْسِنُ الصَّلَاةَ»

«Аллоҳнинг йўлида биринчи бўлиб уқ отган араб мен бўламан. Пайгамбар ﷺ билан газот қилиб юрган пайтларимизда емишимиз дарахтнинг баргидан бошқа нарса бўлмасди. Ҳатто айримларимизнинг ахлатимиз туя ёки қўйнинг тезагига ўхшаб кетарди. Энди бўлса Вану Асад мени мусулмонлик борасида айблаяпти. Демак, менинг ишларим ҳабата кетиб, ноумидликка учрабман-да?!» (Улар Умарга намозни яхши ўқимайди, деб чақишган эди)».

у) **Бахиллик, хасислик:**

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يُوقِ شَحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

– „Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчидирлар“, [64:16]

﴿وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَىٰ ﴿۶۴﴾ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَىٰ ﴿۶۵﴾ فَسَنِيَرُهُ لِّلْعَسْرَىٰ ﴿۶۶﴾﴾

– „Энди ким (Аллоҳ Йўлида хайр-саховат кўрсатишдан) бахиллик қилса ва (ўзини Аллоҳ ҳузуридаги ажр-мукофотлардан) беҳожат билса, ҳамда гўзал оқибатни (яъни, Аллоҳ ваъда қилган жаннатни) ёлғон деса, бас, Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!“ [92:8-10]

• Жобир رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«... وَاتَّقُوا الشُّحَّ، فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، حَمَلَهُمْ عَلَىٰ أَنْ سَفَكُوا

دِمَاءَهُمْ وَاسْتَحَلُّوا مَحَارِمَهُمْ»

«... Хасисликдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки хасислик сизлардан олдингиларни ноҳақ қон тўкиш, ҳаром ишларни қилишгача олиб бориб, ҳалокатга учратган». Муслим.

• Анас رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ...»

«Эй Аллоҳ, мен Сендан бахилликдан паноҳ сўрайман...», деганлар. Муслимдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«شَرُّ مَا فِي الرَّجُلِ شُحُّ هَالِعٍ، وَجَبِيْنٌ خَالِعٍ»

«Кишидаги энг ёмон нарса ута хасис ва ута қўрқоқ бўлишдир», деганлар. Аҳмад, Абу Довуд, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... وَلَا يَجْتَمِعُ شُحٌّ وَإِيمَانٌ فِي قَلْبِ عَبْدٍ أَبَدًا»

«... Банданинг қалбида иймон билан хасислик ҳеч қачон тўпланмайди», деганлар. Аҳмад, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида ва Ҳоким.

**ф) Аразлаш, юз ўгириш:**

• Анас رضي الله عنه ривоят қилади:

«لَا تَقَاطَعُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَلَا تَبَاغَضُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا، وَلَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثٍ»

«Узилишманглар, юз ўгиришманглар, ҳасад қилманглар, Аллоҳнинг биродар бандалари бўлинглар. Мусулмонга биродари билан уч кундан ортиқ аразлаб юриш ҳалол эмас» (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай деганлар:

«تُعْرَضُ الْأَعْمَالُ فِي كُلِّ اثْنَيْنِ وَخَمْسِينَ، فَيَغْفِرُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ فِي ذَلِكَ الْيَوْمِ لِكُلِّ امْرِئٍ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا، إِلَّا أَمْرًا كَانَتْ بَيْنَهُ وَبَيْنَ أَخِيهِ شَحْنَاءٌ، فَيَقُولُ: ائْرَكُوا هَذَيْنِ حَتَّى يَصْطَلِحَا»

«Ҳар душанба ва пайшанба кунлари амаллар кўрсатилиб, ўша кунда Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳар бир кишининг гуноҳини Улуғ ва Буюк Аллоҳ кечириб, ораларида кек сақловчи биродарларни кечирмай, бу иккисини қўя туринглар, аввал ярашиб олишсин, дейди». Муслимдан.

• Абу Айюб رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«لَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثِ لَيَالٍ، يَنْتَقِيَانِ فَيُعْرِضُ هَذَا وَيُعْرِضُ هَذَا، وَخَيْرُهُمَا الَّذِي يَبْدَأُ بِالسَّلَامِ»

«Мусулмонга биродари билан уч кечадан ортиқ аразлаб юриш ҳалол эмас. Учрашиб, бир-бирларига рўбарў келиб қолганларида қайси бири аввал салом берса, ўшаниси яхшироғидир».

Аразлаш агар Худо учун бўлса жоиз. Пайғамбар ﷺ жиҳодга чиқмаган ўша уч киши билан алоқа қилмасликни буюрганлар.

#### **х) Ҳақорат қилиш ва лаънатлаш:**

Гуноҳдан сақланувчи мусулмонни лаънатлаш мусулмонлар ижмоси билан ҳаромдир. Ёмон сифатларга эгаларини эса лаънатлаш жоиз. Масалан, Аллоҳ золимларни лаънатласин, Аллоҳ кофирларни лаънатласин, Аллоҳ

фосиқларни лаънатласин, Аллоҳ сураткашларни лаънатласин, дейиш дуруст.

Мўминнинг ўзини лаънатлаш ҳаромлигига далиллар кўп. Абу Зайд Собит ибн Заҳҳок Ансорий رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ:

«... وَلَعْنُ الْمُؤْمِنِ كَقَتْلِهِ»

«... Мўминни лаънатлаш уни ўлдириш билан баробар», деганлар (муттафақун алайҳ). Абу Дардо ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَكُونُ اللَّعَّانُونَ شُفَعَاءَ، وَلَا شُهَدَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

«Қиёмат кунинда лаънат қилувчилар шафоатгўй ҳам, шаҳид ҳам бўлмайдилар», деганлар (Муслим). Ибн Масъуднинг ҳадисиде Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ...»

«Мусулмонни сўкиш фосиқликдир» (муттафақун алайҳ). Абдуллоҳ ибн Амр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда:

«إِنَّ مِنْ أَكْبَرِ الْكَبَائِرِ أَنْ يَلْعَنَ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ يَلْعَنُ الرَّجُلُ وَالِدَيْهِ؟ قَالَ: يَسُبُّ أَبَا الرَّجُلِ فَيَسُبُّ أَبَاهُ، وَيَسُبُّ أُمَّهُ فَيَسُبُّ أُمَّهُ»

«Пайғамбаримиз ﷺ: «Кишининг ўз ота-онасини лаънатлаши энг катта гуноҳлардандир», дедилар. «Эй Расулаллоҳ, қандай қилиб киши ўз ота-онасини лаънатлайди?», дейилди. «Бошқа бир кишининг отасини ҳақорат қилади, шунда у ҳам бунинг отасини ҳақорат қилади, бошқа бир кишининг онасини ҳақорат қилади, у ҳам бунинг онасини ҳақорат қилади», деб жавоб бердилар Пайғамбаримиз ﷺ». Бухорийдан.

Ёмон сифатларга эга бўлган кимсаларни лаънатлаш жоизлигига ҳам далиллар кўп. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَعْنِ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ عَلَى لِسَانِ دَاوُودَ وَعِيسَى ابْنِ مَرْيَمَ ذَلِكَ بِمَا عَصَوْا وَكَانُوا يَعْتَدُونَ﴾

– „Бани Исроил орасидан кофир бўлган кимсалар Довуд ва Ийсо бинни Марям тилида лаънатлангандилар. Бунга



сабаб, уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир“, [5:78]

﴿إِنَّ اللَّهَ لَعَنَ الْكَافِرِينَ﴾

– „Албатта Аллоҳ кофирларни лаънатлади...“, [33:64]

﴿كَمَا لَعْنَا أَصْحَابَ السَّبْتِ﴾

– „Шанба эгаларини» лаънатлаганимиздек лаънатладик“, [4:47]

﴿لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الْكَاذِبِينَ﴾

– „... Аллоҳ ёлгончиларни лаънатласин...“, [3:61]

﴿أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ﴾

– „Бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлур“, [11:18]

﴿أُولَئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّاعِنُونَ﴾

– „Уларни Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлайдилар“. [2:159]

Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

﴿لَعَنَ اللَّهُ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى، اتَّخَذُوا قُبُورَ أَنْبِيَائِهِمْ مَسَاجِدَ﴾

«Аллоҳ яҳудий ва насронийларни лаънатласин, улар пайғамбарларнинг қабрларини масжидлар қилиб олишди», деганлар (муттафақун алайҳ). Умар رضي الله عنهнинг ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

﴿لَعَنَ اللَّهُ الْيَهُودَ، حُرِّمَتْ عَلَيْهِمُ الشُّحُومُ فَجَمَلُوهَا فَبَاعُوهَا﴾

«Аллоҳ яҳудларни лаънатласин, уларга ёғлар ҳаром қилинган эди, улар эса уни йигиб сотдилар» (муттафақун алайҳ). Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

﴿لَعَنَ اللَّهُ السَّارِقَ، يَسْرِقُ الْبَيْضَةَ فَتَقَطُّعُ يَدُهُ، وَيَسْرِقُ الْحَبْلَ فَتَقَطُّعُ يَدُهُ﴾

«Аллоҳ ўғрини лаънатласин, тухум ўғирлайди, қўли кесилади, арқон ўғирлайди, қўли кесилади», деганлар (муттафақун алайҳ). Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилади:

﴿لَعَنَ النَّبِيُّ ﷺ الْوَأَصِلَةَ، وَالْمُسْتَوْصِلَةَ، وَالْوَأَشِمَةَ، وَالْمُسْتَوْشِمَةَ﴾

«Пайғамбар صلى الله عليه وسلم соч улаганни ҳам, улатганни ҳам, баданига нақш чизганни ҳам, чиздирганни ҳам

**лаънатладилар»** (муттафақун алайҳ). Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилади:

«لَعْنَةُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ»

**«Пайғамбар ﷺ аёлларга ўхшамоқчи бўлган эркакларни ҳам, эркакларга ўхшамоқчи бўлган аёлларни ҳам лаънатлаганлар».** Шу саҳобадан қилинган яна бир ривоятда:

«لَعْنَةُ النَّبِيِّ ﷺ الْمُخْتَبِينَ مِنَ الرِّجَالِ، وَالْمُتَرَجَّلَاتِ مِنَ النِّسَاءِ، وَقَالَ أَخْرَجُوهُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ»

**«Пайғамбар ﷺ ўзини аёллардек тутадиган эркакларни ҳам, ўзини эркаклардек тутадиган аёлларни ҳам лаънатлаб: «Уларни уйларингиздан чиқариб юборинглар», деганлар»,** дейилди. Бухорийдан. Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилади:

«لَعْنَةُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مِنْ مِثْلِ بِالْحَيَوَانَ»

**«Пайғамбар ﷺ ҳайвонни мусла қилгани лаънатладилар».** Бухорийдан. (Мусла - бирор аъзосини кесиш). Шу саҳобадан қилинган яна бир ривоятда Пайғамбар ﷺ:

«لَعْنَةُ اللَّهِ مَنْ اتَّخَذَ شَيْئًا فِيهِ الرُّوحُ غَرَضًا»

**«Жони бор нарсани ғараз билан олган кимсани Аллоҳ лаънатласин»,** дедилар (Муслим). Жобир رضي الله عنه ривоят қилади:

«لَعْنَةُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَكَلَ الرَّبَا، وَمُوكَلَّهُ، وَكَاتِبُهُ، وَشَاهِدِيهِ، وَقَالَ هُمْ سَوَاءٌ»

**«Пайғамбар ﷺ судхўрликдан егани ҳам, едиргани ҳам, ёзгани ҳам, гувоҳ бўлгани ҳам лаънатлаб, уларнинг ҳаммаси баб-баробардир, дедилар».** Муслимдан.

**ц) Арзимас гуноҳларни тап тортмай қилувчилар:**

• Саҳл ибн Саъд رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«يَاكُمْ وَمُحَقَّرَاتِ الذُّنُوبِ، فَإِنَّمَا مَثَلُ مُحَقَّرَاتِ الذُّنُوبِ، كَمَثَلِ قَوْمٍ نَزَلُوا بَطْنَ وَادٍ، فَجَاءَ ذَا بَعُودٍ، وَجَاءَ ذَا بَعُودٍ، حَتَّى حَمَلُوا مَا أَنْصَجُوا بِهِ خُبْرَهُمْ، وَإِنَّ مُحَقَّرَاتِ الذُّنُوبِ مَتَى يُؤْخَذُ بِهَا صَاحِبُهَا تُهْلِكُهُ»

«Арзимас гуноҳлардан эҳтиёт бўлинглар. Чунки уларнинг мисоли бир қавмга ухшайдики, улар бир водийнинг ўртасига жойлашиб олдилар, кейин узоқ-узоқлардан одамлар келишиб, ҳатто нонларини пиширадиган нарсаларини ҳам кўтариб оладиган бўлиб қоладилар. Арзимас гуноҳларнинг эгаси ҳисобга тутиладиган бўлса, бу гуноҳлар уни ҳалок қилади». Аҳмаддан. Ҳайсамий, унинг одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган. Мунзирий, унинг ровийлари саҳиҳ борасида гаплари ҳужжат бўладиган одамлар, деган.

- Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«يَاكُ وَمُحَقَّرَاتِ الذُّنُوبِ، فَإِنَّ لَهَا مِنَ اللَّهِ طَالِبًا»

«Арзимас гуноҳлардан эҳтиёт бўл, чунки уларнинг Худо томонидан бир талабгори бўлади», деганлар. Насоий, ибн Можа, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Аҳмад. Ҳайсамий, унинг исноди саҳиҳ, одамлари ишончли, деган.

- Анас رضي الله عنه айтади:

«إِنَّكُمْ لَتَعْمَلُونَ أَعْمَالًا هِيَ أَدَقُّ فِي أَعْيُنِكُمْ مِنَ الشَّعْرِ، إِنْ كُنَّا لَتَعُدُّهَا عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ ﷺ مِنَ الْمُؤَبَّاتِ»

«Сизларнинг кўзингизга айрим ишлар соч толасидан ҳам нозикроқ кўринади. Ҳолбуки, биз уларни Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг замонларида катта гуноҳлардан ҳисоблар эдик». Бухорийдан.

ч) Бойнинг эгаси сўраб келган хақни пайсалга солиши:

- Аллоҳ Таоло айтади:

«فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمَانَتَهُ»

– „Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин...“ [2:283]

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم:

«مَطْلُ الْغَنِيِّ ظُلْمٌ، وَإِذَا أُتْبِعَ أَحَدُكُمْ عَلَى مَلِيٍّ فَلْيَتَّبِعْ»

«Бойнинг (ҳақдор ҳақини сўраса-сўрамаса) пайсалга солиши зулmdir, агар бой бирортангизга ҳийла ишлатса, у ҳам ҳийла ишлатсин» (муттафақун алайҳ).

• Шарид ибн Сувайд Сақафий رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَيْ الْوَأَجِدُ يُحِلُّ عَرَضَهُ وَعَقُوبَتَهُ»

«Пайсалга солган бойни жазолаш ҳам, унинг обрусини тўкиш ҳам ҳалол», деганлар. Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида. Ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган. Уни Аҳмад, Насоий, Абу Довуд ва ибн Можалар ҳам ривоят қилганлар.

• Абу Зарр رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«ثَلَاثَةٌ يُحِبُّهُمُ اللَّهُ وَثَلَاثَةٌ يُبْغِضُهُمُ اللَّهُ ... وَالثَّلَاثَةُ الَّذِينَ يُبْغِضُهُمُ اللَّهُ: الشَّيْخُ الزَّانِي، وَالْفَقِيرُ الْمُخْتَالُ، وَالْغَنِيُّ الظُّلْمُ»

«Уч тоифа одамни Аллоҳ яхши кўради ва уч тоифа одамни Аллоҳ ёмон кўради... Аллоҳ ёмон кўрадиган уч тоифа: зинокор чол, мутакаббир камбағал ва золим бойлардир». Ибн Ҳузайма, ибн Ҳиббон ўзларининг «Саҳиҳ»ларида, Аҳмад, Насоий, Термизий. Ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган.

### ш) Ёмон қўшничилик:

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ:

«وَاللَّهِ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهُ لَا يُؤْمِنُ، وَاللَّهُ لَا يُؤْمِنُ، قِيلَ: مَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقِهِ»

«Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди, Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди, Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, ким (мўмин бўлмайди)?», дейилди. «Қўшнисини унинг кулфатларидан омонда бўлмаган одам», деб жавоб бердилар Пайғамбар ﷺ» (муттафақун алайҳ). Бухорий бу ҳадисни Абу Шурайх Каъбийдан ҳам ривоят қилган.

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلَا يُؤْذِ جَارَهُ...»

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, қўшнисига озор бермасин...», деганлар (муттафақун алайҳ).

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ:  
«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ جَارِ السُّوءِ فِي دَارِ الْمُقَامَةِ، فَإِنَّ جَارَ الْبَادِيَةِ يَتَحَوَّلُ»

«Эй Аллоҳим, мен Сендан ўтроқлар жойидаги ёмон қўшнидан паноҳ тилайман. Чунки кучманчилар ўзгариб турадилар», дедилар» Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Насойй, Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да ва Ҳоким.

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади:  
«جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ يَشْكُو جَارَهُ، فَقَالَ لَهُ: اذْهَبْ فَاصْبِرْ، فَاتَاهُ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا فَقَالَ: اذْهَبْ فَاطْرَحْ مَتَاعَكَ فِي الطَّرِيقِ، فَفَعَلَ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَمْرُؤُونَ وَيَسْأَلُونَهُ فَيُخْبِرُهُمْ خَيْرَ جَارِهِ، فَجَعَلُوا يَلْعَنُونَهُ فَعَلَ اللَّهُ بِهِ وَفَعَلَ، وَبَعْضُهُمْ يَدْعُو عَلَيْهِ، فَجَاءَ إِلَيْهِ جَارُهُ فَقَالَ: ارْجِعْ فَإِنَّكَ لَنْ تَرَى مِنِّي شَيْئًا تَكْرَهُهُ»

«Бир киши Пайғамбар ﷺнинг олдиларига келиб, қўшнисидан шикоят қилди. «Бор, сабр қил», дедилар. У яна икки ёки уч марта келгач: «Бориб, нарсаларингни йўлга отиб юбор», дедилар. У шундай қилди. Одамлар йўлдан ўтаётиб, бу иш сабабини сўрадилар. У қўшниси ҳақида гапириб берди. Улар Аллоҳ уни фалон қилсин, деб лаънатладилар. Натижада Аллоҳ уни ўшандай қилди. Айримлар уни дуои бад қилдилар. Шунда қўшниси унинг ёнига келиб: «Энди мендан ёмон кўрадиган ҳеч нарсани кўрмайсан», деди». Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Ҳоким, Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да ва Абу Довуд.

- Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади:

«قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ فَلَانَةَ يُذَكِّرُ مِنْ كَثْرَةِ صَلَاتِهَا وَصِدْقَتِهَا وَصِيَامِهَا,  
غَيْرَ أَنَّهُا تُؤْذِي جِيرَانَهَا بِلِسَانِهَا, قَالَ: هِيَ فِي النَّارِ...»

«Бир киши: «Эй Расулulloҳ, фалон аёлнинг намози, садақаси, рўзасининг кўплигидан гапиришадию, аммо у аёл тили билан қўшниларига озор беради», деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: «У(нинг жойи) дузахдадир...», дедилар». Аҳмад, Баззор, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида. Ҳайсамий, унинг одамлари ишончли, деган. Ҳоким ҳам уни ривоят қилиб, исноди саҳиҳ, деган. Ибн Абу Шайба уни Мунзирий, саҳиҳ, деб тавсифлаган иснод билан ривоят қилган.

• Саъд ибн Абу Ваққос ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَرْبَعٌ مِنَ السَّعَادَةِ ... وَأَرْبَعٌ مِنَ الشَّقَاءِ: الْجَارُ السُّوءُ، الْمَرْأَةُ السُّوءُ، وَالْمَرْكَبُ السُّوءُ، وَالْمَسْكَنُ الضَّيِّقُ»

«Турт нарса бахтдандир... Турт нарса бахтсизликдир: ёмон қўшни, ёмон хотин, ёмон улов, тор маскан». Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Аҳмад саҳиҳ иснод билан.

#### ғ) Хиёнат:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْخَائِنِينَ﴾

– „Албатта, Аллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас“, [8:58]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَخُونُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ وَتَخُونُوا أَمَانَاتِكُمْ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига хиёнат қилмангиз ва билган ҳолингизда сизларга ишониб берилган нарсаларга (яъни, Динга ва бошқа ҳар қандай омонатларга) хиёнат қилмангиз!“ [8:27]

• Иёз ибн Ҳаммор Мужоший ривоят қилган, Пайғамбар ﷺ бир хутбада шундай деганлар:

«... وَأَهْلُ النَّارِ خَمْسَةٌ: ... وَالْخَائِنُ الَّذِي لَا يَخْفَى لَهُ طَمَعٌ وَإِنْ دَقَّ إِلَّا خَائِنُهُ»

«...»

«... Дузах аҳли бешдир... андаккина фойдани сезиб қолса, дарров хиёнат қиладиган хоин...». Муслимдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ:  
«إِذَا ضَبِعَتِ الْأَمَانَةُ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ، قَالَ: كَيْفَ إِضَاعَتُهَا؟ قَالَ: إِذَا أُسْنِدَ الْأَمْرُ إِلَى  
غَيْرِ أَهْلِهِ فَانْتَظِرِ السَّاعَةَ»

«Омонат зое бўлса, қиёматни кутавер», дедилар.  
«Унинг зое булиши қандай бўлади?», деб сўрадилар.  
«Агар иш ўз аҳлидан бошқасига юклатилса, қиёматни кутавер», деб жавоб бердилар Пайғамбар ﷺ.  
Бухорийдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُؤْتِمِنَ خَانَ»

«Мунофиқнинг аломати учдир: гапирганда ёлгон гапиради, ваъдага хилоф қилади, омонатга хиёнат қилади», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُوعِ، فَإِنَّهُ بِنَسِ الضَّجِيعِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخِيَانَةِ،  
فَإِنَّهَا بِنَسِ الْبِطَانَةِ»

«Эй Аллоҳим, Сендан очликдан паноҳ тилайман, чунки у нақадар ёмон ёстиқдош. Сендан хиёнатдан паноҳ тилайман, чунки у нақадар ёмон муносабатдош». Абу Довуд, Насоий, ибн Можа. Ҳоким ривоят қилиб, саҳиҳ, деган. «Риёз»да унинг исноди саҳиҳ, дейилган.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ Аллоҳ Таолодан ривоят қиладилар:

«أَنَا ثَالِثُ الشَّرِيكَيْنِ مَا لَمْ يَخُنْ أَحَدُهُمَا صَاحِبَهُ، فَإِذَا خَانَ خَرَجْتُ مِنْ بَيْنَهُمَا»

«Модомики, бири иккинчисига хиёнат қилмас экан, мен икки шерикнинг учинчисиман. Агар хиёнат қилса, уларнинг орасидан чиқаман». Абу Довуд. Ҳоким уни ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва Заҳабий уни маъқуллаган.

з) Гийбат ва бўҳтон:

Биродарингда бор бўлган ёқимсиз хислатни гапиришинг гийбатдир. Унда йўқ нарсани гапиришинг эса бўҳтондир. Буларнинг ҳар иккиси ҳам ҳаромдир. Бунга далиллар кўп:

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا يَغْتَبِ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيَحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ  
وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَحِيمٌ﴾

– „... ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана, ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ёмон кўрингиз)! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, Меҳрибондир“, [49:12]

﴿هَمَّازٌ مَشَاءٌ بِنَمِيمٍ﴾

– „Гийбатчию гап ташувчи“.

[68:11]

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Пайғамбар ﷺ:

«أَتَذَرُونَ مَا الْغَيْبَةُ؟ قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: ذَكَرْتُ أَحَاكَ بِمَا يَكْرَهُ، قِيلَ:  
أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِي مَا أَقُولُ؟ قَالَ: إِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ اغْتَبْتَهُ، وَإِنْ لَمْ  
يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ بَهْتَهُ»

«Гийбат нима эканлигини биласизларми?», дедилар «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ», дейишди. «У - биродарингни ёқимсиз хислат билан ёдга олишингдир», дедилар. «Айтган нарсам биродаримда бор бўлса ҳамми?», дейилди. «Айтган нарсанг унда бор бўлса, уни гийбат қилибсан, айтган нарсанг унда йўқ бўлса, унга бўҳтон қилибсан», дедилар». Муслимдан.

• Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَعَرَضُهُ وَمَالُهُ»

«Мукулмонга мукулмоннинг қони ҳам, обрўси ҳам, моли ҳам ҳаром», деганлар. Муслимдан.

• Абу Бақра رضي الله عنه ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ видолашув ҳажиди қилган хутбаларида шундай деганлар:



«إِنَّ دِمَاءَكُمْ وَأَمْوَالَكُمْ وَأَعْرَاضَكُمْ حَرَامٌ عَلَيْكُمْ، كَحُرْمَةِ يَوْمِكُمْ هَذَا، فِي شَهْرِكُمْ هَذَا، فِي بَلَدِكُمْ هَذَا، أَلَا هَلْ بَلَغْتُ»

«Шу кун, шу ой, шу шаҳрингларда уруш ҳаром бўлганидек, сизларга қонинглар, молинглар, обрўинглар ҳам ҳаромдир, огоҳ бўлинглар. Етказдимми?» (муттафақун алайҳ).

• Оиша رضي الله عنها ривоятида Пайғамбар ﷺ саҳобаларига:  
«تَدْرُونَ أَرَبِي الرَّبَّ عِنْدَ اللَّهِ؟ قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، فَإِنَّ أَرَبِي الرَّبَّ عِنْدَ اللَّهِ اسْتِحْلَالُ عَرَضِ امْرِئٍ مُسْلِمٍ، ثُمَّ قَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:

«Аллоҳнинг наздида судхўрликнинг судхўрлиги нима эканини биласизларми?», дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ», деб жавоб берипди. Шунда у киши: «Аллоҳнинг наздида судхўрликнинг судхўрлиги мусулмон кишининг обрусини ҳалол санашдир», деб Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا فَقَدِ احْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا﴾

– „Мўмин ва мўминаларга улар бирон гуноҳ қилмасликларидан озор берадиган кимсалар ҳам бўҳтон ва очиқ гуноҳни ўз устиларига олибдилар“, [33:58]

**оятини ўқидилар.** Абу Яълодан. Мунзирий ва Ҳайсамий, унинг ровийлари саҳиҳнинг ровийларидир, деганлар.

Ғийбатни эшитиш ҳам ҳаромдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ﴾

– „Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўгиргувчи кишилардир“, [23:3]

﴿وَإِذَا رَأَيْتَ الَّذِينَ يَخُوضُونَ فِي آيَاتِنَا فَأَعْرِضْ عَنْهُمْ حَتَّىٰ يَخُوضُوا فِي حَدِيثٍ غَيْرِهِ وَإِمَّا يُنسِيَنَّكَ الشَّيْطَانُ فَلَا تَقْعُدْ بَعْدَ الذِّكْرَىٰ مَعَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ﴾

– „Қачон Бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то улар бошқа гапга киришгунларича сиз улардан юз ўгиринг! Энди агар шайтон

ёдингиздан чиқарса, эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирманг!“ [6:68]

Мусулмон киши қодир бўлса, ғойибона тарзда бўлса ҳам биродарининг обрўсини ҳимоя қилмоғи лозим. Муслимдаги Абу Ҳурайра ҳадисида:

«الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ»

«Мусулмон мусулмоннинг биродари, унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз ҳам ташлаб қўймайди...», дейилган. Қодир бўла туриб, ҳимоя қилмаган киши ёрдамсиз ташлаб қўйган бўлади. Абу Довуддаги Жобир رضي الله عنه ривоятда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَخْذُلُ امْرَأً مُسْلِمًا فِي مَوْضِعٍ تُنْتَهَكُ فِيهِ حُرْمَتُهُ، وَيُنْتَقَصُ فِيهِ مِنْ عَرْضِهِ، إِلَّا خَذَلَهُ اللَّهُ فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ فِيهِ نَصْرَتَهُ، وَمَا مِنْ امْرَأٍ يَنْصُرُ مُسْلِمًا فِي مَوْضِعٍ يُنْتَقَصُ فِيهِ مِنْ عَرْضِهِ، وَيُنْتَهَكُ فِيهِ مِنْ حُرْمَتِهِ، إِلَّا نَصَرَهُ اللَّهُ فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ فِيهِ نَصْرَتَهُ»

«Қайси бир мусулмон киши яна бир мусулмон кишининг обрўсига путур етказилаётган, ҳурмати топталаётган бир пайтда ёрдамсиз ташлаб кетса, унга Аллоҳнинг ёрдам беришини хоҳлаб турган бир пайтда Аллоҳ уни ёрдамсиз ташлаб қўяди. Қайси бир киши бир мусулмоннинг обрўсига путур етказилаётган, ҳурмати топталаётган бир пайтда унга ёрдам берса, Аллоҳ ҳам унга ёрдамни беради». Ҳайсамий унинг исноди ҳасан, деган. Худо учун яхши кўриш ва Худо учун ёмон кўриш бобида келган Абу Дардо, Язиднинг қизи Асмо, Анас, Имрон ибн Ҳусайн, Абу Ҳурайраларнинг ҳадислари ҳам шу маънодадир. Муоз ўз биродари Каъб ибн Моликнинг обрўсини ҳимоя қилганида, Пайғамбар ﷺ индамаганлар. Каъб ибн Молик رضي الله عنهдан ривоят қилинган унинг тавбаси хусусидаги узун ҳадисда келади: «Пайғамбар ﷺ Табукда одамлар орасида ўтириб:

«مَا فَعَلَ كَعْبُ بْنُ مَالِكٍ؟ قَالَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ حَبَسَهُ بُرْدَاهُ  
وَأَتَّظَرُ فِي عَطْفِيهِ، فَقَالَ لَهُ مُعَاذُ بْنُ جَبَلٍ رضي الله عنه: بئسَ مَا قُلْتَ، وَاللَّهِ يَا رَسُولَ اللَّهِ  
مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ إِلَّا خَيْرًا، فَسَكَتَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم»

«Кабъ ибн Молик нима қияпти?», деб сўрадилар.  
Бану Саламадан бир киши «Эй Расулulloҳ, ридосига ўралиб олиб, ёнбошига қараб ётибди», деди. Шунда Муоз ибн Жабал رضي الله عنه: «Мунча ёмон гапирмасанг! Эй Расулulloҳ, Аллоҳга қасамки, ундан фақат яхшилик кўрганмиз», деди. Пайгамбар صلى الله عليه وسلم индамадилар».

Олимлар олти сабабга кўра гийбатга рухсат берганлар: зулм кўриш, мункарни ўзгартириш учун ёрдам сўраш, фатво сўраш, мусулмонларни ёмонликдан эҳтиётлантириб насиҳат қилиш, таништириш ҳамда ошкора фосиқлик ва бидъат қилувчини эшлаш. Нававий ўзининг «Азкор»ида бу сабабнинг аксариди гийбат қилиш жоизлигига ижмо қилинган, далиллари машҳур ҳадислардан очиқ кўриниб турибди, дейди. Бу маъно «Риёз»да ҳам келтирилиб, айрим далиллар айтиб ўтилган. Саъноний «Субулус-Салом»да ҳам айтиб ўтган. Қарофий «Захира»да келтиради: «Айрим олимлар беш ҳолатни гийбатдан истисно қилдилар: насиҳат қилишда, гувоҳ ва ровийларнинг ишончли-ишончсизини ажратишда, ошкора фосиқлик қилувчига нисбатан, йўлдан оздирувчи бидъатларга бошлаб китоблар ёзадиган кимсаларга нисбатан ҳамда агар сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам гийбат қилувчини аввалдан таниса ва билса».

### з) Чақимчилик:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿هَمَّازٌ مَشَاءٌ بِنَمِيمٍ﴾

– „Гийбатчию гап ташувчи“. [68:11]

- Ҳузайфа رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайгамбар صلى الله عليه وسلم:

﴿لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ نَمَامٌ﴾

«Чақимчи жаннатга кирмайди», деганлар (муттафақун алайҳ).

- Ибн Аббос رضي الله عنه ривоят қилади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مَرَّ بِقَبْرَيْنِ فَقَالَ: إِنَّهُمَا يُعَذَّبَانِ، وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ! بَلَى إِنَّهُ كَبِيرٌ، أَمَّا أَحَدُهُمَا فَكَانَ يَمْشِي بِالتَّمِيمَةِ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَكَانَ لَا يَسْتَتِرُ مِنْ بَوْلِهِ»

«Пайғамбар ﷺ икки қабр ёнидан утаётиб: «Бу иккиси азобланыпти. Катта гуноҳ туфайли азобланаётганлари йуқ! Ҳа, тўғри, у ҳам катта гуноҳ. Бири чақимчилик қилиб юрарди, иккинчиси эса сийдигидан сақланмас эди», дедилар» (муттафақун алайҳ).

#### х) Қариндошчиликни узиш:

• Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَهَلْ عَسَيْتُمْ إِنْ تَوَلَّيْتُمْ أَنْ تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ وَتُقَطِّعُوا أَرْحَامَكُمْ ۗ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَعَنَهُمُ اللَّهُ فَأَصَمَّهُمْ وَأَعَمَّى أَبْصَارَهُمْ﴾

– „Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқин-ки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар! Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) қар, кўзларини эса (Тўғри Йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир“, [47:22,23]

﴿وَالَّذِينَ يَنْقُضُونَ عَهْدَ اللَّهِ مِنْ بَعْدِ مِيثَاقِهِ وَيَقْطَعُونَ مَا أَمَرَ اللَّهُ بِهِ أَنْ يُوصَلَ وَيُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ أُولَٰئِكَ لَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ﴾

– „Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни узадиган ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг) лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр - жаҳаннам бордир“. [13:25]

• Абу Муҳаммад Жубайр ибн Мутъим ﷺ ривоятида Пайғамбар ﷺ:

﴿لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَاطِعٌ﴾

«Қариндошчиликни узган киши жаннатга кирмайди», деганлар (муттафақун алайҳ).

• Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ خَلَقَ الْخَلْقَ حَتَّى إِذَا فَرَغَ مِنْهُمْ، قَامَتِ الرَّحِمُ فَقَالَتْ: هَذَا مَقَامُ الْعَائِدِ بِكَ مِنَ الْقَطِيعَةِ، قَالَ نَعَمْ أَمَا تَرْضَيْنَ أَنْ أَصِلَ مَنْ وَصَلَكَ وَأَقْطَعَ مَنْ قَطَعَكَ، قَالَتْ: بَلَى، قَالَ: فَذَلِكَ لَكَ»

«Аллоҳ махлуқотларни яратишдан бушагач, қариндошлик туриб: «Мана бу узилишдан сендан паноҳ сўровчиларнинг жойи бўлсин», деди. Аллоҳ: «Хўп, сени боғлаганлар билан боғланишим ва сени узганлар билан узилишимни хоҳлайсанми?», деди. У «Ҳа, хоҳлайман», деди. Аллоҳ: «Ўша сеники», деди» (муттафақун алайҳ).

- Бухорийнинг «Саҳиҳ»ида келишича, Пайгамбар ﷺ:

«لَيْسَ الْوَأَصِلُ بِالْمُكَافِي، وَلَكِنَّ الْوَأَصِلُ الَّذِي إِذَا قُطِعَتْ رَحِمُهُ وَصَلَهَا»

«Қариндош билан баб-баробар борди-келди қилган одам қариндошликни боғлаган киши ҳисобланмайди. Қариндоши қариндошликни узиб турса ҳам, борди-келди қилаверган одам ҳақиқий қариндошликни боғлаган киши ҳисобланади», деганлар.

- Оиша رضي الله عنها ривоятда Пайгамбар ﷺ айтганлар:

«الرَّحِمُ مُعَلَّقَةٌ بِالْعَرْشِ تَقُولُ: مَنْ وَصَلَنِي وَصَلَهُ اللَّهُ، وَمَنْ قَطَعَنِي قَطَعَهُ اللَّهُ»

«Қариндошлик Аршга осилиб олиб: «Ким мени боғласа, Аллоҳ у билан боғлансин, ким мени узса, Аллоҳ у билан узилсин», деб туради» (муттафақун алайҳ).

#### **л) Риё, хўжа кўрсинга иш қилиш ва қилган ишини эшиттириш:**

Қурбат дегани яқинлашиш, яқин бўлиб олиш деганидир. Киши амалини ё Аллоҳга ё одамларга яқинлашиб олиш учун, яъни қурбат учун қилади. Аллоҳга яқинлашиш учун қилинган амал холис амал, одамларга яқинлашиш учун қилинган амал эса риё амали ҳисобланади. Амалнинг ўзи риё эмас, у риёнинг ўрни холос. Риё бу дилдаги қасддир, яъни у тил ёки бошқа аъзоларнинг эмас, фақатгина дилнинг ишидир. Қурбат ишида ҳам Аллоҳни, ҳам одамларни қасд қилиш ҳаромдир. Фақат одамларнинг ўзини қасд қилиш ундан баттар.

Риё фақат қурбат ишида бўлади, бошқа ишда бўлмайди. Масалан, одамларнинг кўз ўнгида битим тузиш, мубоҳ либосларни кийиб чиройли бўлиб юриш бунга кирмайди. Бошқа мақсадларни кўзлаб одамларни рози қилиш учунгина амал қилиш риёдир. Ҳаждан фақат манфаатни кўзлаш каби.

Қурбат ибодатлардан ҳам, бошқа ишлардан ҳам бўлиши мумкин. Одамлар кўрсин учун саждада узоқ туриш риёдир, одамлар кўрсин, деб садақа бериш риёдир, одамлар кўрсин, деб жиҳод қилиш риёдир, олим, деб танилиш учун мақола ёзиш риёдир, ҳаммани қойил қолдириш учун маъруза қилиш риёдир, зоҳид экан, дейишлари учун ямоқ кийимларни кийиш риёдир, суннатни маҳкам ушлар экан, дейишлари учун соқолини узун қўйиб, почани калта қилиш риёдир, тарки дунё қилган одам, дейишлари учун толқон еб юриш риёдир, саховатли экан, дейишлари учун минглаб одамларни меҳмонга чақириш риёдир, камтар, дейишлари учун бошини эгиб юриш риёдир, қўшнилари эшитсин, деб баланд овозда Қуръон ўқиш риёдир, кичкина Қуръонни кўтариб юрганини одамлар кўришларини жуда-жуда хоҳлаш риёдир.

Биз риёдан уялмайдиган бир замондамиз. Одамлар риёнинг нималигини, унинг ҳукми қандай бўлишини билмайдилар. Бунга далил шуки, ростгўйлиги тан олинган зот риёдан уялмайдиган салла-чопонлар ҳақида хабар берганлар. Зубайдий, Соффий «Канз»да, Ҳаким Термизий «Наводир»да, Абу Наим Ҳокимнинг наздида иллатсиз бўлган иснод билан «Ҳилия»да Анас رضي الله عنهдан ривоят қиладиларки, Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«يَكُونُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ دِيْدَانُ الْقُرَّاءِ، فَمَنْ أَدْرَكَ ذَلِكَ الزَّمَانَ فَلْيَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ وَمِنْهُمْ، وَهُمْ الْأَنْتُونُ، ثُمَّ يَطْهَرُ قَلَانَسُ الْبُرُودِ فَلَا يُسْتَحْيَا يَوْمَئِذٍ مِنَ الرِّيَاءِ، وَالْمَتَمَسَّكَ بِدِينِهِ أَجْرُهُ كَأَجْرِ خَمْسِينَ، قَالُوا: أَمِنَّا أَوْ مِنْهُمْ؟ قَالَ بَلْ مِنْكُمْ»

**«Охир замонда қориларнинг қуртлари бўлади. Ким ўша замонга етиб борса, тошбўрон қилинган шайтондан ва ўшалардан паноҳ сўрасин. Улар сассиқдирлар. Кейин салла-чопонлар пайдо бўлади. У кунда риёдан уялинмайди. У кунда динни маҳкам ушлаган одам**

**чўғни ушлаган билан баб-баробар бўлади. Динини маҳкам ушлаганнинг савоби эллик кишининг савобидек бўлади. «Биздан эллик кишинингми ёки ўзлариданми?», деб сўрадилар. «Сизлардан», деб жавоб бердилар Пайгамбар ﷺ. Салла-чопонлардан мақсад кийимлари билан одамлардан ажралиб турадиган дин кишилари дидир. Одамларнинг салла-чопонларга эътибор беришлари уларнинг риёдан уялмасликнинг аломатидир.**

Қилган ишини эшиттириш эса одамларни рози қилиш учун гапириш орқали бўлади. Риё билан эшиттиришнинг фарқи шуки риё қилинаётган иш пайтида бўлса, эшиттириш кейинроқ яъни ишдан кейин бўлади. Риёни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Уни билишга инсоннинг ақли учун йўл йўқ. Ҳатто риё қилаётган одамнинг ўзи ҳам, агар мухлис бўлмаса, бунга билолмайди. Нававийнинг «Мажмуъ»да нақл қилишича, Шофеий: «Риёни фақат мухлисгина билади», деганлар. Мухлис бўлиш учун эса эътиборли, жонини қийнаши керак бўлади. Бу ишга дунёни талоқ қилиб юборган одамгина эриша олади.

Одамларга эшиттириш учун иш қилиш гоҳида махфий қилинган ишларда ҳам бўлади. Масалан, биров кечаси туриб ибодат қилади-да, эрталаб туриб гапириб қўяди. Яна биров бир жойда қурбат ишини қилади-да, бошқа жойга бориб, уни гапириб қўяди. Бу ишлар одамларнинг розилигига эришиш учун қилингандагина гуноҳдир.

Бу борада бизга биринчи асрдан нақл қилинган энг гўзал намуналардан бири шуки, Абу Юсуф «Осор»да Абу Ҳанифадан, у Али ибн Амрдан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб чап қўли билан еяётган одамнинг ёнидан ўтаётиб, одамларнинг овқатланаётганлари устида туриб, ҳалиги одамга: «Эй Аллоҳнинг бандаси, ўнг қўлинг билан е», дедилар. У: «Ўнг қўлим банд», деди. Иккинчи марта ўтаётиб, яна шундай деди. У яна ўша жавобни айтди. Учинчи марта ўтаётиб, яна ўша гапини айтган эди, у яна ўша жавобни айтди. Шунда Умар: «Нима билан банд?!» - деган эди, у: «Муъта кунда кесилган», деб жавоб берди. Бу гапдан Умар даҳшатга тушиб, кийимларингни ким ювиб беради, сочинга ким хушбўй ёғлар суртиб қўяди, хизматларингни ким қилади, каби бир неча саволлар бериб, кейин унга бир хизматкор аёл, овқатлантирувчи ва маош тайин қилдилар.

Одамлар: «Аллоҳ Умарга фуқаросига яхши қарагани учун яхши мукофотлар берсин», дейишди. Бухорий Абу Мусодан ривоят қилади:

«خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ فِي غَزَاةٍ وَنَحْنُ سِتَّةٌ نَفَرٍ، بَيْنَنَا بَعِيرٌ نَعْتَقِبُهُ، فَتَقَبَّتْ أَقْدَامُنَا، وَتَقَبَّتْ قَدَمَايَ، وَسَقَطَتْ أَظْفَارِي، وَكُنَّا نُلْفُ عَلَى أَرْجُلِنَا، وَحَدَّثَ أَبُو مُوسَى بِهَذَا ثُمَّ كَرِهَ ذَلِكَ قَالَ مَا كُنْتُ أَصْنَعُ بِأَنْ أذْكَرُهُ، كَأَنَّهُ كَرِهَ أَنْ يَكُونَ شَيْءٌ مِنْ عَمَلِهِ أَفْشَاهُ»

«Пайғамбар ﷺ билан бир газотга чиққанимизда, биз олти кишининг уртамизда бир туя бўлиб, унинг изидан борар эдик. Қадамларимиз ерни уйиб борганидан тирноқларим кучиб кетганди. Оёқларимизни боғлаб олардик». Абу Мусо буни айтишга айтиб кейин ижирғаниб: «Худди қилган ишини гапириб қўйган одамдек, шуни гапириб нима қилардим?», деди».

Риё ва қилган ишини эшиттириш учун гапириш ҳеч қандай ихтилофсиз ҳаромдир. Бунга далиллар кўп:

- Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الَّذِينَ هُمْ يُرْءَاوْنَ﴾

– „Улар риёкорлик қиладиган кимсалардир“, [107:6]

﴿فَمَنْ كَانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا﴾

– „Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда (риёкорлик билан) бирон кимсани (Унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини Ёлғиз Аллоҳ учун қилсин)“ [18:110]

• Бухорий ва Муслимда Жундуб ﷺ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ سَمِعَ سَمِعَ اللَّهُ بِهِ، وَمَنْ يُرَائِي يُرَائِي اللَّهُ بِهِ»

«Ким қилган ишини гапирса, Аллоҳ уни бадном қилади, ким хўжа кўрсинга иш қилса, Аллоҳ унга кўрсатиб қўяди», деганлар. Лафз Бухорийники.

- Муслимда ибн Аббос ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ سَمِعَ سَمِعَ اللَّهُ بِهِ، وَمَنْ رَأَى رَأَى اللَّهُ بِهِ»



«Ким қилган ишини гапирса, Аллоҳ уни бадном қилади, ким хўжа кўрсинга иш қилса, Аллоҳ унга кўрсатиб қўяди», деганлар.

• Муслим ва Насойда Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ أَوَّلَ النَّاسِ يُقْضَىٰ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَيْهِ رَجُلٌ اسْتَشْهَدَ فَأُتِيَ بِهِ، فَعَرَّفَهُ نِعْمَتَهُ فَعَرَفَهَا، قَالَ فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: قَاتَلْتُ فِيكَ حَتَّى اسْتَشْهَدْتُ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكَ النَّارُ. وَرَجُلٌ تَعَلَّمَ الْعِلْمَ وَعَلَّمَهُ وَقَرَأَ الْقُرْآنَ، فَأُتِيَ بِهِ فَعَرَّفَهُ نِعْمَتَهُ فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: تَعَلَّمْتُ الْعِلْمَ وَعَلَّمْتُهُ، وَقَرَأْتُ فِيكَ الْقُرْآنَ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكَ النَّارُ. تَعَلَّمْتَ لِيُقَالَ عَالِمٌ، وَقَرَأْتَ الْقُرْآنَ لِيُقَالَ هُوَ قَارِئٌ فَقَدْ قِيلَ، ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَيَّ وَجْهَهُ حَتَّى أُلْقِيَ فِي النَّارِ. وَرَجُلٌ مِمَّنْ أُعْطِيَ مِنْ أَصْنَافِ الْأَمْوَالِ كُلِّهَا، فَأُتِيَ بِهِ فَعَرَّفَهُ نِعْمَةَ فَعَرَفَهَا، قَالَ: فَمَا عَمِلْتَ فِيهَا؟ قَالَ: مَا تَرَكْتُ مِنْ سَبِيلٍ تُحِبُّ أَنْ يُنْفَقَ فِيهَا إِلَّا أَنْفَقْتُ فِيهَا لَكَ، قَالَ: كَذَبْتَ وَلَكَ النَّارُ. فَعُلْتُ لِيُقَالَ هُوَ جَوَادٌّ، فَقَدْ قِيلَ، ثُمَّ أُمِرَ بِهِ فَسُحِبَ عَلَيَّ وَجْهَهُ ثُمَّ أُلْقِيَ فِي النَّارِ»

«Қиёмат кунида биринчи бўлиб шаҳид бўлган одам устидан ҳукм чиқарилади. (Аллоҳ) уни берган неъматлари билан таништирганида ҳаммасини танийди. «Бу неъматлар борасида нима иш қилдинг?», деб сўраганида: «Сени деб урушдим, ҳатто шаҳид бўлдим», дейди. (Шунда Аллоҳ): «Ёлгон айтасан, сен фалончи жасур экан, дейишлари учун урушгансан, ўша гап айтилди» деб, кейин буйруқ беради ва уни судраб бориб, дўзахга юз тубан отиб юборадилар. Илм олган, уни ўргатган ва Қуръон ўқиган бир киши келтирилади. (Аллоҳ) уни берган неъматлари билан таништирганида, ҳаммасини танийди. «Бу неъматлар борасида нима иш қилдинг?», деб сўраганида: «Сен учун илм олдим, илм бердим, Қуръон ўқидим», дейди. (Шунда Аллоҳ): «Ёлгон айтасан, сен фалончи олим экан, дейишлари учун илм олгансан, фалончи қори

экан, десинлар деб Қуръон уқигансан, уша гап айтилди» деб, кейин буйруқ беради ва уни судраб бориб, дўзахга юз тубан отиб юборишади. Аллоҳ ризқини мўл қилган, турли хил мол-давлат берган одам олиб келинади. (Аллоҳ) уни берган неъматлари билан таништирганида, ҳаммасини танийди. «Бу неъматлар борасида нима иш қилдинг?», деб сўралади. «Сен сарфланишини хоҳлаган йўлларнинг бирортасини қолдирмасдан, ҳаммасига сарфладим», дейди. (Шунда Аллоҳ): «Ёлгон айтасан, сен фалончи саховатли экан, дейишлари учун қилгансан, уша гап айтилди» деб, кейин буйруқ беради ва уни судраб бориб, дўзахга юз тубан отиб юбордилар».

• Байҳақий, Табароний, Аҳмадлардаги Абу Ҳинд Дорийнинг ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ قَامَ مَقَامَ رِيَاءٍ وَسَمِعَهُ رَأَى اللَّهَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَسَمِعَ»

«Кимки хўжа кўрсинга, эшитсинга иш қилиш мақомида турса, қиёмат куниди Аллоҳ унга кўрсатиб, эшиттириб қўяди», деганлар. Мунзирий, унинг исноди ишончли, деган. Ҳайсамий, Аҳмад ва Баззорнинг одамлари ҳамда Табароний санадларидан бири саҳиҳнинг одамларидир, деган.

• Табароний ва Байҳақийдаги Абдуллоҳ ибн Амрнинг ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ سَمِعَ النَّاسَ بِعَمَلِهِ سَمِعَ اللَّهُ بِهِ سَامِعَ خَلْقِهِ وَصَغْرَهُ وَحَقْرَهُ»

«Ким қилган ишини одамларга гапирса, ҳамманинг олдида Аллоҳ уни бадном қилади, хорлайди, ерга уради», деганлар. Мунзирий, Табароний санадларидан бири саҳиҳдир, деган.

• Табаронийдаги ҳасан иснод билан ривоят қилинган Авф ибн Молик Ашжаъийнинг ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ قَامَ مَقَامَ رِيَاءٍ رَأَى اللَّهَ بِهِ، وَمَنْ قَامَ مَقَامَ سُمْعَةٍ وَسَمِعَ اللَّهَ بِهِ»

«Кимки хўжа кўрсинга иш қилиш мақомида турса, Аллоҳ унга кўрсатиб қўяди, кимки одамлар эшитши учун иш қилиш мақомида турса, Аллоҳ унга

**эшиттириб қўяди»,** деганлар. Яъни кимки қилган ишини гапирса, Аллоҳ уни бадном қилади.

• Табаронийдаги ҳасан иснод билан ривоят қилинган Муоз ибн Жабалнинг ҳадисиди Пайғамбар ﷺ:

«مَا مِنْ عَبْدٍ يَقُومُ فِي الدُّنْيَا مَقَامَ سُمْعَةٍ وَرِيَاءٍ إِلَّا سَمِعَ اللَّهُ بِهِ عَلَى رُءُوسِ الْخَلَائِقِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»

**«Қайси бир банда бу дунёда хўжа кўрсинга ва эшитсинга иш қилиш мақомида турса, қиёмат куниди Аллоҳ уни халойиқ олдида бадном қилади».**

Ибн Можа ва Байҳақийда Абу Саъид Худрий رضي الله عنه дан саҳиҳ иснод билан ривоят қилинади: «Биз Масиҳ Дажжол ҳақида тортишиб турган эдик, Пайғамбар ﷺ чиқиб қолиб:

«أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِمَا هُوَ أَخْوَفُ عَلَيْكُمْ مِنَ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ؟ فَقُلْنَا بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: الشِّرْكَ الْخَفِيُّ أَنْ يَقُومَ الرَّجُلُ فَيُصَلِّيَ فَيُزَيِّنُ صَلَاتَهُ لِمَا يَرَى مِنْ نَظَرِ رَجُلٍ»

**«Сизларга Масиҳ Дажжолдан ҳам хавфлироқ нарсани айтайми?»,** дедилар. Биз: «Ҳа, айтинг, эй Расулulloҳ», дедик. Шунда у киши: «Махфий ширк, яъни, киши туриб намоз ўқийди ва одамлар қараётгани учун намозини безайди», дедилар».

Ибн Можа, Байҳақий ва Ҳокимда Зайд ибн Аслам отасидан ривоят қилади: «Умар رضي الله عنه масжидга чиқди ва Муоз رضي الله عنهнинг Пайғамбар ﷺ қабрлари ёнида йиғлаётганини кўриб: «Сени нима йиғлатапти?», деди. Шунда Муоз: «Пайғамбар ﷺдан эшитган бир ҳадис» деб, ўша ҳадисни айтди:

«الْيَسِيرُ مِنَ الرِّيَاءِ شَرُّكَ، وَمَنْ عَادَى أَوْلِيَاءَ اللَّهِ فَقَدْ بَارَزَ اللَّهَ بِالْمُحَارَبَةِ، إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْأَبْرَارَ الْأَتْقِيَاءَ الْأَخْفِيَاءَ الَّذِينَ إِذَا غَابُوا لَمْ يُفْتَقَدُوا، وَإِنْ حَضَرُوا لَمْ يُعْرَفُوا، قُلُوبُهُمْ مَصَابِيحُ الْهُدَى يَخْرُجُونَ مِنْ كُلِّ غَبْرَاءٍ مُظْلَمَةٍ»

**«Риёдан озгинаси ҳам ширкдир, ким Аллоҳнинг дўстларига душманлик қилса, Аллоҳ билан яккама-якка жангга чиқибди. Аллоҳ (йўқ бўлсалар, одамлар фалончи келмабди-да демайдиган, бор бўлсалар, одамлар фалончи келибди-да демайдиган), йўқлиги ҳам, борлиги ҳам билинмайдиган, диллари ҳидоят**

чироқлари бўлиб, ҳар қандай қоронгу зулматдан ҳам чиқиб кетадиган, қилган ишларини гапирмайдиган, гуноҳлардан ўзларини пок тутадиган тақводорларни яхши кўради». Ҳоким уни, саҳиҳ, иллати йўқ, деган.

Аллоҳга яқинлашиш учун қилинган ишга риё кириб қолса, уни бузади, савоб гуноҳга айланади. Муслимдаги Абу Ҳурайра ҳадисида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: أَنَا أَعْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشَّرْكِ، مَنْ عَمَلَ عَمَلًا أَشْرَكَ مَعِيَ فِيهِ غَيْرِي تَرَكْتُهُ وَشِرْكُهُ»

«Аллоҳ Таоло айтади: «Мен шерикларнинг шерикликдан энг беҳожатроғидирман. Кимки бир иш қилиб, унда Менга бирор нарсани ёки кимсани шерик қилса, Мен уни ўша нарсаси ёки кимсасига ташлаб қўяман». Шериклик риёси амални бекор қилиб юбориб турганда, холис риёнинг уни бекор қилиб юбориши ўз-ўзидан маълум. Аҳмад Убай ибн Каъб رضي الله عنهдан ҳасан иснод билан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«بَشَّرَ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّاءِ وَالرَّفْعَةِ وَالتَّصَرُّ وَالْتَّمَكِينِ، فَمَنْ عَمَلَ مِنْهُمْ عَمَلَ الْآخِرَةِ لِلدُّنْيَا لَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ نَصِيبٌ»

«Бу умматга буюклик, юксаклик, голиблик ва имконият бериш ҳақида башорат беринг. Кимки охират ишини дунё учун қилса, охиратда унга насиба булмайдиган». Байҳақий ва Баззор Заҳҳок ибн Қайсдан бўлаверадиган иснод билан қилган ривоятда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى يَقُولُ أَنَا خَيْرُ شَرِيكَ فَمَنْ أَشْرَكَ مَعِيَ شَرِيكًا فَهُوَ لِشَرِيكِي. يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَخْلَصُوا أَعْمَالَكُمْ لِلَّهِ، فَإِنَّ اللَّهَ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَا يَقْبَلُ مِنَ الْأَعْمَالِ إِلَّا مَا خَلَصَ لَهُ، وَلَا تَقُولُوا هَذَا لِلَّهِ وَلِلرَّحِمِ فَإِنَّهَا لِلرَّحِمِ وَلَيْسَ لِلَّهِ مِنْهَا شَيْءٌ، وَلَا تَقُولُوا هَذَا لِلَّهِ وَلِوَجْهِكُمْ فَإِنَّهَا لِوَجْهِكُمْ وَلَيْسَ لِلَّهِ فِيهَا شَيْءٌ»

«Аллоҳ Таоло: «Шерикнинг энг яхшиси Менман, кимки Менга бирор нарсани ёки кимсани шерик қилса, унинг иши фақат ўша нарса ёки кимса учун бўлиб қолади», дейди. Эй одамлар, амалинглари холис Худо

учун қилинглр. Чунки Аллоҳ Таоло фақат холис амалларнигина қабул қилади. «Мана бу Худо учун ва қариндошчилик учун», деб айтманглр. Чунки у фақат қариндошчилик учунгина бўлиб қолиб, ундан ҳеч нарса Худо учун бўлмай қолади. «Мана бу Худо учун ва сизларнинг ҳурматингиз учун», деманглр. Чунки у сизларнинг ҳурматингиз учунгина бўлиб қолиб, ундан ҳеч нарса Худо учун бўлмай қолади». Термизий, ибн Можа, ибн Ҳиббон, Байҳақий ва Аҳмадлар ҳасан иснод билан Абу Саъид ибн Абу Фузола ﷺдан қилган ривоятларида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِذَا جَمَعَ اللَّهُ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِيَوْمٍ لَا رَبَّ فِيهِ، نَادَى مُنَادٌ مَنْ كَانَ أَشْرَكَ فِي عَمَلِهِ أَحَدًا فَلْيَطْلُبْ ثَوَابَهُ مِنْ عِنْدِهِ، فَإِنَّ اللَّهَ أَعْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشُّرْكَ»

«Аллоҳ бўлиши аниқ бўлган қиёмат кунида аввалгию охиргиларни тўплаган пайтида бир жарчи жар солиб: «Ким амалида бировни шерик қилган бўлса, савобини ушандан талаб қилсин, чунки Аллоҳ шерикларнинг шерикликдан энг беҳожатроғидир», дейди».

Нафл садақа, нафл намоз, суннат намозлар, дуо, истиғфор, Қуръон ўқиш каби солиҳ амалларни мумкин қадар яшириб қилиш суннатдир. Бунга далиллар кўп. Аҳмадаги саҳиҳ иснод билан қилинган Анас ﷺнинг ривоятида Пайғамбар ﷺ жумладан, шундай деганлар:

«... نَعَمْ الرَّيْحُ، قَالَتْ: يَا رَبِّ فَهَلْ مِنْ خَلْقِكَ شَيْءٌ أَشَدُّ مِنَ الرَّيْحِ؟ قَالَ: نَعَمْ ابْنُ آدَمَ يَتَّصَدَّقُ بِيَمِينِهِ يُخْفِيهَا عَنْ شِمَالِهِ»

«... Ҳа, шамол. (Фаришталар): «Эй Раббимиз, махлуқотларинг ичида шамолдан ҳам кучлироқ нарса борми?», деб сўради. (Шунда Аллоҳ): «Унг қўли билан садақа қилиб, уни чап қўлидан яширган одам боласи», деди». Насоий, Муззий, Али ибн Жаъд ва бошқалар ривоят қилган асарда Зубайр ибн Авом, сизлардан қайси бирингиз солиҳ амалини яшира олса, яширсин, деган. Зиё

«Мухтора»да, унинг исноди саҳиҳ, деган. Қутайба билан нақб соҳиби ҳодисаси маълум ва машҳур.

Пайғамбар ﷺ бизга махфий ширкдан сақланиш йўлини ўргатганлар. Аҳмад, Табароний ва Абу Яъло ҳасан иснод билан Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилишларича, у бир хутбасида: «Эй одамлар, мана бу ширкдан сақланишлар, чунки у чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқ», деганида, Абдурраҳмон ибн Ҳазм ва Қайс ибн Музориб туриб: «Аллоҳга қасамки, ё сен айтган гапингга далил келтирасан, ёки сени хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам Умарга олиб борамиз», дейишди. Шунда Абу Мусо айтган гапимга далил келтираман, деб, Пайғамбар ﷺнинг бир куни қилган хутбаларини айтиб берди. У киши:

«يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا هَذَا الشِّرْكَ فَإِنَّهُ أَخْفَى مِنْ دَيْبِ التَّمَلِّ، فَقَالَ لَهُ مَنْ شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ: وَكَيْفَ نَتَّقِيهِ وَهُوَ أَخْفَى مِنْ دَيْبِ التَّمَلِّ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَتْ قَوْلُوا اللَّهُمَّ إِنَّا نَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ نُشْرِكَ بِكَ شَيْئًا نَعْلَمُهُ، وَنَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا نَعْلَمُ»

**«Эй одамлар, мана бу ширкдан сақланишлар, чунки у чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқ», дедилар. Шунда Аллоҳ хоҳлаган кимдир: «Эй Расулulloҳ, агар у чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқ бўлса, қандай қилиб ундан сақланамиз?», деган эди: «Эй Аллоҳим, биз Сендан билган нарсамизни Сенга шерик қилиб қўйишдан паноҳ сўраймиз, билмаган нарсаларимиз учун эса Сенга истиғфор айтамиз, деб айтишлар», дедилар».**

Қилган ишини гапириш риё каби амални бекор қилмайди. Агар унга риё аралашган бўлса, гапирмай туриб ҳабата кетиб бўлади. Агар амал холис Худо учун бўлиб, кейин уни гапириб қўйган бўлса, кейинги гапиргани учун гуноҳкор бўлади. Бу гуноҳга истиғфор айтиб, тавба қилиш мумкин. Аллоҳ кечирадими, қиёмат куни ёпадими ё гуноҳлар мезонига қўядими, Ўзи билади. Аммо Аллоҳ холис амални ҳабата кетказмайди. Чунки амални эшиттириш учун қилиш ҳақидаги далиллар унинг фақат ҳаромлигини ифодалайди, холос. Амални бекор қилишини ифодаламайди. Риёда эса ундай эмас. Риёда Аллоҳ амалга савоб бермай, ким учун қилган бўлсанг, ўшанга бор, савобни ўша берсин, дейди. Бу

дегани қилган амалинг ҳабата кетди, дегани. Кейин гапиришда эса бундай гап йўқ. Унда фақат гапириб қўйгани учун гуноҳкор бўлади. **«Аллоҳ уни бадном қилади», «Ҳамманинг олдида бадном қилади», «Халойиқ олдида бадном қилади»** каби гаплар, амални ҳабата кетказишини эмас, бу иш учун жазо борлигини ифодалайди.

Қилган ишни гапиришни риёга қиёслаб бўлмайди. Чунки риё аралашган амал ҳабата кетиб, худди бўлмагандек бўлиб қолади. Холис Худо учун бўлган ишни кейин гапириш эса бундай эмас. Хуллас, ҳақиқатда холис бўлган қурбатни ҳабата кетиб бўлган қурбатга қиёслаб бўлмайди.

### э) **Кибр ва худбинлик, кеккайиш:**

Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبَرٍ, قَالَ رَجُلٌ: إِنَّ الرَّجُلَ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ ثَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنَةً, قَالَ: إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ, الْكِبَرُ بَطْرٌ الْحَقُّ وَغَمَطُ النَّاسِ»

**«Кимнинг қалбида бир зарра мисқолича кибр бўлса, жаннатга кирмайди», дедилар. Бир киши: «Ахир одам кийимининг, пойабзалининг чиройли булишини хоҳлайди-ку?!», деди. Айтдиларки: «Аллоҳ гузалдир, гузалликни яхши кўради. Кибр эса ҳақдан норози булиш ва одамларни менсимасликдир».** Кибрнинг маъноси хусусида катта кетиш, ўзини юқори тутиш, керилиш, манманлик, димоғдорлик каби сўзлар айтилган. Кибрнинг ўрни қалбдир. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг:

﴿إِنْ فِي صُدُورِهِمْ إِلَّا كِبْرٌ﴾

– „Аниқки, уларнинг дилларида бир кибр (яъни, ўзларини сиздан катта олиш) бордир...“, [40:56]

деган ояти ва Пайғамбар ﷺнинг: **«Кимнинг қалбида бир зарра мисқолича кибр бўлса...»**, деган гаплари.

Кеккайиш эса кишининг ўзига бино қўйишидир. Кибр билан унинг фарқи шундаки, кеккайиш эгасининг ўзида бўлиб, у ҳеч ким йўғида ҳам, одамлар орасида ҳам кеккаяверади, кибр эса одамларга қарши қаратилиб, ҳақдан норози бўлиш, уларни менсимасликдир.

Кибр ҳам, кеккайиш ҳам ҳаромдир. Бунга қуйидагилар далилдир:

• Бухорийда «кибр» бобида келишича, Мужоҳид Аллоҳ Таоло:

### ﴿ثَانِي عَطْفَه﴾

– „(Тўғри йўлдан) бўйин буриб...“ [22:9]  
оятини ўзини катта олувчи деб, «ёни» сўзини «бўйин», деб тафсир қилган.

• Бухорий ва Муслимнинг Ҳориса ибн Ваҳб Ҳузоейдан ривоят қилган ҳадисларида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ الْجَنَّةِ، كُلُّ ضَعِيفٍ مُتَضَاعِفٍ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللَّهِ لِأَبْرَةٍ. أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ النَّارِ، كُلُّ عَتَلٍ جَوَّازٍ مُسْتَكْبِرٍ»

**«Жаннат аҳли кимлар эканини айттайми? Улар ўзини кичик олувчи, Аллоҳ номига қасам ичса, уни албатта оқловчи, кичик кўнгиллардир. Сизларга дўзах аҳли кимлар эканини айттайми? Улар ҳар бир қўпол, дағал, мутакаббирлардир».**

• Муслим «Саҳиҳ»да ва Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да Абу Ҳурайра ва Абу Саъид Худрийдан қилган ривоятларида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«الْعِزُّ إِزَارُهُ وَالْكَبِيرُ بَاءٌ رِدَاؤُهُ فَمَنْ يُنَارِعْنِي عَذْبَتُهُ»

**«Азизлик Унинг (Аллоҳнинг) ички кийими, мутакаббирлик эса ташқи кийимидир. Аллоҳ: «Ким Мен билан бу ҳақда талашса, уни азоблайман», дейди».**

• Термизий, Насоий, ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, ибн Можа, Ҳоким «Мустадрок»да Савбондан ривоят қиладиларки, Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ مَاتَ وَهُوَ بَرِيءٌ الْكَبِيرِ وَالْغُلُولِ وَالذَّيْنِ دَخَلَ الْجَنَّةَ»

**«Ким кибрдан, хиёнат, қарздан тоза ҳолда ўлса, жаннатга киради»**, деганлар. Ҳоким уни саҳиҳ, деган.

• Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да, Термизий, Аҳмад ва Ҳумайдийлар ўзларининг «Муснад»ларида, ибн Муборак «аз-Зухд»да Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, отаси эса бобосидан қилган ривоятида Пайғамбар ﷺ:



«يُحْشَرُ الْمُتَكَبِّرُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَمْثَالَ الذَّرِّ فِي صُورِ الرِّجَالِ يَغْشَاهُمْ الذُّلُّ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ...»

«Қиёмат кунда мутакаббирлар кишиларнинг суратларидаги қумурсқаларга ўхшаб қайта тириладилар, уларни ҳар томондан хорлик қамраб олади...», деганлар. Термизий уни саҳиҳ ҳасан, деган.

• Бухорий «ал-Адаб ал-муфрад»да, Ҳоким «Мустадрак»да ва Аҳмаднинг ибн Умар رضي الله عنهдан қилган ривоятларида Пайғамбар ﷺ:

«مَنْ تَعَطَّمَ فِي نَفْسِهِ، أَوْ اخْتَالَ فِي مَشِيَّتِهِ، لَقِيَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانُ»

«Ким ўзини катта олса, кибр билан қадам ташласа, Улуғ ва Буюк Аллоҳга йўлиққанида Аллоҳ ундан **газабланган ҳолда бўлади**», деганлар. Ҳоким уни, саҳиҳ, деган. Аҳмаднинг исноди ҳақида Ҳайсамий, унинг одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган.

• Бизорнинг Анас رضي الله عنهдан ишончли санад билан қилган ривоятида Пайғамбар ﷺ:

«لَوْ لَمْ تُذْنِبُوا لَخَشِيتُ عَلَيْكُمْ مَا هُوَ أَكْبَرُ مِنْهُ: الْعُجْبُ»

«Агар гуноҳ қилмай қўйсангизлар, сизлар хусусингизда ундан кўра каттароқ нарсадан, яъни, **кеккайиб кетишинглардан қўрқаман**», деганлар.

• Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало»да, Аҳмад ва Баззорлар Умар ибн Хаттобдан ривоят қиладилар: «Агар киши Аллоҳга тавозеъли бўлса, Аллоҳ унинг қаддини кўтариб, тиклан, Аллоҳ сени тиклади, дейди. У ўзига кичкина бўлгани билан одамларнинг кўзида каттадир. Агар банда катта кетиб, ҳаддидан ошса, Аллоҳ уни ерга уриб, йўқол, Аллоҳ сени ҳайдади, дейди. У ўзига катта бўлгани билан, одамларнинг кўзида кичкинадир». Мунзирий, уларнинг ровийлари саҳиҳ борасида гаплари ҳужжат бўладиган одамлар, деган.

• «Адабуд-дунё вад-дин» китобида Мовардий Аҳнаф инб Қайсдан ривоят қилади: «Сийдик йўлидан икки бора ўтиб, (дунёга келиб) яна катта кетган одамга ҳайронман».

• Нававий «Мажмуъ»да Шофейидан ривоят қилади: «Ким ўзининг нархини оширса, Аллоҳ уни ўз қийматига қайтариб қўяди», «Ўзининг қадрини кўрмаган одам энг қадрли одамдир, ўзининг фазилатини кўрмаган одам энг фазилатли одамдир».

## Сўзлашиш одоби

### 1) Дарс бериш одоби

• Малол олиб қолмасликлари учун дарсни оралатиб қилиш. Ибн Масъуд ﷺ ҳар пайшанба куни дарс ўтарди. Унга бир киши:

«يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ إِنَّا نُحِبُّ حَدِيثَكَ وَنَشْتَهِيهِ، وَلَوْ دَدْنَا أُنْكَ حَدَّثْتَنَا كُلَّ يَوْمٍ، فَقَالَ: مَا يَمْنَعُنِي أَنْ أُحَدِّثَكُمْ إِلَّا كَرَاهِيَةٌ أَنْ أُمْلِكُمْ، إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ كَانَ يَتَخَوَّلُنَا بِالْمَوْعِظَةِ مَخَافَةَ السَّامَةِ عَلَيْنَا»

«Эй Абдураҳмоннинг отаси, биз сизнинг гапиришингизни яхши кўрамиз, жудаям хоҳлаймиз, ҳар куни гапириб туришингизни истардик», деди. Шунда ибн Масъуд: «Мен фақат сизлар малол олиб қолманглар, деб бундай қилмайман, чунки Пайгамбар ﷺ зерикиб қолишимиздан эҳтиётланиб, бизга оралатиб насихат қилардилар», деди» (муттафақун алайҳ). Ибн Аббос ﷺ айтади:

«حَدَّثَ النَّاسَ كُلَّ جُمُعَةٍ مَرَّةً، فَإِنْ أَكْثَرْتُ فَمَرَّتَيْنِ، فَإِنْ أَكْثَرْتُ فَثَلَاثًا، وَلَا تَمَلَّ النَّاسَ مِنْ هَذَا الْقُرْآنِ، وَلَا تَأْتِ الْقَوْمَ وَهُمْ فِي حَدِيثٍ فَتَقْطَعُ عَلَيْهِمْ حَدِيثَهُمْ فَتَمْلَهُمْ، وَلَكِنْ أَنْصِتْ فَإِذَا أَمْرُوكَ فَحَدِّثْهُمْ وَهُمْ يَسْتَهْوِنُهُ، وَإِيَّاكَ وَالسَّجْعَ فِي الدُّعَاءِ، فَإِنِّي عَهَدْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَأَصْحَابَهُ لَا يَفْعَلُونَهُ»

«Одамларга (ҳар ҳафтада жума куни) бир марта гапир. Кўп бўлса, икки марта. Ошиб кетса, уч марта. Одамларни Қуръондан малоллантириб қўймагин. Гаплашиб турган одамларнинг олдига бориб, гапириб юрмагин, малоллантириб қўясан. Жим ўтир, ўзлари сўрашса, гапир, шунда ипштаҳа билан қулоқ соладилар. Дуода қофиялашдан узоқ бўл, чунки мен Пайгамбар ﷺ ва саҳобаларнинг бундай қилмаганларига ўрганиб қолганман». Бухорийдан.

• Масжидда дарс бериш учун муносиб вақт ва жойни танлаш, токи намозхонлар озорланмасинлар. Агар масжид кенг бўлса, намоз ўқиётганлардан узоқроқ жойни танлаш

лозим. Тор бўлса, бомдод ёки асрдан кейин, намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтларни танлаш керак. Абу Саъид айтади: «اعْتَكَفَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي الْمَسْجِدِ، فَسَمِعَهُمْ يَجْهَرُونَ بِالْقِرَاءَةِ، فَكَشَفَ السِّتْرَ وَقَالَ: أَلَا إِنَّ كَلِمَكُمْ مَنَاجٍ رَبِّهِ فَلَا يُؤْذِينَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا، وَلَا يَرْفَعُ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ فِي الْقِرَاءَةِ، أَوْ قَالَ فِي الصَّلَاةِ»

«Пайгамбар ﷺ масжидда эътикоф ўтиргандилар. Одамларнинг овоз чиқариб қироат қилаётганларини эшитиб, пардани очдилар-да: «Ҳаммангиз ҳам Парвардигорингизга муножот қиляпсиз, бир-бирларингга озор берманглар, қироат ёки намозда бир-бирларингиздан овозингиз кўтарилиб кетмасин», дедилар». Баёзийдан:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَرَجَ عَلَى النَّاسِ، وَهُمْ يُصَلُّونَ، وَقَدْ عَلَتْ أَصْوَاتُهُمْ بِالْقِرَاءَةِ فَقَالَ: إِنَّ الْمُصَلِّيَّ يُنَاجِي رَبَّهُ فَلْيَنْظُرْ بِمَا يُنَاجِيهِ بِهِ، وَلَا يَجْهَرُ بَعْضُكُمْ عَلَى بَعْضٍ بِالْقُرْآنِ»

«Пайгамбар ﷺ одамларнинг намоз ўқиётганлари устидан чиқиб қолдилар. Қироатда овозлари кўтарилиб кетган эди. Шунда: «Намоз ўқиғувчи Парвардигорига муножот қилади, нима билан муножот қилаётганига қарасин, Қуръон ўқиётганингизда бир-бирингизга овозингизни чиқармангиз», дедилар». Бу икки ҳадисни ибн Абдул Барр «Тамҳид»да чиқарган ва деганки, Баёзийнинг ва Абу Саиднинг ҳадислари собит бўлган саҳиҳ ҳадислардир. Баёзийнинг ҳадисини Аҳмад чиқарган. Ироқий унинг исноди саҳиҳ, деган. Ҳайсамий унинг одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган. Абу Саиднинг ҳадисини Абу Довуд, Ҳоким чиқарган ва исноди саҳиҳ, деган. Уни икки шайх чиқармаган. Шунингдек, ибн Ҳузайма ўзининг «Саҳиҳ»ида шу маънодаги ҳадисни ибн Умардан чиқарган. Бу икки ҳадис намозни ёлғиз ҳолда ўқувчини овозини кўтариб, бошқаларга халақит қилишдан қайтаради. Шундай экан, намоз ўқиётганлар олдида дарс ўтиш ўз-ўзидан мумкин бўлмай қолади. Шунга кўра, масжид кенг бўлса, дарс ўтиш учун намоз ўқиётганлардан узоқроқ жойни, тор бўлса, намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтни танлаш мақсадга мувофиқ.

• Умидни кенг ёйиб, Аллоҳнинг раҳмати, нусрати ва кушойшидан умидсизлантирмаслик. Абу Мусо Ашъарий айтади:

«بِعَثْبِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَمُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ: اذْعُوا النَّاسَ وَبَشِّرَا وَلَا تُنْفِرَا...»

«Пайгамбар ﷺ мен билан Муозни Яманга юбораётиб: «Одамларни даъват қилинглар, қизиқтиринглар, бездириб қўйманглар...», деганлар» (муттафақун алайҳ). Жундуб ривоят қилади: Пайгамбар ﷺ:

«أَنَّ رَجُلًا قَالَ: وَاللَّهِ لَا يَغْفِرُ اللَّهُ لِفُلَانٍ، وَأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى قَالَ: مَنْ ذَا الَّذِي يَتَأَلَّى عَلَيَّ أَنْ لَا أَغْفِرَ لِفُلَانٍ، فَإِنِّي غَفَرْتُ لِفُلَانٍ وَأَحْبَبْتُ عَمَلَكَ أَوْ كَمَا قَالَ»

«Аллоҳга қасамки, Аллоҳ фалончини кечирмайди, деган одамни гапириб: «Кейин Аллоҳ Таоло: «Мени фалончини кечирмайди, деб қасам ичгани сен ким бўлиб қолибсан? Мен фалончини кечирдим, сенинг эса амалингни бекор қилдим», дейди», дедилар ёки шунга ўхшаш гапни айтдилар». Муслимдан. Абу Ҳурайра ﷺ ривоят қилишича, Пайгамбар ﷺ:

«إِذَا قَالَ الرَّجُلُ هَلَكَ النَّاسُ فَهُوَ أَهْلَكُهُمْ»

«Агар киши одамлар ҳалок бўлди, деса, демак, унинг ўзи уларнинг ҳалок бўлувчироғидир», дедилар. Муслимдан.

Умидни кенг ёйиш тингловчини қаноатлантирадиган, унга таъсир этадиган гап билан бўлади. Бу мақсадни фақат Қуръон ва суннатгина рўёбга чиқара олади. Агар ҳужжат муайян воқе билан боғлаб, тушунтирилса, унинг таъсири кўпроқ, чуқурроқ бўлади. Масалан, Аллоҳ Таолонинг мана бу оятларини қироат қилиб бериш.

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ﴾

– „... умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз“, [3:110]

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

– „... иймон келтирган зотларни фолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган“, [30:47]

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

– „Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ёрдам берурмиз“, [40:51]

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эйтиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ваъда қилди“, [24:55]

﴿وَاذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ﴾

﴿فَأَوَّكِمْنَا وَآيَدَكُمْ بِنَصْرِهِ﴾

– „Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) озчилик ва заиф-бечора бўлган ҳолларингизда, одамлар (яъни, Макка мушриклари) сизларни талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда (Аллоҳ) сизларга жой бериб (яъни, Мадинага кўчириб), Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини эслангчи!“ [8:26]

﴿وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ﴾

– „Аслида ғалаба фақат Аллоҳ ҳузуридан келур“, [3:126]

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَخْلِفُ الْمِيعَادَ﴾

– „Албатта Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмагай!“ [3:9]

﴿وَمَنْ أَصْدَقُ مِنَ اللَّهِ قِيلًا﴾

– „Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?!“, [4:122]

﴿ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأَوَّلِينَ ﴿۞﴾ وَثَلَاثَةٌ مِنَ الْآخِرِينَ﴾

– „(Ўнг томон эгалари бўлмиш саодатманд кишилар) аввалги (уммат)лардан ҳам кўпчилик, кейингилардан (яъни, Муҳаммад алайҳис-салом умматларидан) ҳам кўпчиликдир“, [56:39,40]

﴿ثَلَاثَةٌ مِنَ الْأَوَّلِينَ ﴿۞﴾ وَقَلِيلٌ مِنَ الْآخِرِينَ﴾

– „(У пешқадамлар), аввалги (уммат)лардан кўпчилик, кейингилардан (яъни, Муҳаммад алайҳис-салом умматларидан) эса оздир“. [56:13,14]

Умматнинг ишларининг охири яхши бўлиши хусусида Пайғамбар ﷺнинг мана бу ҳадисларини айтиш:

«أُمَّتِي كَالْمَطَرِ لَا يُدْرَى الْخَيْرُ فِي أَوَّلِهِ أَوْ آخِرِهِ»

«Умматим ёмғирга ўхшайди. Яхшилик унинг аввалидами, охиридами, билиб бўлмайди».

«وَأَهَا لِإِخْوَانِي»

«Воҳ, менинг биродарларим»,

«طُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

«Ғарибларга жаннат бўлсин»,

«إِنَّ لِلَّهِ عِبَادًا لَيَسُوءَ بِأَنْبِيَآءِ وَلَا شُهَدَاءَ...»

«Аллоҳ Таолонинг пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам бўлмаган шундай бандалари борки...». Пайғамбарлик йўли асосидаги **ХАЛИФАЛИК**нинг қайтиши, Румнинг фатҳ этилиши, яҳудийлар билан урушиб, уларни қириб ташлаш, муқаддас ерга **ХАЛИФАЛИК**нинг қайтишини башорат қилувчи ҳадисларни айтиш шулар жумласидандир.

Мусулмонлар тарихидан ҳам лавҳалар келтириш янада яхши. Бадр, Хандақ, Қодисия, Наҳованд, Ярмук, Ажнодайн, Тустар ва бошқа сон-саноксиз ғалабаларни айтиб ўтинг, душманга нисбатан сон жиҳатидан ҳам, моддий тайёргарлик жиҳатдан ҳам, оз бўлишига қарамай, ғолиб бўлишларига, ҳатто Пайғамбар ﷺ юборган бир кишининг ўзи ҳам ғалаба қозонишига алоҳида урғу бериш ва бу билан мусулмонларнинг онларида жиҳод тушунчасини шуълалантириб, улардан тинчлик, музокаралар, ҳайфсан эълон қилиб қўйиш, инкор қилиб қўйиш, ҳакамлик қилишини сўраб, тоғутнинг ёнига бориш, хуллас, кўнгилни айнитадиган бундай ишларга ҳўп деб, рози бўлиб туравериш каби тушунчаларни ўчириб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳамма нарсадан аввал ақидани, унинг аҳкомлар асоси эканини дилларга михлаш лозим. Қабилалараро кичик урушлар, шахсий манфаатлар ва арзимас сафсаталардан бошқа ғами бўлмаган арабларни оламни эзгуликка бошлайдиган, одамларни зулматлардан нурга олиб чиқадиган, дунёю охират азизлигига эришган энг кучли, энг яхши умматга айлантирган мана шу ақида эмасми?!

• Дарс мавзуларини одамлар яшаб турган воқеъга қараб танлаш. Шунда дарс жонли ўтади. Агар одамларнинг бирон

эътиқодиди тушунмовчилик бўлса, уни тушунтириб берсин, қайсидир сиёсий ўринда адашаётганларини кўрса, йўлни ёритиб берсин, қайсидир фикр ёки ҳукмда хатони кўрса, уни шарҳлаб, тўғриси ажратиб берсин ёки шайх Тақийуддин Набахоний (раҳматуллоҳи алайҳ) айтганларидек, қинғир чизиқнинг ёнига тўғри чизиқни қўйсин. Америка Бағдодни вайронага айлантираётган бир пайтда мукофот мавзуида, Масжидул-Ақсо душман қўлида турган бир пайтда аёл кишининг машина ҳайдаши мавзуида, Америка қўшини босиб олинган жойларда хунрезликлар қилиб турган бир пайтда аёл кишининг парламентга кириши мавзуида, нефт талон-торож қилиниб турган бир пайтда таъзия мавзуида, Масжидул-Ҳаромнинг ҳурмати оёқости қилиниб турган бир пайтда сочга оид ҳукмлар мавзуида дарс ўтиш одамларни адаштирадиган, ҳақиқатдан чалгитадиган бемаъни, жирканч бир ишдир.

• Шаръий ҳукмни енгил санаб, қаршилиқ билдирадиган жоҳилни зажр қилиш (мажбурлаш), мударриснинг фикрига қарши фикр билдирган мулоҳазали, фақиҳ кишини маъзур тутиш. Ҳоким Абдуллоҳ ибн Муғафалдан ривоят қилади:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنِ الْخَذْفِ»

«**Пайғамбар ﷺ хозфдан қайтарганлар**», яъни мажлисда ўтирганда майда тошларни ёки данакларни бармоқлар орасига қистириб ёки палахмончага қўйиб отиб ўтиришдан қайтарганлар. Унинг ҳузурида бир киши шундай қилган эди: «Мен Пайғамбар ﷺдан ҳадис айтиб турсам, сен шундай қиялсанми, Аллоҳга қасамки, энди сен билан ҳечам гаплашмайман», деди. Аҳмад Абдуллоҳ ибн Ясордан ривоят қилади: «Амр ибн Ҳарис Алий رضي الله عنهдан жанозанинг олдидан борган яхшими, ортидан борганми, деб сўраган эди, унинг олдидан боришдан кўра ортидан боришнинг афзаллиги, фарз намозни жамоа билан ўқишнинг ёлғиз ўқишдан афзаллиги кабидир, деди. Амр, унда мен Абу Бакр ва Умарнинг жанозанинг олдида борганларини кўрганман-ку, деди. Шунда Алий رضي الله عنه, улар одамларга қийин қилиб қўйишни хоҳламасдан шундай қилганлар, деб жавоб қилди». Яъни токи, одамлар жанозанинг олдида юриш жоиз эмас, деб ўйлаб қолмасинлар. Ҳайсамий Аҳмаднинг исноди хусусида, унинг одамлари ишончли, деган.

• Одоб билан савол берувчига яхшилаб қулоқ солиш. Абу Наъим «Ҳиля»даги ва ибн Ҳиббоннинг «Равзатул уқало»даги ривоятда Муоз ибн Саъдул-Аъвар айтади: «Ато ибн Абу Рабоҳнинг олдида ўтирган эдим. Бир киши бир ҳадисни айтиб қолди. Одамлардан бири унга эътироз билдирди. Атонинг аччиғи келиб, бу нима қилиқ, мен ўзим яхши билган ҳадисга ҳеч нарса билмайдиган кишидек қулоқ соламан, деди».

• Қулоқ солмайдиган одам билан гаплашмаслик Бухорий Жарир رحمتهдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ видолашув ҳажиди унга:

«اسْتَنْصِتِ النَّاسَ...»

**«Одамларни жим қил...»**, деганлар. Хотибнинг «ал-Фақиҳ вал мутафаққиҳ»да келтиришича, Абу Амр ибн Ало шундай деган: «Сўрамаган одамга жавоб беришинг ё жавоб бермайдиган одамдан сўрашинг ёки қулоқ солмайдиган одамга гапиришинг, одобдан эмас».

• Шаръий ҳукмларни кучсизланишга олиб борадиган хос зарурат ўрнига тушиб қолган хос эҳтиёж қоидаси, ҳеч нарсага боғламасдан мутлақ қилиб қўйилган енгиллаштириш қоидаси каби қоидаларга бўлиб юборишдан сақланиш. Уй сотиб олиш учун фоизли қарзлар олиш, насронийга қарашли қассобхонада тўнғиз гўштини сотиш, кофирлар лашкари сафида мусулмонлар билан урушга чиқиш, фитна йўқ мамлакатга ўтиш имкони бўла туриб, муслима аёлнинг рўмолсиз кўчага чиқиши ва Аллоҳ нозил қилган нарсдан бошқа нарса билан ҳукм қиладиган қози бўлиб ишлаш шунинг мисолларидир.

• Илм такаллуфидан сақланиш. Бухорийда келишича, Умар رضي الله عنه:

«نُهَيْنَا عَنْ التَّكْلُفِ»

**«Такаллуфдан қайтарилганмиз»**, дейди. Масруқ ривоятда Абдуллоҳ ибн Масъуд رضي الله عنه айтади:



«يَا أَيُّهَا النَّاسُ مَنْ عَلِمَ شَيْئًا فَلْيَقُلْ بِهِ، وَمَنْ لَمْ يَعْلَمْ فَلْيَقُلْ اللَّهُ أَعْلَمُ، فَإِنَّ مِنَ الْعِلْمِ أَنْ يَقُولَ لِمَا لَا يَعْلَمُ اللَّهُ أَعْلَمُ، قَالَ اللَّهُ لِنَبِيِّهِ ﷺ: «قُلْ مَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُتَكَلِّفِينَ»»

«Эй одамлар, ким бирор нарсани билса, уни гапирсин, билмаган одам Аллоҳ билгувчироқ десин. Чунки билмаган нарсасида Аллоҳ билгувчироқ дейиш илмдандир. Аллоҳ Таоло Пайғамбари ﷺга: «(Эй Муҳаммад алайҳис-салом, уларга), айтинг: «Мен (Қуръонни етказганим учун) сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман ва мен сохтакорлардан (яъни, ёлгондан пайғамбарликни даъво қилгувчи кимсалардан) ҳам эмасман» [38:86], деган» (муттафақун алайҳ).

• Нодонлар билан тортишмаслик. Жобир رضي الله عنهнинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَا تَعْلَمُوا الْعِلْمَ لِنَبَاهُوا بِهِ الْعُلَمَاءَ، وَلَا تَمَارُوا بِهِ السُّفَهَاءَ، وَلَا تَخَيَّرُوا بِهِ الْمَجَالِسَ، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَالتَّارُ التَّارُ»

«Илмни олимлар олдида фахрланиш учун ҳам, нодонлар билан тортишиш учун ҳам, мажлисларни танлаш учун ҳам урганманглар, ким шундай қилса, дўзах, дўзах». Ибн Ҳиббон ўзининг «Саҳиҳ»ида, Ҳоким уни ривоят қилиб, саҳиҳ, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган. Бу ҳадисни ибн Можа, Байҳақий ва ибн Абдул Барр «Жамиъу баянил илми ва фазлиҳа»да ривоят қилган.

• Риё, хўжа кўрсинга, хўжа эшитсинга қилишдан, кеккайиш ва кибрланишдан сақланиш. Бу ҳақда гапириб ўтдик.

• Одамларга ақлларига қараб гапириш. Алий رضي الله عنه:

«حَدَّثُوا النَّاسَ بِمَا يَعْرِفُونَ، أَتَحِبُّونَ أَنْ يُكَذِّبَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ»

«Одамларга улар биладиган нарсаларни гапиринглар, Аллоҳ ва Расули ёлгончига чиқарилишини хоҳлайсизларми?!», дейди. Бухорийдан. Ибн Хажар «Фатҳ»да биладиган нарсалардан мурод, тушунадиган нарсалар, дейди. Абдуллоҳ ибн Масъуд رضي الله عنه:

«مَا أَنْتَ مُحَدِّثًا - وَفِي رِوَايَةٍ بِمُحَدِّثٍ - قَوْمًا حَدِيثًا لَا تَبْلُغُهُ عُقُولُهُمْ، إِلَّا كَانَ لِبَعْضِهِمْ فِتْنَةٌ»

«Бир қавмга ақллари етмайдиган ҳадисни айта кўрмагин, фақат улардан айримлари заковатли бўлсалар, (айтсанг бўлади)». Муслимдан. Ибн Аббос айтади:

«كُونُوا رَبَّانِيِّينَ حُلَمَاءَ فَفَهَاءَ، وَيُقَالُ الرَّبَّانِيُّ الَّذِي يُرِي النَّاسَ بَصِيرَةَ الْعِلْمِ قَبْلَ كِبَارِهِ»

«Раббонийлар, ҳалимлар ва фақиҳлар бўлинглар. Одамларни катта илмлардан олдин кичик илмлар билан тарбиялайдиган одам раббоний дейилади». Бухорийдан.

## 2) Хутба ўқиш одоби

• Хусусан жума кунда хутбани қисқа қилиш. Муслим Аммор رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ طُولَ صَلَاةِ الرَّجُلِ، وَقِصَرَ خُطْبَتِهِ، مَتْنَةٌ مِنْ فِقْهِهِ؛ فَأَطِيلُوا الصَّلَاةَ، وَأَقْصِرُوا الْخُطْبَةَ، وَإِنَّ مِنَ الْبَيَانِ سِحْرًا»

«Киши намозининг узун ва хутбасининг қисқа бўлиши унинг фақиҳлигидан нишонадир. Намозни узун, хутбани қисқа қилинглар. Баён қилишда ҳам бир сеҳр бор». Жобир ибн Самура айтади:

«كُنْتُ أُصَلِّي مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَكَانَتْ صَلَاتُهُ قَصْدًا، وَخُطْبَتُهُ قَصْدًا»

«Пайғамбар صلى الله عليه وسلم билан намоз ўқиган эдим. Намозлари ҳам, хутбалари ҳам ўргача бўлди». Муслим ривоят қилган. Ҳакам ибн Ҳазан Калафий айтади:

«شَهِدْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ الْجُمُعَةَ، فَقَامَ مُتَوَكِّئًا عَلَى عَصَا، أَوْ قَوْسٍ، فَحَمِدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ كَلِمَاتٍ خَفِيفَاتٍ طَيِّبَاتٍ مُبَارَكَاتٍ»

«Пайғамбар صلى الله عليه وسلم билан жума ўқиган эдим, асога ёки камонга суяниб туриб, Аллоҳга ҳамду сано ва енгил, ёқимли, баракали сўзларни айтдилар». Ибн Ҳузайма

ўзининг «Саҳиҳ»ида, Аҳмад, Абу Довуд. Ибн Хажардан унинг исноди ҳасан, деди. Абдуллоҳ ибн Абу Авфо айтади:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُكْثِرُ الذِّكْرَ، وَيُقِلُّ اللُّغُوَ، وَيُطِيلُ الصَّلَاةَ، وَيَقْصُرُ الْخُطْبَةَ،

وَلَا يَسْتَكْفِ أَنْ يَمْشِيَ مَعَ الْعَبْدِ وَالْأَرْمَلَةِ، حَتَّى يَخْلُوَ لَهُمْ مِنْ حَاجَتِهِمْ»

**«Пайғамбар ﷺ кўп зикр қилардилар, бекорчи гапни оз гапирардилар, намозни узун, хутбани эса қисқа қилардилар, қул ёки тул хотин билан юришдан ор қилмасдилар. Ҳатто уларнинг ҳожатларини чиқарардилар».** Ҳоким уни ривоят қилиб, ҳар икки шартига кўра саҳиҳ, дейди. Ибн Ҳиббон уни ўзининг «Саҳиҳ»ида чиқарган. Ироқий уни, саҳиҳ, деган. Табароний Умомадан шунга ўхшаш ҳадисни чиқарган ва Ҳайсамий унинг исноди ҳасан, деган.

• Намоз ва хутбадаги ўртачалик бошқа ҳадислар билан тафсир қилинганда намознинг хутбадан узунроқ бўлишини англатади. Ибн Абу Авфонинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ намозни узун, хутбани қисқа қилганлар, Амморнинг ҳадисида эса намозни узун, хутбани қисқа қилишга буюрганлар. Демак, у кишининг жума кундаги намозлари хутбаларидан узун бўлган. Агар Пайғамбар ﷺ намозларининг миқдорини билиб олсак, хутбаларининг ҳам қисқалигини билиб оламиз. Абу Ҳурайра ривоятида Пайғамбар ﷺ жума намозига «Жумъа» ва «Мунофиқун» сураларини зам қилганлар. Нуъмон ибн Башир ҳадисида эса „Сабби ҳисма раббикал-аъла“ билан „Ҳал атака ҳадисул-ғошия“ни ўқирдилар. Ибн Аббоснинг ҳадисида ҳам «Жумъа» билан «Мунофиқун» сураларини ўқирдилар. Бу уч ҳадисни Муслим ривоят қилган. Демак, Пайғамбар ﷺ ўқиган энг узун жума намози «Жумъа» ва «Мунофиқун» суралари ўқилган намоздир. Бунга икки рукуъ, тўрт сажда, ташаҳҳуд ва салаватлар учун ўтиришларни қўшадиган бўлсак энг узун жума намози бўлади. Ундан қисқароғи эса «Аъла» ва «Ғошия» суралари зам қилинган намоздир. Шунга биноан, Пайғамбар ﷺнинг намозлари хутбаларидан узун бўлган.

• Минбарда дарс, маъруза, мақола, ҳикоя қилиш, шеър ўқиш услубларидан бошқача, хутбага хос услубни ишлатиш. Хутбага хос услубни билиб олиш ва уни бошқа услублардан ажратиб олиш учун луғат китобларига мурожаат қилинсин.

• Оҳангга солишдан қаттиқ сақланиш. Хатибнинг гапини оҳангга солиши хунук иш. Қуръон қироатини оҳангга солиш ундан ҳам хунук.

### 3) Мунозара одоби

Мунозара - баҳсдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّتِي تُجَادِلُكَ فِي زَوْجِهَا وَتَشْتَكِي إِلَى اللَّهِ وَاللَّهُ يَسْمَعُ تَحَاوُرَكُمَا﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), дарҳақиқат, Аллоҳ сиз билан ўз жуфти ҳақида баҳшлашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган (аёл)нинг сўзини эшитди. Аллоҳ сизларнинг баҳсу-жавобларингизни эшитур*“.

[58:1]

Бу оятда Аллоҳ Таоло мунозарани суҳбат деб номлаб, уни ҳар икки тарафнинг ўз ҳужжатини ёки ўзи ҳужжат деб ҳисоблаган нарсасини келтириш деб белгилади. Ундан мақсад ўз фикри ва йўналишини қувватлаш ва рақибнинг ҳужжатини бекор қилиб, уни тўғрилик ва ҳақиқат деб билган тарафига олиб ўтишдир.

Шариатда мунозарадан ҳақиқатнинг юзага чиқарилиши ва ботилнинг ботиллиги кўрсатилиши мақсад қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ادْعُ إِلَى سَبِيلِ رَبِّكَ بِالْحُكْمَةِ وَالْمَوْعِظَةِ الْحَسَنَةِ وَجَادِلْهُمْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингиз Йўли-динига донолик-ҳикмат ва чиройли панд-насиҳат билан даъват қилинг! Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг!*“.

[16:125]

﴿قُلْ هَاتُوا بُرْهَانَكُمْ إِن كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

– „*(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатларингизни келтирингиз!»*“

[2:111]

Пайғамбар ﷺ Макка мушриклари билан, Нажрон насоролари билан, Мадина яҳудийлари билан мунозаралар қилганлар. Даъватчи эзгуликка чорлаб, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариб, адаштирувчи фикрларга қарши курашиб борар экан, қайси бир жойда мунозара услуби зарур бўлиб қолса, ўша жойда мунозара вожибга айланади. «Бир вожиб бир

нарсасиз амалга ошмаса, ўша нарсанинг ўзи ҳам вожиб бўлиб қолади» деган қоидага асосан шундай бўлади.

Шариатда қораланган мунозаралар ҳам бор. Масалан, Аллоҳ ва Унинг оятлари ҳақида мунозара қилиш куфрдир.

﴿وَهُمْ يُجَادِلُونَ فِي اللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ الْمِحَالِ﴾

– „У кимсаларни Аллоҳ хусусида талашиб-тортишиб турган ҳолларида урар. У (ушлаган вақтида) қаттиқ ушловчи Зотдир“, [13:13]

﴿مَا يُجَادِلُ فِي آيَاتِ اللَّهِ إِلَّا الَّذِينَ كَفَرُوا﴾

– „Аллоҳнинг оятлари ҳақида фақат кофир бўлган кимсаларгина талашиб-тортишурлар“, [40:4]

﴿الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِ اللَّهِ بِغَيْرِ سُلْطَانٍ أَتَاهُمْ كَبِيرٌ مَقْتًا عِنْدَ اللَّهِ وَعِنْدَ

الَّذِينَ آمَنُوا﴾

– „Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон ҳужжат-далилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар Аллоҳ наздида ҳам, иймон келтирган зотлар наздида ҳам катта нафратга дучор бўлурлар“, [40:35]

﴿وَيَعْلَمَ الَّذِينَ يُجَادِلُونَ فِي آيَاتِنَا مَا لَهُمْ مِنْ مَحِيصٍ﴾

– „(Токи) Бизнинг оятларимиз хусусида талашиб-тортишадиган кимсалар ўзлари учун (Аллоҳнинг азобидан) бирон қочиб қутуладиган жой йўқ эканлигини билиб олсинлар!“ [42:35]

Мунозарачиларнинг исбот этувчиси эмас, инкор қилувчиси кофирдир. Чунки инкор қилувчи ҳақиқатни рад этиш учун, исбот қилувчи эса ҳақиқатни рўёбга чиқариб, ботилни янчиш учун мунозара қилади.

﴿وَجَادِلُوا بِالْبَاطِلِ لِيُدْحِضُوا بِهِ الْحَقَّ﴾

– „... ботил (ҳужжатлар) билан талашиб-тортишиб, унинг ёрдамида Ҳақни енгмоқчи бўлган эдилар“, [40:5]

﴿مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًا بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ﴾

– „Улар (бу мисолни) сизга фақат талашиб-торишиш учунгина келтирдилар. Ахир улар хусуматчи-урушқоқ қавмдирлар“. [43:58]

Қуръонни мўъжиза эмас ёки Аллоҳ томонидан эмас, деб мунозара қилиш куфр. Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қилган марфуъ ҳадисда:

«جَدَالٌ فِي الْقُرْآنِ كُفْرٌ»

«**Қуръон ҳақида мунозара қилиш куфрдир**», дейилган. Ибн Муфлиҳ унинг исноди ишончли, деган. Аҳмад Шокир уни, саҳиҳ, деган. Мунозара макруҳ бўлиши ҳам мумкин. Кўриниб бўлган ҳақиқат хусусида мунозара қилиш каби.

﴿يُجَادِلُونَكَ فِي الْحَقِّ بَعْدَ مَا تَبَيَّنَ كَأَنَّمَا يُسَاقُونَ إِلَى الْمَوْتِ وَهُمْ يَنْظُرُونَ﴾

– „*(Ушанда) улар гўё кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек, сиз билан аниқ-равшан бўлган ҳақиқат (яъни, урушга чиқиш) тўғрисида баҳслашган эдилар*“.

[8:6]

Мунозара далил ёки шубҳа билан бўлади. Уларсиз мунозара шовқин солиш ва тартибсизликдан бошқа нарса эмас. Шубҳага ибн Ақил «Йўналишни ҳақиқат бўлмаса ҳам ҳақиқат суратида хаёллантириш шубҳадир», деган таърифни беради. Ибн Ҳазм шовқин солишни «Бир ёки бир неча масалаларни ноҳақликка олиб борадиган бузуқ, ботил ҳужжат билан, бўяб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, сафсатадир», деб таърифлайди. Ибн Ақил айтади: «Илм аҳлининг энг севимли йўли ҳужжат ёки шубҳа асосида гапиришдир. Шовқин солиш эса мунозара аҳлининг тартибсизлигидир». Шовқин солиш бу далил ёки шубҳасиз мунозара қилишдир, дейиш ҳам мумкин.

Мусулмон олимларнинг мунозара қонунлари ва одоблари хусусидаги тавсияларини қўйида айрим қўшимча билан келтирамиз.

- Аллоҳдан тақво қилишни биринчи навбатга қўйиш. Унга яқин бўлишни мақсад қилиш. Унинг буйруғини бажариб, розилигига эришишни умид қилиш.

- Рақибини ютиш, мот қилиш эмас, ҳақиқатни юзага чиқариш ва ноҳақлигини кўрсатиб беришни ният қилиш. Шофеий айтади: «Ким билан гаплашмай, ҳар доим унинг муваффақият қозонишини, тўғри бўлиб чиқишини, Аллоҳ томонидан унга ҳифзу ҳимоя бўлишини хоҳлаганман. Ким билан гаплашмай, ҳар доим Аллоҳ ҳақиқатни менинг

тилимдан баён қиладимиз, унинг тилидан баён қиладимиз, мен учун фарқи бўлмаган». Ибн Уқайл айтади: «Ҳақиқатни юзага чиқариш мақсад қилинмаган ҳар бир мунозара эгасининг ҳалокатидир».

- Фахрланиш, обрў топиш, нимагадир эришиш, талашиб-тортишиш ва риёни мақсад қилмаслик.

- Аллоҳ учун, Унинг дини учун, ўзининг рақиби учун насихатни ният қилиш. Чунки дин насихатдир.

- Аллоҳга ҳамду сано, Пайғамбарга раҳмат ва салом айтиш билан бошлаш.

- Аллоҳдан Ўзи рози бўладиган ишга муваффақ қилишини сўраш.

- Мунозарада йўли тўғри, кўриниши яхши бўлиши. Ибн Аббос رضي الله عنه ривоятда Пайғамбар صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«إِنَّ الْهَدْيَ الصَّالِحَ، وَالسَّمْتَ الصَّالِحَ، وَالْإِقْتِصَادَ، جُزْءٌ مِنْ خَمْسَةِ وَعِشْرِينَ جُزْءًا مِنَ النَّبُوَّةِ»

**«Тўғри йўл, яхши кўриниш ва ўртачалик пайғамбарликнинг йигирма беш қисмидан биридир».** Аҳмад, Абу Довуддан. Ибн Ҳажар «Фатҳ»да, унинг исноди ҳасан, деган. Ибн Масъуднинг мавқуф ҳадисиди келади:

«اعْلَمُوا أَنَّ حُسْنَ الْهَدْيِ، فِي آخِرِ الزَّمَانِ، خَيْرٌ مِنْ بَعْضِ الْعَمَلِ»

**«Билинглари (гапиришдаги) гўзал йўл охир замонда айрим амалдан яхшироқдир».** Ибн Ҳажар «Фатҳ»да, унинг санади саҳиҳ, деган.

- Гапни қисқа қилиш, енгил, ҳамма маънони ўзида жамлаган, балоғатли гапириш. Кўп гапириш издан чиқиш ва хатога олиб бориб қўйишнинг устига тингловчини малол ҳам олдириб қўяди.

- Рақиби билан ҳар иккиси мурожаат қиладиган аслга келишиб олиши керак. Бу нарса кофир билан мунозара қилинганда фақат ақлий бўлади. Мусулмон билан эса ақлий ҳам, нақлий ҳам бўлиши мумкин. Ақлий ишларга ақл мурожаат қилинадиган асл бўлиши мумкин, аммо шаръий ишларда бу асл фақатгина нақл бўла олади, холос. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

– „Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз“, [4:59] яъни Қуръон ва Суннатга.

• Кофир билан шариатнинг фарълари хусусида мунозара қилинмайди. Чунки у шариатнинг аслига иймон келтирмайди. У билан тўрт марта уйланиш, аёлнинг гувоҳлиги, жизя, мерослар, ароқнинг ҳаромлиги ва бошқа фаръий масалаларда тортишилмайди. У билан далиллари ақлий бўлган диннинг асллари борасидагина мунозара қилинади. Чунки мунозарадан мақсад ботилдан ҳаққа, залолатдан ҳидоятга олиб ўтишдир. Бу нарса эса уни куфрдан иймонга олиб ўтиш билангина амалга ошади. Шунингдек, насроний билан буддия ёки яҳудиянинг ноҳақлиги хусусида мунозара қилинмайди. Бу ва шунга ўхшаш мавзулардаги гаплар умуман мунозара ҳисобланмайди. Чунки насроний буддий ёки яҳудий эмаски, унинг ноҳақлигидан ҳаққа олиб ўтилса, у билан мунозара фақат унинг ўзининг ботил ақидаси хусусида бўлиб, ундан мақсад уни ақидага - Исломга олиб ўтиш бўлади. Шунинг учун ҳам келишган мавзуимизда гаплашамиз, ихтилоф қилган мавзуимизни тарк қиламиз, дейилмайди. Чунки биз мунозара қилишга буюрилганмиз. Мунозара эса фақат ихтилофли мавзулардагина бўлади. Насроний ёки капиталист мусулмон билан буддия ёки коммунизм ёки социализмнинг қабиҳ эканига иттифоқ қилишиб, шу атрофда гаплашсалар, бу гап мунозара ҳисобланмайди. Бу нарса мусулмоннинг гарданидаги мунозара йўли билан Исломга олиб ўтиш деган вожибни соқит қилмайди, оқламайди. Шунингдек, кофирлар билан келишган жойларимиз хусусида гаплашиб, ихтилофли жойларимизни қиёматга қўйиб қўямиз, ўшанда Аллоҳнинг Ўзи хоҳлаганича ҳукм қилади, ўртаимизни ажрим қилиб беради, деб ҳам айтилмайди. Чунки биз ихтилофли ишларда мунозара қилишга буюрилганмиз, уни қилмасак гуноҳкор бўламиз. Тўғри, дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳукм - ёлғиз Аллоҳники. Лекин биз Аллоҳнинг иши билан устимизга юклатилган вазифани аралаштириб юбормаслигимиз керак. Бундай қилиш масъулиятсиз кимсанинг ҳужжатидир, ҳужжати эмас, ҳеч бир далили ҳам, шубҳаси ҳам бўлмаган шовқин солишидир.



• Овозини олдидагилар эшитадиган даражадан юқори кўтармаслик. Рақибига қараб бақирмаслик. Ҳикоя қилинишича, Абдуссомад исмли Бану Ҳошимлик бир киши Маъмуннинг олдида гапириб, овозини кўтариб юборди. Шунда Маъмун: «Эй Абдуссомад, овозингни кўтарма. Тўғрилиқ қошиб гапиришда эмас, топиб гапиришдадир», деди.

• Рақибини менсимай, ерга урмаслик.

• Рақибнинг шовқинига сабр қилиб, унга нисбатан ҳалим бўлиш, унинг тойилишларини кечириш. Фақат агар у нодон бўлса, у билан мунозара қилишга чек қўйилади.

• Қизиққонлик ва зажр (бақариш)дан сақланиш. Ибн Сирин: «Қизиққонлик нодоннинг тахаллусидир», деган. Бу гапда мунозарадаги қизиққонлик назарда тутиляпти. Табароний ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисдаги Пайғамбар ﷺнинг:

«تَعْتَرِي الْحِدَّةُ خِيَارَ أُمَّتِي»

**«Умматимнинг энг яхшиларини қизиққонлик ўраб олади»**, деган гапларига келсак, ундаги ровийлардан бири Салом ибн Муслим Товил матрукдир. (Яъни унинг ҳадиси олинмайди, тарк қилинади). Яна Табароний Али ибн Абу Толибдан ривоят қилган ҳадисдаги Пайғамбар ﷺнинг:

«خِيَارَ أُمَّتِي أَحَدًا وَهُمْ الَّذِينَ إِذَا غَضِبُوا رَجَعُوا»

**«Умматимнинг энг яхшилари агар ғазаблансалар қайтадилар»**, деган гаплари ҳам бор. Бу ҳадиснинг ҳам ровийларидан бири Наъим ибн Солим ибн Қанбар каззобдир.

• Ўзидан кўра билимлироқ одам билан мунозара қилганда хато қилиясан, гапинг нотўғри, дейилмайди. Агар биров мана бундай деб қолсачи, эътироз билдирсачи, қабилида гапирилади. Ёки йўл сўрагандек қилиб, мана бундай дейилса, тўғри бўлаверадими, деб гапирилади.

• Рақиб келтираётган далилларни яхшилаб тушуниб олиш керак. Шунда уни рад қилиш имкони туғилади. У гапини тугатмай туриб, гапириб юбормаслик керак. Ибн Вахб Моликнинг, тушунмай туриб, жавоб беришдан фойда йўқ, рақибнинг сўзини бўлиб қўйиш одобдан эмас, деганини эшитганман, дейди. Агар рақибнинг ўзи уришқоқ, саркаш,

шаллақи бўлса, аслида, у билан мунозара қилмаган маъқул. Мунозара асносида унинг шундайлиги очилиб қолса, насиҳат қилинади. Олса олди, олмаса гаплашмай қўя қолинади.

- Юзини рақиби томонига қаратмоқ. Мунозарачини менсимасдан атрофдагиларга аланглаб турмаслик керак. Хоҳ у келишаётган бўлсин, хоҳ келишмаётган бўлсин. Агар рақибнинг ўзи шундай қилса, насиҳат қилинади. Тийилмаса мунозара тўхтатилади.

- Саркаш, ўзимники тўғри дейдиганлар билан мунозара қилинмайди. Чунки бундайлар бошқанинг гапини олмайдилар.

- Фазовий каналлар ва умумий мажлислар каби хавфли жойларда мунозара қилинмайди. Аммо агар динида мустаҳкам бўлиб, Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаса, қамалиш ёки ўлдирилиш деган нарсаларни бўйнига олиб қўйган бўлса, бемалол ҳақ гапни айтиб, мунозара қилаверади. Ўзидан қўрқса, амир ёки султоннинг олдида ҳам жим туриш маъқул. Агар ўзини Ҳамза билан бирга бўлишга тайёрлаб олган бўлса, гапиргани яхши. Чунки қўрққан одам дадил гапирмасдан, дин ва илмни айбли қилиб кўрсатиб қўйиши мумкин. Салафлардан Аҳмад, Молик кабиларнинг ва ҳозиргилардан Қаззофий суннатни инкор қилган пайтда у билан мунозаралар қилганларнинг тутган ўринларини бир эслайлик.

- Ёмон кўрадиган одами билан мунозара қилмасин. Ёмон кўриш у тарафиданми, рақиби тарафиданми, фарқи йўқ.

- Мажлисда рақибдан устун бўлишга интилмаслик.

- Рақибига маълум нарсаларда гапни чўзиб юбормаслик. Мунозара мавзуига халал бермайдиган қисқагина қилиб айтиб ўтиш.

- Илм ва илм аҳлини менсимайдиган одам билан ёки мунозара ва мунозарачиларни менсимайдиган нодонларнинг кўз олдида мунозара қилмаслик. Молик айтади: «Кишининг илмга итоат қилмайдиган одам олдида илмни гапириши илмни хорлашидир».

- Рақибининг тилидан чиққан ҳақ гапни олишдан бўйин товламаслик. Чунки ҳақиқатга қайтиш ботилдан довдираб

юришдан яхшироқдир. Шундай қилса, гапни эшитиб, унинг энг яхшисига эргашувчилар тоифасидан бўлади.

- Жавобни чалкаштирмаслик. Бу нарса саволга мутобиқ бўлмаган жавоб қайтариш билан бўлади. Масалан, сўровчи Саудия Ислом давлатими, деб сўраса, жавоб берувчи, у ердаги ҳукм Исломийдир, дейди. Мана шу жавоб чалкаштиришдир. Тўғри жавоб эса ҳа ё йўқ ёки билмайманларнинг бири бўлади.

- Аниқ кўриниб турган нарсани инкор қилмаслик. Бундай қилиш ўзни катта олишдир. Масалан, кофирларнинг мусулмонларга душманлигини инкор қилиш ёки мусулмонлар диёрларидаги мавжуд тузумлар Ислом билан ҳукм юритмайдиган куфр тузумлар эканини инкор қилиш.

- Умумий бир гапни гапириб, кейин унинг тафсилотига ўтганда унга зид гапни айтмаслик. Масалан, Америка Ислом ва мусулмонларга душман деб туриб, орқасидан Америка фаластинликларга давлатларини тиклаб олишларида ёрдам беряпти, чунки у адолат ва эркинлик тарафдори дейиш ёки Америка Ироққа уни диктаторликдан, зулмдан озод қилиш учун кирди, дейиш.

- Ҳар қандай масалада тўғри келиб қолса, ҳужжатини ташлашдан ийманмаслик. Масалан, хос ҳожат хос зарурат манзилатига тушади, деган қоидага биноан Фарбдаги уйларни судхўрлик билан сотиб олишга рухсат бериш, кейин эса озиқ-овқат, кийим, уйланиш каби бошқа ҳожатларга рухсат бермаслик, чунки уларга ҳам рухсат берса, кўп ҳаромга рухсат берган бўлиб қолишини айтиш каби. Агар ҳамма ҳожатларда ўзининг ҳужжати ва асосини ташламаса, ўзини ўзи синдирган бўлади.

**Одамларнинг бузганини ўнглайдиган  
ғарибларга жаннат бўлсин**

Муслим Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда  
Пайғамбар ﷺ:

«بَدَأَ الْإِسْلَامَ غَرِيْبًا وَسَيَعُوْدُ غَرِيْبًا فَطُوْبَىٰ لِلْغُرَبَاءِ»

**«Ислом ғариб бўлиб бошланди, яна ғариб бўлиб  
қайтади, ғарибларга жаннат бўлсин»**, деганлар.

Ғариблар қабилалардан ажралиб чиққанлардир. Дорамий,  
ибн Можа, ибн Абу Шайба, Баззор, Абу Яъло ва Аҳмадлар  
одамлари ишончли бўлган иснод билан Абдуллоҳ ибн  
Масъуддан ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيْبًا وَسَيَعُوْدُ غَرِيْبًا كَمَا بَدَأَ فَطُوْبَىٰ لِلْغُرَبَاءِ، قِيلَ وَمَنْ الْغُرَبَاءُ؟  
قَالَ التَّرَاغُ مِنَ الْقَبَائِلِ»

**«Ислом ғариб бўлиб бошланди, яна бошланганидек  
ғариб бўлиб қайтади, ғарибларга жаннат бўлсин»**,  
дедилар. «Ғариблар кимлар?», деб сўралди.  
**«Қабилалардан узилганлар»**, деб жавоб бердилар». Аҳмад «Лисон»да айтишича: «Нуззоул қабоилдан мурод қабилаларга қўшни бўлиб яшайдию лекин улар билан бирга бўлмаган ғариблардир. Нуззоъ кўплик лафзи, унинг бирлиги назийун, нозиун бўлиб, маъноси қариндош-уруғидан узилган, узоқ бўлган», дегани экан.

Ана ўша узилганлар, ғарибларнинг фазилатларидан:

**Одамлар бузилсалар, ўнглайдилар:** Амр ибн Авф ибн  
Зайд ибн Малаҳа Музаний رضي الله عنهнинг ривоятида Пайғамбар ﷺ  
шундай деганлар:

«إِنَّ الدِّينَ لَيَأْرُؤُ إِلَى الْحِجَازِ كَمَا تَأْرُؤُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا، وَيَعْقِلَنَّ الدِّينُ مِنَ  
الْحِجَازِ مَعْقِلَ الْأَرْوِيَّةِ مِنْ رَأْسِ الْجَبَلِ. إِنَّ الدِّينَ بَدَأَ غَرِيْبًا وَيَرْجِعُ غَرِيْبًا، فَطُوْبَىٰ  
لِلْغُرَبَاءِ الَّذِينَ يُصَلِّحُونَ مَا أَفْسَدَ النَّاسُ مِنْ بَعْدِي مِنْ سُنَّتِي»

**«Дин илон уясига қайтганидек, Ҳижозга қайтади.  
Дин тоғ эчкиси тоғнинг чўққисидан тушовланганидек,  
Ҳижоздан тушовланади. Дин ғариб бўлиб бошланди,  
яна ғариб бўлиб қайтади. Мендан кейин одамлар бузиб**

**юборган суннатимни ўнглайдиган ғарибларга жаннат бўлсин».** Абу Ийсо бу ҳасан ҳадис, деган. Ғариблар саҳобалар эмас. Чунки улар Муҳаммад ﷺнинг йўлларини одамлар бузиб юборганларидан кейин дунёга келадилар. Саҳобалар уни бузмаганлар. Уларнинг замонида бузилмаган. Саҳл ибн Саъд Соидий ﷺнинг ҳадисидида келади: «Пайғамбар ﷺ:

«بَدَأَ الْإِسْلَامَ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَنْ الْغُرَبَاءُ؟ قَالَ الَّذِينَ يُصْلِحُونَ عِنْدَ فَسَادِ النَّاسِ»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди, яна худди бошланганидек, ғариб бўлиб қайтади, ғарибларга жаннат бўлсин», дедилар. «Ғариблар кимлар, эй Расулуллоҳ?», деб сўрашди. «Одамлар бузилиб кетган пайтда ўнглайдиган кишилар», деб жавоб бердилар». Бу Табаронийнинг «Кабир»даги ривоятидир. «Авсад ва Сағир»да:

«يُصْلِحُونَ إِذَا فَسَدَ النَّاسُ»

«Одамлар бузилиб кетган пайтда ўнглайдилар», дейилган. Бу ердаги «пайтда» маъносини ифодалаётган «إِذَا» сўзи келаси замон учун ишлатилади. Шундан кўриниб турибдики, бузилиш саҳобалар асридан кейин юз беради. Бу ҳадис ҳақида Ҳайсамий уни Табароний «Саласа»да ривоят қилган ва унинг Бакр ибн Салимдан бошқа одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган. Бакр ибн Салим ҳам ишончли.

**Озчилик бўладилар:** Аҳмад ва Табароний Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилади:

«يَأْتِي قَوْمٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ نُورُهُمْ كَنُورِ الشَّمْسِ، قَالَ أَبُو بَكْرٍ: أَنْحُنْ هُمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: لَا وَلَكُمْ خَيْرٌ كَثِيرٌ وَلَكِنَّهُمْ الْفُقَرَاءُ الْمُهَاجِرُونَ الَّذِينَ يُحْشَرُونَ مِنْ أَفْطَارِ الْأَرْضِ، ثُمَّ قَالَ: طُوبَى لِلْغُرَبَاءِ، طُوبَى لِلْغُرَبَاءِ، قِيلَ وَمَنْ الْغُرَبَاءُ؟ قَالَ: نَاسٌ صَالِحُونَ قَلِيلٌ فِي نَاسٍ سَوْءٍ كَثِيرٍ مَنْ يَعَصِيهِمْ أَكْثَرُ مِمَّنْ يُطِيعُهُمْ»

«Бир куни Пайғамбар ﷺнинг олдиларида эдим, қуёш чиқди. Шунда у киши: «Қиёмат кунида шундай қавм

келадики, уларнинг нури қуёшнинг нуридек бўлади», дедилар. Абу Бакр: «Ушлар бизми, эй Расулуллоҳ?», деб сўради. «Йўқ, сизларнинг ҳам кўп яхшилигингиз бор. Лекин улар ернинг турли ўлкаларидан йиғилган муҳожир фақирлардир» деб, орқасидан: «Ғарибларга жаннат бўлсин, ғарибларга жаннат бўлсин», дедилар. «Ғариблар кимлар?», деб сўраган эдилар: «Уларга итоат қиладиганларидан кўра исён қиладиганлари кўпроқ бўлган кўпчилик ёмон одамлар орасидаги озчилик яхши одамлардир», деб жавоб бердилар, **Пайгамбар ﷺ**. Ҳайсамий «Кабир»да унинг ўз санадлари бор, улардан бирининг одамлари саҳиҳнинг одамларидир, деган. Бир нарсадан огоҳ бўлиш лозимки, ғарибларнинг фазли саҳобаларникидан юқори бўлмайди. Ғариблар саҳобалардан афзал эмаслар. Айрим саҳобалар саҳобаликдан ташқари фазилатларга ҳам эга бўлганлари билан, барибир Абу Бакрдан афзал эмаслар. Увайс Қараний ҳам ўзига хос фазилатга эга бўлгани билан, барибир саҳобалардан афзал эмас. Чунки у тобиинлардан. Ғариблар ҳам шундай.

**Оддий халқдан, авомдан чиққан одамлар:** Ҳоким «Мустадрок»да ибн Умар رضي الله عنهдан ривоят қилган ҳадисда келади: «Пайгамбар ﷺ:

«إِنَّ لِلَّهِ عِبَادًا لَيْسُوا بِأَنْبِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ يَغْطِئُهُمُ الشُّهْدَاءُ وَالشُّبُونُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَقُرْبِهِمْ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى وَمَجْلِسِهِمْ مِنْهُ، فَجَنَّا أَعْرَابِيٌّ عَلَى رُكْبَتَيْهِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ صَفْهُمْ لَنَا وَحَلِّهِمْ لَنَا قَالَ: قَوْمٌ مِنْ أَفْنَاءِ النَّاسِ وَتُرَاعِ الْقَبَائِلِ، تَصَادَقُوا فِي اللَّهِ وَتَحَابُّوا فِيهِ، يَضَعُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ لَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنَابِرَ مِنْ نُورٍ، يَخَافُ النَّاسُ وَلَا يَخَافُونَ، هُمْ أَوْلِيَاءُ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ الَّذِينَ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ»

«Аллоҳнинг шундай бандлари борки, улар пайгамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам эмаслар, ammo уларга қиёмат кунда Аллоҳ Таолога яқин бўлганлари ва яқин ўтирганларини кўриб, шаҳидлар ҳам, пайгамбарлар ҳам ҳавас қиладилар», дедилар. Бир аъробий тиззасига тик бўлиб олиб: «Эй Расулуллоҳ, уларни бизга сифатлаб, тушунтириб беринг», деди. Айтдиларки: «Улар оддий халқдан чиққан,

қабилалардан узилган, Худо йулида дўст булиб, Худо йулида бир-бирларини ёқтирган одамлардир, қиёмат кунида Улуғ ва Буюк Аллоҳ улар учун нурдан ясалган минбарлар қўйиб беради. Одамлар қўрққанларида ҳам улар қўрқмайдилар. Улар Аллоҳнинг дўстларидирки, уларга ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар хафа ҳам булмайдилар». Ҳоким, унинг исноди саҳиҳ, дейди, аммо икки шайх уни чиқармаган. Аҳмад Абу Молик Ашъарий رحمتهдан қилган ривоятда:

«هُم نَاسٌ مِنْ أَفْنَاءِ النَّاسِ وَتَوَازِعِ الْقَبَائِلِ»

«Улар оддий халқдан чиққан, қабилалардан узилган одамлардир», деб келади. Табароний «Кабир»да эса:

«مِنْ بُلْدَانِ شَتَّى»

«Турли хил ўлкалардан», деб келади.

**Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан бир-бирларини яхши кўрадилар:** Яъни Муҳаммад ﷺнинг шариати билан. Уларни боғлаб турган робита насаб, қариндошчилик, дунёвий манфаат эмас, фақатгина исломий ақидадир. Абу Довуд одамлари ишончли бўлган иснод билан Умар ибн Хаттобдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ لَأُنَاسًا مَا هُمْ بِأَنْبِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ يَغْبِطُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ وَالشُّهَدَاءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِمَكَانِهِمْ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ تُخْبِرُنَا مَنْ هُمْ قَالَ هُمْ قَوْمٌ تَحَابُّوا بِرُوحِ اللَّهِ عَلَى غَيْرِ أَرْحَامٍ بَيْنَهُمْ وَلَا أَمْوَالٍ يَتَعَاطَوْنَهَا، فَوَاللَّهِ إِنْ وُجِّهَهُمْ لَنُورٌ وَإِنَّهُمْ عَلَى نُورٍ، لَا يَخَافُونَ إِذَا خَافَ النَّاسُ، وَلَا يَحْزَنُونَ إِذَا حَزَنَ النَّاسُ وَقَرَأَ هَذِهِ الْآيَةَ: ﴿أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ﴾»

«Аллоҳнинг бандаларидан шундай одамлар борки, улар пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам эмаслар, лекин қиёмат кунида уларга пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам Аллоҳ Таолога яқинликларини кўриб, ҳавас қиладилар», дедилар. «Эй Расулуллоҳ, уларнинг кимлигини айтиб беринг», дейишди. Айтдиларки: «Улар ўрталарида ҳеч қандай қариндошчилик ва олди-берди қилинадиган мол-давлат бўлмаса ҳам,

Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан бир-бирларини яхши кўрадилар. Аллоҳга қасамки, уларнинг юзлари нур бўлур, ўзлари нур устида бўлурлар, одамлар қўрққанда ҳам улар қўрқмайдилар, одамлар хафа бўлганларида ҳам улар хафа бўлмайдилар», деб Аллоҳ Таолонинг: «Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар» [10:62], деган оятини уқидилар». Уқоридаги Ҳоким ибн Умардан қилган ривоятда:

«تَصَادَقُوا فِي اللَّهِ وَتَحَابُّوا فِيهِ»

«Худо йулида дўст бўладилар, Худо йулида бир-бирларини яхши кўрадилар» дейилган. Аҳмаднинг Абу Молик Ашъарийдан қилган ривоятда эса:

«لَمْ تَصِلْ بَيْنَهُمْ أَرْحَامٌ مُتَقَارِبَةٌ تَحَابُّوا فِي اللَّهِ وَتَصَافَرُوا»

«Ўрталарида ҳеч қандай қариндошлик бўлмаса ҳам, Худо йулида бир-бирларини яхши кўрадилар», дейилган. Табароний Абу Моликдан қилган ривоятда эса:

«لَمْ يَكُنْ بَيْنَهُمْ أَرْحَامٌ يَتَوَاصَلُونَ بِهَا لِلَّهِ، لَا دُنْيَا يَتَبَادَلُونَ بِهَا، يَتَحَابُّونَ بِرَوْحِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«Уларнинг ўрталарида Худо учун борди-келди қиладиган қариндошлик ҳам, бир-бирларига сарфлайдиган мол-дунё ҳам бўлмаган, Улуғ ва Буюк Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан бир-бирларини яхши кўрганлар», дейилган. Табаронийдаги Амр ибн Абасанинг ҳадисида Пайғамбар ﷺ:

«... هُمْ جُمَاعٌ مِنْ نَوَازِعِ الْقَبَائِلِ يَجْتَمِعُونَ عَلَى ذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى فَيَتْتَفُونَ أَطَائِبَ الْكَلَامِ كَمَا يَتْتَقِي أَكْلَ الشَّمْرِ أَطَائِبُهُ»

«... Улар қабилалардан узилган бирлаштирувчилар-дирки, Аллоҳ Таолони зикр қилиш асосида бирлашадилар ва мева еяётган одам яхшиларини танлаб олганидек, гапнинг яхшиларини танлаб оладилар», деганлар. Бу ҳадиснинг исноди хусусида Ҳайсамий, одамлари ишончли, деган. Мунзирий Мақориб ҳам ишончли, деган. Аллоҳни зикр қилиш асосида



бирлашиш дегани Аллоҳни зикр қилиш учун жамланишдан бошқа. Биринчи маънода қаерда бўлмасинлар, бирга ё бошқа-бошқа, уларни бир робита яъни Аллоҳни зикр қилиш робитаси боғлаб туради. Кейинги маънода эса зикр учун тўпланиш бўлиб, йиғин тугаши билан бирлик ҳам тугайди. Табаронийда Ҳайсамий ва Мунзирий ҳасан, деб билган иснод билан Абу Дардодан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

«... هُمْ الْمُتَحَابُّونَ فِي اللَّهِ مِنْ قِبَائِلِ شَتَّى وَبِلَادِ شَتَّى يَجْتَمِعُونَ عَلَى ذِكْرِ اللَّهِ»

«... Улар ҳар хил қабилалар ва ҳар хил ўлкалардан бўлган, Худо учун бир-бирларини яхши кўрадиган кишилар бўлиб, Аллоҳнинг зикри асосида бирлашадилар».

**Шаҳид бўлмасдан шу мартабага эришадилар:** Чунки шаҳидлар ҳам уларни ҳавас қиладилар. Бу дегани юқорида айтиб ўтганимиздек, улар пайғамбарлар ва шаҳидлардан ҳам афзал дегани эмас. Ушалар ҳам ҳавас қиладиган фазлга эгадирлар, деганидир. Табароний «Кабир»да, Ҳайсамий, ҳасан, одамлари ишончли, деб билган иснод билан Абу Моликдан ривоят қилади: Пайғамбар ﷺнинг олдиларида эдим.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَسْأَلُوا عَنْ أَشْيَاءَ إِنْ تُبَدَ لَكُمْ تَسْؤُكُمْ﴾

– „Эй мўминлар, (Аллоҳ сизлардан кечиб юборган), очилганда сизларни хафа қиладиган нарсалар ҳақида сўраманглар!“ [5:101]

ояти нозил бўлди. Биз у кишидан сўрадик. У киши:

﴿إِنَّ لِلَّهِ عِبَادًا لَيْسُوا بِأَنْبِيَاءَ وَلَا شُهَدَاءَ يَغِيظُهُمُ النَّبِيُّونَ وَالشُّهَدَاءُ بِقُرْبِهِمْ مِنَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ﴾

«Аллоҳнинг шундай бандалари борки, улар пайғамбарлар ҳам, шаҳидлар ҳам эмаслар, аммо қиёмат кунида Улуғ ва Буюк Аллоҳга яқин бўлганларини ва Аллоҳ олдидаги мартабаларини кўриб, уларга пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳам ҳавас қиладилар», дедилар. Бир чеккада аъробий тиззаларига тик бўлиб, қўлларига таяниб: «Эй Расулulloҳ, улар кимлар

эканини айтиб беринг», деди. Қарасам, Пайғамбар ﷺнинг юзлари ёришиб кетди.

«عِبَادَ مَنْ عِبَادَ اللَّهِ، مِنْ بُلْدَانِ شَتَّى، وَقِبَائِلٍ مِنْ شُعُوبِ أَرْحَامِ الْقَبَائِلِ، لَمْ يَكُنْ يَبِينُهُمْ أَرْحَامٌ يَتَوَاصَلُونَ بِهَا لِلَّهِ، لَا دُنْيَا يَتَبَادَلُونَ بِهَا، يَتَحَابُّونَ بِرُوحِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، يَجْعَلُ اللَّهُ وُجُوهُهُمْ نُورًا، يَجْعَلُ لَهُمْ مَنَابِرَ قُدَّامَ الرَّحْمَنِ تَعَالَى، يَفْزَعُ النَّاسُ وَلَا يَفْزَعُونَ، وَيَخَافُ النَّاسُ وَلَا يَخَافُونَ»

«Улар - дедилар Пайғамбар ﷺ - ҳар хил ўлкалар, қабилалар, уруғлардан бўлган Аллоҳнинг шундай бандаларидирки, урталарида Аллоҳ учун борди-келди қилинадиган қариндошчилик бўлмаса ҳам, бир-бирларига сарфлайдиган мол-дунё бўлмаса ҳам, Улуғ ва Буюк Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан бир-бирларини яхши кўрадилар. Аллоҳ уларнинг юзларини нур қилади, Раҳмон Таолонинг олди тарафидан уларга минбарлар қилиб беради, одамлар қўрққанида ҳам улар қўрқмайдилар, одамлар даҳшатга тушганида ҳам улар тушмайдилар». Ҳамма ривоятлар уларнинг пайғамбар ҳам, шаҳид ҳам бўлмай туриб, шу мартабага эришганларини кўрсатиб турибди.

Уларнинг айрим фазилатлари мана шулар. Уларнинг Аллоҳ наздидаги манзилатлари хусусида эса ҳадислар ўтди. Такрорлашга ҳожат йўқ. Ким уларни тадаббур қилса, Раҳмон Таолонинг олди томонидан бир минбарга эришиш учун шошилишга муносиб бўлиб қолади. Шоядки, Аллоҳ Субҳонаҳу унинг ғариблигига раҳм айлаб, орзусини рўёбга чиқарса!

Охирги сўзимиз - Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин.



